

658
ШІ ЧР

Тони Шей

Бахт
етказиш

Миллиард долларлик
интернет дүкөн тарихи

ZapposTM
.com
POWERED by SERVICETM

УЎК 334.72.012.32(73)(092)
КБК 65.290-2
Ш 41

Шей, Тони.

Бахт етказиш [матн]: амалий кўлланма / Тони Шей.
Таржимонлар: Ҳикматжон Толибжонов, Сурайё Мажидова,
Шухрат Алиқўзиев, Жасурбек Тўлқинов – Тошкент:
«NIHOL» нашриёти, 2020, 298 бет.

ISBN 978-9943-23-168-9

*«Asaxiy Books» лойиҳаси доирасида таржисима
қилинди ва чоп этилди*

«Zappos» онлайн савдо компанияси «Fortune» журнали 2009 йилда эълон килган «Ишлаш учун энг яхши компаниялар» рўйхатидаги дебютини юқори рейтинг билан бошлади. Худди шу йили уни «Amazon» 1,2 миллиард доллардан ортиққа сотиб олди.

«Бахт улашиш» китобида «Zappos» Бош ижрочи директори ва асосчиларидан бири Тони Шей ўзининг бизнесдаги фаолиятини қандай килиб чувалчанг фермасидан бошлаб, пицца бизнеси, «LinkExchange» ва «Zappos»гача олиб келгани бу борада орттирган тажрибасини ўкувчилар билан ўртоқлашади. Бир нафасда ўқиб чиқиладиган ушбу китоб корпоратив маданият муваффакият қалити эканлиги, атрофингиздаги инсонларга бахт улашиш орқали янада бахтилорқ бўлишингиз мумкинлигини кўрсатади.

Йўлни билиш ва бу йўлдан юриш
ўртасида фарқ бор

М о р ф е у с « М а т р и ц а »

Сұзбөши

Хаётимнинг катта кисмини тадбиркорлик билан ўтказдим. Менимча, бу янги-янги лойихалар тузишдан, хаётим мобайнида ўрганган сабокларимни амалда құллашдан, тажрибада синаб күришдан ва яратувчанлиқдан доимо ҳузурланғаним оқибати бўлса керак.

1996 йил «LinkExchange»нинг асосчиларидан бири бўлдим, кейинчалик – 1998 йилда уни «Microsoft»га 265 миллион долларга сотдим.

1999 йилда маслаҳатчи ва инвестор сифатида «Zappos» билан иш бошладим ва охир-оқибат бош ижрочи директор даражасига күтарилидим. Биз компанияни 1999 йилдаги танг ҳолатидан йиллик ялпи савдосини 1 миллиард доллардан ошикроқ микдорга олиб чиқдик.

2009 йилда «Amazon» компанияси «Zappos»ни 1,2 миллиард доллардан ортиққа сотиб олди.

Ташқаридаги одамга иккала компания ҳам бир кечада муваффакиятга эришгандек түйилиши мумкин. Лекин биз бунга қадар қўплаб хатоларга йўл қўйдик ва сабоқлар чиқардик. Аслида, ҳаётий фалсафам ва ёндашувларимнинг аксарияти ўсиб бораётган тажрибам натижасида шаклланган.

Бундан ташқари, мен доимо китоб ўқишига иштиёқ-

манд бўлганман. «Zappos»да ходимларимизнинг шахсий ва касбий жиҳатдан ўсишларига ёрдам бериши учун уларга кутубхонамиздаги китобларни ўқиши тавсия қиласадик. Бизнинг фикрларимизга таъсир ўтказган ва ҳозирги ҳолатимизга етиб келишимизга кўмак берган китоблар кўп.

Мен йўл қўйган хатоларни такрорламасликлари, одамларга қўлланма бўлиши учун ушбу китобни ёзишга карор қилдим. Умид қиласанки, бу китоб одатдаги ёндашувдан воз кечиб, муваффакият сари ўз йўлини яратишни хоҳлайдиган тадбиркорлар ва улар йўлга қўйган бизнес учун рухлантирувчи омил бўлиб хизмат қиласди.

Китоб қандай тузилган?

Кўлингиздаги ушбу китоб уч қисмдан иборат.

Биринчи қисм «Фойда» деб номланади ва у кўпроқ ўсиб-улғайишим ва охир-оқибат «Zappos» томон йўл топишим ҳақидаги ҳикоялардан иборат. Ҳикояларнинг баъзилари тадбиркор сифатидаги дастлабки саргузаштларим ҳақида бўлса, бошқалари кутилаётган нарсаларга қарши исёнкор ва саркаш менинг ёшлик даврим ҳақидадир.

Иккинчи қисм – «Фойда ва иштиёқ». Кўпроқ бизнесга йўналтирилган бўлиб, биз «Zappos»да ишонган ва амал килган кўплаб муҳим фалсафаларни қамраб олади. Бундан ташқари, ҳозирги кунгача фойдаланилаётган баъзи бир интернет ҳужжатлари ва электрон хатларни ҳам сиз билан баҳам кўраман.

Учинчи қисм «Фойда, иштиёқ ва мақсад» деб номланади. У «Zappos»да кейинги боскичда қўйилган қадамларимиз ҳақидаги қарашларимизни акс эттиради. Умид қиласанки, бу сизни ҳам қизиқтиради.

Ушбу китоб «Zappos» ёки ўзим алоқадор аввалги бизнесларнинг кенг қамровли умумий тарихини қамраб олади. Шунингдек, унинг тўлиқ автобиография бўлиши ҳам кўзда тутилмаган. Шундай экан, муваффакиятимга

хисса кўшган ёки унда муҳим роль ўйнаган ҳамма одамларни эслатиб ўтирадим. (Агар шундай килганимда, ўкувчига эслаб қолиш учун жуда кўплаб исмларни келтирган бўлардим.) Асосий мақсадим бизнесда ва ҳаётимда бахтга эришиш йўлини қандай кашф этганимни ифодалаб беришдир.

Нихоят, китобни ўқиганинг сари баъзи бир гаплар инглиз тили грамматикасига мос тушмаслигини пайкашингиз мумкин. Айрим қисмларда учинчи кишининг хиссасини хисобга олмаса, китобни ёлланма ёзувчи ёрдамисиз ёздим. Мен профессионал ёзувчи эмасман ва кўп ҳолларда атайн юқори синфдаги инглиз тили ўқитувчиларимни уялтириши мумкин бўлган усулда ёзган бўлишим мумкин. Масалан, гапларни предлоглар билан якунлаш. Мен буни қисман одатдаги нутқимни ёзувда акс эттириш ва қисман юқори синфдаги инглиз тили ўқитувчиларимнинг жиғига тегиш учун қилдим. (Уларни қаттиқ қадрлайман.)

Гарчи профессионал ёзувчининг ёрдамидан фойдаланмаган бўлсам-да, жуда кўп инсонлар ўзининг фикр-мулоҳазалари, таклифлари ва қўллаб-қувватлаши билан менга кўмак берди. Ҳаммасидан иштироки учун миннатдорман. Китобга ўз хиссасини кўшганларнинг номини келтириб ўтгудек бўлсам, эҳтимол, жой етмай қолиши мумкин. Лекин қадрдон дўстим ва акл манбайим Женн Лимга алоҳида раҳмат айтмоқчиман. Бутун бошли китобнинг ёзилиш жараёнида у лойиҳа менежери ва ташкилотчи сифатида ишлади. Китобнинг ғоясидан тортиб унинг ёзиб тугалланишига қадар катта ёрдам берди. Шунингдек, у учинчи томон тақдим қилган маълумотларни тўплаб, уларни таҳрир қилди. Уларнинг баъзилари ушбу китобдан ўрин олган. Колган кўпчилик қисмини www.deliveringhappinessbook.com сайти орқали ўқишингиз мумкин.

Кириш

Үз йүлимни топиш

«Ажабо», – ўзимча ўйладим.

Хона гавжум эди. Мен компаниянинг умумий йиғилишида, саҳнада «Zappos»нинг етти юздан ортиқ ходимлариға тикилиб турардим. Улар шўх-шодон қарсак чалаётган эди. Кўпчилигининг қўзларидан қувонч қўз ёшлари томаётган эди.

«Amazon» бизни сотиб олаётгани ҳақидаги хабарни кирқ саккиз соат аввал бутун дунёга эълон қилдик. Бошқалар бунинг ҳаммасини пул билан боғлиқ масала деб ўйлади. Матбуот сарлавҳаларида ««Amazon» «Zappos»ни, тахминан, 1 миллиард долларга сотиб олади», ««Amazon» тарихидаги энг катта савдо», ««Zappos» савдосидан кимлар нималарга эришди?» каби сўзларни ўқиши мумкин эди.

1998 йилнинг ноябрида асосчиларидан бири мен бўлган компания – «LinkExchange» икки ярим йил деганда «Microsoft»га 256 миллионга сотилди. Айни пайтда 2009 йилнинг июль ойида «Zappos»нинг бош ижрочи директори сифатида «Amazon» «Zappos»ни қўлга киритгани ҳақидаги хабарни эндиғина эълон қилган эдим.

Бу воқеа компаниянинг роппа-роса 10 йиллик юбилейидан сўнг юз берди. (Савдо бир неча ойдан сўнг акциялар ва касса операцияларида расман ёпилди, акциялар ёпилиш кунида 1,2 миллиард долларга баҳоланди.) Юқоридаги иккала сценарийда ҳам битимлар бир-бирига ўхшаш эди: Иккаласи ҳам йилига 100 миллиондан ишлаб бераётган эди. Ташқаридан караганда, тарих кенг миқёсда ўзини такрорлаётгандай кўринарди.

Ҳеч нарса ҳакиқатдан устун бўла олмайди.

Хонадаги барчамиз бу шунчаки пул масаласи эмаслигини билардик. Биргаликда биз фойда, иштиёқ ва мақсадни ўзида жам қилган бизнес барпо килган эдик. Бу шунчаки бизнес йўлга қўйиш масаласи эмаслигини ҳам билар эдик. Бу ҳаммага, жумладан, ўзимизга ҳам баҳт олиб келадиган ҳаёт тарзини барпо этиш масаласи эди.

Ўша онда саҳнада вақт тўхтаб қолгандек эди. Хонадаги барчанинг билдираётган хиссиётлари жам бўлиб, менга ўн йилча аввал биринчи марта рақс кечасида иштирок этган пайтимни эсга солди. У ерда минглаб одамлар биргаликда рақс тушиб, бир-биридан кувват олаётганига гувоҳ бўлган эдим. Ўша пайт рақс жамоаси ўзининг тўртта туб қадриятлари асосида бирлашган эди: **Тинчлик, севги, бирлик, хурмат.**

Биз «Zappos»да ҳамжиҳатлик билан ўзимизнинг ўнта асосий қадриятларимизни ишлаб чиқдик. Ушбу қадриятлар бизни биргаликда жамулжам қилиб, ҳозирги кунгача етаклаб келган йўлнинг асосий қисми хисобланади.

Жамоага қараб пайқадимки, ҳар бир киши бу ерга етиб келиш учун турли хил йўлни танлаган, лекин йўлларимиз айни дамда ва шу ерда кесишган эди. Яна шуни сездимки, мени бу ергача олиб келган ушбу йўл «Zappos»дан ҳам, «LinkExchange»дан ҳам анча аввал бошланган эди. Мен ўзим алоқадор бўлган турли хил бизнес лойиҳалари, ҳаётимда учраган ҳамма инсонлар,

кечирган саргузаштларим хакида ўйладим. Қилған ҳар бир хатойим ва улардан олган ҳар битта сабокни хаёлимдан ўтказдим. Талабалик даврларим, мактабдаги ўқувчилик чоғларимни эслай бошладим.

Хонадаги ҳар бир кўз менга тикилиб турган бир пайтда мен ўз йўлим қаердан бошланганини аниқлашга тиришардим. Хаёлимда жавобни излаб, вакт бўйлаб ортга саёҳат қиласардим. Бутун ҳаётим кўз олдимда намоён бўлаётган эди. Мен унга аниқлик киритиш билан банд эдим ва бу ишни айни дамда хонадагиларнинг ҳиссиётлари энергияси тарқалишидан аввал вакт ҳаракатсиз турган пайтда қилишим кераклигини билардим. Лекин нима учунлигини билмас эдим. Мен шунчаки ўз йўлим қаердан бошланганини аниқлашим зарурлигини билардим.

Шундан сўнг шундоқкина хаёлотдан реалликка қайтишдан ва вакт ҳаракатга келишидан аввал мен уни аниқладим.

Менинг йўлимчувалчанг фермасидан бошланган эди.

01
ФОЙДА

ФОЙДА ИЗЛАБ

Чувалчанг фермаси

Бошида сени менсимайдилар, кейин сенинг
устингдан куладилар, кейин сен билан курашадилар,
сўнг сен ғалаба қозонасан.

- *Махатма Ганди*

Ишончим комилки, тўққиз ёшимда Ганди менинг ким бўлганимни билмас эди. Мен хам унинг ким эканлиги ҳакида бирор тушунчага эга эмасдим. Лекин Ганди менинг карашларим, чувалчанг кўпайтириб, уларни катта ҳажмда сотиб, кўп пул ишлаш ҳақидаги болалик орзуларимни билганида эди, балки юқоридаги гапни айтиб, дунёдаги илғор чувалчанг сотувчи бўлишга мени илҳомлантирган бўлар эди.

Афсуски, Ганди ўзининг доно маслаҳати ва донишмандлигини таклиф қилгани уйимиз олдида тўхтаб ўтмади. Туғилган кунимда ота-онамга уйимиздан бир соатлик йўл шимолга – Сономага олиб боришлирини хоҳлашимни айтдим. Ўша пайтда у ер мамлакатнинг биринчи даражали чувалчанг етиштирувчи ҳудуди эди. Мен уларнинг энг катта рақобатчисига айланишимни ҳали билишмасди.

Ота-онам ичида камида юзта чувалчанг бўлган бир кути лойга 33 доллару 45 цент тўлади. Бир китобда агар чувалчангни иккига бўлиб ташласа, иккала қисми ҳам алоҳида яшаб кетиши ҳақида ўқиганман. Бу жуда ажойиб ғоя, лекин жуда кўп меҳнат талаб қиласидандай туйилди. Шунинг учун мен бунинг ўрнига яхширок ғоя ўйлаб топдим: Ҳовлида тагида тўр қафас бўлган кумли ўйингоҳга ўхшаш чувалчанг кутиси куришга қарор килдим. Кум ўрнига уни лой билан тўлдирдим ва эркин ўрмалаши, митти чувалчангларни дунёга келтириши учун юздан зиёд чувалчангни сочиб юбордим.

Ҳар куни бир нечта хом тухум сариғини олиб, чувалчанг фермаси устига ташлардим. Бу иш чувалчангларни тезроқ урчишига ишончим комил эди. Чунки баъзи профессионал атлетлар нонуштага хом тухум ютиши ҳақида эшитган эдим. Чувалчанг сотиш мен орзу қиласидай бойлик келтирмаслигига ота-онамнинг ишончи комил эди, шундай бўлса ҳам, улар менга чувалчангларни ҳар куни хом тухум сариғи билан боқишимга рухсат берди. Менимча, улар тухум сариғида холестерин миқдори кўп бўлгани учунгина бунга рухсат берган. Агар чувалчанглар тухум сариғини еяётган бўлса, бу укаларим ва менинг холестерин миқдори оз бўлган тухумнинг факат оқини истеъмол қилаётганимизни англатарди. Ойим доим холестерин миқдорини оширадиган нарсаларни истеъмол қиласлигимизни назорат қилиб турарди. Менимча, у маҳаллий янгиликларда холестерин ҳақида нимадир ўқиган ва бу уни ваҳимага солган бўлса керак.

Ўттиз кун чувалчангларни хом тухум сариғи билан озиқлантиргач, улардаги ўсишни текшириб кўришга қарор килдим. Шунинг учун лойни кавлаб митти чувалчанглар туғилган ёки туғилмаганини текширдим. Афсуски, бирорта чувалчанг боласига кўзим тушмади. Бундан ҳам ёмони шуки, бирорта катта чувалчанг ҳам топа олмадим. Чувалчанг қутидаги ҳамма лойни титкилаб чиқиш учун

бир соат вақтим кетди. Умуманчувалчанг қолмаган эди. Улар кути тагидаги түр қафасдан ўтиб, қочиб қолишган кўринади. Ёки тухум сарикларига келган қушлар уларни еб кетгандир.

Менинг кенгайиб бораётган чувалчанг империямнинг куни битди. Ота-онамга чувалчанг кўпайтириш зерикарли иш эканлигини айтдим, аслида бу муваффакиятсизликдан ўзимни ёмон хис қилаётгандим. Агар Томас Эдисон тирик бўлганда ёнимга келиб, ўзининг муваффакиятсизлик ҳакидаги қарашлари билан мени қўллаб-кувватлаган бўларди:

Муваффакият томон йўлим муваффакиятсизликдан иборат бўлди.

- *Томас Эдисон*

У ҳам бошқа ишлар билан овора бўлгани учунми, Гандига ўхшаб уйимга кириб ўтмади. Эҳтимол, иккаласи ўзаро сафсата сотиш билан банд бўлгандир.

Улғайиш

Отам ва онам Иллинойс университетида магистратурада ўқиши учун Тайвандан Америка Кўшма Штатларига кўчиб келишган ва шу ерда турмуш қуришган. Гарчи Иллинойсда туғилган бўлсам-да, ҳаётимнинг ўша давридан хотирамда қолгани уч ярим метр баландликдаги тахтадан пастга сакраганим ва тиллақўнғиз тутганим эди. Дастребки хотираларни тиклаш қийин бўлади, бироқ бу иккаласи аслида иккита алоҳида хотира эканига ишончим комил. Чунки икки ёшимда хавода тиллақўнғиз ушлай олишимга кўзим етмайди.

Беш ёшга тўлганимда отам Калифорнияда ишга жойлашди, шунинг учун ҳаммамиз Сан-Франциско шимоли, «Олтин дарвоза» кўпригининг шундоққина каршисига, Мэрин округига кўчиб ўтдик. Бизнинг уйимиз «Skywalker Ranch»дан, тахминан, йигирма дақиқалик йўл

эди. У ерда Жорж Лукас яшаб, ўз кино бизнесини ташкил килган (машхур «Юлдузлар жангы» фильмі режиссёри).

Ота-онам ўзига хос осиё-америкалик ота-оналардан хисобланарди. Дадам «Chevron»да кимё мұхандиси ва онам жамоат хизматчиси эди. Улар мен ва иккі укамдан ўқиши бобида катта натижалар кутишарди. Укам Энди мендан иккі ёш кичик эди. Калифорнияга кү奇б үтганимиздан түрт йил ўтиб, кичкина укам Дэвид дунёга келганди.

Мәрин округида осиёлик оиласылар күп эмасди, шундай бўлса ҳам, ота-онам уларнинг ўнтасини ҳам топишга муваффак бўлишди. Биз улар билан мунтазам йиғилиб ўтирадик – ота-оналар ва болалар барчамиз биргалиқда кечки овқат тановул килардик ва ундан сўнг чақчаклашардик. Болалар телевизор томоша килар, катталар алоҳида хонада сухбатлашишар ва фарзандларининг ютуклари ҳақида бир-бирига мақтанишар эди. Бу шунчаки Осиё маданиятининг бир қисми хисобланарди: Фарзандларнинг эришган ютуклари аксарият ота-оналарнинг муваффакиятларини ва статусини белгиловчи рамз хисобланарди. Биз фарзандлар зўр хисоб қайдномаси эдик.

Осиёлик ота-оналар учун аҳамиятта эга уч тоифа ютуклар мавжуд эди:

Биринчи тоифа – академик ютуклар: Яхши баҳога ўқиши, ҳар қандай мукофот ёки жамоат эътирофи, SAT имтиҳонидан яхши балл олиш ёки мактабнинг математика жамоасига аъзо бўлиш кабилар шу тоифа таркибиға киради.

Иккинчи тоифа – мансабга оид ютуклар: Яхши шифокор бўлиш ёки фан доктори даражасига эришиш Энг зўр ютуқ эди, чунки иккала ҳолат ҳам сизнинг «жаноб Шей»дан «доктор Шей»га ўзгаришингизни англатарди.

Учинчи тоифа – уста чолғувчи бўлиш: Деярли ҳамма осиёлик болалар пианино ё скрипка, ёки иккаласини

ҳам чалишни ўрганишга мажбур килинарди ва ҳар бир йиғилишда кечки овқатдан сўнг фарзандлар отоналарининг кошида мусиқа ижро қилишлари керак эди. Бу ота-оналарга хуш кайфият улашиш никоби остида фарзандларни бир-бирига таққослаш йўли эди.

Учала тоифада ҳам ютукка эришишим учун отонам бошқа осиёлик ота-оналар сингари тарбиямда жуда каттиққўл бўлган. Менга ҳафтасига бир соат телевизор кўришга рухсат беришарди. Мен ҳамма фандан юкори баҳога ўкишим шарт эди. Ота-онам менга бутун бошли ўрта ва юкори синфлар давомида тайёрлов тестларини ечиришган. Тайёрлов тестлари стандартлаштирилган тест бўлиб, одатда фақат бир марта, юкори синф якунида, университетга кириш жараёнининг бир қисми сифатида топширилади. Лекин ота-онам унга олтинчи синфдан бошлаб тайёрланишимни хоҳлаган.

Ўрта мактабда тўртта мусиқа асбобини чалишни ўрганиб олдим: Пианино, скрипка, труба ва валторна. Мактаб йилларида мен ҳар бир мусиқа асбобини ўкиш кунлари ўттиз дақиқадан, дам олиш кунлари эса бир соатдан машқ қилишим керак эди. Ёзда уларнинг ҳар бирини кунига бир соатдан машқ қилишимга тўғри келарди. Менимча, ёзги таътилда дам олишни истаган болалар учун бу энг шафқатсиз ва ноодатий жазо бўлса керак.

Шундай бўлса ҳам мен дам олиш кунлари ва ёзги таътилда завқ олиш йўлини топган эдим. Эрталаб соат 6:00 да, ота-онам ҳануз уйкуда бўлганда ўрнимдан туриб, пианино бор хонага тушардим. Пианинони чалиш ўрнига кассетадан фойдаланарадим ва аввалдан ёзиб қўйилган бир соатлик сеансни қўярдим. Сўнг соат 7:00 да хонамга қайтиб чиқардим ва хонани қулфлаб, бир соатлик скрипка чалинган ёзувни қайтарардим. Бу вактда эса китоб ва «Boys' life» журналини ўқирдим.

Тахмин қилишингиз мумкинки, пианино ва скрипка

ўқитувчиларим менда нима учун ўсиш бўлмаётганини тушуна олишмасди. Ўзимнинг нуктаи назарим билан карасак, ушбу мусика асбобларини чалишни ўрганиш мен учун қандайдир арзирли наф бериши мумкинлигига кўзим етмасди.

(Хайриятки, онам буларни ўқиб жигибийрон бўлмайди. Балки, унинг пианино ва скрипка дарсларим учун сарфлаган пулларини қайтариб беришим керакдир.)

*

Ота-онамнинг, айниқса, онамнинг мендан умиди катта эди. Келажакда тиббиёт мактабига боришимни ёки фан доктори бўлишимни хоҳларди. Улар расмий таълим энг муҳим нарса эканлигига ишонишарди. Лекин мен учун ҳаётимнинг дастлабки йигирма беш йилининг олдиндан белгилаб қўйилиши ортиқча каттиқўллик ва одамни бўғадиган ҳолатдек туйиларди.

Мен кўпроқ ўз бизнесимни йўлга қўйиш ва пул ишлашнинг турли йўлларини билишга қизиқардим. Ота-онам доимо пул топиш ҳақида ўйламасликни, эътиборимни ўқишга қаратишм кераклигини уқтиришарди. Магистрлик ёки докторлик даражасига эришгунимгача таълимга кетадиган барча харажатни ўзлари тўлашларини таъкидлашарди. Шунингдек, улар қайси кийимни хоҳласам, шуни олиб беришларини айтишарди. Бахтларига, мен урф бўлган кийимларга қизиқмасдим, шунинг учун ҳеч қачон кўп нарса сўрамаганман.

Ҳар доим пул ишлаш ҳақида хаёл қиласдим, чунки пул кейинчалик ҳаётда истаганимни қилиш эркинлигини берарди. Бир кун келиб, ўз компаниямни бошқариш ғояси яратувчан бўлишни тақозо қиласди ва охир-оқибат ҳаётим тизгинини ўз кўлимга ола билардим.

Бошланғич синф мобайнида кўп марта эски буюмлар савдоси билан шуғулланганман. Ота-онамнинг гаражидаги эски нарсаларни сотиб битирганимдан сўнъ

413003

дўстимга унинг уйида савдони йўлга кўйишни таклиф қилдим. Биз унинг уйидаги эски буюмларни йўл бўйида кўргазмага кўйдик, озрок лимонад тайёрладик, дўстимга ёш кизчаларнинг кийимини кийдириб, уни беш ёшга ёшроқ кўрсатадиган қилиб кўйдик. Фоя шундай эдики, одамлар ҳеч нарса сотиб олмаса ҳам, биз уларга камида лимонад сота олардик. Сотувдаги бошқа нарсалардан кўра лимонад савдосидан кўпроқ пул ишлай олдик.

Ўрта мактабда пул ишлашнинг бошқа йўлларини излай бошладим. Газета таркатардим, лекин тез орада мен велосипедда газета етказиб берадиган мустакил пудратчи бўлиш маҳаллий газета учун болалар меҳнати тўғрисидаги қонунларни четлаб ўтиш йўли эканлигини тушуниб қолдим. Ҳисоб-китоб қилиб кўриб, маошим соатига, тахминан, 2 доллардан тўғри келишини аниқладим.

Мен газета тарқатиши ташладим ва бунинг ўрнига ўз рўзномамни чиқаришга қарор қилдим. Унинг ҳар бир сони ўзим ёзган, тахминан, йигирма сахифа ҳикоялар, сўз ўйинлари ва латифалардан иборат эди. Рўзномамни оч зарғалдоқ рангли қофозда босиб чиқардим. Унга «The Gobbler» деб ном бердим ва ҳар бирига 5 доллардан нарх қўйдим. Тўрт нусхасини ўрта мактабдаги дўстларимга пулладим. Рўзномамни сотиб олишга қодир кўпроқ дўстлар орттиришим кераклигини ёки бошқа даромад манбаи топишим кераклигини аниқладим. Бир сафар сочимни олдираётганимда сартарошга «The Gobbler»нинг нусхасини кўрсатдим ва кейинги сондаги тўлиқ сахифали рекламани 20 долларга таклиф қилдим.

У рози бўлган пайт ажойиб нарса кашф қилганимга ишончим комил эди. Қилишим керак бўлгани – яна тўрттагина реклама сотиш ва мен ҳаётимда кўрган пулларимга қараганда ҳам кўпроқ – 100 доллар ишлаб олардим. Биринчи савдойимдан сўнг тўла ишонч билан сартарошхонага ёндош корхоналарга мурожаат қилдим

ва мамлакатни ёки камида округни жунбишга келтириб, шов-шув бўлиши аник бўлган кейинги рўзномада реклама беришни таклиф килдим.

Ҳамма имкон қадар мулойимлик билан рад жавобини берди. Бир неча хафтадан сўнг мен «The Gobbler»нинг иккинчи сонини нашрдан чиқардим. Бу сафар фақат икки нусхасигина сотилди.

Мен газетани ёпишга қарор килдим.

Бу жуда кўп меҳнат талаб киларди ва дўстларим тушликда пулсиз қолаётганди.

*

Мен ва укам Энди хар ой «Boys' life» журналининг ҳар бир сонини сабрсизлик билан кутардик ва тўлиқ ўқиб чиқардик. Менинг ундаги севимли рукним энг охирида – гаройиб нарсаларга буюртма бериш мумкин бўлган эълонлар бўлими эди. Ҳатто бундай нарсалар мавжудлигини олдиндан билмаган бўлсан ҳам, бир кун келиб мен ҳам уларга эга бўлишимни билардим. Ҳамма турдаги кўзбойлағичлик буюмлари ва янгича буюмлар (анча вақт мобайнинда мен «янгича» сўзининг маъносини «жуда-жуда ажойиб» деб ўйлаб юрганман), шу жумладан, чангютични мини-катерга айлантириш учун мосламалар тўплами ҳам бор эди.

Аммо мени энг қизиқтирган нарса журналнинг орка тарафидаги табрикномаларни сотиш орқали қўлга киритиш мумкин бўлган турли хил совғалар акс этган саҳифадаги рекламалар эди. Бу иш жуда осон туйилди: Маҳаллада уйма-уй юриб, байрам табрикномаларини сотиш (улар ҳаммага керак эди, реклама мени бунга ишонтириди), кўп балл йиғиш ҳамда йикқан балларимни скейтборд ёки ҳозир ўзим хоҳлайдиган ва ҳеч қачон менда бўлмаган бирорта ўйинчокқа алиштириш.

Шундай қилиб, бир нечта табрикномалар намунасига ва каталогга буюртма беришга қарор қилдим – бир хафтада етиб келди. Мен ҳамон ёзги таътилда эдим,

шунинг учун уйма-уй юришга вақтим кўп эди. Биринчи бекатим кўшни уй бўлди.

Эшикни очган аёлга турли Мавлуд карталарининг каталогини кўрсатдим. У ҳали август ойи бўлганлиги учун Мавлуд карталари сотиб олиш нияти йўклигини айтди. Унинг гапи тўғри деб ўйлаб қолдим. Август ойида Мавлуд карталарини сотишга уриниб, ўзимни ахмоқдай ҳис қилдим, шунинг учун бу менинг охирги келган жойим бўлиб қолди.

Мавсумга боғлик бўлмаган бизнес ғоясини ўйлаб топиш учун уйга қайтиб келдим.

*

Бошланғич мактабда менинг Густав деган энг яқин дўстим бор эди. Биз ҳамма нарсани биргаликда қиласдик: Бир-биirimizning уйимизда чакчаклашардик, ота-онамиз томоша килиши учун пъесалар кўйиб берардик, бир-биirimizга сирли тиллар ва кодларни ўргатардик, бир-биirimizнида хафтасига бир марта тунаб қолардик.

Бир марта унинг уйига борганимда «Болалар учун текин буюмлар» деб номланган китобни олиб туришимга рухсат берди. Бу мен кўрган энг ажойиб китоб эди. Китобнинг ичидаги болалар буюртма бериши мумкин бўлган бепул ва бир долларгача бўлган нарсалар учун юзлаб таклифлар, шу жумладан, бепул хариталар, 50 центлик ручкалар, бепул бампер стикерлари ва маҳсулотларнинг намуналари мавжуд эди. Қиласдиган ишингиз ҳар бир буюм учун ҳар алоҳида почта манзилига хат ёзиш эди. У МКШК («манзилингиз кўрсатилган штамплантган конверт» сўзининг қисқартмасилигини билиб олгандим) ва агар сўралган бўлса, бир долларгача бўлган ҳар қандай тўловни ўз ичига олиши керак. Густав ва мен китобни кўриб чиқиб, ўзимизга ёқсан барча нарсаларга буюртма бердик.

Уйма-уй юриб Мавлуд табрикномаси сотувчиси сифатидаги ўн дақиқалик уринишидан сўнг, мен яна

«Boys' life»нинг таснифланган бўлимини ўқиш учун уйга қайтиб бордим ва нархи 50 доллар бўлган тўғноғич тайёрлайдиган мосламага кўзим тушди. Ушбу мослама ҳар қандай фотосурат ёки қоғоз парчасини кўйлакка қадашингиз мумкин бўлган тўғноғичга айлантирас эди. Ҳар бир тўғноғични тайёрлашга кетадиган қисмлар нархи 25 центга тушарди.

Мен китоб жавонидан илгари Густавдан қарзга олган ва қайтариб бермаган китобни кўлга олдим ва китобдаги компаниялардан бирортаси расмли тўғноғичлар таклиф киляптими ёки йўқ, текшириб кўрдим. Бирорта таклиф йўқ эди.

Хаяжонланиб, китоб ноширига хат ёздим. Тўғноғич тайёрлаш бизнеси билан шуғулланаётганимни ва китобнинг келгуси йилги нашрига бу ҳакда қайд этишларини сўрадим. Қонуний бизнес юритаётганимни янада ишончлироқ кўрсатиш учун манзилимнинг бир қисми сифатида «БУТБ бўлими» деб қўшиб кўйдим. БУТБ «БОЛАЛАР УЧУН ТЕКИН БУЮМЛАР» жумласи менинг маҳфий кодим эди. Болалар учун таклифим шундай эдики, улар менга расм, МКШК ва 1 доллар жўнатишлари керак эди. Мен уни тўғноғичга айлантириб МКШКда қайтариб жўнатар эдим. Менинг даромадим битта буюртмадан 75 центни ташкил килади.

Икки ой ўтгач, нашриётдан хат олдим. Улар менинг таклифимни китобнинг кейинги нашрига киритиш учун танланганини айтишди. Ота-онамга 50 долларлик тўғноғич ясадиган мосламага буюртма беришим ва қўшимча қисмлар учун яна 50 доллар сарфлашим кераклигини айтдим. Лекин биринчи юзта буюртмадан кейин пулни қайтариб беришимни ҳам қўшиб кўйдим.

Ота-онам юзта буюртма олишимга ишонди, деб ўйламайман. Улар аввал ҳам менинг «The Gobbler»нинг юзта нусхасидан қанча фойда олишим ёки юзта табрикномани тарқатиб, қанча ишлашим ҳакидаги

БАХТ ЕТКАЗИШ -

гапларимни эшитган эди. Улар тўғноғич ясайдиган мосламага мактабда олган яхши баҳоларим эвазига буюртма беришимга рухсат беришди.

Икки ойдан сўнг мен китобнинг янги нашрини олдим. Уй манзилимни босма нашрда, хақиқий китобда кўриш жуда ёқимли эди. Китобни ота-онамга кўрсатдим ва хавотир билан биринчи буюртма келишини кутдим.

Маҳалламизнинг почта ходими ҳар доим хат етказиш учун битта йўналиш билан юрарди. Бизнинг уйимиз тепаликнинг этагига яқин жойда бўлиб, у ўз йўлини кўчанинг қарама-қарши томонидан бошлар, пастдан юкорига чиқиб, орқага бурилиб, тепадан пастга қайтиб келарди. Шундай килиб, кўчанинг қарама-қарши томонида почта машинасининг овозини эшитганимда, хат аниқ ўн икки дақиқадан кейин бизнинг уйимизга етказилишини билардим ва уйнинг ташкарисида унинг келишини кутардим. Одатда, бу соат 13:36 атрофида содир бўларди.

Китоб нашр этилганидан икки ҳафта ўтгач, биринчи буюртмамни олдим. Конвертни очдим, ичида француз пуделини ушлаб турган тўқ қизил кўйлакдаги ўн икки яшар қизалоқнинг сурати бор эди. Энг муҳими, ичида доллар банкнотаси бор эди. Мен расман бизнесда эдим! Фотосуратни тўғноғичга айлантириб манзил кўрсатилган штампланган конвертда қайтариб жўнатдим. Ўша куни кечкурун бу ҳақда ота-онамга айтдим. Менимча, улар хеч бўлмаса битта буюртма олганимдан ҳам ҳайрон бўлишди. Мен уларга доллар банкнотасини бердим ва журналимга қарзим 99 доллар қолганини ёзиб қўйдим.

Эртаси куни иккита буюртма олдим. Бир кечада бизнесим икки бараварга ўсади. Вакт ўтиб бир кунда ўнталаб буюртма оладиган ҳам бўлдим. Биринчи ойнинг охирига келиб 200 доллардан қўпроқ пул ишлаб топдим. Колган қарзимнинг барчасини тўладим, ўрта мактаб ўқувчиси учун жуда яхши пул ишлаётган

эдим. Аммо түғногичларни тайёрлаш кунига бир соат вактимни оларди. Уй вазифалари күп бўлган кунларда түғногичларни ясашга вақт тополмасдим, шунинг учун баъзида буюртмалар дам олиш кунига қадар тўпланиб қоларди. Дам олиш кунлари түғногичларни тайёрлаш учун тўрт ёки беш соат вақт сарфлашим керак эди. Пул топаётганим яхши эди, аммо дам олиш кунлари уйда қолишга тўғри келиши ёқмасди. Шу боис ишлаш тезлигим ва унинг самарадорлигини ошириш учун 300 долларга тенг ярим түғногич ясадиган машина олиш керак, деган қарорга келдим.

Тўғногич бизнесим ўрта мактаб даврида ойига муттасил 200 доллар даромад келтирди. Олган энг катта сабогим шундан иборат эдики, муваффақиятли бизнесни юзма-юз мулокот қилмасдан почта орқали ҳам амалга ошириш мумкин экан.

Жуда банд бўлган кезларимда ишнинг баъзи қисмини укаларимга юклардим. Ўрта мактабни битиргунимгача, ҳар куни тўғногич ясацдан зерикдим, шунинг учун мен бу ишни укам Эндига беришга қарор қилдим. Мақсадим – почта орқали буюртма бериладиган ўзим қизиққан бошқа бирор бизнес бошлаш эди.

Ўша пайтда тўғногич тайёрлаш кейинчалик оилавий корхона ишига айланишини билмасдим. Бир неча йилдан сўнг Энди бу бизнесни энг кичкина укамиз Дэвидга топширди. Бир неча йил ўтгач, биз китобдаги рекламани тўхтатдик ва бизнесни ёпдик. Дадамнинг лавозими ошганлиги сабабли у Хонгконгга кўчиб ўтиши керак эди. У онам ва укам Дэвидни ўзи билан олиб кетди. Ишни давом эттирадиган бошқа укаларимиз қолмаган эди.

Ҳозир ўтмишга назар ташлаб, бизда яхширок ворислик режаси бўлиши керак эди, деб ўйлаб қоламан.

Долларларга қилинган қўнғироқлар

Юқори синфга ўтгач, мен ўзимни бирдан каттароқ ва анча етук ҳис қиласман, ўрта мактабдаги ҳаётим тўсатдан

ўзгариб кетади, деб ўйлардим. Аммо юқори синфнинг биринчи куни ўрта мактабнинг сўнгги кунидан сира фарқ қилмас экан.

Бир куни мактаб кутубхонаси ёнидан ўтаётганимда унга ёндош компьютер лабораториясига дуч келдим. У ерда информатика ўқитувчиси Гор хонимни учратдим. У менга ўзининг паскал дарсларига ёзилишимни таклиф қилди. Илгари Паскал ҳақида эшифтмаган эдим. У менга бу компьютер дастурлаш тили эканлигини ва ушбу дарслар мени компьютер билимлари бўйича миллий АП тестига тайёрлашини айтди. Университетга кираётганимда аскатишидан ташқари, АП тести ҳақида ҳеч нарса билмас эдим. Ўрта мактабда BASIC дастурлаш тилини мустақил равишда ўргангандим ва бу менга жуда ёқсан эди, шунинг учун рўйхатдан ўтишга қарор қилдим.

Дарсга кириб маза қиласдим. Тушлик вақтим ва дарслардан кейинги вақтим ҳам компьютер лабораториясида ўтарди. Ўша пайтда икки йилдан сўнг ўзим бу ерда ёзги мактаб болалари учун паскал дарслари беришимни билмасдим. Лабораторияда ўзимга ўхшаган бир нечта бошқа одамлар ҳам бор эди ва биз кўп вақтимизни бирга ўтказардик.

Биз «BBS» дунёси билан танишдик. «BBS» «Bulletin Board Systems»¹нинг қисқартмаси эканлигини билиб олдим. Лабораториядаги компьютерлардан бирида оддий телефон линиясига уланган маҳсус қурилма – модем ўрнатилган эди. Модем ёрдамида компьютер бошқа компьютерларга қўнғироқ қилиш ва улар билан гаплашиш имкониятига эга бўларди.

Бизда турли хил «BBS»ларнинг телефон рақамлари рўйхати бор эди. Ҳар бир «BBS» билан алоқага чиқиб, уларни пастки қаватдаги қабулхонада талабалар фойдаланадиган эълонлар доскасига ўхшаш тизимга

¹ Америкадаги таснифланган рекламалар ва эълонлар тармоғи, вебсайт.

улардик: Истаган одам хабар қолдириши, реклама жойлаштириши, мунозара бошлиши, файлларни юклаб олиши ёки кенг қамровли мавзуларда мухокамаларга кўшилиши мумкин эди. Бу крейгслистнинг интернетдан олдинги версияси эди. Тез орада компьютер ва телефон тармоғи факат маҳаллий қўнғироқлар билан чекланмаганигини билиб қолдик, шунинг учун биз мамлакат бўйлаб узок масофали қўнғироқларни амалга ошира бошладик. Сиэтллик, нью-йорклик ва маямилик нотаниш кишилар билан мунозараларда қатнашиш жуда ажойиб эди. Кутимагандан мавжудлиги аввал хаёлимизга келмаган жойлар, бутун дунё билан алоқа ўрнатиш имкониятига эга бўлдик.

Кунларнинг бирида, Гор хоним лабораториядан ташқарида тушлик килаётганида орамиздаги кимдир модемни слотдан суғуриб, унинг ўрнига оддий телефонни улаб кўришни таклиф қилди. Бу ҳақиқатан ҳам ишлайдими ёки йўқми, аниқ билмасдик. Лекин телефон трубкасини кўтарганимизда, қўнғироқ оҳангини эшилди. Энди биз исталган телефон рақамига бепул қўнғироқ қила олардик. Лекин янги маҳфий кашфиётимиз билан кимга қўнғироқ қилиш кераклигини билмас эдик.

Мен 976 рақамидан кимнинг хабари борлигини сўрадим. Телевизорда турли хил 976 рақамлар учун ҳар хил рекламаларни кўргандим. Масалан, сиз 99 центта кун ҳазилини эшитиш учун 976-JOKE рақамига қўнғироқ қилишингиз мумкин. Шундай қилиб, биз 976-JOKEга қўнғироқ қилиб кўрдик ва айтарли кулгили бўлмаган бир ҳазилни эшилди. Яхшироқ ҳазил эшитиш учун яна бир бор қўнғироқ қилиб кўрдик ва яна ўша ҳазилни қайта эшилди. Менимча, бу мантиқан тўғри эди, чунки бу дақиқа ҳазили эмас, балки кун ҳазили бўлиши керак эди.

Кейин биз ихтиёрий 976 рақамларини тердик. Синаб кўрган рақамларимиздан бири 976-SEXY эди. Қўнғироқ автоматлаштирилган ёзув билан бошланди ва нархи

дақиқасига 2.99 доллар, хизмат фақат катталар учун эканлигини айтди. Ёзувда айтилишича, агар мен йигирма бир ёшга тұлмаган бўлсам, дархол трубкани қўйишим керак экан.

Трубкани қўймадим, албатта. Қизиқувчалигим баттар ортди.

Телефонга бир аёл жавоб берди ва майин овозда гаплаша бошлади. «Салом, – деди у. – Ҳозир сиз шаҳвоний ҳисларни туйяпсизми?»

Албатта, бу бизга компьютер орқали Нью-Йоркдаги бошқа «BBS» фойдаланувчилариға уланишдан кўра анча қизиқарли ва ажойиб туйилди. Ҳақиқатан ҳам мен учун бутунлай янги дунё очилаётган эди.

«Ҳм. Ҳа», – дедим иложи борича йўғон овоз билан.

Тўсатдан майин овоз одатий, ғазабланган овозга айланди, бу геометрия ўқитувчимнинг дарсга кеч қолганим учун танбех беришини эсга соларди.

– Йигирма бир ёшдан ошганмисиз? – шубҳали оҳангда сўради у. Афтидан, менинг «йўғон овозим» унчалик йўғон эмас эди. Начора, жинсий балоғат ҳаётимиздаги шунақа нокулай босқич экан!

Мен чуқур нафас олдим.

– Ҳа, албатта, – дедим ишонч билан.

– Хўш, сиз қайси йили туғилгансиз?

Мен мутлақо ноилож қолган эдим. Шу топда уни алдаш учун миямда зудлик билан ҳисоб-китоб қила олмасдим. Ғишт қолипдан кўчган эди.

«Йигирма бир йил олдин!» деб бақирдим ва шу заҳоти телефонни қўйдим. Дўстларим билан хандон отиб кулишни бошладик. Бир неча дақика ҳисоблаб кўриб, барчамиз ишонч билан 1966 йилда туғилганимиз, деб айтишни машқ қилдик. Чунки энди хатони такрорламасликка ишонч ҳосил қилишимиз лозим эди.

Бир неча хафта давомида кичкина гурухимиз билан хар куни тушлик пайти компьютер лабораториясида йигилар

ва навбат билан 976-SEXУ рақамига қўнғироқ қиласардик. Биз фақат тушлик пайти кўнғироқ қила олардик, чунки фақат шу пайтдагина Гор хоним хонада бўлмас эди. Биз маҳфий клуб аъзолари эдик ва ушбу лаборатория-тушлик клубининг биринчи қоидаси сиз лаборатория-тушлик клуби ҳакида ҳеч кимга оғиз очмаслигингиз кераклиги эди.

Биз нима билан шуғулланаётганимизни ҳеч ким билмасди.

Бир куни тушлик пайти ҳаммамиз йиғилганда Гор хоним хонани тарк этмаганига ҳайрон бўлдик. Балки, охирига етмай қолган иши бордир, деб ўйлаб, у хонадан чикиб кетишини кутиб, «BBS» билан боғланишда компьютердан фойдаланиб турдик.

«Хой йигитлар! – деди Гор хоним. Ҳаммамиз унга ўгирилдик. – Бирортангиз 976-7399 га телефон килаётганингиз йўқми? Ҳозиргина телефон ҳисобини олдим ва унда кўрсатилишича, ўтган ойда шу рақамга бизнинг модемдан уч юздан ортиқ қўнғироқ бўлибди. Мен бу рақамга қўнғироқ қилиб кўрдим, лекин жавоб бераётган компьютер эмас».

Ҳаммамиз бир-биримизга ва кейин Гор хонимга карадик. Ўшанда барчамиз қаттиқ айбордай кўринганимиз аниқ, лекин лаборатория-тушлик клубининг биринчи қоидаси ҳаммамизнинг ёдимизда эди. Шунинг учун унга қараб иложи борича айбсизларча елка кисдик.

«Хатолик бўлса керак, – хулоса қилди Гор хоним. – Мен телефон компаниясига қўнғироқ қиласман ва тўловнинг ҳаммасини олдириб ташлайман. Бунча кўп қўнғироқ бўлиши имконсиз деб ўйлайман». У бизнинг суперинсоний қобилиятимиз ҳакида оз-моз бўлса-да билиб олди.

Бу лаборатория тушлик клубимизнинг якуни эди.

Классик иктиносидиёт

Компьютер лабораториясидаги қилмишларимдан ташқари, юқори синфда имкон қадар күпроқ кизикарлы нарсалар билан андармон бўлдим. Қанча кўп тажриба йиға олсам, шунча яхши, деган фикр миямни банд қилган эди.

Хорижий тил дарсларига катнадим. Улар орасида француз, испан, япон ва ҳатто лотин тили ҳам бор эди. Анъанавий спорт турлари ўрнига қиличбозликни ўрганишга карор килдим (гарчи ҳакиқатни айтган бўлсамда, шикоятга арзирли қисми: қиличбозлик дарслари хафтасига фақат бир марта эди). Мусиқий эҳтиёжларни қондириш учун жаз пианино дарсларига ва рассомлик кизикишимни қондириш учун расм чизиш тўгарагига катнадим. Шахмат ва электроника клубига қўшилдим, у ерда Морзе кодини ўргандим ва сертификатли радиоалоқа операторига айландим.

Жамоат хизматига бўлган талабларни қондириш учун маҳаллий театрга кўнгилли бўлиб ишга кирдим, уни жуда катта арвоҳлар уйига айлантиришга ёрдам бердим. Хэллуин байрамидан олдинги ҳафта давомида кўнгилли равиша экскурсияларга йўлбошловчилик қилдим. Ҳар бир ташриф буюрувчи йигирма дакиқалик арвоҳлар уйига саёҳат учун 15 доллардан хайр-эҳсон қилди.

Менга театр, айниқса, саҳна ортида бўлиш жуда ёкарди. Юқори синфдаги кўплаб чиқишлиаримиз учун чироқ устаси бўлдим ва ҳатто бир сафар истеъододлар томошасида дўстим билан саҳнада кўзбойлагичлик чикишини амалга оширдик. Юқори синфдаги дастлабки маошли ишларимдан бири маҳаллий театрларимиздан бирида прожекторни бошқариш эди (театр тилида «харакатланувчи чироқ» дейилади). Ягона мақсади одамлар учун хиссий саёҳат ва кечинмалар яратиб, сўнг сақлаш учун хотиralардан бўлак ҳеч нарса бера олмайдиган ушбу жойнинг ўзига тортадиган нимасидир бор эди.

Белгиланган дарс жадвали ва уй вазифаларини бажариш режими мени толиктира бошлади. Шунинг учун мен дарснинг ўзига эмас, балки дарс жадвалига қандай таъсир кўрсатишига қараб дарсларни танлай бошладим. Бир йили сесанба куни фақат битта дарсга борадиган қилиб дарс жадвалимни тузишни уddaладим. Куннинг колган қисмида дам олардим. Агар тестларда яхши натижа кўрсатсан, дарсларга қатнашмасликка рухсат беришларини ўқитувчилар билан келишиб ола бошладим.

Уй вазифаларига келсак, умуман ҳар қандай машиқкатли ишни бажаришнинг ўзгача ижодий усууларини топишга ҳаракат қилдим. Шекспир дарси учун топширикларимиздан бири сонет ёзиш эди. Сонет пентаметрда ёзилган ўн тўрт қаторли шеър бўлиб, ҳар бир сатри такрорий равишда ургули ва ургусиз бўғинлар кетма-кетлигида жойлашган бўлади ва маълум бир қофиya қолипига тушади. Буларнинг барчаси мен учун жуда мураккаб бўлиб туйилди, шунинг учун унинг ўрнига ўн тўрт қаторли Морзе кодини топширишга қарор қилдим. Унда бутун бошли шеър кетма-кет жойлашган нукта ва чизиқчалардан ташкил топган эди.

Ўқитувчининг кайфиятига қараб, мен «қониқарсиз» ёки «аъло» баҳо олардим. Хайриятки, ўқитувчим менга «+Аъло» баҳо беришга қарор қилди. Баҳони олганимда ҳаттоқи мактабда ҳам баъзан таваккал қилиш ва қолипдан ташқарида фикрлаб туриш фойда беришини билиб олдим.

*

Юқори синфдаги бахтсиз даврларимдан бири бирорвнинг тушлик картасини ўғирлашда айбланган пайтим эди. Тушлик картаси ошхонамиз учун пластик картанинг ўрнини босарди. Қандай қилиб бирорвнинг тушлик картаси менинг чўнтағимга тушиб қолганини билмайман. Тахминимча, кассир бир кун аввал адашиб менга бошқа бирорвнинг тушлик картасини қайтариб берган бўлса керак. Оқибатда кичик ҳайъатга ўхшаш,

БАХТ ЕТКАЗИШ -

мактаб мудири ва айрим ўқитувчилардан иборат судъялар кенгаши қаршисида мулзам бўлиб турдим.

Менга ўз айбимни тан олиш имконияти берилди, лекин менинг айбим йўқ эди, чунки тушлик картаси чўнтағимга қандай тушиб қолганини билмасдим. Бунинг ўрнига, ҳақиқатни айтсам, ҳаммаси яхшиликка бўлади, деган кўр-кўёна ишонч билан кенгашига юзландим ва бор ҳақиқатни сўзлаб бердим. Шу маълум бўлдики, ҳеч ким менга ишонмади ва мени бир кунга мактабдан четлатишиди. Бу расмий мактаб табелимга киритилди. Мен емаган сомсамга пул тўладим.

Мен баъзан ҳақиқатнинг ўзи етарли эмаслиги ва ҳақиқатни кўрсатиб бериш ҳам ҳақиқатнинг ўзичалик муҳим эканлигини англаган ҳолда у ердан чиқиб кетдим. Ажабланарлиси шундаки, мактабимиз шиори Жон Китснинг «Юнон кўзасидаги Оде» шеърига асосланган «Ҳақиқат гўзалликда, гўзаллик ҳақиқатда» эди.

Ўша куни ўзимни жуда гўзал ҳис қилмадим.

*

Мактабдаги машғулотлардан ташқари, юқори синфда энг катта эътиборим қандай қилиб кўпроқ пул ишлаш мумкинлигини аниқлашга қаратилган эди. «LucasFilms» учун видеоўйин синовчиси сифатида ёлландим. «Индиана Жонс ва сўнгги салиб юриши» видеоўйинини ўйнаганим учун соатига 6 доллардан тўлашди. Бу жуда ажойиб иш эди, лекин соатига атиги 6 доллар беришарди, шунинг учун кўпроқ маошли иш пайдо бўлганда мен дарҳол уни қабул қилдим.

Юқори синфга ўтмасимдан мен GDI деб номланган компанияда компьютер дастурчиси бўлиб ишладим. Соатига 15 доллар иш ҳақи олардим. Бу юқори синф ўкувчиси учун жуда яхши пул эди. Асосий иш давлат идоралари ва кичик корхоналарга хужжатларни қофзода эмас, балки компьютер орқали тўлдириш имконини берадиган дастурний таъминот яратиш билан боғлиқ эди.

Вактимни чоғ ўтказиши учун ҳар замонда раҳбарим билан ҳазиллашиб турардим. У кумушранг сочли ва йўғон акцент билан гапирадиган кексароқ француз эди. Чой ичишни яхши қўрарди. Одатда столим ёнидаги микротўлкинли печга стаканда сув қўйиб, печни ёқиб, ўз оғисига қайтиб кетарди, чунки сувнинг исишини, тахминан, уч дақиқа кутишни истамасди. Кейинроқ қайтиб келиб, чойини дамларди.

Бир сафар у кетиши биланоқ микротўлкинли печни ўчириб қўйдим. Бир неча дақиқадан кейин раҳбарим қайтиб келганида, сувнинг совуклигини пайқади, уни ёқишни унутдим, деб ўйлади. У печни яна уч минутга қўйиб, чиқиб кетди.

У кўздан ғойиб бўлиши билан мен яна печни ўчирдим. Иккинчи марта қайтиб келганида у яна сув совуклигини пайқади ва микротўлкинли печни синдириш керак, деб ғўлдиради. Мен кулиб юбормасликка тиришдим.

У охирги марта сувни иситишга уриниб кўрди, бу сафар ишонч ҳосил қилиш учун микротўлкинли печни беш минутга қўйди ва бироз довдираб, тушкун ҳолатда чиқиб кетди.

Нихоят қайтиб келиб, микротўлкинли пеъ эшигини очди ва «Бу нимаси?» деб бақириб юборди. Кейин кулди. У оғис ичи бўйлаб кўз югуртириди ва юзимиздаги айбдорлик ифодасини кўрди, чунки атрофдаги ҳаммамиз ушбу ҳазил иштирокчиси эдик. Стаканни олиб ҳаммага бир неча дақиқа аввал мен тайёрлаб қўйган нарсани кўрсатди. Стаканда муз парчалари бор эди. Оғисдаги ҳамма қаҳ-қаҳ уриб кула бошлади. Ўйлашимча, хеч биримиз анчадан бери бу қадар мириқиб кулмаган эдик ва оғисдаги озгина ҳазил барчанинг кайфиятини кўтарди.

Шунингдек, ўша куни ишдан бўшатилмаганимдан хурсандман.

*

GDI да топаётган пулим яхши бўлса-да, мен тўғноғич

тайёрлаб, поча орқали етказиб бериш бизнесини юритаётган ва почтачини келишини ҳаяжонланиб кутаётган кунларимни эсдан чикармадим. Менга тўғночич тайёрлайдиган мослама сотган компаниянинг ўзи қандай килиб поча орқали буюртма қабул қиладиган муваффакиятли компанияга айлангани ҳакида ўйладим, чунки мен ҳам «Boys' life» журналининг реклама бўлимидан буюртма берган эдим.

Шу боис мен ҳам у ерда бирор нарсанни сотишга ҳаракат килишим керак эди. Бўш вактимда кўзбойлағичлик ҳакидаги китобларини ўқиётганим сабабли бирорта фокус сотиш ғояси хаёлимга келди, унда танга каучукдан сингиб ўтгандай кўринарди. Бу ҳақиқатан жуда ажойиб найранг эди. Мен ушбу фокусни кўрсатган ҳар бир киши ундан хайратда коларди ва бу қандай амалга оширилишини билишни хохларди. Танга, финжон ва каучук тасмадан ташқари, фокусни килиш учун зарур бўлган яна бир нарса – латекс бўлаги эди. Худди шу нарсанни стоматологлар ҳам ишлатишини ва «тиш дамбаси» деб аталишини ўқигандим.

Мен тадқиқот қилиб кўрдим ва агар кўп миқдорда сотиб олсан, тиш дамбаларининг донасини 20 центдан камроққа сотиб олишим мумкинлигини аниқладим. «Boys' life»даги реклама 800 долларга тушди, шунинг учун агар фокус трюкни 10 долларга баҳолайдиган бўлсан, ҳатто саксонта буюртма олсан ҳам деярли режани бажарган бўлардим.

Бу жуда осондай туйилди. Тўғночич ясаш бизнесим бўйича ойига икки-уч юз буюртма қабул қилардим. «Boys' life»нинг муштариylари «Болалар учун текин буюмлар»ницидан кўпроқ деб тахмин қилдим. Бундан ташқари, ушбу сеҳрли трюк расмли тўғночичга қараганда анча ажойиб эди. Икки юз буюртмада менинг ҳаражатларим 40 долларни ташкил қиларди, шундай қилиб мен 1160 доллар фойда кўтардим. Уч юзта буюртма

бўлса, менинг даромадим 2140 долларни ташкил қиласди. Мен ўртача нархлар ва юқори устамалар билан маҳсулот сотишни кашф этгандим.

Эълон қилинган реклама учун «Boys' life»га тўлаган 800 доллар деярли икки ҳафтага етадиган пул эди, лекин мен уни сармоя сифатида кўрдим. Эълоним нашрда пайдо бўлишига анча вакт кетганлиги сабабли буюртмалар келишни бошлишига бир неча ой керак бўлади, аммо мен сабр қиласди ва узокни кўзлар эдим.

Ўтаётган вакт мен учун абадиятдай туйилаётган бир пайтда, ниҳоят, почтачи «Boys' life»нинг рекламам жойлашган сони билан пайдо бўлди. Реклама яхши чиқди ва бир ҳафта ўтиб мен биринчи буюртмани олдим. Бу мен осон ишлаб топган 10 долларлик пулга ўхшаб туйилди ва кейинги буюртмам келишини интизорлик билан кутдим.

Лекин бу кун умуман келмади.

Ўша битта буюртма почта орқали буюртма бериладиган фокус бизнесим учун олган ягона буюртма эди. Тўғноғич тайёрлашдаги муваффакиятимдан сўнг мен почта буюртмаларининг мутлақ қиролиман, деб ўйлаган эдим, аммо ўшанда шунчаки омадим келган экан.

Мен камтарлик борасида кимматли сабоқ олдим. Бироз истеҳзолиси, якинда юонон тарихи дарсимда «hubris» атамасини ўрганганди. У кўплаб юонон қаҳрамонларининг ҳалокатига сабаб бўлган «ўта мағрурлик хисси ёки ўзига керагидан ортиқ ишониш» дея таърифланган эди.

Шунингдек, фермани иш бермайдиган нарсага тикиш ўта оғриқли эканлигини англашим. Бу ҳакида ўйлар эканман, мен шунчаки фермани гаровга қўймаган эдим.

Саккиз юз доллар аслида йигирма тўртта чувалчанг фермасига teng эди.

Университет

Мен Браун, Беркли, Стэнфорд, МТИ (Массачусетс технологиялар институти), Принстон, Корнел, Йел ва

тайёрлаб, почта орқали етказиб бериш бизнесини юритаётган ва почтачини келишини ҳаяжонланиб кутаётган кунларимни эсдан чикармадим. Менга тўғноғич тайёрлайдиган мослама сотган компаниянинг ўзи қандай қилиб почта орқали буюртма қабул қиласидиган муваффакиятли компанияга айлангани ҳакида ўйладим, чунки мен ҳам «Boys' life» журналининг реклама бўлимидан буюртма берган эдим.

Шу боис мен ҳам у ерда бирор нарсанни сотишга ҳаракат килишим керак эди. Бўш вақтимда кўзбойлағичлик ҳақидаги китобларини ўқиётганим сабабли бирорта фокус сотиш ғояси хаёлимга келди, унда танга каучукдан сингиб ўтгандай кўринарди. Бу ҳакикатан жуда ажойиб найранг эди. Мен ушбу фокусни кўрсатган ҳар бир киши ундан ҳайратда қоларди ва бу қандай амалга оширилишини билишни хоҳларди. Танга, финжон ва каучук тасмадан ташқари, фокусни қилиш учун зарур бўлган яна бир нарса – латекс бўллаги эди. Худди шу нарсанни стоматологлар ҳам ишлатишини ва «тиш дамбаси» деб аталишини ўқигандим.

Мен тадқиқот қилиб кўрдим ва агар кўп миқдорда сотиб олсан, тиш дамбаларининг донасини 20 центдан камроққа сотиб олишим мумкинлигини аникладим. «Boys' life»даги реклама 800 долларга тушди, шунинг учун агар фокус трюкни 10 долларга баҳолайдиган бўлсан, ҳатто саксонта буюртма олсан ҳам деярли режани бажарган бўлардим.

Бу жуда осондай туйилди. Тўғноғич ясаш бизнесим бўйича ойига икки-уч юз буюртма қабул қиласидим. «Boys' life»нинг муштариylари «Болалар учун текин буюмлар»ницидан кўпроқ деб тахмин қилдим. Бундан ташқари, ушбу сеҳрли трюк расмли тўғноғичга қараганда анча ажойиб эди. Икки юз буюртмада менинг харажатларим 40 долларни ташкил қиласиди, шундай қилиб мен 1160 доллар фойда кўтардим. Уч юзта буюртма

бўлса, менинг даромадим 2140 долларни ташкил қиласди. Мен ўртacha нархлар ва юқори устамалар билан маҳсулот сотишни кашф этгандим.

Эълон қилинган реклама учун «Boys' life»га тўлаган 800 доллар деярли икки ҳафтага етадиган пул эди, лекин мен уни сармоя сифатида кўрдим. Эълоним нашрда пайдо бўлишига анча вакт кетганлиги сабабли буюртмалар келишини бошлишига бир неча ой керак бўлади, аммо мен сабр қиласди ва узокни кўзлар эдим.

Ўтаётган вакт мен учун абадиятдай туйилаётган бир пайтда, ниҳоят, почтачи «Boys' life»нинг рекламам жойлашган сони билан пайдо бўлди. Реклама яхши чиқди ва бир ҳафта ўтиб мен биринчи буюртмани олдим. Бу мен осон ишлаб топган 10 долларлик пулга ўхшаб туйилди ва кейинги буюртмам келишини интизорлик билан кутдим.

Лекин бу кун умуман келмади.

Ўша битта буюртма почта орқали буюртма бериладиган фокус бизнесим учун олган ягона буюртма эди. Тўғноғич тайёрлашдаги муваффакиятимдан сўнг мен почта буюртмаларининг мутлак қиролиман, деб ўйлаган эдим, аммо ўшанда шунчаки омадим келган экан.

Мен камтарлик борасида қимматли сабоқ олдим. Бироз истеҳзолиси, яқинда юонон тарихи дарсимда «hubris» атамасини ўрганган эдим. У кўплаб юонон қаҳрамонларининг ҳалокатига сабаб бўлган «ўта мағрурлик ҳисси ёки ўзига керагидан ортиқ ишониш» дея таърифланган эди.

Шунингдек, фермани иш бермайдиган нарсага тикиш ўта оғрикли эканлигини англадим. Бу ҳақида ўйлар эканман, мен шунчаки фермани гаровга кўймаган эдим.

Саккиз юз доллар аслида йигирма тўртта чувалчанг фермасига teng эди.

Университет

Мен Браун, Беркли, Стэнфорд, МТИ (Массачусетс технологиялар институти), Принстон, Корнел, Йел ва

БАХТ ЕТКАЗИШ -

Ҳарвардуниверситетлариға хужжат топширдим. Уларнинг ҳаммасига қабул қилиндим. Биринчи танловим Браун эди, чунки унда реклама йўналиши бор эди. Бу йўналиш бошқа университетлар таклиф килган мутахассисликларга қараганда бизнес оламига яқинроқдай туйилди.

Аммо ота-онам Ҳарвардда ўқишимни хоҳлади, чунки у энг обрўлиси эди, айниқса, Осиё жамоатчилигида. Шунинг учун мен ахийри шу ерда ўқийдиган бўлдим.

Ҳарвардга келганимда биринчи бўлиб сотиб олган нарсам телевизор бўлди. Энди телевизор кўришимга ота-онамнинг ҳафтасига бир соатлик чеклови йўқ эди, шунинг учун эркинликда кунига тўрт соатдан телевизор кўраётган эдим. Мен телевизор кўриш билан машғул бўлганимда, ёткxонамиздаги баъзи талабалар қизларнинг ваннасидан барча хожатхона қоғозларини олиб қўйиш ёки назоратчимизнинг ваннасини иссик чойга тўлдириш каби ҳазиллар қилаётганини билиб қолдим. (Назоратчи бундан ҳайратда эмасди).

Мен жадвалимни шундай тартибга солган эдимки, фақат душанба, чоршанба ва жума кунлари соат 9:00 дан 13:00 гача дарсларим бор эди. Сешанба ва пайшанба кунлари мутлақо бекорчи эдим. Бу назарий жиҳатдан жуда яхши гоядай туйилди, лекин тун одами бўлганим учун кирқ саккиз соатлик тартибга ўтиб қолдим – узлуксиз ўттиз икки соат уйғоқ юриб, кейин ўн олти соат ухлайман.

Дарс кунлари соат саккиздаги уйғоткичнинг овози энг ёқимсиз овоз эди. Овозни ўчириш тугмачасини бир неча марта босардим ва кейин ўзимга куннинг биринчи дарсини ўтказиб юбориб, маъruzani кейинроқ бошқа бирордан кўчириб олиш мумкинлигини айтардим. Кейин бир соат ўтгач, юқоридаги мантиқ биринчи дарс учун жуда яхши ишлагани сабабли уни иккинчи дарсга ҳам татбиқ этишим мумкинлигига ўзимни ишонтирадим, шу билан бу дарсни ҳам ўтказиб юборардим. Учинчи дарсга боришга тайёр бўлишим керак бўлган чоғда мен

аллақачон иккита дарсни ўтказиб юборардим. Шунинг учун яна бир дарс ҳеч нарса қилмайди, деб ўйлардим. Ва ниҳоят, куннинг охирги дарсига боришм керак бўлган пайтга бориб, қолган барча дарсларни ўтказиб юборганимда фақат битта дарсга қатнашишнинг маъноси йўқлигини англадим. Атиги битта дарсга бориш учун ўриндан туришдан келадиган фойда шунчаки арзирли эмасдай туйилди.

Қисқаси, ўқишининг биринчи йилида умуман маърузаларга қатнашмадим. Дарҳол тўшакдан туролмаслигим сабабли, душ қабул қилиш ва овқатланиш хонасигача йўлни босиб ўтиш учун жуда дангасалик қиласардим. Натижада, кун давомида тезпишар лапша ердим ва «Ҳаётимиз кунлари» сериалининг ҳар бир кисмини томоша қиласардим.

Биринчи йилимни ётоқхонада бирга яшайдиган дўстларим билан кўнгилхушлик қилиб ўтказдим. Ётоқхона «Canaday A» деб номланарди. Биз биргаликда телевизор кўрадик, видеоўйинлар ўйнардик ва кўп сухбатлашардик. «The Gobbler»нинг шонли кунларидан илҳомланиб, мен «Canaday A» рўзномасига асос солдим. Асосий жамоа, тахминан, ўн беш кишидан иборат бўлиб, биз ажралмас эдик. Кўпчилигимиз шу доирадан ташқарида дўст орттирамадик ва университетнинг тўрг или давомида ҳам ҳамжиҳат бўлдик.

Юкори синфда бўлгани каби мен иложи борича камроқ ўқиб, айни чоғда аъло баҳолар олишга ҳаракат қилдим. «Америка имо-ишора тили», «Тилшунослик» ва «Хитой тилининг Мандарин лаҳжаси» (ота-онам билан шу лаҳжада гаплашардим) каби фанлардан дарс олдим. Асосий талабларимдан бирини бажариш учун мен Библия курсига ёзилдим. Дарсларнинг яхши томони шунда эдики, имтиҳон топшириш ва баҳо олиш учун уйга вазифа берилмасди. Шунинг учун умуман дарсга бормай қўя қолардим. Аммо курс учун баҳонинг имтиҳон

натижаларига асосланганлиги ёмон эди, мен бунга тайёр бўлмасдим, чунки мен семестр давомида ўқишим керак бўлган бирорта дарсликни очиб қарамасдим. Менимча, университетда энг яхши ўзлаштирган маҳоратим – бу ишни кейинга суриш эди.

Якуний имтиҳонлардан икки ҳафта аввал профессор имтиҳонда сўралиши мумкин бўлган юзта эҳтимолий мавзулар рўйхатини тарқатди. Бизга айтилдики, келаётган имтиҳонда ушбу мавзулардан бештаси танланган бўлади ва ҳар биримиз бешала мавзунинг ҳар бирига бир нечта хатбоши матн ёзишимиз керак.

Икки ҳафта ичида бутун семестр давомида ўтилган барча мавзуларни ўқиш имкони йўқ эди, ўз навбатида, имтиҳондан йиқилишни ҳам истамасдим.

Айтишларича, зарурат ихтиrolарни яратади. Ҳарвардда компьютерлардан фойдаланиб, электрон янгиликлар гурухларига киришимиз мумкин эди. Бу юқори синфда биз фойдаланган «BBS»ларнинг бир тури эди. Мен гурухлардан бирида хабар қолдирдим ва Ҳарварддаги Библия дарсини олаётган барча талабаларни шу пайтгача яратилган энг катта ўқув гурухига таклиф қилдим, чунки буниси виртуал бўларди.

Кимда-ким қизиқса, унга юзта эҳтимолий мавзулардан учтасини синчковлик билан тадқиқ қилишни юклардим. Сўнг ҳар бир талаба ушбу учта мавзунинг ҳар бири бўйича ўз матнларини электрон почта орқали юбориши керак эди. Мен ҳамманинг жавобларини жамлаб, улардан нусха кўчирадим ва уларни боғлаб, боғламларнинг ҳар бирини 20 долларга тарқатардим. Лойиха учун учта мавзу тақдим қилганларгина боғлам сотиб олиши мумкин эди.

Маълум бўлишича, қизиқиш жуда катта эди, шунинг учун ҳар бир мавзу учун турли одамлардан бир нечта жавоблар қабул қилдим. Охир-оқибат, умуман китоб очмасдан ёки ўзим бирор нарса ёзмасдан, ҳамма фойдали деб топган ва шу пайтгача яратилган энг батафсил ўқув

қўлланмасини яратдим. Бонус сифатида озгина қўшимча фойда ҳам орттирдим. Бизнинг мактаб газетамиз «The Crimson» бутун бошли виртуал ўкув гуруҳи эксперименти ҳакида хикоя ёзди ва мен якуний имтиҳонда яхши натижаларга эришдим.

Мен вазифани жамоага бажартириш кучини кашф этган эдим.

*

Университетда биринчи марта кўп нарсаларга ўзимни урдим.

Мактаб аудиторияларидан бирини фильм намойиш этиш учун ижарага олиб, талабаларга чипта сотиб пул ишлайдиган кино жамиятига қўшилдим. Бир дўстимнинг фермасига бордим. У ерда кун давомида сигир соғиши ўргандим. Кечаси конъкида учишни ўрганмоқчи бўлганимда, иягим билан йиқилиб тушдим ва жароҳат олдим. Мен ҳали ҳам қайси бири асоратлирок эканлигига амин эмасман – сигир соғиши ёки биринчи ёрдам хонасида тикилган жароҳатми?

Маҳаллий радиостанцияда ҳаётимдаги биринчи концертга чипта ютиб олдим ва «Zoo-TV» сафари пайтидаги «U2» чиқишиларини кўришга бордим. Мактаб давомида турли-туман ишлар билан машғул бўлдим. Ҳарвард Бартендинг мактабида тўрт соатлик машғулотни тутатиб, Миксологиядан сертификат олганимдан сўнг тўйларда официантлик ва барменлик қилиш шулар жумласидандир. Шунингдек, компьютер дастурчилиги бўйича турли ишлар билан шуғулландим, жумладан, Ҳарвард талаба агентликларида, «Spinnaker Software»да ишладим ва «Microsoft»да ёзги амалиёт ўтадим.

Мен ишлаган компаниялардан бири бу интернетнинг асосини ташкил этувчи технологияни ишлаб чиқкан «BBN» эди. «BBN» турли хукумат идоралари билан шартномалар тузганди. Шунинг учун топ маҳфийлик мақомидан бир пофона паст бўлган маҳфийлик мақомини

олишим учун хавфсизлик текширувидан ўтишим талаб қилинарди. Кўринишидан давлат сирлари даражалари шунчалик юкори бўлганки, ҳатто маком номлари ҳам турли-туман эди.

«ВВН»даги аксарият ишим учун катта, ажралган хонага кўп босқичли хавфсизлик текширувидан ўтиб киришимга тўғри келарди. Турли эшиклардан кириш учун электрон бейжик ва маҳфий кириш коди талаб қилинарди. Менга бирор нарсани, айниқса, электрон курилмалар, ҳар қандай электрон медиа маҳсулотлари, хотира курилмаларини хонага олиб киришга ёки у ердан олиб чиқишига рухсат берилмаган.

Бир ёзда мен шаҳарни тадқик этиш учун дарё бўйлаб Кембриждан Бостонга боришга қарор қилдим. Нимадир бўлиб жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга карши курашиш учун мўлжалланган «Guardian Angels» гурухининг Бостон бўлими томонга йўлим тушиб қолди. Тақдир тақозоси билан бир неча ойга гурухга аъзо бўлдим ва Бостон метро тизими ва хиёбонларда патруль хизматига ёрдам бердим.

Менга «Сир» деб ном беришди. Аввалига ҳукумат билан алоқадор сирли мақомини айтиб берганим учун бу номни беришди, деб ўйлагандим. Аммо кейинчалик билдимки, гуруҳ аъзоларидан бири дастлаб менга «Қадимги Хитой сири» деб ном бермоқчи бўлган экан.

Университетнинг сўнгти икки йилида ўз бизнесимни юритишини истаётганимни англадим, шунинг учун «Quincy House Grille» ётоказонасининг биринчи қаватидаги кафе – «Quincy House Grille» назоратини ўз қўнимга олдим. Ётоказонамиизда уч юзга яқин талаба истиқомат килар эди ва «Quincy House Grille» талабалар учун стол футболи ёки пинбол ўйнаш, тунги иштиёқни қондириш учун кечқурун йигиладиган жой эди.

Хонадошларимдан бири Санжай билан кафеда бирга ишладик. Биз меню ва нархларни белгилаш,

таъминотчиларга буюртма бериш, ходимларни ёллаш ва вакти-вақти билан овқатни ўзимиз тайёрлашга масъул эдик.

Ўша пайтда шаҳар маъмурияти бино яқинида “fast-food” тармоғини очишга рухсат бермасди. Шунинг учун метрода «McDonald’s»га энг яқин бўлган бекатга боришга қарор килдим. У ерда менежер билан гаплашдим ва у менга юзлаб музлатилган «McDonald’s» гамбургерлари ва пирогларини сотди. Уларни таксига юклаб, ётотхонамизга олиб келдим. Бир неча ой давомида бу кундалик ҳаётимнинг бир қисмига айланди. Талабалар тураржойида «McDonald’s» бургерларини сотиб олиш учун бошқа жой йўқлиги сабабли менга бир долларга тушадиган бургерларни уч доллардан пуллардим.

Охир-оқибат ҳар куни «McDonald’s»га қатнашдан чарчадим, шунинг учун кафени қандай қилиб пиццерияга айлантириш мумкинлиги ҳақида ўйлаб қолдим. Билишимча, пиццадан жуда катта фойда қоларди. Катта пиццани тайёрлаш икки доллардан арzonроққа тушарди, аммо уни 10 долларга (ёки ундан кўпроқ кўшимча нархларда) сотиш мумкин эди. Пиццани бўлиб сотиш орқали бундан ҳам кўпроқ пул ишлаш мумкин эди. Бир нечта тадқиқотлардан сўнг пицца печларига сармоя киритиш учун 2000 доллар кераклигини аникладим. Бу таваккал қилишга арзирли туйилди, шунинг учун мен чуқур нафас олиб, 2000 долларга чек ёздим.

Мен, шунингдек, кафени одамлар йигилиб чақ-чақлашадиган жойга айлантиришни хоҳлардим. Шунинг учун тунларни «MTV»дан видеотасвиirlар ёзиб олиш билан ўтказардим. Агар реклама чикиб қолса, ёзувни тўхтатиб турардим, чунки у пайтлар автоматлаштиришдан олдинги давр эди. Орқа фонда қўйиладиган видеолар катта шов-шувга айланди ва янги пицца таклифимиз билан биргаликда фойдани олдинги йилга нисбатан уч бараварга оширишга муваффақ бўлдик. 2000 долларлик

инвестиция бир неча ойда қопланди.

Пицца бизнеси орқали мен Альфредни учратдим, у кейинчалик «Zappos»га молия ва ижрочи директоримиз сифатида кўшилди. Альфред аслида менинг биринчи рақамли mijozim эди ва у ҳар кечада катта қалампир пицца буюртма қилиш учун тўхтаб ўтарди.

Биз университетда Альфредга иккита лақаб қўйган эдик: «Овқатлар колдигини тозаловчи» ва «Махлук». Ҳар сафар гуруҳ билан ресторанга борганимизда (гуруҳдаги ўн киши кечаси Конг деган Хитой ресторанига бораардик), у ҳамманинг ликопида қолган овқатни тугатиб қўярди. Мен у билан битта ҳаммомдан фойдаланадиган хонадошларидан бири эмаслигимдан мамнун эдим.

Шу сабабдан менга Альфреднинг ҳар куни кечкурун қалампирли пиццани бутунлигича буюртма қилиши ғалати эмасди. Аммо баъзида у бир неча соатдан кейин келиб, яна бир йирик қалампирли пиццани буюртма киларди. Ўша пайтда мен ўзимча: «Вой, бу бола шунча овқатни ея оладими?», деб ўйлаганим ёдимда.

Бир неча йил ўтгач, Альфред пицзаларни юқори қаватдаги хонадошларига олиб бориб, бўлаклаб сотишини билиб қолдим. Шу сабабдан биз уни «Zappos»да бир неча йилдан сўнг молия ва ижрочи директор сифатида ёллаганимиз.

Биз бир-икки йил олдин ҳисоблаб кўрдик ва мен пицца бизнесидан Альфредга қараганда кўпроқ пул ишлаганимни, лекин у пиццани арбитраж қилиш орқали мендан соатига ўн баравар кўпроқ пул ишлаб топганини аникладик. (Бундан ташқари, у томонда хавф камроқ эди. Кафе бир кечада 2000 доллар йўқотилган ўғрилик курбони бўлган. Йил охирида мен соатига икки долларга яқин пул ишлаб топганимни аникладим.)

Ўша пайтда мен буни билмас эдим, лекин бизнинг пицза соҳасидаги муносабатларимиз кўплаб миллион долларлик бизнес имкониятларига олиб борувчи йўлнинг

бошланиши эди.

Тўртинчи курс якунида Санжай менга технологик компания асослари деган нарсани таништириди. Ўша пайти мен уни қизиқарли нарса бўлса керак, деб ўйладим, лекин кўп эътибор қаратмадим.

Аксарият битирувчиларнинг эътибори, жумладан, менини ҳам ўқишни битирмасдан иш топишга қаратилган эди. Келажакдаги ишимиз учун сухбатга боришимиз шарт эмасди, мамлакатнинг кўплаб компаниялари, ҳар хил тармоқлардан Ҳарвард биносига вакиллар юборарди.

Кўпчилик бошқа хонадошларимиз банк ёки менежмент консалтинг соҳасига хужжат топшириди. Иккаласи ҳам энг обрўли ишлар ҳисобланарди. Мен учун уларнинг иккаласи ҳам жуда зерикарли туйилди, боз устига, иш вакти ўн олти соат деб эшитгандим.

Шунингучун Санжай ва мен технология компаниялари сухбатидан ўтишга қарор килдик. Менинг мақсадим юқори маошли иш топиш эди. Қайси вазифани бажариш, қайси компанияда ишлаш, компаниядаги маданиятнинг қандай бўлиши ёки каерда яшашимнинг аҳамияти йўқ эди.

Шунчаки камроқ ишлаб, яхши маош оладиган иш топишни хоҳлардим.

БАЪЗАН ЮТАСИЗ, БАЪЗАН ЮТҚАЗАСИЗ

Ташқаридаги ҳақиқий дунёда

Санжай иккаламиз «Oracle»дан таклиф олдик.

Бизга бир нечта иш таклифлари тушди, лекин «Oracle»нинг таклифини қабул килишимиз табиий ҳол эди. Улар менга нафақат кўп пул таклиф қилишди (1995 йилда университетни битиришим биланоқ йилига 40 минг доллар маош олиш яхши эди), шунингдек, университет даврида тўплаган нарсаларимни Калифорнияга кўчириб ўтказиб беришмоқчи эди. Қўшимчасига янги иш учун тайёрлов дастури мобайнода Санжай билан мени бир неча ҳафтага бепул корпоратив тураржойга жойлаштиришмоқчи эди.

Мен омадим келганини хис қилдим. Университетда ўқишдан асосий мақсад имкон қадар кўпроқ маош тўлайдиган ишга жойлашиш, деб айтишганди. Мен ушбу ўйинда ютиб чиқдим. Бошқа хондошларимнинг иш таклифлари билан солиштирганда, Санжай иккаламиз кўпроқ пул ишлашимиз кўриниб турарди.

Бир неча ой ўтгач, Санжай ва мен биргалиқда «Oracle»да янги иш учун тайёрлов машғулотларини ўтадик. Бу уч ҳафталик дастур бўлиб, биз билан яна университетни яқиндагина битирган йигирма киши бор эди. Уч ҳафта тез ўтди. У, асосан, маълумотлар базасини дастурлаш

бўйича қисқа курс эди. Биз мураккаб ва қизиқарли лойихалар устида ишладик. Мен жуда кўп нарсаларни ўрганаётганимни, янги дўстлар орттирганимни ва яхши пул ишлаётганимни юракдан хис қилдим. Машғулот сўнгига янги ишимни бошлаш учун янги хўжайиним билан учрашувни орзикиб кутардим.

Аслида нима қилишим ёки нимани кутаётганим хақида тайнинли фикрим йўқ эди. «Oracle» юзасидан умуман изланиш қилиб кўрмаган эдим. Билганим шу эдики, университетдалигимда улар мени суҳбатдан ўтказиш учун вакил жўнатишган ва менинг ёзганларим уларда яхши таассурот қолдирганди. Умуман олганда, улар мени билмасди, мен эса уларни. «Дастурчи муҳандис» бўлишим кераклиги ва улар менга 40 минг доллар тўламоқчи эканлигини билардим, холос.

«Oracle»даги биринчи иш кунимда иш столимни кўрсатиб, қиладиган вазифам ҳамда мажбуриятларимни айтишди. Мен, асосан, техник сифатни назорат қилишим ва регрессия синовлари ўтказишим керак эди. У нима учун кераклигини билмасдим, лекин аслида бунинг аҳамияти ҳам йўқ эди. Яхши пул ишлаб топаётгандим. Бир хафта ичида шуни билдимки, у ҳам осон топиладиган пул экан.

Қиласидиган ишим кунига бир нечта синов ўтказиш эди. Синовни ўрнатиш беш дақиқа вактни оларди, сўнгра автоматлаштирилган синов учун уч соат вакт керак бўларди, шу аснода мен шунчаки ўтириб, унинг тугашини кутардим. Шундай қилиб, мен кунига атиги икки ёки кўпи билан уч марта синов ўтказишга муваффақ бўлардим. Қайси вақтда келишим ёки идорани тарк этишимни ҳеч ким кузатмаётганини ҳам фаҳмладим. Аслида, менинг кимлигимни бирор киши биларди, деб ўйламайман.

Биринчи ой мобайнида мен ўзимни ўта омадли хис қилиб юрдим. Деярли куч сарфламасдан яхши ҳақ олаётганимга ишона олмасдим. Санжай иккаламиз офисдан етти дақиқалик йўл наридан ижара уй топдик ва

яна бир марта хонадош бўлдик.

Бир ҳафта ичида менинг кундалик ишларим тайин бўлди:

10:00 – Иш столим ёнида ҳозир бўлиш.

10:05 – Синовлардан бирини ўтказишга киришиш.

10:10 – Электрон почтамни текшириш, тайёрлов курсидаги дўстларимга хабарлар жўнатиш.

11:30 – Тушлик қилиш учун уйга бориш.

12:30 – Мизғиб олиш.

13:45 – Офисимга қайтиб бориш.

14:00 – Яна бир синовни бошлаш.

14:05 – Электрон почтамни текшириш, тайёрлов курсидаги дўстларимнинг хатларига жавоб ёзиш.

16:00 – Уйга қайтиш.

Омадим келганини хис килдим, чунки Санжай кечки соат еттигача уйга қайтмасди, менинг эса шундай осон кун тартибим бор эди. Ҳар замонда ундан иши қандайлигини сўраб қўярдим. У елкасини қисиб: «Яхши. Унчалик зўрмас», – дерди.

Унга менинг ишим ҳам унчалик зўр эмаслигини, лекин кечки пайтлари ва дам олиш кунлари зерикишни енгиш учун биргаликда бирор нарса қилишимиз мумкинлигини айтдим. «Бутунжаҳон тармоғи» деган нарса борган сари машҳур бўлиб бораётганди. Санжай график дизайн борасида уста эди, шунинг учун ишдан ташқари компаниялар учун веб-сайт тайёрлаб беришни йўлга қўйишимиз мумкин эди.

Ўз бизнесимизни йўлга қўйиш ғояси ажойиб кўринди. Компаниямизни «Internet Marketing Solutions», қисқача «IMS» деб номладик. Ўзимизнинг веб-саҳифамизни яратдик, ижара уйимизга иккинчи телефон линиясига буюртма бердик, ташриф қоғозларини чиқартирдик. Биз янги мижозларни рўйхатдан ўтказишга тайёр эдик.

Мижозларни қандай рўйхатдан ўтказиш бўйича

режамиз бор эди: Аввало, биз маҳаллий савдо палатасига мурожаат киламиз ва уларга бепул веб-сайт яратиб беришни таклиф киламиз. Шунда барча маҳаллий корхоналар бизнинг мижозимиз эканлигини айтардик (бепулга веб-сайт қилиб берганимизни айтмасдик, албатта), иложи борича кўпроқ маҳаллий корхоналарга мурожаат килардик ва тез орада пул айланишни бошларди.

Шундай қилиб, биринчи навбатда веб-сайт яратиш учун савдо палатасининг розилигини олишга тўғри келарди. Гарчи таклифимиз мутлако текин бўлса ҳам, уларга томон дастлабки яқинлашув менинг мижоз билан биринчи марта телефондаги алоқам бўлди. Улар билан учрашувни соат 12:30 га белгиладим. Бу менинг «Oracle»даги кун тартибимга мос тушарди.

Учрашув куни мен асабийлашардим. Илгари бирор марта муваффакиятли савдо шартномасини тузмагандим, лекин уларга веб-сайт кераклиги ва биз уни тайёрлайдиган муносиб номзод эканлигимизга уларни ишонтириш асосий вазифамлигини тушуниб турардим. Ташки кўриниш муҳим аҳамият касб этишини билардим, шу боис тушлик учун танаффусга «Oracle»дан соат 11:30 да чиқиб кетдим ва аввал уйга кириб, бир неча ой олдин битирув кечаси учун кийган костюм ва галстугимни кийдим. Ташриф қофозларим етарли эканлигига ишонч ҳосил қилдим. Сўнг Санжай бир неча кун олдин ясаб, чоп этган бир нечта брошюраларни олдим.

Асабийлашган бўлсам ҳам, учрашув яхши ўтди. Ҳамма нарсани бепул қилишни таклиф қилаётганимиз уларга ёқиб тушди. Кейинги бир неча ҳафта давомида тушлик учун танаффусим борган сари чўзилди. Кун давомидаги кўп вақтимни палата билан учрашиб, улар қилаётган хизматимиздан мамнун эканлигига ишонч ҳосил қилиш билан ўтказардим. Санжай кечаси кўп вақтини мижжа қоқмай ўтказарди, чунки у туни билан веб-сайтни тайёрлаш билан машғул бўларди. Мен савдо

ва мижозлар билан ишлашга жавобгар эдим, у бўлса маҳсулот ва дизайнга жавобгар эди. Биз яхши жамоа эдик.

Бир ой ичида савдо палатасининг веб-саҳифасини ишга туширдик. Энди пуллик мижозларни қабул қилишга тайёр эдик. Биринчи нишонимиз ўзимиз яшайдиган кўчадаги катта савдо маркази «Hillsdale» эди. Бу яхши танлов деб ўйладик, чунки биз уни мижоз сифатида рўйхатдан ўтказа олсак, у ердаги ҳар битта дўконга бориб, савдо марказининг ўзи ҳам мижозимиз эканлигини, шунинг учун улар ҳам биз билан ишлаши кераклигини айта олардик.

Кейинги бир неча ой давомида жуда оз вақтимни «Oracle»да ўтказдим, чунки «Hillsdale» савдо маркази ва бошқа кичик бизнес вакиллари билан учрашиш билан банд эдим. Ва ниҳоят, биз савдо марказининг веб-саҳифасини лойиҳалаш, бошқариш ва ўрнатиш учун уларни 2000 доллар тўлашга кўндиридик.

Биз буни уddaладик! Биринчи ҳақиқий пуллик мижозни қабул қилдик. Энди «Oracle»даги зерикарли кунлар билан хайрлашиб, ўзимизнинг доимий бизнесимизни бошқаришимиз мумкин эди.

Ва биз айнан шундай қилишга қарор қилдик.

Эрталаб раҳбаримга «Oracle»дан кетишим ҳақида айтмоқчи бўлганимда жуда асабийлашардим. Бир соат кутиб, ниҳоят, унинг оғиси томон боришга ўзимда куч топдим. Унга янгилик ҳақида айтишга тайёр эдим. У хонасининг деразасидан менинг келаётганимни кўрди. Кўзимиз кўзимизга тушди. Юрагим борган сари тезроқ ураётганини ҳис қилдим. Кейин у бошқа томонга ўгирилди. Офисга назар ташлаб, у бошқа бирор билан учрашиб турганини кўрдим, бундай пайтда мақсадимни айта олмасдим. Енгиллик ҳис қилдим ва оғис ёнидан ўтиб, ўзимни гўё зал охиридаги ҳожатхонага кетаётгандай тутдим.

У ерда қўлимни ювиб ҳақиқатан ҳам ҳожатхонага

келгандай туйилиши учун яна бир-икки дақиқа кутиб турдим. Кейин яна раҳбарнинг оғиси ёнидан ўтиб, иш столимга келдим ва кейинги ярим соатни дўстларимга хат жўнатиш билан ўтказдим. Ўттиз дақиқа учрашув якунига етиши учун етарли вакт, деб хисобладим, шундай бўлса ҳам ишонч ҳосил қилиш учун яна ўн беш дақиқа кутишга карор қилдим ва кейин яна раҳбарнинг оғиси томон қадам ташладим.

Нимагадир иккинчи сафар олдингидан ҳам кўпроқ асабийлашаётган эдим. Менимча, бу хўжайнинг учрашуви тугаганига ишончим комил эмаслиги учун бўлса керак. Агар у ҳали ҳам учрашувда бўлса, мен яна бир марта ўзимни ҳожатхонага кетаётгандай кўрсатишимга тўғри келади ва у мени қовуғида ёки қорнида жиддийроқ муаммоси бор, деб ўйлай бошлиши мумкин. Камига иш ўрним яқинидаги қолиб унинг оғиси ёнидаги ҳожатхонадан фойдаланаётганим ғалати кўринаётган бўлса керак. Балки, у иш ўрним яқинидагиси ишламай қолган, деб ўйлагандир. Булар унинг хаёлидан ўтаётганига ишончим комил эди, шунинг учун ўзимни бу аҳамиятсиз эканига ишонтиришга уринардим. Барибир бу менинг “Oracle”даги охирги иш куним бўлиши керак эди. Лекин раҳбарнинг ўн йилдан кейин мен ҳақимдаги ягона хотираси залнинг бошқа томонидаги ҳожатхонадан тинимсиз фойдаланганим бўлади, деган хаёл миямнинг туб-тубида тинимсиз айланарди. Бу эса даҳшат эди.

Шу сабабли мен унинг ёдида «ҳожатхонага серқатнов бўлиб қолган ғалати бола» сифатида колмасликка карор қилдим. Менда бир ғоя туғилди. Тўғри унинг оғисига кираман-да, ҳаммасидан қутуламан. Шундай қилиб, мен орқага қайтиш йўқлигини таъкидлаб, йўлак бўйлаб бордим. Олдиндан қўзларимиз тўқнашиб кетмаслиги учун деворга яқинроқ томондан юрдим, шунда у менинг узокдан юриб бораётганимни кўрмасди. Юрагим тез-тез урарди. Бу сафар унинг эшиги очиқлигига кўзим тушди.

Ниҳоят, эшик олдига келиб ичкарига қарадим. Унга ишдан кетаётганим ҳакида айтишга тайёр эдим.

Бирок хонада ҳеч ким йўқ эди.

Бу энг кийин ишдан кетиш сифатида тарихда қоладиганга ўхшарди. У бошқа бир учрашувга ёки тушликка кетгандир, деган хаёлда мен ҳам тушликка боришга қарор килдим. Тушдан сўнг учинчи уриниш учун қайтиб келмоқчи бўлдим. Бир хўрсиндим-да, орқага қайрилдим. Шунда оркамда турган раҳбаримга дуч келдим.

«Тони? Мени қидираётган эдингизми?» – сўради у.

Мен бу ҳолатга руҳан тайёр эмасдим. Ўша вактда «Taco Bell»дан нимадир буюртма қилиш ҳакида ўйлаётгандим. Эсанкираб шоша-пиша «Йўқ, узр» деб ғўлдирадим, бошқа шубҳа уйғотмаслик учун иложи борича тезроқ юриб кетдим.

«Taco Bell»да иккита муҳим қарорни қабул қилдим. Ошқозонимга кутилмаган тетиклаштирувчи таъсир кўрсатадиган янги ичкилик такони синааб кўрмокчи бўлдим. Бундан ташқари ишдан бўша什 учун эртагача кутишга қарор қилдим. Бугун мавриди эмаслигига ишоралар етарли эди.

Ўша куни кейинроқ офисга қайтганимда, ишдан бўша什 масаласи билан шуғулланишим шарт эмаслигини билганимдан анча енгил тортгандим. Иш ўрним якинидаги ҳожатхонага борганимда эшикдаги ҳожатхона тозаланаётгани ва бошқасидан, яъни хўжайнинг офиси ёнидагисидан фойдаланиб туриш ҳакидаги ёзувни кўрдим.

Яхши томони, мен аллақачон унинг қаердалигини билардим ва ўша томонга юрдим. Ҳожатхонага яқин борганимда раҳбарнинг эшиги очиқлигига ва у хонада ёлғиз эканига кўзим тушди. Ҳаммасини якунига етказишига қарор қилдим, шунинг учун кўп ўйламасдан ўзимни офисга киришга унладим.

«Вақтингиз борми?» – сўрадим. Эшикни ёпиб, унинг каршиисига ўтиридим. Энди оркага йўл йўқ эди.

«Мен... ишдан бўшашиб қарор қилдим», дедим хаяжон билан. «Oracle»да беш ойдан буён ишлаётгандим ва ҳали деярли ҳеч нарсанинг удасидан чиқмагандим. Бу янгиликни раҳбарим қандай қабул қилишини билмасдим. «Oracle»да якиндан бери ишлаётганим ва аллақачон кетмоқчи бўлганим учун хафабўлса керак, деган ташвишда эдим. Ёки танаффусларда кўп ушланиб қолаётганимни билар ва ичидан кетаётганимдан хурсанддир. Балки, бу билан умуман иши йўқдир. Унинг жавоб бериши учун керак бўлган уч сония менга уч дақиқадай туйилди.

«Йўғ-е! Бошқа бирор стартапга қўшилаётган кўринасиз! Қандай ажойиб имконият!» У мен учун чин юракдан хурсанд эди. У мени миллионлаб венчур-капиталига эга бўлган компанияга қўшиляпти, деб ўйлади.

Унга шунчаки «Oracle»дан зерикканим ва Санжай билан бирга ижара уйимиздан туриб бошқараётган веб-дизайн бизнеси учун кўпроқ вақт орттиришни хоҳлаганимни айтишга юрагим дов бермади. Ҳозирги даражамизда аслида «Oracle»даги маошимиздан камроқ пул топаётгандик.

Бироқ биз ўз бизнесимизни юритишни ва тақдиримизни ўзимиз кўлга олишни хоҳлаган эдик. Бу пул учун эмас, зерикмаслик учун эди. Энди Санжай иккаламиз ҳам расман ишдан бўшагандик ва ҳаётимизнинг кейинги қисмини бошлишга тайёр эдик. Бизни нима кутаётгани қоронғи эди, лекин нима бўлса ҳам, зерикиш ва қониқмаслик хиссидан кўра яхшиrok бўлиши керак эди.

Биз саргузаштга тайёр эдик.

Стартап

Маълум бўлишича, биз кутган саргузашт ўз-ўзидан содир бўлмади. Оқибатда биз уйда ўтириб қолдик. Вақти-вақти билан веб-дизайн билан шуғулланардик, баъзан

янги мижозлар кидиришга борардик.

Биринчи ҳафтанинг якунигача иккимиз ҳам веб-дизайнга кизиқмаслигимизни англадим. Биз ўз бизнесимизга эга бўлиш ва уни юритиш ғоясига мубтало эдик, лекин реаллик тасаввурдан кўра анча зерикарли бўлиб чиқди.

Ота-онам «Oracle»дан кетганимни эшишиб, унчалик ваҳимага тушмади. Дадамга Санжай билан веб-сайт яратиш бўйича компания ташкил этишимизни айтганимда у менга бу бизнеснинг келажаги йўқдай кўринаётганини айтганди. Мана ҳозир, бир ҳафта ўтмай Санжай билан «Oracle»дан кетиб тўғри қилганимизга шубҳаланиб қолдик.

Кейинги бир неча ҳафта оғир ва бироз эзгин ўтди. Зерикишни енгиги, кўнгил ёзиш учун кўп вақтимизни интернетда ўтказа бошладик. Санжайнинг кийим жавонига ухлашга киришини томоша қилиш ягона кизикарли машғулот эди. Биз бироз аклдан озишни ҳам бошлаётгандик.

Хайриятки, иккимизнинг ҳам университетдаги ишимиздан орттирган етарли пулимиз бор эди. Шунинг учун йилнинг қолган қисмида ижара ҳақини тўлаш ҳақида қайғурмасак ҳам бўларди. Нимани хоҳлашимизни билмасдик, лекин нимани хоҳламаслигимизни билиб олдик. Биз «Oracle»да ишлашни хоҳламасдик. Ортиқ веб-дизайн билан шуғулланишни ҳам хоҳламасдик. Ортиқ савдо алоқалари қилишни хоҳламасдик. Ва биз зерикишни хоҳламасдик.

Шундай қилиб, биз кун-тун интернет билан боғлиқ кейинги бизнес ғояни ўйлаб топиш билан овора эдик, лекин бирор арзирли фикр келмасди. Бир куни дам олиш кунида зерикканимиздан бир ғояни синаб кўриш учун компьютер дастури тузишга қарор қилдик. Уни дастлаб интернет «LinkExchange (ILE)» деб номлаганмиз, кейинчалик уни қисқача «LinkExchange» қилиб ўзгартирганмиз.

«LinkExchange» ортидаги ғоя жуда оддий эди. Агар сизнинг веб-саҳифангиз бўлса, бизнинг хизматимиз учун текинга рўйхатдан ўтишингиз мумкин эди. Рўйхатдан ўтганингиздан сўнг, веб-саҳифангизга маҳсус кодни жойлаштирасиз ва сайtingизда автоматик равишда реклама баннерлари кўрина бошлади.

Ҳар сафар кимдир веб-сайtingизга кириб, рекламани кўрса, сизга тушган пулнинг ярми берилади. Шундай қилиб кунига мингта фойдаланувчи сайtingизга кирса, сиз умумий даромаднинг ярмини оласиз. Ушбу даромад билан биргаликда, сизнинг веб-сайtingиз «LinkExchange» тармоғида беш юз марта бепул реклама килинарди. Шунинг учун бу катта реклама бюджетига эга бўлмаган веб-сайtlарга қўшимча равишда ўзларини текинга намойиш қилишлари учун ажойиб имконият эди. Қолган беш юзта реклама имкониятини ўзимиз учун саклаб қўярдик. Ғоя шундай эдики, вакт ўтиши билан «LinkExchange» тармоғини кенгайтириб, охир-оқибат катта корпорацияларга сотиш учун етарли реклама имкониятларига эга бўлардик.

Санжай билан биргаликда тажрибамиз учун дастурлаш қисмининг барчасини бир ҳафтада якунладик, сўнг интернетдаги ўзимиз ёқтирган кичкина веб-сайtlарнинг элликтасига электрон почта орқали хабар юбордик. Улардан янги хизматимизни синовдан ўтказишда ёрдам беришини сўрадик.

Ажабланарлиси, йигирма тўрт соат ичидаги биз хабар жўнатган сайтларнинг ярми хизматни синовдан ўтказишда ёрдам бериш учун рўйхатдан ўтди. Одамлар уларнинг сахифаларига кириб, реклама баннерларини кўргани сари «LinkExchange» ҳақида сўзлар тарқала бошлади. Бир ҳафта ичидаги шунчаки зерикишдан кутулиш учун яратган лойиҳамиз каттароқ самара бериши мумкинлигини англадик. «LinkExchange»ни муваффакиятли бизнесга айлантиришга бор дикқат-эътиборимизни қаратишга

карор қилдик.

Кейинги беш ой шамолдай ўтди. Борган сари күпроқ веб-сайтлар бизнинг хизматимизга рўйхатдан ўтарди. Биз ҳали пул ишлаш ҳақида қайғурганимиз йўқ эди. Фақат «LinkExchange» тармоғини кенгайтиришга эътиборимизни қаратгандик. Тез ўсиб бораётган ва бошқалар ростдан ҳам фойдаланишга иштиёқманд бўлган бир нарса яратаБтганимиздан ҳаяжонда эдик. Санжай иккимиз тиним билмасдик. Вактимизнинг ярмини компьютер дастурчилигига, колган ярмини мижозларга хизмат кўрсатиш учун электрон хатларга жавоб қайташишга сарфлардик. Ҳар бир келган хатга тезроқ жавоб қайташишга уринардик. Одатда уларга ўн дақика ичидаги жавоб қайтаардик ва одамлар бизнинг тез ишлашимиздан ҳайратда қоларди.

Биз ҳамма электрон хатларга жавоб беришга улгура олмай колдик, шунинг учун шаҳар ташқарисидан келган дўстим бизга ёрдам беришга қарор қилди ва шу ерда қолиб кетди. Ўша пайтда ҳаммамиз учун ҳаяжонли, кизиқарли, ажойиб ва афсонавий дамлар эди. Бизни кандайдир буюк нарса кутаётганини билардик, шунчаки унинг нима эканлигидан бехабар эдик. Кунларнинг ҳаммаси аралашиб кетганди. Биз ҳафта кунларининг умуман фарқига бормасдик.

Бир куни, 1998 йилнинг августида Ленни исмли бир йигит кўнфироқ қилиб қолди. У Нью-Йоркдан телефон қилаётганди. У тармоғимизда реклама бермоқчилигини ва, шунингдек, компанияни сотиб олиш нияти борлигини айтди.

Санжай иккимиз у билан тушлик учун ҳафта охирларида Сан-Францискода учрашишга рози бўлдик. Учрашув ҳар турдаги гўштларни пиширишга ихтисослашган «Tony Roma's» ресторонлар тармоғининг бирида бўлди. Ленни ўзини «Bigfoot» деб таништирди. Бу ном унинг компаниясига тегишли бўлиб, унинг тахаллуси

ҳам шундай эди. У қаҳлуа ичимлигидан буюрди, мен ҳам ўзимга шундан буюртма килдим. Санжай эса қаҳлуадан бош тортди. Университетда бир кечада күпроқ қаҳлуа истеъмол қилиб юборганимиз (ва кейинроқ хонадошлар билан роса қайт қилганимиз). Хонадошларимиз ҳали-хануз бу кунни «Қаҳлуа кечаси» деб ёдга олишади. Санжай ўша кундан буён қаҳлуа билан чиқиша олмайди.

Ленни бизга таклифи борлигини айтди. У «LinkExchange»ни «Bigfoot»га сотишимиз учун бир миллион доллар нақд пул ва сармоя таклиф қилди. Келишувнинг бир кисми сифатида Ленни «Bigfoot»да ишлаш учун Нью-Йоркка кўчиб ўтишимизни хоҳлашини айтди. Санжай иккимиз ҳайратланиб бир-биrimизга қарадик. «LinkExchange» ташкил қилинганига эндиғина беш ой бўлганда бизда уни бир миллион долларга сотиш имконияти туғилганди. Биз Леннига ўйлаб олишимиз учун бир неча кун кераклигини айтдик, лекин хаёлимга факат бир сўз келди: «Қойил!»

*

Санжай билан кейинги йигирма тўрт соатни қандай жавоб беришни муҳокама қилиб ўтказдик. Биз «LinkExchange»нинг бундан каттароқ натижага эришиш имконияти борлигига ишонардик, лекин бунчалик катта пулни рад этиш ҳам осон эмас эди. Шундай қилиб, биз Леннига компанияни икки миллион доллар нақд пулга сотмоқчи эканимизни айтишга қарор қилдик. Шу йўл билан атиги беш ой ишлаб, Санжай билан ҳар биримиз бир миллион доллардан пулга эга бўлардик. Қаердадир ўқигандим: «Музокара натижаси қандай бўлиши сизга аҳамиятсиз бўлса ва ташлаб кетишдан қўрқмасангиз, сиз унда энг яхши позициядасиз».

Мальум бўлдики, Ленни бизни икки миллионга арзиди, деб ўйламас экан (Мен ҳам уни икки миллион доллар пули бор деб ўйламасдим), шу сабабли биз ўз йўлимииздан офишмасликка, лекин ўзаро алоқани давом

эттиришга келишдик.

— «LinkExchange» ҳаётда бир марта бўладиган имконият,—деди Ленни.—Ҳаётим давомида кўп пул ишлаб топдим, лекин пулни кайтиб олиш ўрнига ҳаммасини таваккал килиб тикиб юборишга қарор қилганимда кўп йўқотдим ҳам. Сизларга омад тилайман.

«LinkExchange»нинг муваффакият козонишига ишониш Санжай иккимизга доимгидан кўра кучлирок туртки берди. Биз Леннига адашганини исботлашимиз керак эди.

Хизматимиздан фойдаланувчилар сони ортиб боргани сари компьютер дастурчилигига ҳам, мижозларга хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам қўшимча ёрдамга мухтож бўлиб колдик. Шахар ташқарисидан келган дўстларимизни биз билан қолишга ва хатларга жавоб беришда ёрдам беришга кўндиридик. Қўшимчасига компьютер дастурчиларини ҳам излай бошладик.

Университетда халқаро компьютер дастурчилиги мусобақасида иштирок этганим ёдимга тушди. Ҳар бир университет бошқа университет жамоаларига қарши учта энг яхши компьютер дастурчиларини бир жамоа сифатида мусобақага юборишига руҳсат берилганди. Менинг жамоам мусобақада биринчи ўринни олганди. Жамоадошларимдан бири бўлган Хадини топиб, уни «LinkExchange»га таклиф қилиб кўришга қарор қилдим.

Талабалик пайтимида Хади кўзбойлағичликка кизиқишини билиб қолгандим. Шунинг учун у билан университет амфитеатрида сеҳргарлик шоусини қўйиш ғоясини қисқача муҳокама қилганимиз. Биз ўзимизча навбатдаги Дэвид Копперфильд дуэти бўламиз, деб ўйлагандик, лекин охир-оқибат бундан ҳеч қандай иш чиқмади, чунки иккимиз ҳам жуда банд эдик.

Хади билан боғланиб, унга «LinkExchange»га қўшилишни таклиф қилдим ва қанчалик тез ўсаётганимиз, биз рад этган бир миллион долларлик таклиф ва ҳаммаси

кандай ажойиб эканлиги ҳакида барча маълумотларни бердим. У таклиф ёккани, лекин қўшила олмаслигини айтди. Чунки у ўша пайтда Сиэтлда «Microsoft»да ишлаётган, «Netscape» браузер билан ракобат килиш учун «Internet Explorer» деган браузерни ишга туширмоқчи бўлган жамоани бошқараётган экан.

Аммо у менга ҳам ташки кўриниши, ҳам қобилияти жиҳатидан ўзи билан бир хил бўлган эгизак укаси борлигини айтди. Айтишича, иккаласи шунчалик ўхшаш эдики, университет пайти биттаси жуда банд бўлса, бошкаси унинг ўрнига машғулотларга бораркан. Менга қизик кўрингани, улар ҳеч бир-бирининг ўрнига учрашувга ҳам чиқсанмикан?

– Шундай килиб... Сиз эгизагингизни ишга ёллашимизни таклиф киласизми? – сўрадим мен.

– Ҳа.

– Бир-бирингиз учун интервьюга борганингиз ҳакидаги гап ростми?

– Ҳа.

– Унда яхши. Эгизагингизнинг исми нима?

– Али.

Хулас, Али билан бир марта учрашганимиздан сўнг уни «LinkExchange»га учинчи шерик килиб олишга қарор қилдик ва Сан-Францискода ўз оғисимизни очдик. Ҳар биримиз дўстларимизни «LinkExchange»га таклиф килишни бошладик ва бирин-кетин улар бизга қўшила бошлашди.

Ўша йилнинг декабрига қелиб, «LinkExchange»да йигирма бешта ходим бор эди ва уларнинг аксарияти ўзимизнинг дўстларимиз эди. «Yahoo» асосчиларидан бири Жерри Янг биз билан учрашмоқчи эканлигини айтди. «Yahoo» ўша йили яқиндагина жуда катта муваффақиятли кимошди савдоси ўтказган эди ва унинг қиймати 1 миллиард доллардан ошиқроқ эди. Жерри ўша пайтдаги «dot-com» инқилобининг асосий фигуralаридан эди, шу

сабабли биз интернет юлдузи билан учрашувни ҳаяжон билан күтдик. «Yahoo» билан канакадир реклама битими туза оламиз, деб умид қилаётгандик. Бу бизнинг янада тезроқ ўсишимизга ёрдам берарди.

Маълум бўлишича, Жерри реклама битими билан кизиқмайтган эди. У бизни сотиб олишдан манфаатдор эди. Бу биз учун бироз кутилмаган хабар бўлди. Биз таътил тутагунча кутишимизга тўғри келарди, чунки корпоратив ривожланиш бўлимида гиларнинг ҳаммаси таътилда эди. Шу сабабли январда яна қайта гаплашиб кўришга келишдик.

Янги йилдан сўнг у эски ижара уйимизга биз билан учрашгани келди ҳамда Санжай, Али ва менга тўлашга тайёр бўлган суммасини айтди.

«Йигирма миллион доллар».

Мен ҳайратдан чайқалиб кетмасликка ва хотиржам кўринишга харакат қилдим. Хаёлимга келган биринчи сўз «Bay!» эди. Хаёлимга келган кейинги фикр шу бўлди: «Беш ой бурун компанияни Леннига сотмаганимиздан жуда хурсандман».

Жеррига ўйлаб кўриб, бир неча кундан кейин жавоб беришимиизни айтдик. Ушбу вазиятда рақамлар каттарок эди. Анча катта.

Кейинги бир неча қун хавотир билан ўтди. Қолган ишчиларимизга нима бўлганини, Санжай, Али ва мен охирги қарорни қабул қилишимизни айтдик. Агар биз 20 миллион доллар олсак, бундан кейин ишлашга хожат колмасди.

Тажриба сифатида, агар пулни олсам, қилишим мумкин бўлган нарсалар рўйхатини туздим:

Сан-Францискода бирор тураржой сотиб оламан, шунда ижара уйда бошқалар билан бирга турмасдан, ўз уйимда яшардим.

Катта экранли телевизор сотиб олиб, уй театрини курадим.

Кичик таътиллар (ёки дам олиш кунлари)да Лас-Вегас, Нью-Йорк, Маями ва Лос-Анжелес каби жойларга боришим мумкин.

Янги компьютер сотиб олардим.

Бошка бир компанияни ташкил қилардим, чунки менга нимадир яратиш ва уни ривожлантириш ғояси жуда ёқади.

Рўйхатим шунчалик кисқалигига ҳайрон бўлдим. Унга яна нимадир кўшиш мен учун жуда кийин эди. Олдинги иш жойларимдан саклаб қўйган пулларим билан мен аллақачон телевизор, компьютер сотиб олиш ва кичкина таътилга бориш имкониятига эга эдим. Шунчаки бунга ҳеч ҳафсала қилмаётгандим.

Мен аллақачон ўзимга ёқсан компанияни бошқаришга хисса қўшаётган эдим. Ҳозирги компанияни бошқариш кизиқарли бўлиб турган бир пайтда яна кизиқарли машғулот билан шуғулланиш учун бошка компания ташкил қилиш ғояси ахмоқона кўринди. Ўз уйим бўлмаслигини ҳисобга олмаса, ўзим хоҳлаган ҳамма нарсани сотиб олишга курбим етарди.

Леннининг сўзлари миямда такрор ва такрор жарангларди:

– «LinkExchange» – бу ҳаётда бир марта бўладиган имконият.

Бир нарсани чин юракдан англаб турардим: «Гарчи муваффақиятсизликка учрасак ҳам, имконият кетидан бориш энг тўғри йўлдир». Бу йигирма уч ёшда ўз уйига эга бўлишдан кўра муҳимроқ эди. Уй сотиб олиш қочиб кетмайди.

Санжай ва Алига фикрларимни айтдим, улар ҳам ўзлари мустақил хулоса чиқаришди. Ҳали ёш эдик. Жасоратли бўлишимиз мумкин.

Эртаси куни қароримизни эълон қилиш учун компания йиғилиши ўтказдик.

«Барчага маълумки, биз «Yahoo»дан компанияни сотиб

олиш ҳакида таклиф олдик. Сүнгги кунларни уларнинг таклифини қабул қилиш ёки қилмаслик тўғрисида ўйлаш билан ўтказмоқдамиз», – дея сўз бошладим. Хонада вужудга келаётган кескинликни хис қилиш мумкин эди.

«Биз уларнинг таклифини рад этишга қарор қилдик».

Хонага кўз югуртириб, одамларнинг юзидағи енгиллик аломатларидан ҳайрон бўлдим. «Биз жудаям ўзига хос даврда яшяпмиз, – дедим мен. – Интернет саноати авжига чикмоқда. «Netscape», «eBay», «Amazon» ва «Yahoo» каби компаниялар инсоният тарихи йўналишини ўзгартирумокда. Ҳеч қачон бунчалик кўп компаниялар бундай киска вактда муваффакият қозонмаган. Ҳаётдан завқ олиш билан биргаликда шу компаниялардан бири бўлиш имкониятига ёгамиз».

Нима учунлигини билмайман, лекин негадир борган сари хиссиётта берилиб бораётгандим. Овозим титрай бошлади. Охирги сўзларимни айтиб, учрашувни тугатишим керак эди, акс ҳолда йиғлаб юборардим:

«1997 йил бошқа қайтиб келмайди».

Биз бутун дунёга қарши эдик ва ютиб чиқишимизга ишонч ҳосил қилмокчи эдик.

*

Кейинги бир неча ойни яхши эслай олмайман. Гўё кимдир бизни хато қилмасин, деб назорат қилиб тургандай хаммаси жойида эди. «Yahoo»ни молиялаштирган венчур-капитал фирмаси «Sequoia Capital» компаниясидан Майкл Мориц бизнинг директорлар кенгашимизга аъзо бўлди ва компаниянинг 20 фоиз улуши учун 3 миллион доллар сармоя қўйди. Хизматимиздан тобора кўпроқ сайтлар фойдалана бошлади ва компания даромадларини ошириш учун катта-катта реклама берувчиларни рўйхатдан ўтказа бошладик. Ақлли, ғайратли ходимларни ишга ёлладик (уларнинг кўпчилиги ходимларимизнинг танишлари эди) ва биргаликда анча вактичоғлик қилдик. Бошимиз осмонда эди.

Бу қандай бошланганини билмайман-у, лекин «LinkExchange»да жуда кизикарли анъана бор эди. Ойда бир марта бутун компанияга электрон хат юборардим, уларга мухим учрашувимиз ҳакида ва унда баъзи мухим сармоядорларимиз ва директорлар кенгashi иштирок этиши ҳакида хабар берардим. Шунинг учун ҳамма учрашув куни галстук тақиши ва костюм кийиши шарт эди.

Якинда ёлланган ишчилардан ташкари ҳамма бу ҳакиқий расмий учрашув эмаслигини ва аслида костюм кийиш, галстук тақиши шарт эмаслигини биларди. Учрашувнинг асл сабаби ўтган ойда «LinkExchange»га қўшилган барча янги ишчиларни сафимизга қабул килиш маросимини ўтказиши ва улар билан озгина ҳазиллашиш эди.

Шундай қилиб, ойда бир марта барча янги ёлланган ишчилар офисга костюм ва галстукларда келишарди. У ерда улар компаниянинг анъанавий ҳазили нишонига айланганини тушунишарди. Кундузги йиғилишда қандайдир ноқулай шартни бажариш учун барча янги ишга қабул қилинган ходимлар хонанинг олдига чакириларди.

«Sequoia Capital» сармоясидан кейин биз Майкл Морицдан анъанавий йиғилишимизда иштирок этишини сўрадик ва уни охирги бир ой ичида ёлланган бошқа олтита ходим билан бирга хонанинг олд томонига чакиридик.

Ҳамма ўзини таништиргандан сўнг уларга Морицнинг иштироки шарафига барчадан янграётган мусиқага мос равишда биргаликда харакат қилишни сўрадик.

Агар сиз Мориц ҳакида оммавий ахборот воситаларида бирор нарса ўқиган бўлсангиз, у умуман олганда ақлли, интроспектив ва венчур-капиталистга айланган атоқли британиялик журналист сифатида тасвирланарди. Шунинг учун ҳамма унинг бошқа янги ходимлар билан олдинда туришини кўриб ҳаяжонда эди.

Ҳамма шодланиб, қарсак чалаётган бир пайтда кимдир магнитофон олиб чиқди ва уни ёқди. Сўнг мусика янграй бошлади. У «Макарена» эди.

Морицнинг «Макарена»га мажбуран ўйнашини томоша қилиш қандай бўлишини сўз билан тасвиirlаб бўлмайди. У мен кўрган энг ғалати томошалардан бири эди. Хонадаги ҳамманинг кайфияти чоғ, кулаётган эди. Кўшикнинг охирига келиб, қаттиқ кулганимдан юзимдан ёшлар оқиб тушаётганди.

Хонадаги барча шодон чехраларга қараб, ўзимча ўйлаганим ёдимда: «Ҳаммаси ҳақиқат эканлигига ишона олмайман». Бу шунчаки Морицнинг «Макарена»га раксга тушиши ёки бутун хонадаги одамлар кулишаётгани ҳақида эмас. Бу ўтган йили содир бўлган ҳамма нарса ҳақида эди. Бунга шунчаки ақл бовар қилмасди.

«Pretty Woman»нинг сўзлари билан айтганда, мен эртакда яшаётган эдим.

Тез ўсиш

«Sequoia Capital»дан маблағ қабул қилганимиздан кўп вақт ўтмай, университетда мен пицца сотган йигит – Альфредга мурожаат қилдим ва унга доимий ходим сифатида бизга қўшилишни таклиф қилдим. У Стэнфордда статистика бўйича докторлик диссертацияси устида ишлаётган экан. Мен учун бу дунёдаги иккинчи энг зерикарли ишдай туйилди (биринчиси кечаси бўёқнинг куришини кузатиш. Бу пайт бўёқ ранги кўринмайди).

Сўнгги икки йилда у билан биргаликда амалга оширишимиз мумкин бўлган бизнес турларини аниклашга ҳаракат қилдим. Биринчи ғояларимдан бири Альфред билан Стэнфорд шаҳарчасининг бирор қисмида «Subway» сэндвич франчайз очиш эди. Ўша пайтда «Subway» АҚШдаги энг тез ривожланаётган франчайзлардан бири эди, бунинг сабаби қисман франчайз нархи ва бошлангич харажатлар жуда паст бўлганлиги эди. Альфред аслида мен билан буни амалга оширишни ўйлаб юарди, аммо

кейин билдики, ўша пайтда Стэнфорд ўз худудида тижорат фаолиятига рухсат бермасди.

Санжай билан «LinkExchange»ни йўлга қўйган вактимизда Альфреддан бизга қўшилишини сўрадим. Ўшанда у буни жуда таваккал иш деб ўйлади, бундан ташкари ота-онаси уни магистратурадан колиб кетишини эшишиб, ғазабланишидан хавотир олди. Шу сабабли биз алоқада бўлиб туришга келишдик. Уни бизга маслаҳатчи бўлиб ишлаб туришга кўндиридик.

Бу сафар эса Альфред таклифимизни мамнуният билан қабул қилди. Менимча, бунинг иккита сабаби бор. Биринчиси, банкда «Sequoia Capital»дан олган 3 миллион долларимиз борлигини билгани ва иккинчиси докторлик даражасини олиш унинг иши эмаслигини англагани бўлса керак. У 1997 йилда молия бўйича вице-президент сифатида «LinkExchange»га қўшилди.

Кейинги ўн етти ой давомида ҳаммамиз жуда кам ухладик. Биз жуда тез ўсаётган ва иложи борича тезроқ янги ишчилар ёллаётган эдик. Иш ўринлари учун дўстларимизни жалб қилиш тизимидан чарчадик, шунинг учун ишлашга тайёр бўлган ва олти ойдан ортиқ қамоқ жазосини ўтамаган деярли ҳар қандай «иссиқ вужуд»ни ишга ёллашни бошладик.

Офис учун ижарага олинган қаватга сиғмай қолдик. Натижада офисни бинонинг қўшимча қаватларига кенгайтира бошладик. Ҳатто Нью-Йорк ва Чикагода савдо оғисларини очдик. Офисда юриб, танимаган одамларингни кўриш жуда ғалати эди. Ҳар хафтада битта янги одам пайдо бўлгандай туйиларди. Гап уларнинг исмларини ёки қайси иш ўрнида фаолият юритишини билмаслигимда эмас... Мен ҳатто уларнинг юзларини хам танимасдим. Бино қаватлари бўйлаб юрганим сари менга дуч келган одамлар «LinkExchange»да ишлайдими ёки бинодаги бошқа компанияларнинг ходимларими – анигини билмасдим.

Ўша пайтда, албатта, бу ёмон нарса деб ўйламаган эдим. Ҳарна жадал суръатда ўсиб бораётганимиз учун ходимларни танимаслик ҳаяжонни кучайтиради ва адреналинни доимо юқори даражада ушлаб турарди. Буни барчамиз хис килиб турардик. Аммо ортга назар ташласак, бу аслида келажак учун катта огохлантириш қўнғироғи бўлиши керак эди.

Қисқаси, биз корпоратив маданиятга эътиборлироқ бўлиш кераклигини билмаган эдик. Дастребки йилда қизиқарли ва ҳаяжонли бир нарса қуришга ўз хиссасини қўшмоқчи бўлган одамларни ва дўстларимизни ишга ёллагандик. Ўзимиз билмаган ҳолда биргаликда ҳаммага манзур бўлган корпоратив маданият яратдик.

Ходимлар йигирма беш кишидан ортгач, бошқа сабабларга кўра компанияга қўшилаётган одамларни ишга ёллаб хатога йўл кўйдик. Қувонарлиси шуки, биз ёллаган одамлар аклли ва сергайрат эди. Ёмон томони, уларнинг кўпчилиги кўп пул топиш ёки карьера ва резюмеларини бойитиш илинжида эди. Улар бир неча йиллик машаққатли меҳнатларини «LinkExchange»га сарфлаб, сўнг бошқа компанияга резюмени бойитадиган ишга ўтишни хоҳлашарди. Ёки агар ишлар яхши кетса, кўп пул топиб, нафақага чиқиш умидида эди. Биз ўсишда ва тобора кўпроқ ишчи ёллашда давом этдик. Охир-оқибат 1998 йилга бориб компаниядаги ишчилар сони юздан ортди.

Бир куни уйғоткичнинг овозини ўчириш тугмасини олти марта босганимдан сўнг кўзимни очдим. Еттинчи марта босмоқчи эдим, тўсатдан хаёлимга бир фикр келди. Сўнгги марта «Oracle»да эканимда, ишга боришга эринганимда бу қадар кўп уйғоткични ўчирган эдим. Бу яна содир бўлди, факат бу сафар мен «LinkExchange»га боришга ҳайикаётган эдим.

Бу мен учун жуда ғалати туйғу эди. «LinkExchange»нинг асосчиларидан бири эдим, бироқ компания

энди мен боришини истайдиган жой эмасди. Авваллари бундай бўлмасди. Бир ярим йил аввал ўз ходимларим олдида «1997 йил бошқа қайтмайди», деган эдим. Қандай қилиб ҳаммаси бунчалик тез ўзгарди? Нима бўлди? Қандай қилиб биз «ҳамма бир киши учун, бир киши ҳамма учун» руҳидаги жамоавий кайфиятдан айни пайтдаги фитна, мавқе талашиш ва мишмишлар ҳукм сурган муҳитга ўтиб қолдик?

Ўтган йилни ёдга олиб, ишлар орқага кетган ва қизиқишим сусайган бирор ҳолатни эслай олмадим. Компания маданиятининг емирилишига сабаб бўлган ягона бир ходимни кўрсатолмайман.

Бу минг марта кесиш натижасидаги ўлим² ёки Хитойдаги сув томчилатиб қийноққа солиш каби эди. Кундан-кунга томчилаб-томчилаб... Ҳар бир томчига ёки ишга ёллашдаги хатоликка чидаш мумкин эди, бу унчалик жиддий муаммо эмасди. Аммо ҳаммасини жамласак, бу азоб эди.

Мен нима қилишни аниқ билмасдим. Бу фикрни миямдан чиқариб ташладим. Чунки ҳал қилиниши керак бўлган долзарб муаммолар бор эди: Иқтисодиёт яхши ишламаётганди (Россия валютаси билан боғлиқ қанақадир муаммо ва ўзим унчалик тушунмаган узок муддатли капитал чўкиши сабабли) ва компанияда даромадимиз тўсатдан тўхтаб қолса, ишни давом эттириш учун етарли пул захираниз йўқ эди. Қўшимча молиялаштиришни жалб қилиш учун кимошди савдосига тайёрлана бошладик, аммо Россия валютасидаги кутилмаган муаммолар ишимизни ортга сурди. Иқтисодиётимиз ёмонлашганда суғурта сифатида «асос» молиялаштириш айланмасини йўлга қўйишимиз керак эди. Акс ҳолда, йил охиригача банкрот бўлишимиз мумкин эди.

Сўнгги икки йил ичida биз «Yahoo», «Netscape»

² 1990 йилда Гарри Маршал бошчилигига суратга олинган романтик комедиянинг бош қаҳрамони.

ва «Microsoft» компаниялари билан яхши муносабат ўрнатдик. Ушбу компанияларнинг хар бири килаётган ишимизга катта қизикиш билдири ва стратегик шериклик имкониятларини аниқлашдан манфаатдор эди. (Мен хеч қачон «стратегик шериклик» нимани англатишини ва унинг оддий шерикликдан қандай фарқ қилишини тушуна олмаганман. Лекин ушбу сүзни ким ишлатса, акли одамдай күринарди, шунинг учун бу иборадан фойдаланишни ёқтирадик.)

Ажабланарлиси шундаки, учала компания ҳам бизнинг мэззанин молиялаштириш айланмамизга инвестиция киритишга қизикиш билдири. Бундан ҳам ҳайратланарлиси, «Netscape» ва «Microsoft» компанияни тўлиқ сотиб олишга кўпроқ қизиқаётганди.

Биз уларга нарх камида 250 миллион долларга тушишини айтдик. Бу суммани қаердан ўйлаб топганимизни билмайман, лекин у менга жуда яхши кўринди. «Netscape» ва «Microsoft» иккаласи ҳам музокарани давом эттиришни хоҳлагани яхшилик аломати эди.

Шундай қилиб, улар тендер бошлаб юборишли.

Нихоят, «Microsoft» энг катта сумма – 265 миллион доллар таклиф қилди, аммо унга бир нечта шартлар кўшилганди. Улар Санжай, Али ва мени «LinkExchange»да яна камида бир йил қолишимизни исташди. Агар мен белгиланган вакт давомида у ерда қолсам, 40 миллион долларга яқин пул билан кетардим. Агар қолмасам, бу миқдорнинг 20 фоизидан воз кечишим керак эди.

«LinkExchange» энди мен учун қизиқ бўлмаса-да, шу кетишда у ерда яна бир йил ишлашим мумкинлигини англадим. Шунчаки ишдан бўшамаслик учунгина арзимас вазифаларни бажариб туришимга тўғри келарди.

Бирор компания бошқа компания томонидан сотиб олинганда директорлар кенгаши ўз ўрнида қолиб, деярли хеч нарса бажармай юриш ҳолатлари кўп кузатилади.

Аслида, бу ҳолатда тадбиркорлар ишлатадиган алоҳида ибора ҳам бор: «Бошқарувни тинчликда топшириш».

«Microsoft» билан музокараларимиз бошланганидан бир неча ҳафта ўтгач, битим имзоланди. «Microsoft» томонидан амалга оширилган бошқа харидлар билан таққослаганда, «LinkExchange» харида рекорд вақт ичида амалга оширилди. Бироқ саҳна ортида бир-икки ички драмалар ҳам содир бўлди.

Жуда кўп тафсилотларга берилмасдан (ва айбдорларни химоя қилиш учун) айтаманки, бу мен учун инсоннинг хулқ-автори ва характеристи юзасидан дарс бўлди. Катта пулларда одамнинг асл башарасини очиб ташлайдиган ғалати хусусият бор. Хариддан олдин компанияга қўшилган баъзи одамларнинг очкўзлигини кўрдим, улар компаниядаги бошқа ҳар бир киши зарари эвазига, ўз фойдаларига шартномалар тузишга уринарди. Шундай драмалар юз бердики, одамлар жанжал кўтариб, молиявий натижани фақат ўзларининг фойдасига буришга урина бошлишди.

Шахсан мен бу драмадан узоқлашишга қарор қилдим. Бу фақат компанияни сотиш тўғри бўлганини тасдиқлади, чунки мен бу одамларнинг кўпчилиги билан ортиқ ишлашни истамасдим. Шунчаки бунга яна ўн икки ой чидаб туришимга тўғри келарди.

1998 йил ноябрь ойининг бошида Санжай иккимиз «LinkExchange» офисидан бироз нарида жойлашган ресторонда тушлик қилдик. Матбуот харид ҳақида икки ҳафта олдин эълон қилиб бўлганди, аммо келишув ҳали расмийлаштирилмаганди. Овқатланишни тугатаётганимизда Альфред кўнғироқ қилиб, битим расмийлаштирилганини айтди. Келишув якунланган эди.

Мен Санжайга қарадим ва янгилик ҳақида айтдим. «Хўш, менимча, келишув якунланди», дедим. Иккаламиз ҳам ўзимизни бир хил тутдик. Ҳаяжонланмадик. Хурсанд бўлмадик. Ташқаридагилар, эҳтимол, бизни ўмбалоқ

ошиб юқорига сакраяпти, деб ўйлаётгандир, аммо бизнинг кайфиятимизда ғалати бефарқлик ва енгиллик хукм сурарди. «LinkExchange»нинг хаяжонлари аллақачон йўколганди. Энди биз яна ўн икки ой иштиёқсиз ва бирорта илҳомлантирувчи сабабсиз шунчаки ишлаб беришимиз керак эди.

– Менимча, энди офисга қайтсак ҳам бўлади, – дедим.
– Яхши.

Шундай килиб, биз жимгина ортга қайтдик.

Денгиз саёҳати

Гаров – бу гаров. Агар мен баҳс боғлаб ютқазсам, тўловдан кочмайман.

Университетда битирув куни дўстларим мен билан баҳс боғлади. Улар мени 10 йил ичида миллионер бўлишимни тахмин килишди. Агар шундай бўлса, мен улар билан денгиз саёҳатига чиқиб, ҳамма харажатларни ўзим кўтаришим керак эди. Агар улар ютқазса, улар билан саёҳатга чиқишим, тўлов ҳам уларнинг бўйнида бўларди. Афтидан, ҳар иккала ҳолатда ҳам мен ютиб чиқардим, чунки миллионер бўлиб ҳамма харажатни тўлашим ёки текинга саёҳатга боришим мумкин эди. Ҳар қайси ҳолатда мен баҳтиёр бўлардим, шундай экан, гаровга рози бўлдим.

Багамадаги уч кунлик денгиз саёҳати учун Флоридага учганимизда 1999 йилнинг бошлари эди. Бошқа дўстларимни ҳам таклиф қилишга қарор қилдим ва биз 15 кишилик гурӯҳ бўлдик. Оддин денгизга чиқмаганим учун кеманинг катталигидан ҳайратга тушдим. Кемада тунги клуб, ўнта бар, бассейнлар ва истаганингизни муҳайё қиласиган бешта ресторон бор эди. Биз еб-ичиб, вактичоғлик қилдик. Бу худди курсдошларнинг қайта йиғилишига ўхшарди. Фақат бунда баъзи зерикарли нарсалар йўқ эди.

Саёҳатнинг сўнгги куни ичиб, тонг отгунча рақсга тушиш учун тунги клубга боришга қарор қилдик.

Саёхатдаги дўстларим назарида мен баҳт ва омадни ифодаловчи барча нарсага эга эдим. Дўстларим компаниямни «Microsoft»га сотганим билан табриклашар ва кўринишимдан ўзимга бўлган ишончим ортганини таъкидлашарди.

Соат 1:00 да DJ тез орада клуб ва бар ёпилиши ҳамда охирги мусиқани кўйишини эълон қилди. Ҳамма охирги қадаҳни ичиш учун бар томонга юрганда мен оломонга кўшилмаслик ва лаҳзани тутиш учун озроқ тўхтадим. Агар тўрт йил олдин кимдир мени миллионер бўлишим ва кемада саёхатга чиқишимни айтганда ишонмаган бўлардим.

Музиқа янграётган, қадаҳлар кўтарилиган, ҳамма қадаҳ сўзи айтиётган бир паллада безовта бир овоз хаёлим тубида бир саволни тинимсиз такрорларди. Бу савол «Microsoft» билан келишув якунланган куни Санжай билан жимгина оғисга қайтган кунимиздан бери ўрнашиб олганди: «Энди-чи? Энди нима қиласиз?»

Кейин бунга эргашиб, бошқа саволлар ҳам келарди: «Муваффақият нима? Баҳт нима? Мен нима учун ишляпман?»

Мен ҳамон бу саволларга жавоб топа олмасдим. Шундай қилиб, жавоблар кутиб турар, деган ўй билан барга бориб, бир қадаҳ ароқ буортма қилдим ва Санжай билан стаканни уриштирдим.

*

Саёхатдан кейин мен ўзимни автопилотда бошқарилаётгандай ҳис қиласдим. Кеч уйғониб, оғисда бир неча соат кўриниш берар ва электрон почтамни текшириб, эртарок уйга қайтардим. Баъзан оғисга умуман бормай кўя қолардим.

Бўш вақтим жуда кўпэди. Ундан қандай фойдаланишни билмасдим.

Шундай қилиб, ўйлашга анча вақтим бор эди. Ўзим хоҳлаган барча нарсаларни аллақачон сотиб олгандим:

Бошпана, катта экранли телевизор, компьютер ва уй кинотеатри. Икки ҳафтада бир дам олиш кунлари Вегасга покер ўйнагани борадиган бўлдим. Мен пул учун эмас, ўйинда ютишни ўрганиш учун ўйнардим. Покер хаус ўрнига бошқа ўйинчилар билан ўйналадиган ягона казино ўйини эди. Токи столингиздаги ўртacha ўйинчидан яхшироқ экансиз, умумий ҳолатда ютиб чиқа оласиз.

Лекин бўш вақтимнинг асосий қисми ўйлаш ва фикрларимни назорат қилишга кетарди. Менга ортиқ пул керак эмасди, шундай экан, ортиқча пулни нима қиласман? Ҳали ўзимдаги пулни сарфлаётганим йўқ эди. Нега «Microsoft»да қолиб, янада кўпроқ пул ишлаб топишга уриняпман?

Ҳаётимнинг энг баҳтли лаҳзалари рўйхатини тузиб, уларнинг бирортаси пул билан боғлиқ эмаслигини кўрдим. Англаганим шу бўлдики, нимадир барпо этиш, ижодий ёндашув ва яратувчанлик мени баҳтли қилган экан. Дўстимга кўнғироқ қилиб, кечаси билан тонг отгунча гаплашиб чиқиши мени баҳтли қилган экан. Сузиш мусобақасидан сўнг чўуда пиширилган картошка ейиш мени баҳтли қилган экан. Тузланган бодринглар мени баҳтли қилган экан (Бунисининг сабабини билмайман. Менимча, шунчаки улар мазали бўлгани учундир. Бундан ташқари, мен «тузланган бодринг» сўзини ишлатишни яхши кўраман).

Жамият ва маданиятимиз бизни фикрлашдан тўхтатиб, кўп пул кўпроқ баҳт ва муваффакият келтиради, деган фикрни онгимизга қанчалар осон сингдираётгани, чинакам баҳт эса аслида шунчаки ҳаётдан завқланиш эканлиги ҳакида ўйлардим.

Ўзим ёқтирган нарсаларни яратишдан, барпо этишдан ва бажаришдан қанчалар завқланганимни ўйлардим. Янги нарсалар яратиш ва барпо этиш учун шунчалик кўп имкониятлар бор эдики, ҳар бир ғояни амалга ошириш учун вақт етмай қоларди, айниқса, интернет ҳамон тез

суръатда ривожланиб бораётган бир паллада. Умримнинг охиригача етадиган пулим бўлишига қарамай, мен бу ерда янаем кўпроқ пул топишга вақтим ва умримни бесамар кетказаётган эдим. Дунёда кўп нарсалар ўзгараётганди. Биз нафакат янги асрга, балки янги минг йилликка ҳам қадам кўяётгандик. Мен эса керагидан ортиқ пул топиш билан овора бўлиб, дунёдаги мислсиз ўзгаришларни ўтказиб юбориш арафасида турардим.

Сўнг ўйлашни тўхтатиб, ўзим билан сўзлашишни бошладим: «1999 йил бошқа қайтиб келмайди, сен нима қилмоқчисан?»

Бу саволга жавобим аллақачон тайёр эди. Ўша пайт ўзимга содик қолиб, мени «Microsoft»да ушлаб турган барча пулдан воз кечдим.

Бир неча кун ўтгач, офисга бориб, компанияга электрон почтам орқали хайрлашув хатини жўнатдим ва чиқиб кетдим. Аниқ нима қилмоқчи эканлигимни билмасдим, лекин нима қилмоқчи эмаслигимни аниқ билардим. Ҳаётимни зое кетказиб, бутун дунёдаги янгиликлардан куруқ қолмоқчи эмасдим. Шунча пулни ташлаб кетганим учун одамлар мени жинни деб ўйлашди. Ростдан ҳам бу даҳшатли қарор эди, факат яхши маънода.

Ўша пайтда буни англамагандим, лекин бу ҳаётимдаги катта бурилиш эди. Мен пулнинг кетидан қувишни тўхтатиб, ўз қизиқишлиарим томон одимлашга карор килдим.

Ҳаётимнинг кейинги босқичи учун тайёр эдим.

ДИВЕРСИФИКАЦИЯ

Янги корхоналар

«Энди-чи?»

Кўпчилигимиз «LinkExchange»ни, тахминан, бир пайтда тарк этдик ва барчамиз юкоридаги саволга жавоб толишга уринардик. Яқиндагина компанияни «Microsoft»га сотиб, анча пул ишлаб олгандик. Айни пайтда меҳнатимиз самарасини кўришимиз керак эди.

Аммо кўпимизда саволга жўяли жавоб йўқ эди.

Болалик хаёлларимни ёдга олдим. Ўшанда Марказий разведка бошқармасида Жеймс Бондга ўхшаш вазифада ишлашни, робот ихтирочиси бўлишни ҳамда пастки қаватида «Taco Bell» ресторани ва кинотеатр бўлган жойда яшашни хоҳлардим.

Энди жосус ёки робот ихтирочиси бўлишни истамасдим, лекин кинотеатр тепасида яшаш ғояси ҳали ҳам мени ўзига тортарди. Бир куни машинада кетаётганимда тасодифан Сан-Францисконинг қоқ марказида, 1000 Ван-Несс майдонида янги кинотеатр комплекси очилаётганини кўриб қолдим. У ерда жами ўн тўртта турли хил театрлар бўлиб, театрлар тепасида эллик учта янги тураржой бинолари сотувга кўйилиши кутилаётганди. Икки блок нарида «Taco Bell» жойлашганини билган пайтим бу ҳақиқий ишора

эканлигини англадим. Бу менинг келажакдаги уйим эди.

Кўчмас мулк агентликлари ҳақиқатан ҳам бутун квартални эгаллаб олганини ва ушбу жойни яратиш учун иккита бинони бирлаштирганларини билиб олдим. Бу ҳудуд тураржой ва кинотеатрлардан ташқари спорт зали, ресторон учун мўлжалланган майдон ва ҳали ижарага берилмаган савдо мажмуасига ажратилган эди.

Мен собик «LinkExchange» ходимларига бу ер ҳақида гапириб бердим. Университетдаги йилларимни ёдга олдим. Ўша пайтда доим бирга юрадиган, жуда иноқ гурухимиз бор эди. Университет ётоқхонасининг катталарнидек кўринишини яратиб, ўз жамоамизни қуришимиз мумкин эди. Бу ўз дунёмизни қуриш учун имконият эди. Жуда зўр имконият.

Бирин-кетин жамоамиз квартиralарга кўчиб ўта бошлади. Альфред мендан икки эшик нарида яшади. Ҳаммамиз кўчиб ўтганимиздан сўнг биргаликда бинодаги квартиralарнинг 20 фоизини эгалладик ва уй эгалари ассоциациясида 40 фоиз ўринни банд қилдик. Биз ҳудди монополиянинг шахсий ҳаётдаги версиясини йўнаётгандек эдик. Дўстингнинг уйига ёки кинотеатрга пижамада боришнинг қанчалик қулайлигини ҳеч нарсага таккослаб бўлмайди.

Янги уйларга кўчиб ўтишда Альфред иккимиз инвестиция фонди ташкил этишга қарор қилдик. Университетда бир дўстимизнинг хонакилаштирилган қурбақаси бор эди. У бизга фонд ва инкубаторни «Venture Frogs»³ деб номлашни таклиф қилди.

Албатта, биз шундай қилдик.

«LinkExchange»нинг собик ходимларидан 27 миллион доллар тўпладик ва турли компаниялар билан учрашишни

3 Хитойда таҳминан 900 йилдан бошлаб фойдаланилган Лингчи деб номланган жазо тури бўлиб, узоқ муддат давомида тананинг бир бўлаги пичоқ билан оз-оздан кесиб олинаверган ва бу жараён то одам ўлгунча давом этган. У 1905 йилга келиб тақиқланган.

бошладик. Бир хоналик квартираларимиздан бирини оғисга айлантиришга ва у ерга бир нечта компьютер ва телефон ўрнатишга қарор қилдик.

Бир куни Ник Свинмурн исмли йигитдан овозли почта хабари олдим. У якында «shoesite.com» веб-сайтини ишга туширган экан. Унинг ғояси пойабзаллар «Amazon»ини барпо этиш ва интернетда дунёдаги энг катта пойабзал дўконини яратиш эди.

Бу менга иш чиқмайдиган интернет ғояларидан биридай кўринди. Бошқа компаниялар уй ҳайвонлари учун озиқ-овқат ва мебелларни интернет орқали сотиб, бу жараёнда катта пул йўқотаётганди. Менинг фикримча, одамлар оёқ кийимни аввал кийиб кўрмасдан туриб интернет орқали сотиб олмайди.

Телефонни олиб овозли хабарни ўчирмоқчи бўлиб турганимда Ник бир нечта статистик маълумотларни келтириб қолди: АҚШда пойабзал саноати 40 миллиард долларга teng бўлиб, унинг 5 фоизи аллақачон оддий почтада буюртма олиш орқали сотилади. Бу, шунингдек, ушбу соҳанинг энг тез ривожланаётган сегменти эди.

Мен тез хомчўт қилиб кўрдим: 5 фоиз 2 миллиард долларга teng экан. Пойабзални аввал кийиб кўрмасдан сотиб оламанми, йўқми – бу аҳамиятсиз эди. Муҳими, истеъмолчилар сотиб олаётганди. Онлайн-савдо бир кун келиб, ҳеч курса, каталог савдосига тенглашади, деган тахмин тўғридек кўринди. Альфред иккаламиз Ник билан учрашиб кўришга қарор қилдик.

*

Ник билан квартирамизда норасмий учрашув ўтказдик. У оддий кийинган, эгнида узун шортик ва футболка эди. У ҳозиргача университетда бўлган-у, тушлик вақти биз билан сұхбатлашишга киргандай кўринди.

Биз ўзимизни ҳақиқий оғиси бор қилиб кўрсатмадик, ўз навбатида, Ник ҳам ўзини ғоясидан ортиқ ҳеч нарсаси йўқлигини яшириб ўтирмади. Лекин бир нарса аниқ

эдики, у имкониятдан фойдаланиш ишқида ёнарди. У якиндагина университетни битирғанлигини айтди.

Ник бутун мақсадини учта гап билан ифодалади: «Пойабзal АҚШдаги 40 миллиард долларга тенг саноат бўлиб, ундаги каталог савдо 2 миллиард долларни ташкил қилади. Электрон тижорат ўсишда давом этиши эҳтимолдан холи эмас. Яқин келажакда одамлар пойабзal кийишдан тўхтаб колмайди».

– Пойабзal соҳасида тажрибангиз борми? – сўради Альфред.

– Йўқ, лекин бир неча ой олдин Лас-Вегасда пойабзal кўргазмасини айланиб чиқдим ва баъзи одамлар буни қизиқ ғоя деб айтишди, – деди.

– Балки, пойабзal борасида тажрибаси бор бирор кишини топишингиз керакдир, – дедим.

– Албатта. Яхши ғояга ўхшайди, – жавоб берди Ник.

Биз алоқада бўлиб туришга ва Ник компанияга қўшилиш учун пойабзal соҳасида тажрибага эга бирор кишини топгач, яна бир учрашишга келишдик. Шунингдек, Никга сайт учун бошқа ном топишини таклиф қилдим. «Shoesite» номи жуда оддий туйилди ва у кейинчалик бошқа маҳсулотларни кўшиб бизнесни кенгайтиришга тўскинлик киларди.⁴

Бу ғоя қаердан келди?

(Ник хикоя қилади)

Бир жуфт пойабзal сотиб олиш қийин бўлмаслиги керак, дея ўйлаганим эсимда. Дўконма-дўкон, бир савдо марказидан бошқасига кириб пойабзal топа олмадим. Ўзимни гўё қандайдир бир шаҳарчада яшайдигандай хис қилдим. Агар Сан-Францисконинг бир кўрфазида сотиб олишга арзийдиган пойабзal топа олмасам, бошқа жойларда одамлар қандай кийинчиликларга

⁴ Инглиз тилида “shoe” пойабзal маъносини беради.

дуч келишини тасаввур килдим.

Үша пайтда фақат уч-түрт кичик интернет дўконлари бор эди. Лекин улар пойабзал сотиб олишни оз бўлса-да енгиллатмасди. Шундай қилиб, ўзимча ўйлаб қолдим: Нима учун одамлар хоҳлаган оёқ кийимини, мос ўлчамда танлаб, уни бир неча кундан сўнг остоналарида қабул қилиб олишларига имкон берадиган ягона онлайн тизим яратмаслик керак? Бу жуда оддий ғоя эди, нега буни ҳеч ким амалга оширямаяпти?

Бунинг сабабини билгунимча ғоя ажойиб кўринаётганди – бу осон иш эмас экан. Пойабзал саноати майда бўлакларга бўлинниб кетган ва технология билан унчалик келишмасди. Аммо агар мен барча алоҳида пойабзал дўконларини бир тармоқда бирлаштириш усулини топсам, бу муаммо ечилиши мумкин эди.

Мен ишга киришдим ва «Shoesite.com» номи билан рўйхатдан ўтдим. Сайт ишга туширилишга тайёр бўлгач, менга яна бир нарса керак эди – пойабзал.

Маҳаллий пойабзал дўконига бордим ва уларнинг маҳсулотларини суратга олиб, веб-сайтга жойладим. Ҳар сафар кимдир сайтдан бирор нарса сотиб олганида мен уни дўкондан сотиб олиб, уларга етказиб берардим.

Технологияга қаттиқ ишонган одам сифатида буни амалга оширишнинг янада соддароқ усулини топа олмасдим.

Аммо у иш берди. Одамлар пойабзал сотиб олишни бошлади. Пойабзал соҳасидаги ишларни заррача тушунмасдим, лекин қанақадир муҳим кашфиёт қилганимни сезиб турардим. Ўзим почта орқали бирор марта пойабзал харид қилмаган бўлсам ҳам, статистикага кўра, кўплаб одамлар

харид қилаётганди. Ўйланишни тўхтатдим. Ўзимга «Хей, бу жуда яхши ғоя» дедим ва унга ишона бошладим. Қандай бўлмасин, мен буни амалга оширишим керак эди.

Бир неча ҳафта ўтгач, Ник биз билан боғланиб, тушликка учрашмоқчи эканлигини айтди. У «Nordstrom»даги эркаклар пойабзали бўлимида ишлайдиган ва компанияяга кўшилишга қизиккан Фред исмли кишини топибди. У башарти компания дўстлар ва оиласвий доирадан ташқаридан молиялансанагина кўшилишга тайёрлигини айтибди. Шунингдек, Ник мендан компания учун испанча «zapatos» – пойабзал сўзидан олинган «Zapros» номи ҳақида фикримни сўради. Мен одамлар «ZAPROS» деб нотўғри талаффуз килиб юбормаслиги учун унга яна битта «р» кўшиб кўйиш кераклигини айтдим. Шундай килиб, «Zappos» деган ном дунёга келди.

Бир неча кун ўтиб, Альфред иккимиз Ник ва Фред билан уйимиздан бир блок наридаги 50-йилларни эслатувчи кичик ресторон «Mel's»да учрашдик. «Zapros»нинг имкониятлари ҳақида гаплашар эканмиз, Фреднинг Николас Кейжга қуйиб қўйгандек ўхшави мени бизнес сухбатидан чалғитмаслиги учун қўлимдан келганича ҳаракат қилдим. Фреднинг ёши ўттиз учда, новча эди. У чиндан ҳам Николас Кейжнинг эгизагига ўхшарди.

Мен куркали сэндвич, уни ботириб ейиш учун товукли нўхат шўрва буюрдим. Фред куркали бургер буюрди. Роппа-роса ўн йилдан сўнг Фред иккаламиз учрашувимизнинг ўн йиллигини нишонлаш учун «Mel's»га қайтиб келганимиз ва яна худди шу нарсаларни буюртма қилганимиз.

Ник сўнгги бир неча ҳафта ичидаги веб-сайт эришган ютуқлар ҳақида гапирди. Ҳозирда ҳафтасига 2000 долларлик буюртма тушар ва буюртмалар сони ортиб бораётганди. Улар ҳеч қанча пул топгани йўқ эди,

чунки ҳар сафар буюртма берилганида Ник маҳаллий пойабзal дүкөніга югурап, буюмни сотиб олиб, кейин уни харидорға етказиб берарди. Ник веб-сайтни шунчаки одамлар пойабзални онлайн сотиб олишга тайёр эканлигини исботлаш учун ишга туширган эди.

Пойабзal саноатида том маънода минглаб турли брендлар мавжуд эди. Ҳақиқий бизнес ғоя охир-оқибат юзлаб брендлар билан шериклик алокаларини ўрнатиш ва уларни «Zappos»га омборларидағи моллар ҳақида тұлық маълумот беріб туришга күндиришдан иборат эди. «Zappos» интернетда харидорлардан буюртма олиб, сүнг уларни ҳар бир бренднинг ишлаб чыкарувчисига узатади. Ишлаб чыкарувчи эса буюртмани түғри харидорға етказиб беради.

Бу «түғридан-түғри етказиб бериш» деб аталарди. Бошка күплаб соҳаларда аввалдан мавжуд бўлса ҳам, бу пойабзal саноатида кўлланмаган эди. Ник ва Фред кейинги пойабзal кўргазмасида ишлаб чыкарувчиларни маҳсулот етказиб беришга кўндиришга гаров боғлади, шунда «Zappos»га инвентаризация ёки омбор назорати ҳақида қайғуришига ҳожат қолмасди.

Фред бизга «Nordstrom»да саккиз йил давомида корпоратив нарвондан юқори кўтарилгани, якинда уй сотиб олгани ва эндиғина биринчи фарзанди дунёга келгани ҳақида айтди. У «Zappos»га кўшилиш катта хавф түғдиришини билар эди, аммо агар «Venture Frogs» компанияга бошланғич сармояни киритса, ишонч билан қадам қўйишга тайёр эди.

Альфред иккаламиз бир-биrimизга қарадик. Ник ва Фред айнан биз сармоя киритмоқчи бўлган одамлар эди. Пойабзal ғояси иш берадими ёки йўқми билмасдик, аммо улар ҳақиқатан иштиёқманд ва катта таваккалларни хохлаётган эдилар.

Биз «Zappos»га кўпроқишиб ёллашига вайлохиригача иш ҳақини тўлашига етадиган маблағ ажратишга қарор

қилдик. Фоя шундай эдики, агар компания ривожланиб, йил охиригача ишлаб кетса, «Sequoia Capital» сингари венчур-капитал фирмасидан күпроқ пул олиши мумкин эди. «Sequoia Capital» «LinkExchange»га ажраттан 3 миллион доллар сармоядан 50 миллион доллар ишлаб олган эди. Шунинг учун улар Альфред иккимиз алоқадор бўлган бошқа компанияяга яна пул тикишга тайёр эди.

Бошлиғич сармоя киритганимиздан бир ҳафта ўтгач, Фред «Nordstrom»даги ишини ташлади. Энди у расман «Zappos» ходими эди. У эртаси куни Ник билан Лас-Вегасда пойабзal намойишига борди.

«Zappos» ходими сифатида биринчи пой- абзal намойишим

(Фред хикоя килади)

Эртаси куни «Zappos» ходими сифатида ЖПА (Жаҳон Пойабзal Ассоциацияси) пойабзal намойиши учун Лас-Вегасга бордим. Нимани ўйлаётганимиз тайнисиз, лекин биз «PowerPoint» тақдимотисиз ёки маркетинг намойишисиз боргандик. Бизда шунчаки бир вараг қофоз ва ғоя бор эди.

Кейинги тўрт кун ичida саксонта турли брендга мурожаат қилдик. Уларнинг факат учтаси биз билан ишлашга рози бўлди. Бу аниқ истиқболли рақам эмасди, лекин ажабланарли ҳам эмасди. Биз брендларга тўғридан-тўғри уларнинг омборидан буюртмачига маҳсулот етказиб бериш ғоясини илгари сураётгандик.

Брендлар билан гаплашиб анча нарса ўргандик, чунки улар «Қандай қилиб уни етказиб бермоқчисиз? Ким етказиб беради? Агар харидор товарни қайтариб бермоқчи бўлса, бу муаммони қандай ҳал килмоқчисиз?» каби асосли саволларни беришди.

Энди ҳеч бўлмаганда ўзимиз билмайдиган нарсалар ҳакида кўп нарса билардик. Тушлик қилиш учун меҳмонхонага қайтиб бордик, энди нима қиласиз дея бошимиз қотди.

Шундай килиб, биз ҳамкорлик учун қўнғирок қилишни бошладик. DHL, UPS ва FedEx'га хабарлар колдирдик. Анча ўйланиш ва тахминлардан сўнг, ниҳоят, жавоб олдик. UPS бизга қайтиб қўнғирок қилган ягона компания бўлди. Бизга керак бўлган ягона ҳамкор ҳам улар бўлиб чиқди.

Ўтмишга назар ташласак, ўсишимиз, асосан, шу усулда бўлган. Биз шунчаки ғояларимизни ёпишиб қолиш-қолмаслигини кўриш учун деворга қараб отамиз. Биз иш берадими ёки йўқ, шуни кўриш учун турли хил ғояларни синаб кўрамиз.

Сармоя киритганимиздан кейинги дастлабки бир неча ой Альфред иккаламиз «Zappos»га деярли аралашмадик. Биз бошлангич инвестиция қидираётган бошқа компаниялар билан учрашиш билан банд эдик. Кейинги йил давомида йигирма еттита турли хил инвестицияларни амалга оширдик ва ҳар бир компанияни, шу жумладан, «Zappos»ни ҳам ҳар икки ҳафтада бир марта қандай ишлаётганини текширадик.

Ўзимиз сармоя қўйган компанияларнинг кундалик ишларига аралашмаслик мен учун ғалати ўзгариш эди. Сармоя киритилгандан сўнг вақти-вақти билан сўраган ҳар бир кишига маслаҳат бериб турдик, лекин аксарият вақтларда компаниялар ўзи билан ўзи овора эди.

Инвесторликдан зерикдим, вақтимни тўлдириш учун бошқа бирор юмушни излай бошладим. Мен бир вақтнинг ўзида ҳам қизиқарли, ҳам қийин бўлган нимадир топишни хоҳлардим.

Ана ўшанда покерни кашф қилдим.

Покер

Коллеждалии имонат баъзан покер ўйнаб турадим,

аммо ҳамма қатори мен ҳам уни қиморнинг ҳордик учун ўйналадиган бир тури, деб ҳисоблардим ва ҳеч қачон жиддий ўрганмаганман. 1999 йилларда покер оммалашмаган эди. Кўпчилик одамлар покер бўйича жаҳон чемпионати ўтказилиши ҳақида умуман эшитмаган ёки ESPN каби телевизион каналлар ҳали покер мусобақаларини намойиш этмасди.

Үйкусизликдан азият чеккан тунларимнинг бирида тўсатдан бир веб-сайтга кўзим тушиб колди. Бу веб-сайт доимий покер ўйнаб турувчи одамларга хизмат кўрсатувчи тизим сифатида очилган экан. Покер ўйинига оид у ердаги бепул таҳлиллар ва маълумотларнинг кўплигидан ажабландим ва туни билан покер математикаси ҳакидаги турли мақолаларни ўқидим.

Ҳамма қатори мен ҳам покерни асосан омадга, шунингдек, одамларни алдай олиш ва уларни аввалдан ўқий олиш қобилиятига боғлиқ деб ўйлардим. Шунинг учун буларни «Hold’em Poker» ўйинида (бу ўйин ўша давр казиноларида энг машхур покер тури эди) ютиш мақсадида ўргандим, аммо узок муддатда ҳеч бири менга қўл келмади. Гаровдаги ҳар бир қўл ва ҳар бир айланадаги пул тикишлар учун потенциал имкониятларни чамалаган ҳолда ўйнашнинг математик ҳисоблаш усули бор эди (тикиш микдори ўртасидаги нисбат, аллақачон тикиб бўлинган доначалар сони ва ютуққа эришишнинг статистик имкониятлари).

Одатий казиноларда покердан ташқари ҳар бир ўйин иштирокчиларга қарши дастурланган бўлади ва, алалоқибат, казино ютиб чиқади. Менинг покерга қизиқиб қолишимнинг сабаби шунда эдики, покерда сиз казинога эмас, балки бошқа иштирокчиларга қарши ўйнайсиз. Казино ўйинда иштирок этмайди, балки ҳар бир ўйин якунлангач, шунчаки хизмат ҳаки олади (одатда ғолиб бўлган иштирокчидан).

Казинода ҳар бир покер столи ўнтағача иштирокчига

мұлжалланган бўлади. Агарда иштирокчиларнинг камида биттаси математик жиҳатдан оптимал услубда ҳаракат килмаса (ва одатда кўпчилик шундай қилмайди ҳам), ўйин давомида тўғри йўл тутган иштирокчилар кун якунида ютиб чиқади.

«Hold’em Poker» ўйини ортидаги бошланғич математикани ўрганиш унчалик кийин кечмади. «Hold’em Poker» номли китобни ўқиб чиқдим. Китобдан ўрганганларимни амалда қўллаш мақсадида Калифорнияда жойлашган қартахоналарга ҳафтасига бир неча марта бориб туришини одат қилдим. (Умумий олганда, Калифорния «қимор штати» бўлмаса-да, қартахоналарга рухсат берилганди, чунки покер автоматга қарши ўйналадиган ўйин эмас.) Бир-икки ҳафта ичиди, «Hold’em Poker» ўйинининг асосий математикасини мукаммал билиб олганлигимни сеза бошладим.

«Hold’em Poker» математикасини тушуниш ва уни тушунмайдиган иштирокчиларга қарши ўйнаш учдан бир ҳолатда бошларга, учдан икки ҳолатда думларга тушадиган тангага эгалик қилишдек гап эди ва сизда доимо думларга тикиш имконияти мавжуд бўларди. Ихтиёрий бир танга ирғитилганда мен ютқазишим мумкин эди, аммо думларга минг маротаба тиксам, менинг ютиб чиқиш имкониятим 99.99 фоиздан юкорироқ кафолатланган бўларди.

Шунингдек, рулетка ёки блэкжек каби автоматга қарши ўйинларни ўйнаганингизда доим бошларга тикишга мажбур бўлиб қолаётганингиздай ҳолат юз беради. Ирғитилган ихтиёрий бир тангани ютиб чиқишингизга қарамай, бу ишни сиз минг марта такрорласангиз, оқибатда барибир сизнинг ютқазишингиз эҳтимоли 99.99 фоиз бўлади.

Покер ўйнаш ҳақидаги энг қизиқ нарсалардан бири ихтиёрий тикувнинг алоҳида натижасини умумий тўғри ўйнашдан ажратади. Аммо аксарият покер ўйновчилар буни ажратади. Агар улар бир тикувни

бой берса, түгри қарор қабул қилғандим ёки ютқазиб күйса, нотүгри қарор қабул килдим, деб хисоблашади. Айниңса, улар учдан бир ҳолатда бошларга тушадиган танганинг бир марта кутилғандек тушганини күриб (индивидуал натижа), бошларга тикишида күринади. Лекин аввалги танга ирғитилганида нима бўлганидан катъи назар, факат думларга тикиш математик жиҳатдан түгри бўлади (түгри қарор).

Дастлабки ойларда покерни қизиқарли, шу билан бирга, қийин машғулот, деб хисобладим. Чунки мен уни китобдан ва ўйин жараёнида тажриба тўплаш орқали ўрганаётган эдим. Кейин яхши бизнес стратегиялари ва яхши покер стратегиялари ўртасидаги ўхшашиликни сеза бошладим. Айниңса, қисқа муддатли фикрлаш (масалан, индивидуал тикувда ютиш ёки ютқазишга эътибор қаратиш) билан узок муддатли фикрлашни (масалан, түгри стратегия танланганига ишонч ҳосил қилиш) ажратиб олиш жуда ўхшаб кетарди.

Покер ва бизнес ўртасидаги кўплаб ўхшашикларни тушуниб етдим. Шунинг учун покер ўйнаб ўрганганларимни бизнесга татбиқ қиласа бўладиганларидан рўйхат тузабошладим:

Бозор имкониятларини аниқлаш

Ўйин ўтказиладиган доскани танлаш сиз қабул киладиган энг муҳим қарордир.

Агар доскангизда ғалаба қозониш қийин кечаетганини сезиб қолсангиз, уни ўзgartиришингиз керак.

Агар ракиблар кўпайиб кетса (баъзилари аклсиз ёки тажрибасиз), ҳаттоқи сиз улар ичидаги зўри бўлсангиз ҳам, ўйинда ютиб чиқишингиз жуда қийин кечади.

Маркетинг ва Брендлаш

Кучли пайтингизда ўзингизни заиф, заиф пайтингизда эса кучли кўрсатинг. Қачон чалғитиш кераклигини хис килинг.

«Бренд»ингиз жуда мұхим.

Одамлар сиз ҳақингизда айтаётган ҳикояларни үзингиз шакллантириң.

Молиявий жиһатлар

Содир бўлиши мумкин бўлган энг ёмон ҳолатга ҳам доимо тайёр туринг.

Энг кўп кўлларни ютган одам якунда энг кўп ютиб олган бўлиб чикмаслиги мумкин.

Бирорта кўлни ҳам ютқазмаган одам якунда энг кўп пулни ютиб олган бўлиб чикмаслиги мумкин.

Кутилаётган ижобий натижа учун курашинг, риск даражаси энг ози учун эмас.

Ҳисобингиздаги пул ўйин ва таваккал учун етарли даражада эканига ишонч ҳосил килинг.

Ютказишга рози бўладиган микдордаги пулнигина тикинг.

Покер узок давом этадиган ўйин эканлигини унутманг. Сиз бир кўлни ёки бир раундни ютқазишингиз мумкин, аммо пировард натижа муҳимроқ.

Стратегия

Гарчи бошқалар кўп пул ютаётганини кўрсангиз ҳам, үзингиз тушунмайдиган ўйинларга қўшилманг.

Ютқазиш кўпга тушмайдиган ўйинларни билиб олинг.

Фирромлик килманг. Фирромлар пировардида барибир ютқазади.

Тамойилларингизда қатъий туринг.

Ўйин динамикаси ўзгариши билан сиз ҳам ўз ўйин услубингизни ўзгартириб боришингиз зарур. Мослашувчан бўлинг.

Сабрли бўлинг ва узокни ўйлаб фикр юритинг.

Одатда бардошли ва дикқатини жамлай оладиган ўйинчилар ютади.

Фарқлироқ бўлинг. Бошқалар нима қилса, сиз тескарисини қилинг.

Умид яхши режа эмас.

Үйин давомида «оғишманг». Танаффус килиш, атрофни айланиб келиш ёки тун давомида үйинни тарк этиш сиз учун жуда қимматга тушади.

Доимий ўрганиш

Китоб ўқинг ва тажрибали одамлардан ўрганинг.

Амалда бажариб ўрганинг. Назария яхши, лекин амалиётнинг ўрнини хеч нарса босолмайди.

Атрофинингизга истеъоддиларни жамлаб ўрганинг.

Биргина қўлни ютишингиз яхши ўйнаёттанингизни ва ортиқ ўрганишга ҳожат йўклигини англатмайди. Шунчаки омадингиз келиб қолган бўлиши мумкин.

Маслаҳат сўрашдан кўркманг.

Маданият

Сиз үйинни севишингиз лозим. Яхши үйинчи бўлиш учун у билан яшашингиз ва у билан ухлашингиз зарур.

Кеккайиб кстманг. Ўзингизни юлдуздек тутманг. Сиздан кўра яхшироқ үйнайдиган одам доим топилади.

Дилкаш бўлинг ва дўстлар орттиринг. Бу ҳам бир кичик жамоа.

Ўргангандарингизни бошқаларга ҳам ўргатинг.

Ўйинни бошлаганда ўйиндан ташқарига ҳам эътибор қаратинг. Балки, янги дўстлар ёки янги бизнес ҳамкорлар билан учрашиб қоларсиз. Нима бўлиши мумкинлигини олдиндан билолмайсиз.

Завқланинг. Максадингиз фақат пул ишлаш бўлмаса, үйин сиз учун анча ёқимлироқ кечади.

Узоқ муддатли энг яхши стратегияга бор эътиборимни қаратишни унумасликдан ташқари, покердан ўргангандан Энг катта бизнес дарсим ўйинда энг муҳим қарорни қабул қила олиш бўлди. Ҳозир ўйласам ҳаммаси очик-ойдиндек кўринади, аммо ўшанда буни тушуниб етишим учун менга олти ой вақт керак бўлди.

Покер ўйнашни бошлаганимдан сўнг энг яхши

стратегияни ўрганиш учун кўп вақт сарфладим. Бу йўлда менга покер ҳақидаги китобларни ўкиш ва уларни амалда синааб кўриш ёрдам берди. Менинг «эврика» дақиқам эса покерни бошламасимдан аввал ўйин бошланганини англағанимда бўлди.

Казинодаги покер хонасида, одатда, доскаларни танлаш имконияти бўлади. Ҳар бир доскада ўзига хос ўйинчилар, турли миқдорда тикилган пуллар, турли хил ўйин динамикаси бўлади. Ўйин динамикаси ўйинчиларнинг келиб-кетишига, уларнинг хурсанд, хафа ёки чарчаганига ҳамоҳанг ўзгараверади.

Қайси доскани танлаш мен қабул қила оладиган энг муҳим қарор эканлигини ўргандим. Қарор қайси пайтда доскани ўзгартириш кераклигини билишни ҳам тақозо қиласар эди. Бир китобда айтилишича, тажрибали ўйинчи маблағи оз тўққизта бошқа ўйинчи билан бир доскада ўтирганидан кўра маблағи кўп, аммо чарчаган ва қобилиятсизроқ тўққиз ўйинчи билан ўтирганда ўн баробар кўпроқ пул юта олади.

Бизнесда тадбиркор ёки Бош ижрочи директор учун энг муҳим қарорлардан бири фаолият турини танлашдир. Агар бизнес нотўғри танланган ёки бозори кичик бўлса, унинг қанчалик тўқис бошқарилиши аҳамиятга эга эмас.

Тасаввур қилинг, сиз етти бармоқли кўлқоплар ишлаб чиқариш бўйича энг катта компания эгасисиз. Сиз етти бармоқли кўлқоплар учун энг зўр танловларни, энг зўр сервисларни ва энг кулай нархларни таклиф этасиз – шунга қарамай сиз сотаётган маҳсулот учун бозор етарлича катта бўлмаса, узокқа бормайсиз.

Ёки агар сиз ўз соҳасининг қиролларига, мисол учун «Wal-Mart»га қарши у ўйнаётган ўйинни ўйнасангиз (масалан, бир хил маҳсулотларни пастроқ нархларда сотиш), сиз тез орада бу бизнесдан сиқиб чиқариласиз.

Покер хонасида қайси доскада ўтиришимни танлай олардим, холос. Бизнесда эса аввалдан мавжуд бўлган

доскада ўтиришга мажбур эмаслигимни тушуниб етдим. Шахсий доскамни белгилашим ёки ўйнаётгандың үзимга кулай доскани яратишим мумкин эди. (Ёки покердагига ўхшаб хар доим доскани ўзгартира олардим.)

Ҳар қандай бизнес учун эришиладиган мақсад нечоғли катта бўлмасин, ундан ҳам улканрок мақсадлар борлигини тушуниб етдим. Мана шу улкан мақсадлар ўйин доскасини каттартира оларди. «Southwest Airlines» авиакомпанияси иш бошлаганда аввалдан мавжуд мижозлар билангина чекланиб қолмади (бошқа компанияларнинг ҳаммаси шундай қилганди). Аксинча, улар халқаро автобуслар ёки поездларда саёҳат қиласиданларни ҳам қамраб олиши мумкин бўлган хизматларни таклиф қилишди ва ўз бизнесларини шулар атрофига қуришди. Бошқа авиакомпаниялар кенг фойдаланаётган «радиал маршрут» моделини қўллаш ўрнига улар қўиска парвозлар учун арzon нархлар таклиф қилишди. Мижозлар ҳам катта харажатларсиз рейсларни ўзгартириши мумкин бўлди. Шунингдек, улар самолётларининг кўниш ва учеб кетиши орасидаги вақтни имкон қадар қисқартишишди. Улар муваффақиятга эришди, чунки аксарият авиакомпаниялар ўйнаётган доскада эмас, бошқа доскада ўйнашга карор қилишган эди.

*

Бир неча ой давомида покер ҳакида кўп нарса ўргандим, аммо якунда Калифорниядаги қартахоналарда ўйнашдан зерика бошладим. У ерга доим бир хил ўйинчилар тўпланар эди, ўйинчиларнинг кўпчилиги бутун кунни покер ўйнаб ўтказарди. Чунки улар қиласидан бошқа иш йўқ эди ёки шу ой учун ижара ҳақларини ютиб олишга харакат қилишарди. Бир неча ой вақтимни ўрганишга ва ўйин математикасини амалиётда қўллашга сарфлаганимдан сўнг покер ўйнаш мен учун осон бўлиб, тобора рангизлашиб бораётгандай туйила бошлади.

Шундай қилиб, дам олиш кунларида Лас-Вегасга

бориб туришни одат қилдим ва у ерда ўйнаш менга жуда қизиқ туйилди. У ерда турли одамларни учратдим. Уларнинг асосий қисми Лас-Вегасда яшамас ва кўпчилиги шахсий ва омадли бизнесига эга эди. Покер улар учун ҳар замонда ўйналадиган эрмак эди.

Калифорния картахоналарида ўйнашни бутунлай тўхтатдим. Кейинчалик ҳам покер ўйнасан-да, у ортиқ менинг бор диккат-эътиборимни тортмай қўйди. Мен жаҳон миқёсидаги ўйинчи бўлишдан йироқ эдим, бироқ ўйинни етарлича ўргандим. Шундай қилиб мен машғулотни ўзгартиришга тайёр эдим. Мен учун кейинги покер ўйинларидан мақсад пул ютиш ёки покер ўйнаш қобилиятимни ривожлантириш ва тажриба тўплаш бўлмай қолди. Покер ўйнашдан мақсад дўстлар билан вактичоғлик қилиш, қизиқ одамлар билан танишиш ва дўстона алоқалар ўрнатиш эди.

Шуни тушуниб етдимки, покерми, бизнесми, умуман, нима билан шуғуллансан, ўшанга муккамдан кетиб қолишим жуда осон экан. Оқибатда доскани ўзгартириш имкони борлигини унугиб қўйишим осон бўлиб қолди. Психологик жиҳатдан карапланда, барча инерцияларни сенгиб ўтиш жуда қийин. Тезкор ва онгли тарзда ҳаракат қилинmasa, инерция доим ғалаба қозонади.

Ҳаётимдан аслида нима кутаётганим ҳақида кайтадан ўйлаб қўришга ўзимни мажбурлай бошладим. Нимага эришмоқчилигим, нима қилишни хоҳлашим ва балки бошқа доскага ўтишим кераклиги ҳақида ўйлаб кўрдим. Покердаги тажрибамдан келиб чиқсан, доскани ўзгартириш ҳеч қачон кеч бўлмаслигини билар эдим.

Покернинг асосий элементларини ўрганганимда шуни тушуниб етдимки, казиноларда ўйнаш учун сарфлаган вактим туфайли ҳеч нимага эришмаётган эдим. Кониқарлироқ бошқа нарса билан шуғуланишга муҳтожлигимни ва мен ортиқ ўзим учун муносиб ўйинни ўйнамаётганимни англадим. Ёзниг иссиқ ҳароратини

покер ўйини билан ҳис қилганимдан сўнг мен учун янгисига ўтиш вақти келди, деб ўйладим.

Доскани ўзгартириш вақти келган эди.

Иккиланиш

Мен бундан кейин нима қилишимни аниқлаб олишга уриндим ва бу борада кўп иккиландим. Инвестиция ва трейдингга қизикиб кўрдим. Фонд бозорида ўзимга нотаниш компанияларга сармоя киритдим ва оқибатда катта зарап кўрдим. Шахсан ўзим кичик бир эпизодда иштирок этган «Булутлар узра Мавлуд байрами» номли фильмга пул тикишга қарор қилдим ва оқибатда жуда кўп йўқотдим.

Улар менга қимматга тушган дарслар эди. Аммо мен ўзим тушунмайдиган соҳаларга, бошқарувига аралашолмайдиган ёки таъсирим йўқ бўлган компанияларга, ўзим билмайдиган ёки ишонмайдиган одамларга сармоя бериш катта хатолигини билиб олдим.

Вақт ўтиб, нима учун ҳар нарсага пул тикиб ётганимни ўйлаб қолдим. Мақсадим нима эди? Кўпроқ пул ишлашми? «Microsoft»дан кетаётганимда аллақачон каттагина пулдан воз кечганим сабабли бу ҳолат ҳеч бир мантиққа тўғри келмас эди.

Мен қилаётган трейдинг ва инвестициялардан умуман кониқмайтганимни тушуниб етдим. Қимор ўйнаётганга ўхшардим, аммо барча имкониятлар менга қарши эди, чунки ўзим тушунмайдиган нарсаларга пул тикаётган эдим. Охир-оқибат фонд бозоридаги барча маблағларимни қайтариб олишга ва бунинг ўрнига маънилироқ бирор нарса билан шуғулланишга қарор қилдим.

«Zappos»дагилар билан бир ё икки ҳафтада учрашиб, маслаҳат бериб турардим (кўпинча техникага оид). «Zappos»дагилар жуда камчиликни ташкил этишига қарамай, улар шу кичкина жамоа учун яхши натижаларга эришаётган эдилар.

Альфред билан мен «Zappos»ни «Sequoia Capital»да

ишловчи Майкл Морицга таништиридик ва дастлабки мажлисни ўтказишида унга ёрдам бердик. Биз хурсанд эдик. «Zappos» жамоаси қилаёттан ишини иштиёқ билан бажаар ва у юқори суръатда ривожланаётган эди. Альфред иккимиз «Sequoia Capital»га «Zappos» ҳакида электрон ёзишмаларимизда гапирган эдик.

Биз «Zappos» ишчилариға бу мажлис оддий йиғилишлардан кўра анчагина расмийрок бўлади, деб айтдик. «Sequoia Capital» компанияси «LinkExchange»га киритган инвестицияси орқали ўз маблагини 3 миллион доллардан 50 миллионга, яъни ўн етти ой давомида ўз пулларини ўн етти баробар кўпайтириб олган. Бу компаниянинг Альфред ва менга ишончи баланд эдики, улардан «Zappos»га атиги бир неча миллион доллар инвестиция киритишини сўраш бизга жуда озек туйилаётган эди.

Кейинги воқеалар

(Фред хикоя килади)

Ёкимсиз ахвол эди. Календарь 10 декабрни кўрсатар ва ўн бешинчи санагача биз жуда кўп маблағ жалб қилишимиз кераклигини билардик. Молиялаш учун бор-йўғи беш кун вақтимиз қолганди, акс ҳолда, «Zappos» бизнесдан чиқиб кетиши мумкин эди.

«Zappos»ни компания сифатида танитиш ва кўпроқ пойабзал брендлари билан шартномага эришиш мақсадида Нью-Йоркдаги ҳар пойабзал кўргазмасида иштирок этдим. «Zappos»нинг яшаб қолиши ҳакида Никнинг қўнғироғини кутиш билан биргаликда компанияни оёқка турғазиш учун биз кўлнимиздан келганини қилаётган эдик.

У менга янгиликни етказган пайтда ресторонда тушлик қилаётгандим. «Sequoia Capital» инвестиция киритмасликка қарор қилганди.

Кўнғирокка жавоб бериш учун ташкарига чиқдим ва кайтиб столга ўтирганимда официант тўсатдан тиззамга сув тўкиб юборди. Кулишга ҳаракат килдим. Бало келса, кўш-кўш келаркан.

Калифорнияга қайтганимдан сўнг Ник иккимиз турли сармоядорлар билан маблағ киритиш борасида гаплашиб кўрдик, аммо уларнинг ҳеч бири инвестиция киритишни хоҳламади. 15 декабрь тушдан сўнг компаниядаги 12 кишининг ҳаммаси тўпланди ва бунақа пайтда кўпчилик биргаликда табиий равишда бажарадиган ишни қилдик – ичимлик учун «Chevy’s» дўконига отландик.

Боримизни бериб ҳаракат қилганимизни ва бажарганларимиз яхши уриниш эканлигини ҳаммамиз хис килиб турардик. Омадимиз келмади. Бир неча қадаҳдан сўнг, соат тўртлар атрофида оғисга қайтдик ва столларимизни йиғишира бошладик.

«Sequoia Capital» «Zappos» учун инвестиция киритишга қизиқмаётгани ҳакида эшитганимиздан сўнг Альфред ва мен бироз ажабландик. Нима бўлди экан ёки нимадир нотўғри килиндими, деб «Sequoia Capital» билан боғландик. Уларнинг айтишича, компания бир неча ой муқаддам ташкил этилганлигига ва жамоанинг қанчалик кичиклигига қарамай, унинг эришган натижалари кўзга кўринарли бўлган, аммо бу жараён кичик бизнесдан у ёғига ўтишига «Sequoia Capital» ишонмаётган экан. Улар компанияда янада кўпроқ ўсиш ва ривожланишни кўрмоқчи эди ва бизга бир неча ойдан сўнг яна қайта алоқага чиқиши таклиф қилишди.

«Venture Frogs» билан биргаликда тузган режамизга кўра, бизнинг ҳакиқий мақсадимиз ҳар бир компанияга оз-оздан инвестиция киритиш ва сўнг уларни «Sequoia Capital» каби йирикроқ сармоядор компанияларга ўтказиб юбориш эди. Шундай қилиб, «Zappos» билан

бироз мушкул вазиятга тушиб қолдик. Биз «Venture Frogs»даги маблағдан «Zappos»га қўшимча инвестиция киритишимизга ёки унинг баҳридан ўтишимизга тўғри келарди.

Бизнинг дастлабки инвестицион стратегия ва фалсафамизга биноан, «Zappos»ни бизнесдан чиқариб юбориш мақсадга мувофиқ эди: Интернет компанияларига куйидагиларни эътиборга олиб инвестиция киритиш мумкин: Компанияларнинг хар учинчиси катта фойда келтириши мумкин, компанияларнинг ҳар учинчиси фойда ҳам, зарап ҳам кўрмаслиги мумкин, компанияларнинг хар учинчиси бизнесдан чиқиб кетиши мумкин. «Zappos» охирги тоифага мос тушарди.

– «Zappos»ни нима киламиз? – деб сўради Альфред. – Бугун қарор қабул килишимиз керак. «Zappos» ҳисобида бир неча кунгагина етадиган пул қолган. «Sequoia Capital» ҳам энг камида бир неча ой ўтмагунча маблағ киритиш ҳакида ўйлаётгани йўқ. Улар «Zappos»нинг янада ривожланишини кутишяпти.

– Агар ривожланиш бўлса, улар аниқ маблағ киритадими? – сўрадим мен.

– Аниқ эмас, – Альфред жавоб берди. – Лекин, фикримча, эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Бу катта таваккалчилик. Биз «Zappos»га «Sequoia Capital» билан кейинги мажлисгача бир неча ой давомида жон сақлаб колиши учун пул ажратишимиз мумкин. Аммо агар яна «Sequoia Capital» инвестиция киритишини хоҳламаса, биз ўшандা ҳам худди ҳозирги ҳолатимизга тушиб қоламиз. Фарки шундаки, ўша пайтда бизнинг ҳисобимизда ҳам катта эҳтимол билан кўп маблағ қолмайди.

Кийин вазият эди. Агар биз «Zappos»га яна маблағ киритишга қарор қилсак, кейин бошқа бир компанияга ҳеч қандай инвестиция кирита олмай қолардик.

– Ҳақиқатда катта таваккалчилик. Бир саватга жуда кўп тухумни жойлашга ўхшайди, – дедим мен. – Аммо

у ердаги йигитларни ёқтираман. Шижааткор ва талабчан йигитлар, шунингдек, улар бу ишни қисқа муддатда бойиб кетиш учун килаётганга ўхшашмайди. Улар ростдан ҳам узок давр учун нимадир куришга интилишмоқда.

– Яхши. Агар сен «Zappos»га кўпроқ пул тикишимизни хоҳласанг, инвестициямиз хавфсизлигини таъминлаш мақсадида кўпроқ вактимизни улар билан биргаликда ўтказишимиз зарур, – Альфред нафасини ростлади. – Уларни инкубаторга кўчиб ўтишга кўндиришимиз лозим.

Альфред иккимиз фондимиз учун инвестицион стратегиянинг бир қисми сифатида «Venture Frogs» инкубаторини ташкил этишга қарор килгандик. У ерда биз интернет компанияларини офис хизматлари, жой билан таъминлаб беришимиз мумкин бўлар эди. Бу бизга инкубаторда қайси компания бўлмасин, уларга кўз-кулок бўлиб туришимизга имкон берарди.

Бу ҳакида биз яшаётган биноб эгаси билан гаплашдик, чунки у ерда ижара учун ҳали жуда кўп бўш жой бор эди. Альфред ва мен қолган жойларни ҳам ўз назоратимизга олишга қарор қилдик. Бизнинг режамиз у жойнинг бир қисмини инкубатор учун офисга ва бир қисмини ресторанга айлантириш эди. Шундай қилиб, бизга ҳам, қарамоғимиздаги компанияларга ҳам бинони тарк этишга зарурат қолмасди. Узоқроқ ва қаттикроқ меҳнат қилиш имкониятига эга бўлардик.

Инкубатор майдонида ҳали ҳам курилиш кетаётганлиги ягона муаммо эди.

– Ҳа, ўйлашимча, бу яхши ғоя. Бироқ инкубаторнинг тайёр бўлишига энг камида бир неча ой муддат керак, – дедим мен. – Кейинги бир неча ой жуда қийин кечади. Шу муддат ичida компания ёки оёққа туради, ёки бутунлай йўқ бўлади.

– Хўп, нима қилишни хоҳлайсан? – сўради Альфред.

Олдимиизда турган барча вариантлар ҳакида ўйлаб кўрдим.

– Ҳафта сўнггида түғилган куним, икки ҳафтадан сўнг янги йил байрами. Уларни янги йил байрамидан сўнг юқоридаги хонамга кўчирсак қандай бўларкан?! Пастки қаватдаги инкубатор тайёр бўлгунича хонамни оғисга айлантириб туришимиз мумкин.

– Яхши фикр.

Телефон кўнғироғи

(Фред хикоя килади)

Оқшом маҳали нарсаларимизни йигиштираёттанимизда кутилмаган кўнғироқ бўлди. Бу Тони эди. У бир неча шартлар билан кейинги учтўрт ойга етадиган маблағ беришга қарор қилибди: «Сан-Францискодаги оғисимга кўчиб ўтишингиз керак ва мен компаниянинг кундалик ишларига кўпроқ аралашмоқчиман».

Биз шу вақтга қадар Тонига ҳафталиқ савдо ҳисботларини юбориб турардик ва унинг оғисга келганини Альфред билан бир мартагина кўргандик. Биз ўз ишларимиз билан жуда банд эдик. Аммо унинг кўнғироғидан сўнг аниқ бўлди, у «Zappos»да имконият бор деб ўйлаётган эди.

Қарор қабул қилиш қийин кечмади.

Биз нарсаларимизни йигиштиридик ва Эмеривилдан унинг оғисига кўчиб ўтдик. Тони йил давомида тўрт ойлик пулни биттада бериши мумкин эди. Тўрт ойликнинг сўнгига келибгина ишга эга бўлишни тасаввур қилинг, айниқса, бу ҳақида ҳеч нарса билмасангиз. У бу компания маблағ киритишга арзийди, деб қарор қилганида биз учун энг сўнгти кун келган эди. Хайриятки, у шунга қарор қилди. Шундай қилиб, биз тўрт ойда ривожланишга эришиш учун астойдил тер тўкиб меҳнат қилишда давом этдик. Мақсадга эришиш йўлида қаттиқроқ ишлашимиз керак эди, кейинги тўрт ойлик «кислород»га эришишни кута

бошладик.

Бутун йил давомида эришганларимиз бор-йўғи шу бўлди. Биз жон сақлаб қолдик.

«Red Bull»га муносабатим

(Тони хикоя килади)

Ҳаётимнинг турли даврларида турли хил дўстлар ортирганман. Баъзи дўстларим билан барларда вақтичоғлик қилиб роҳатланаман. Баъзи дўстларим билан фильмлар томоша қилишни ёқтираман. Баъзи дўстларим билан ишлашни хушлайман. Баъзи дўстларим билан гапларни қайси предлоглар билан тугатмаслик кераклигини муҳокама қилиб маза қиласман.

Ҳаётимда энг узоқ муддат давом этиб келаётган муносабат «Red Bull» билан бўлган муносабатим хисобланади. Яқиндагина ўн йиллик юбилейимизни биргаликда нишонладик. Биз дастлаб Сан-Францискодаги тунги клубда танишганмиз (умумий дўстимиз бизларни таништирганди) ва бутун тунни рақсга тушиб, марокли ўтказгандик. Вакълар ўтиб, тунги клубдаги вазиятдан ташқари ҳам биргаликда ўтказган машғулотларимиз тобора ортиб ва тобора турфа хиллашиб борди. Ўйлашимча, «Red Bull» ҳаётимнинг ажралмас қисмига айланиши сабаби унинг турли хусусиятларга эгалиги ва деярли ҳар бир вазиятга мослашувчаниги эди.

Қаерга борсам ҳам, қандай машғулот билан шуғуллансан ҳам (барларда ичимлик ичиш, фильм томоша қилиш,офисда ишлаш ва тоққа чиқиш), «Red Bull» менинг вафодор ҳамроҳим бўлиб келади. Очиги, ҳозир ҳам нима учун «Red Bull»га бўлган муносабатимни ёзаётганимни тушунишга қийналаётган дўстларим қаршисида ўтириб ҳам «Red Bull»дан хўплаб қўйяпман.

Кун охирига келиб, тахмин килишимча, ҳаётимизнинг кўплаб жабҳаларида бирга бўладиган ва доимо бизни қўллаб-кувватлайдиган яхши ҳамроҳ топиш жуда қийин. Агарда сиз нонушта ёки тушлик қилаётганингизда шериклик қиласидиган,офисда тушликдан олдинги очликдан кутқарадиган, марафоннинг охирги милларида ёрдам берадиган ва алкоголь билан ёки алкогиз роҳатланадиган ҳамроҳ топа олсангиз, бу ҳаётингиздаги ноёб ҳодиса эканлигини унумтманг.

Мен учун бу сақлаб қолиниши жуда муҳим бўлган муносабатдир.

Боғлиқлик

Туғилган куним яқинлашаётганди ва мен бу кунни ҳаётим давомида нишонлаган барча туғилган кунлардан фарқли ўтказишни хоҳлар эдим. Бунинг учун жон-жаҳдим билан ҳаракат килишга қарор килдим.

Бир неча ой муқаддам юқори мактабдаги баъзи дўстларим билан қайтадан йиғила бошлаган эдик. Худди коллеж даврларига ўхшаб, ўн беш кишидан иборат гуруҳимиз тикланди ва биз биргаликда ҳафтасига бир неча марта вақтичоғлик килардик. Бошланишида бу йиғилишлар ҳеч қандай мақсадсиз ва олдиндан режаланмаган ҳолда кечарди. Бу йиғилишлар шунчаки кўпчилигимизнинг аллақачон битта бинода яшаётганимиз сабабли юзага келганди, шунинг учун кутилмаган йиғилишлар борган сари одат тусига кириб борарди.

Баъзан биз кимнингдир яшаш жойида вақт ўтказар, баъзан эса биргаликда тунги клуб ёки дискотекаларга борардик. Аста-секинлик билан сафимиз кенгая бошлади ва бизнинг биномиз фақатгина дўстларимиз учун эмас, балки дўстларимизнинг дўстлари учун ҳам базмлар марказига айланди. Биз беихтиёр ўзимизнинг кичик жамиятимизни яратдик ва уни ривожлантирдик. Энг одатий йиғила: ан жойимиз менинг уйим эди.

Гурухимиз катталашыб боргани сари янги дүстлар орттириш ва яқиндагина ташкил этилган жамоамиздаги муносабатларни яқинлаштириш ўзаро инокликни ва келажагимизга ишончни таъминлаётганлигини тушуниб етдим. Орамиздаги ўзаро боғлиқлик бизни хурсанд килаётганди ва колледж пайтларидан буён биз буни жуда соғингандик. Кўпчилик қатори биз ҳам коллежни битиргач, бир-бирилизни йўқотгандик ва тасодифан қайта топишиб қолмагунилизгача ўша дамларни соғинганимизни англашиб етмагандик.

Одамлари ҳакиқатда бир-бирига боғланган ва бир-бирининг соғлиғи ҳакида қайғурадиган жамоадан узоклашмайман, дея ўзимга сўз бердим. Мен учун ўзаро боғлиқлик (муносабатларимнинг сони ва қанчалик даражада чуқурлиги) кўтаринкилик берувчи муҳим жиҳат эди ва мен жамоамиздан жуда миннатдор эдим. Яқинлашиб келаётган туғилган кунимда ўтказиладиган кечанинг асл мақсади менинг эътибор марказида бўлишим эмас эди. Туғилган куним шунчаки баҳона эди. Ойлар давомида режалаган байрам кечаси менинг жамоамизга совфам эди.

«LinkExchange»ни сотганимдан сўнг «тажрибалар моддий нарсалардан кўра анча муҳимрок» деган қараш билан яшаб келаётгандим. Кўпчилик у ерни тарк этганимдан кейин антиқа ва кимматбаҳо машина сотиб олади деб ўйлагандир, эҳтимол, аммо мен «Asura Integra» билан кифояланган эдим.

Мен биномизнинг еттинчи қаватида жойлашган 130 квадрат метр майдонга эга квартирада яшардим ва бир неча ой аввал саккизинчи қаватдаги 325 квадрат метрлик ҳашаматли квартира сотувга кўйилгани ҳакида хабар топдим. У 810-рақамли бўлим эди.

Кўчишга хоҳишим ўйқ эди, лекин 810-квартиранинг ҳолатини кўришим биланоқ уни сотиб олишим кераклигини тушундим. Шундагина бу квартира

жамиятимизнинг янги йиғилиш майдонига айлана оларди. У ерда битта кичкина ётоқхона ва 278 квадрат метрлик очиқ майдон бор эди. Бу квартира базм кечалари уюштириш учун жуда соз жой эди.

810-квартираны сотиб олдим ва буни кўпроқ мулкка эга бўлиш истагида ёки фойда келтирадиган мол-мулк инвестицияси сифатида қилмадим. Мен уни кечаларимиз ва йигинларимизни шу ерда ташкиллаштириш мақсадида сотиб олдим. Квартирага эгалик қилиш кўпроқ тажрибага эришиш имконини берар эди.

Пул таклиф қилишда икки харидорни ютиб чикиб, 810-квартираны харид қилганимдан сўнгуни ўзим хоҳлаган кўринишга олиб келиш устида ишлай бошладим. Коллеж даврида хонадошларим билан «Дўстлар» деб номланган машҳур телекўрсатувни томоша қилиш ҳар ҳафталик одатимиз эди. Мен кўрсатувдаги қаҳрамонларнинг «Central Perk» номли қаҳвахонада тўпланиб, вакт ўтказиши ва бошқа одамлар билан танишишини эсладим. «810» ҳам жамиятимиз учун «Central Perk»нинг бошқача шахсий вариантига айланишини хоҳлардим. Шунингдек, уни шунчаки «810» деб аташ ўрнига яхшироқ ном ўйлаб топишимиз керак эди.

Дўстлар билан шампан ичиш учун якшанба кунлари «810»да тўпланишни ўйладим. «810»ни клуб, бар ёки дискотекадан сўнг тўпланадиган жой сифатида тасаввур қилдим. «810»нинг биринчи расмий кечаси 1999 йил 11 декабрь шанба куни бўлиши керак эди. Ярим тунда мен 26 ёшни тўлдирадим. Менинг туғилган куним «810»нинг очилиш маросими учун мукаммал баҳона эди.

Етарли миқдорда «Red Bull» йиғиб кўйдим.

*

Туғилган куним базмига тайёргарлик кўришга ҳафталар кетди. Туғилган кунимгача бўлган ойларда жамоамиз бир неча дискотекаларга борди. Ўша иили биринчи марта дискотекада иштирок этганимни яхши

эслайман. Ўшанда дискотека нима эканлигини ҳам билмасдим. Билганим шуки, улар жуда кўп техно ва хаус мусиқа қўйишади. Дискотекаларда қўйиладиган мусиқалар билан бир хил турдаги мусиқалар чалинадиган тунги клубларга ҳам аввал борганман. Ўша пайтларда мусиқаларни асабга тегадиган деб хисоблаганим ва нима сабабдан барча клубларда бир хил мусиқалар қўйилиши ҳакида тушунмаганимни эслайман. Мусиқаларда ҳеч қандай сўз бўлмасди, улар узлуксиз ва бир текисда қайта-қайта такрорланиб турувчи ритмлардек туйиларди. Мен электроник мусиқаларнинг оҳангига тушунмасдим.

Шу сафар ҳам ўша турдаги мусиқалар қўйилишини билиб, дискотекага боришдан унчалик хурсанд бўлмадим, аммо жамоамизнинг ҳар бир аъзоси боришни истагани учун мен ҳам катнашишга қарор қилдим.

Қаерда жойлашгани ҳам номаълум -бўлиб туйилган катта ва бўм-бўш омборга машинада етиб бордик. Омбор ташқарисида юзлаб машиналар турганди ва ташқарида кутиб турганимизда электроник техно мусиқанинг такрорланувчи ва даҳшатли овози эшитилиб турарди. Бу ерда қанча вақт турарканмиз, дея ўйладим, чунки мен ўзим танийдиган ва радиода эшитган мусиқаларим қўйиладиган жойларни афзал кўрардим. Йигирма дақика навбатда турганимиздан сўнг, ахийри, бурчакдан ўтиб, омбор ичига йўл олдик.

Кейинги юз берган ҳодисалар қарашларимни бутунлай ўзгартириб юборди.

*

Улкан яшил лазер нурлари ўнта футбол майдонига тенг келадиган омбор бўйлаб кезиб юрарди. Туман чиқарувчи курилмалар худди тушдагидек афсонавий муҳитни яратишга ёрдам берар ва барча одамлар DJга юзларини ўгириб, мусиқа оҳангига мос равишда бир хил ҳаракат қиласи эди. Ҳамма ерга «Red Bull» идишлари сочилган ва ультрабинафша қора нурлар деворлар,

шифтларда аксланар, гүёки улар бошқа сайёрадан кўчиб келган ўсимликларга ўхшарди.

Аммо ҳаммаси шунчаки безаклар, қора нурлар, туман чикарувчи курилмалар, лазерлар ёки омборнинг улканлиги туфайлигина эмасди. Ўша жойдаги ва ўша лаҳзадаги умуман кутилмаган нимадир бутун вужудимни чулғаб олганди. Мен у нарса нима эканлигини ёки нима учун ўзимни бундай хис килаётганимни аниқ билмас эдим.

Мен кўнишиб қолган тунги клублар ва ушбу саҳна орасидаги фарқларни аниқлашга уриниб кўрдим. Ха, безаклар ва лазерлар ажойиб ва бу омбор одамлар рақс тушадиган мен кўрган жойларнинг энг каттаси эди. Лекин бу нарсаларнинг иккови ҳам нима сабабдан менинг ҳайратдан оғиз очиб қолишимни изоҳлай олмасди. Гуруҳдаги энг ақлли бўлиб танилган ва мантикий фикрлай оладиган одам сифатида мен ўзимда юз берган ўзгаришлардан ажабландим – илоҳий тарафдан бўлмасда, борлиқ билан чуқур уйғунлик ҳиссини туйдим.

Бу ерда ҳеч ким бир-бирини баҳолаб ўтирмасди ва атрофга назар солиб шуни кўрдимки, ҳар бир одам қандай бўлса шундайлигича мусиқа садолари остида рақсга тушар эди.

Мен тунги клубларда кўрган рақслардан бу ердаги рақслар анча фарқли эди. Бу ерда рақсга тушиш кераклиги учунгина рақсга тушишмасди, тунги клубларда эса қайсиdir маънода ўзини кўз-кўз қилиш авж олганди. Тунги клубларда одамлар, одатда, бир-бири билан рақс тушади. Бу ерда деярли ҳар бир одам бир тарафга караб олгандай туйиларди. Ҳамма DJ тарафга юзланган эди. DJ ҳам ўз навбатида бор энергиясини оломонга йўналтираётган эди. Ҳар бир одам DJга сифинаётгандек туйиларди.

Бутун хона минглаб одамларнинг бирлашган жамоси бўлиб яхлитлашган ва DJ бу гурухнинг сардори эди.

Одамлар мусиқага рақсга тушаётгандай түйилмасди, мусиқанинг ўзи одамлар ичидан сузиг үтаётганди. Узлуксиз ва қўшиксиз электроник оҳанглар оммани синхрон харакатга келтирган юрак уриши эди. Бу жараёнда индивидуал руҳнинг мавжудлиги йўқолиб, унинг ўрнига ягона гурух руҳи пайдо бўлгандек туйиларди, гўёки бир гала кушлар бирлашиб, ягона яхлит тизим сифатида парвоз килгандек. Омбордаги барча одамларнинг максади бир эди. Ҳаммамиз ягона эҳтиросларга ҳисса қўшардик.

Ўша пайтларда буни билмасдим, аммо ўн йил ўтгач, баҳтга эришиш борасида ўтказилган илмий тажрибалардан билиб олдимки, бошқа одамлар билан синхроник тарзда жисмоний харакат қилиш ва ўзингиздан каттароқ нарсанинг бир қисмига айланиш (шунингдек, бир лаҳза ўзликни унугиши) кучлироқ баҳтиёрлик ҳиссини ўғотади. Дискотекадаги ҳолат ҳам одамлар минглаб йиллар давомида ҳис килиб келган туйғунинг замонавий қўриниши эди.

Ўша лаҳзада ҳаммасини ҳис килдим. Бутун борлиғим билан ҳис килдим. Бирдан техно мусиқанинг моҳиятини ҳам тушуниб етдим. Мен уни радиода эшитадиган мусиқаларим билан шунчаки бир хил тарзда эшита олмас эдим. Мен унинг вужудимдан оқиб үтаётганини бутун шуурим билан ҳис килишим керак эди, ўша лаҳзагача буни ҳеч ҳам ҳис қилмагандим. Кимdir менга техно мусиқанинг моҳиятини кўрсатгандек бўлди ва ҳеч бир сўз уни менга тушунтиришда ёрдам бера олмасди. Уни ўзим тушуниб етишим керак эди.

Ўша лаҳзада мен бунга эришдим. Ҳаммасини ҳис килдим. Бошқа оламга кўчиб ўтдим.

Нихоят, шунча йил ўтиб, мусиқанинг нима эканлигини тушуниб етдим.

Узоқни кўриш

Жамоамиз билан бу каби дискотекаларга боришни давом эттиридик. Баъзилари жуда катта ва минглаб

одамлар бўлар эди. Баъзилари эса фақатгина эллик киши билан ўтувчи кичкина дискотекалар эди. Дискотека муҳити ва маданияти хақида кўп нарсаларни ўргандим. PLUR аббревиатурасининг «Тинчлик, Севги, Бирдамлик, Хурмат» деган маънони билдиришини билиб олдим ва бу одамларнинг дискотекаларда ҳам, ҳаётда ҳам ўзларини шундай тутиши кераклигини англатарди.

Дискотекаларда бегона одамлар билан гаплашиш бу жой маданиятининг бир қисми ҳисобланарди. Бар ёки тунги клублардаги йигитларнинг қизларни илинтиришга уринишларидан фарқли ўлароқ, дискотекадаги одамлар хеч қандай пинхоний мақсадларсиз бир-бирлари билан танишишга қизиқардилар.

PLUR ғоясини ва дискотека маданиятини бошқа жойларда ҳам қўллай бошладим. Одамларнинг қандай кўринишда эканлигидан ва келиб чиқишидан катъи назар, уларга очик муносабатда бўлиш менинг шиорим эди. Қаерда бўлса ҳам, ким билан бўлса ҳам, янги муносабат ўрнатиш қўшимча имкониятлар манбаи эди. Умуман олганда, ҳаммамиз инсонмиз, шундай экан, бизнес, сиёsat ва ижтимоий мавқе билан бошқариладиган дунёда буни қўздан қочириш ҳеч гап эмас. Дискотека жамияти дунёни яхшироқ маконга айлантириш имконияти борлиги ва одамлар бир-бирларидағи инсонийликни қадрлаши кераклигини эслатиб турарди.

Қаерда турганим ёки уларнинг кимлигидан катъи назар, мен бутунлай бегоналар билан суҳбатлашганда ўзимни кулай хис килишни ўргандим. Бу стратегияни бизнесга қандай татбиқ қилганим хақида Иванка Трампнинг «Трамп қартаси: Иш ва ҳаётда ғалаба учун ўйнаш» номли китобида ёзилган.

Иванка Трамп китоби учун мен ёзган парча

Шахсан ўзим «бизнес ҳамкорлик» учун ўтказиладиган тадбирларни ёқтирумайман. Деярли шу каби тадбирларнинг ҳаммасида асосий мақсад – бир-бирининг

бизнесини қўллаб-қувватлаб турадиган шерик топиш илинжида ташриф қоғозларини тарқатиш учун атрофни кезиб юришга ўхшайди. Мен одатда бундай тадбирларда иштирок этмасликка ҳаракат киламан ва ўзим билан камдан-кам ҳолатларда ташриф қоғозимни олиб юраман.

Бунинг ўрнига мен шунчаки муносабатлар ўрнатишини ва одамларни бизнес дунёсида тутган ўрнидан қатъи назар (хатто улар бизнес дунёсида яшамасалар ҳам), шунчаки инсон сифатида қабул қилишни афзал қўраман. Ҳар бир одамда ўзига хос нимадир мавжудлигига қаттиқ ишонаман – шунчаки ўша нарса нима эканлигини тушуниб етиш зарур. Агар ўша нимадирни топа олсам, менга кўпроқ бизнесдан ташқаридағи одамлар билан муносабат ўрнатиш мароқ беради. Чунки улар ўзларининг ноёб тушунча ва қарашлари билан ўртоқлашади ва бу муносабатлар, асосан, самимий руҳда бунёд этилади.

Агар ўзингизда бирор киши билан ундан нимадир кутиб эмас, балки дўстона алоқа ўрнатиш мақсадида танишишга иштиёқ уйғота олсангиз, кейинроқ бизнесингиз ёки шахсан ўзингизга фойда келтирувчи нимадир содир бўлади.

Мен буни қандай содир бўлишини ёки қандай ишлашини тушунмайман, аммо кимнидир шахсан таниш билан хосил бўладиган самарали муносабат 2-3 йил вакт ўтиб юзага келади. Шунингдек, сиз бу самарани муносабат кураётган лаҳзаларда ҳеч ҳам кутмаган бўласиз. Жумладан, дўстингиз синглисининг қўшниси сиз алоқага чиқишга уриниб юрган компанияяга вице-президент бўлгандир, балки сиз 2 йил аввал танишган дўстингизнинг тенинсдаги янги шериги 6 ойдан буён ходим қидирилаётган бўш ўринга энг муносаб номзоддир.

«Zappos.com»нинг ташкил этилганига 10 йилдан ошди. Биз 1999 йилда ҳеч қандай савдо килмай, 2008 йилга келиб, ялпи товар савдосини бир миллиард доллардан ортира олдик. Компания тарихидаги энг йирик бурилиш

нұқталарға зәтибор қаратиб, шуни айтиш мүмкінки, буларнинг деярли барчаси омад әвазига эришилди. Биз тахмин күлмаган ҳодисалар содир бўлди, лекин улар 2-3 йил олдинроқ қуришни бошлаган муносабатларимизнинг натижаси эди.

Шундай экан, менинг маслахатим, анъанавий бизнесга асосланиб, алоқа ўрнатишни тўхтатинг, ўрнига дўстона муносабатларни кўпайтиринг, уларни чуқурлаштиринг ва маңа шу дўстона муносабатлар муваффакият келтиради. Дўстона муносабатларингиз қанчалик ранг-баранг бўлса, кейинги хаётда сиз улардан ҳам шахсан, ҳам бизнес тарафдан шунчалик кўп фойда оласиз. Сиз улардан қандай турдаги фойда олишингизни аниқ билмайсиз, аммо агар дўстлигингиз чин бўлса, бу фойда орадан 2-3 йил вақт ўтиб, мўъжизавий тарзда юз кўрсатади.

*

Мен 26 ёшга тўладиган кунимни худди дискотекаларда бўладиган каби ижобий энергия тарқатувчи кеча сифатида ўтказишни хоҳладим. Шунинг учун бу кечани унутилмас оқшомга айлантириш йўлида бир неча хафта давомида қўлимдан келган ҳамма ишни қилдим. Онлайн савдо дўконидан туман чиқарадиган курилмалар, ранг-баранг чироклар, уларни тутиб турувчи устунлар, ёруғликни бошқариб турадиган курилмалар, лазерлар, дискотека шарлари, қора чироклар, нур акслантирувчи безаклар буюртма қилдим. Омбордаги дискотека мухитининг кичикроқ вариантини қайта яратишни истардим.

Тугилган куним кечасига, тахминан, юз киши йиғилди. Лифтдан байрам ўтказилаётган жойгача бўлган йўналишни кўрсатувчи ишоралар ва «810» деб ёзилган белгилар ўрнатиб чиқдим. Жамоамиз аъзоларидан бирининг синглиси ўша белгини кўрди ва «ВІО нима?» дея савол берди. Барчамиз кулиб юбордик. Бу биз кидираётган ном эди. Шу дақиқадан бошлаб кечалар

ўтказадиган жойимизни «BIO клуби» деб номлашга карор килдик.

Умуман олганда, туғилган куним муаммоларсиз ўтди. Бундай кечаларга узум олиб келмаслик кераклиги мен ўрганган энг мухим дарс бўлди, чунки келаси кун эрталаб бутун ошхона поли ерга тушиб кетган ва эзилган узум доначалари, доғлар билан тўлган эди. «BIO клуби» ичida узумзор ташкил қилганга ўхшардим. Шунинг учун Янги йил кечаси учун олиб келинадиган меваларнинг хаёлимдаги рўйхатидан бу мевани чиқариб юбордим.

«BIO клуби» ҳакида гап-сўзлар тез тарқалди ва Янги йил муносабати билан уюштирилаётган кечага бир неча юз одам ташриф буюрди. Лифтдан байрамга кириш жойигача узун навбат ҳосил бўлди. Тунги соат учда деярли ҳамма уйига кетган эди. У ерда, тахминан, ўттиз чоғли одам қолганди, шунинг учун мен бутун уйни тутунга тўлдириш мақсадида тутун чиқарувчи қурилмани юкори кувватигача кўтаришга карор килдим.

Кўққисдан сигнализация чироклари кетма-кет ёна бошлади, атрофдан қулоқни коматга келтирадиган овоз тараларди. Овоз қаёқдан келаётгани ва нималар содир бўлаётгани ҳакида бир фикрга келгунимгача бироз вақт ўтди: Туман чиқарувчи қурилманинг қуюқ туманлари факатгина менинг уйимнинг эмас, бутун бошли бинонинг тутун сигнализациясини ёқиб юборган экан. Соат тунги уч ва ёнғин ишораси бутун бино бўйлаб жаранглаб турарди. Автоматлашган овоз ҳамма зудлик билан бинони тарк этиши зарурлигини эълон қилди.

Тезлик билан қурилмани ўчирдим ва барча ойналарни очдим. Туман бир неча дақиқада кўздан ғойиб бўлди, аммо энди кеч бўлганди. Сиреналарнинг овозини эшилдим ва ойнадан қараб, икки ўт ўчириш машинаси бинога яқинлашаётганини кўрдим.

Бир неча дақиқадан сўнг эшигим олдида учта ўт ўчирувчи пайдо бўлди. Уларга нима содир бўлганини

тушунтирдим ва лазерлар, туман чиқарувчи курилмани кўрсатдим. Улар бино ҳақиқатан хавф остида эмаслигини аниқлагач, кула бошлишди, ҳаммамизни янги йил билан табриклаб, жўнаб қолишиди. Мен эса камоқка олинмаганимдан хурсанд эдим.

Енгил нафас олдим ва ўт ўчирувчиларнинг кетишини кузатиш учун очик деразадан қарадим. Ўт ўчириш машиналарининг чироклари ҳамон милтиллаётган эди.

Бирдан қулогимга аёл кишининг овози эшитилди:

– Ажабланарли эмасми? Буларнинг ҳаммасини сиз қилдингизми?

Ким экан деб, атрофга алангладим, аммо уни таний олмадим. Унинг соchlари сарғиш, кўзлари мовий эди ва у ҳам ўт ўчириш машиналарининг чирокларидан ҳайратланганча деразадан бошини чиқариб қараб турарди.

– Ҳа, улар менга яхши муомала килишиди. Мендан жуда аччикланишса керак, деган хавотирда эдим, камига Янги йил арафаси бўлса, – дедим.

– Буни айтмаяпман. Умуман айтяпман, – гапида давом этди у. Ўгирилиб, байрамда ҳали ҳам иштирок этаётган одамларга ишора қилди. – Нимани хоҳласангиз, шуни кила олардингиз ва сиз ҳамманинг ёдида қоладиган иш қилдингиз.

– Ҳа, менимча, ярим кечаси бинодан нима сабабдан эвакуация қилинаётганини билмаган одамлар мен билан турганларидан хурсанд бўлишмаса керак, – дедим оҳиста.

– Улар ҳам бу тунни асло унутмаса керак.

У кулди.

– Хавотир олманг. Бу шунчаки тасодиф эди. Сиз уни техник нуқсон ёки нимадир деб изоҳлашингиз мумкин. Сарлавҳаларни ҳозирданоқ тасаввур қиляпман: Туман чиқарувчи курилмалар томоша кўрсатди!

Унга жилмайдим.

– Шу жой бир неча кун ичидаги офисга айланади, десам ишонасизми?

У кўзларимга тикилиб қаради. Мен ҳалигача орқа фондан келаётган мусикани тинглаб турсам-да, дунёнинг қолган кисми бутунлай йўқ бўлиб кетгандай туйиларди. Бу қизни танимасдим, аммо коинот бизни қайсиdir йўл билан бир вактнинг ўзида бир жойга келтирганди ва мен буни бутун умр эсимдан чиқара олмасдим.

– Тасаввур килинг, яратинг, ўзингизнинг борлиғингизга ишонинг ва борлик атрофингизда шаклланади, – У майин оҳангда гапирди. – Худди шу тунда килганингиздек.

У энгашди ва қулоғимга шивирлади:

– Янги йил билан.

Шундан сўнг у ўрнидан турди ва бирор сўз айтмай чиқиб кетди.

Инкубатор

Унинг сўzlари миямга ўрнашиб қолди: «Тасаввур килинг, яратинг ва ўзингизнинг борлиғингизга ишонинг».

Дўстларимнинг янги жамоаси билан боғлиқлик хурсандлигимни оширган бўлса-да, мен ниманидир яратиш жараёнида иштирок этишни соғина бошладим. Бир четта ўтириб олиб, инвестиция киритиш зерикарли эди. Нимадир куришни хоҳлардим ва «Venture Frogs» инкубаторини яратиш «ўзимнинг борлиғимни шакллантириш» йўлидаги муҳим қадамлардан бири эди.

Келажакдаги офис майдонимиз учун ижарапи расмийлаштиришдан ташқари, Альфред ва мен ўша бинодаги бир ресторанин ҳам ижарага олдик. Биз бу ресторанин «Venture Frogs» деб номладик.

Ота-онам чет элдан кўчиб келишди ва бир неча йил давомида «Venture Frogs» ресторанини юргазишни ўз зиммаларига олишди. «Akamai» қовурилган гуручлари омма севиб истеъмол қиласидиган таомларнинг бирига айланди.

Биз бир шифтнинг остида ресторанга, гимнастика залига, инкубатор офис майдонига ва бошқаларга эга эдик. Инкубатор офисларнинг ишлашини таъминлаш

мақсадида бир неча ишчи ёлладик.

Биз ўзимизнинг борлиғимизни яратадиган эдик.

«Zarpos» жамоаси янги бинога кўчиб ўтганидан сўнг (дастлаб базмлар уюштириладиган майдонга, кейин инкубатор офис майдонига айлантирилган бинога), мен кўп вақтимни компания билан бирга ўтказа бошладим.

Мен бориб турадиган дискотекалар секин-аста тижорийлашди ва воқеалар ривожи PLUR маданиятини атрофга ёйишдан кўра кўпроқ пул топиш илинжида қилинаётган ҳаракатлардай тус олди. Улар ахолининг бошқа бир турини ўзига жалб кила бошлади ва одамларнинг тадбирларга бўлган муносабати ўзгарди. Дискотекаларнинг сафари қариганини тушуниб етдим.

Учрашувлар учун марказий жой бўлиб хизмат килган «BIO клуби»сиз биз курган жамоа секин-аста тарқала бошлади. Биз дастлаб ягона мақсад: жамоа барпо этиш истаги билан бирлашган эдик. Илк кунларда ҳаммаси яхши эди, чунки жамоамиз кундан-кун ўсиб, ривожланиб бораётганди.

Аммо кейинчалик биз биргаликда вақт ўтказиш ва кечалар уюштириш ортидаги маънони йўқотиб кўйдик. Ҳали ҳам бир-биримиз билан алоқалашиб туришни канда қилмадик, лекин жамоамизнинг аъзолари ривожланишга ундовчи бирор мақсадсиз ва «Central Perk»ка ўхшаш асосий учрашув жойисиз, ҳаётидаги ўз муаммолари билан машғул бўлиб кетишди. Баъзилар ўзининг ҳақиқий иштиёки нимага йўналганини аниқлашга тиришарди, шундагина улар зиёфатлар уюштиришдан кўра яхширок нарсага эътибор қаратишлари мумкин бўларди.

Мен ҳам ўшаларнинг бири эдим.

*

Мен базм кечалари уюштириш ва ташкиллаштиришга доим қизиқканман, чунки мен ҳақиқатан эсда қоларли лаҳзалар ва жараёнлар яратишдан хузур килардим. Одамларнинг умри давомида ҳеч ҳам дуч келмаган

зиёфатда иштирок этганидаги ҳолатини томоша қилиш марокли эди. Кечанинг сўнгида ёки кейинги куни одамларнинг ёнимга келиб, кеча яхши ўтгани ҳакида айтиши менда мамнунлик хиссини уйғотарди.

Бу ишларга ҳар қанча иштиёқманд бўлмай, мен кечалар уюштиришни бутун кунимни сарфлашга арзийдиган машғулот деб билмадим. Мен уни қизиқарли эрмак деб хисоблардим ва кунимни сарфлаш учун бошка бир маънолироқ машғулот топишга муҳтоҷ эдим.

Айтишларича, янги нарсалар доим янги хиссиётларга етаклайди. Ҳали ҳам янги ғоялар ва компанияларга инвестиция киритиш билан шуғулланишим мумкин эди, лекин қиска вақт ичиде Альfred иккимиз йигирма еттита инвестицияни амалга оширгандик ва фондимизда ортиқ пул колмаганди. Инвестиция капиталисиз биз янги компаниялар билан алоқа қила олмасдик ва сармоядорликдан лаззатланиш ҳам тез орада йўқолди.

Ўша вақтда биз эшитган ҳар бир фикр зўр ғоядек туйиларди, шунинг учун тезлик билан пул тикаверардик. (Ўн йил ўтиб шуни билиб олдикки, ўртacha олганда, биз инвестиция киритган компанияларнинг асосий қисмидан кам фойда кўрдик ва бизга энг катта фойдани «Zarpas»га киритган инвестициямиз олиб келди. Инвестиция киритиш ҳам покерга ўхшарди. Энг кўп қўлларни ютишга уринган одам охирида энг кўп пулни ютиб олган бўлиб чиқмайди. 2009 йил якунида инвесторларимизга дастлабки фонд микдорининг 5,8 баробаридан кўпроқ маблағ тарқатдик ва бу «Venture Frogs»ни 1999 йилдан бўён энг яхши фондлар қаторига қўшар эди.)

2000 йил апрелда, юқори суръатда ўсаётган «dot-com» акциялари фонд биржасида инкиrozга юз тутди. Бу ҳолат саросима уйғотди. Кўплаб компаниялар бизнесдан чиқиб кетди ва бизнинг компанияларимизни кейинги боскичга олиб ўтиши назарда тутилган капитал фирмаларнинг ишлари оркага кетди. Шундай қилиб, улар

инвестицияларимиз учун кўшимча маблағ киритишни рад этишиди.

Бир неча компаниялар бизнинг янги инкубатор оғисимизга кўчиб ўтди, аммо қўшимча маблағларсиз улар ҳам ўз қарзларини тўлай олишмади ва бир неча ой ичida касод бўлишиди.

Окибатда «Zappos» инкубаторда колган ягона компанияга айланди ва биз у ерга яқин орада кўчиб ўтиши мумкин бўлган ҳар қандай компания келажаги борасида ишончимиз йўқ эди. Бу фондимиз учун, инкубатор учун ва «Zappos» учун ёмон холат эди.

Альфред иккимиз 100 миллион доллар миқдоридаги иккинчи фондни тўплаш истагида эдик. Барча ҳужжатларни тайёрладик ва инвесторларга агар иккинчи фондимизга пул киритишни хоҳлашса, фондимизда иштирок этишни таклиф этдик.

Бизнинг биринчи фондимиз киска фурсатда кўплаб компаниялар ва одамлар билан танишиш учун жуда яхши имконият бўлди. Фонднинг бош бошқарувчилари сифатида бутун дунёнинг бизга эътибор беришига ва бу ҳодисалар содир бўлишига эриша олдик. Биз янги компаниялар ҳакида ўрганишдан, янги одамлар билан танишишдан, янги ғояларни тинглашдан ва янги инвестициялар киритишдан роҳатланардик.

Ягона муаммо шунда эдики, сармоя қўйилганда кўп вактимиз яхши натижа кўрсатмаётган ва ўзининг оёқда қолиши учун қўшимча капитал тўплашга лаёқатсиз компанияларга сарфланиб кетарди.

Биз қила оладиган энг яхши иш иккинчи фондни ташкил этиш деб ўйладик. Агар 100 миллион доллар тўплай олсак, биз портфель компанияларнинг навбатдаги босқичга чиқиб олишлари учун кейинги фондни таъминлаб бера олардик.

Бу жараёнда қанчаси иштирок этар экан, дея қизиқиб, аввалги инвесторларимизга хат юбордик ва уларнинг

жавобини хавотир билан кута бошладик.

Афсуски, бирортаси кизикмади. Якунда биз бирор цент ҳам тўплай олмадик.

*

Айни дақиқагача «dot-com» инқирозидан хавотирга тушмаётган эдим. «LinkExchange» маданий жиҳатдан ёмон тажриба хисобланса-да, молиявий жиҳатдан юқори натижага эришганди. Альфред иккимиз «LinkExchange»нинг муваффакиятли сотилишидан қозонган ишончимиз туфайли биринчи фондимиз учун 27 миллион доллар тўпладик, шунинг учун, табиийки, иккинчи фонд учун ҳам маблағ тўплаш қийин бўлмайди, деб умид килдик.

Биз адашган эдик.

Ўзимдан шубҳалана бошладим. «LinkExchange»да шунчаки омадим келганмикан? Мен керакли вактда, керакли жойда пайдо бўлиб қолган интернет лотереяси ғолиби эдимми?

Альфред иккимиз «Sequoia Capital»даги Майкл Мориц билан боғланиб турардик. Афсуски, «Zappos» эришаётган натижаларга қарамай, «Sequoia Capital» ҳали ҳам инвестиция киритишга қизиқмаётган эди.

«Zappos»нинг буюк натижаларга эришишига бутун вужудим билан ишонардим. Ўзимга ва «Sequoia Capital»га «LinkExchange»нинг муваффакияти шунчаки баҳтли тасодиф эмаслигини исботлашим зарур эди. Буни яна бир карра уддалай олишимни бутун дунёга намойиш этишни истардим.

Шундай қилиб, мен инвестор ва маслаҳатчи қалпоғини ечиб, қайтадан тадбиркор бўлишга қарор килдим. Ўша йили тўлиқлигича «Zappos»га кўшилдим. «Zappos»нинг мен тасаввур қилган ва яратмоқчи бўлган оламимга айланишини истадим. У мен ишонган борликка айланиши мумкин эди.

Бир неча ой давом этган изланишларим ниҳоят

якунига етди. Мен камида кейинги бир неча йил давомида нимага эътибор қартишим кераклигини аниклаб олдим. Янги қизиқишимни кашф этдим.

Ҳаммага ўзимнинг ҳақлигимни исботлаш менинг янги мақсадим эди.

Ҳаётда амал қилиш учун қайдлар

«Катта компаниялар жуда оз имконият туфайли оч қолишдан эмас, жуда кўп имконият туфайли бўкиб қолишдан азият чекади».

Паккард конини

«Тўлқинларни тўхтата олмайсиз, лекин сузишни ўрганишингиз мумкин».

Жон Кават-Чини

«Ўтган тунда ўртоқларимга арвоҳлар ҳақида хикоялар айтиб бердим. Ҳозир эса арвоҳлар олов атрофига ўтириб олиб, бири-бирига одамлар ҳақида хикоялар айтиб бермаётганмикан, дея ажабланяпман».

«Журъат бир лаҳзага каловланиш, холос. Журъатсизлик эса ўзликни йўқотишдир».

Сорен Кьеркегард

«Камтар бўлинг: Ҳаваскорларнинг мисиди имкониятлар жуда кўпдай туйилади, тажрибалиларникида эса оз».

Суншу Сузуки

02

ФОЙДА ВА
ЖҮШҚИНЛИК

ЎРНИНГИЗГА ДИКҚАТ ҚИЛИНГ

Максадни аниклаб олиш

Кейинги икки йил «Zappos» учун жуда кийин кечди. Биз шунчаки жон саклаб қолишга ҳаракат қилдик. Мұваффақияттағы әртүрлілік, «dot-com» биржасыннан инкорози ва 11 сентябрни бошимиздан көзімдік. Ҳар бир лаҳзада бу дүнө бизнинг ишончимиз ва иштиёқимизни синааб күраётгандай түйиларди.

Ташқаридан ҳеч қандай маблағ йиға олмаслигимизни билардик. Бу бизнинг инвестицион стратегиямизга зид бўлса-да, мен ҳозир «Zappos»да тўлиқ ишлатганимни хисобга олиб, Альфред иккимиз «Venture Frogs»дан яна бирор пул сарфлашга карор қилдик, лекин охир-окибат фондимизда қолган сўнгти пулларни ҳам ишлатиб бўлдик.

Жамғармада пул қолмаганлиги туфайли бир неча ой давомида банкдаги хисоб рақамимдан компаниянинг оёқда туриб қолиши учун шахсан ўзим маблағ киритиб турардим.

Альфред ва мен «Sequoia Capital » билан боғланишга ҳаракат қилдик, аммо улар ҳали ҳам сармоя киритишни хоҳламасди. 2000 йил октябрь ойида, мен бутунлай нақд пулсиз қолишимиз ва эришмоқчи бўлган қўплаб нарсаларни қисқартиришимиздан олдинрок компанияни

оёкқа турғазиш жуда мухим эканлиги баён қилинган күйидаги электрон хатни юбордим.

Сана: 19 октябрь, 2000 йил

Кимдан: Тони Шейдан

Кимга: «Zappos» ходимларига

Мавзуу: 9 ойлик режса масаласида

Заппосчилар!

Кейинги 9 ой давомида компания биз учун энг мухим мақсадга айланиши түғрисида тасаввурга эга бўлишингиз учун электрон почта орқали хабар юборяпман. Шундай килиб, ҳар бир одам ўзининг компанияяда тутган ўрни биз учун жуда зарур эканлигини англаб етиши мумкин. Агар сизда бирор-бир савол туғилиб қолса, сўрашдан асло тортинманг!

Барчангизга маълумки, сўнгги 6 ойда хусусий секторда ҳам, жамоат секторида ҳам истеъмолчиларга қаратилган бизнес (B2C) учун бозор яхши бўлмади. Бир пайтлар «eToys», «Fog-Dog» ва «PlanetRx» каби ошиғи олчи бўлган компанияларда ҳам аҳвол ҳозир ҳавас қиларли эмас. «Sequoia Capital» («Yahoo»нинг сармоячиси) томонидан молиялаштирилган ва ойига бир миллион доллар даромад киладиган «Miadoga.com» каби таникли хусусий компаниялар ҳам бизнесдан чиқиб кетмоқда, чунки ҳозирда хусусий секторлар истеъмолчиларга қаратилган компанияларни молиялашдан кўркади.

Ушбу бозор шароитлари «Zappos.com» учун ҳам яхши, ҳам ёмон янгилик бўлди. Яхши томони шундаки, биз энди ракобатчиларнинг тўсатдан 25 миллион доллар жалб этиб, уни Суперкубок рекламаларига сарфлаши, бозор мухитини чалкаштириб юбориши ва биз учун

кисқа муддатли бошоғриқлар яратишидан хавотирланишимиз шарт эмас. Ёмон жиҳати шуки, пулимиз чекланганлиги сабабли биз ҳам хоҳлаган тезлигимизда ривожлана олмаймиз ва хоҳлаган ишимизни бажара олмаймиз.

Агар пулимиз етарли бўлганда, килишимиз керак бўлган биз учун фойдали ишлар жуда кўп эди. Умуммиллий реклама кампаниясини ўтказиш, мижозларга хизмат кўрсатишни ўстириш, жамоадагилар сонини тезроқ кўпайтириш, ривожланиш манбаларига кўпроқ маблағ сарфлаш, янги сайтга қўшимча функциялар киритиш ва бошқалар шулар жумласидандир. Аммо ҳақиқат шундаки, пул этишмовчилиги туфайли ҳозирги кунда биз бу ишларни бажара олмаймиз.

Ҳозирда чекланган пул билан фойда ололмаётганимиз сабабли вақтдан ютишга уриняпмиз. Ҳозирги кунда компания сифатида бизнинг энг асосий мақсадимиз томонни ўзгартиришдир: Фойда олишга кириб олганимиздан сўнг тақдиримиз ўз қўлимида бўлади ва ўшанда хоҳлаган ишимизни қилишимиз мумкин.

Ўша вақтга кадар, биз компания сифатида бутунлай пулсиз қолиб кетгунимизгача фойдага кириш имкониятини максимал даражада оширишга эътибор қаратишимиз зарур. Бизда мантиққа таянган молиявий режа бор ва биз уни амалга оширишга кодирмиз, аммо барчамиз ушбу режани амалга ошириш жараёнида нималарга эътибор беришимиз зарурлигини тушуниб этишимиз лозим.

Шундай қилиб, аввало, ҳаражатларимизни жуда пухталик билан назоратга олишимиз зарур.

Ишчи ёллаш учун алоҳида бюджетимиз бор, уни жуда эхтиёткорлик билан сарфлашимиз керак, истаган бўлимимиз учун истаган одамни ишга қабул килолмаймиз.

Харажатларни кўриб чиккандан сўнг биз киладиган энг муҳим иш кейинги 9 ой ичида ялпи фойдани оширишдир. Бу ҳар бир мижоздан келадиган ўртача ялпи фойда ва буюртма ҳажмини ошириш, конверсия ставкаларини ошириш, сайтимизга янги ташриф буюрувчилар сонини кўпайтириш ва содик мижозлар сонини ошириш демакдир.

Кейинги 9 ойда компания учун янги лойиҳаларни баҳолашда ялпи даромадимизни кандай килиб оширишга ҳаракат килишимиз лозим. Бу биз одатда амалга оширишимиз керак бўлган баъзи лойиҳалар молиявий рентабелликка эришгунгача тўхтаб туриши кераклигини англатади. Даромадга эришганимиздан сўнггина узокроқ ва каттароқ марраларни кўзлашимиз ва оламшумул режалар ҳақида ўйлашимиз мумкин бўлади.

Юкорида айтиб ўтганимдек, агар кимдадир бизнинг 9 ойлик режамиз борасида бирор савол бўлса, илтимос, тортиниб ўтируманг.

Вазиятни зудлик билан ҳал қилиш кераклиги ҳақида гапиравериш етарли эмаслигини билардик. Биз янада кескинроқ чораларни кўришимиз зарур эди.

Ник, Фред ва мен тирик қолиш имкониятимизни максимал даражада ошириш учун ишчилар сонини қисқартиришга қарор қилдик. Биз компаниядаги қолган ишчиларнинг ҳам маошини камайтиришга ёки компания акцияларига эгалик қилиш эвазига текинга ишлаб беришга кандай кўндиришимиз мумкинлигини аниклаб олишимиз зарур эди. Менинг иш ҳаким йилига 24 доллар

БАХТ ЕТКАЗИШ .

ёки қиласынан ишим учун 1 доллардан этиб белгиланди (гарчи бу солик тұлашдан олдинги ҳолат бўлса ҳам).

2000 йил ноябрьда Ник менга қуйидаги электрон хабарни юборди:

Сана: 26 ноябрь, 2000 йил

Кимдан: Ник Сүннімурин

Кимга: Тони Шейга

Мавзу: Ҳодимлар

Молиялаштириш хақида маълумотим йўқ.
Афсуски, ягона умидимиз сенга боғлиқка ўхшайди, шунинг учун сен ўзингга маъқулини танлашинг керак ва биз шунга мувофиқ харакат киламиз. Агар сенда «Zappos» учун бошка пул бўлмаса, биз ўзимизда колган маблағ ва суюги кўриниб колган жамоа билан имкон қадар узокроққа боришга интиламиз.

Менинг иш хақим қискаришига келсак, уй эгаси мендан қарздор эканлигини тан олгач, дўстларимга бир-иккита нарсамни сотсан, барча қарзларимдан кутулсан керак, фақатгина ижара, машина ва озиқ-овқат харажатлари қолади. Буларнинг ичидаги энг каттаси – ижара. Агар маошим шу харажатларни қопласа, менда хеч қандай муаммо бўлмайди.

Ўйлайманки, муаммоларимиз бўлса ҳам, биз тўғри йўлдан кетмоқдамиз. Маркетинг бўлими ҳозирда даромадни тегишли фоизга келтиришга уринмокда, аслини олганда, анча самарали ишламокда ва у қандай ишлашни билади. Фикримча, биз ҳам ҳаммасини уddyалай оламиз, аммо қайғули тарафи шундаки, шу кетишда узокка бора оламизми ёки йўқ, шу нарса жумбоқлигича қолмоқда.

Бошка ишчилар муаммонинг қойилмақом

ечимини ўртага ташлашди:

Вариантларни синчковлик билан ўрганиб чиққач, таклиф қилинган альтернатив пакетларнинг ҳеч бирини қабул қилмасликка қарор қилдим. Аммо мен «Zappos» харажатларни қисқартирмоқчилигини (шунга муҳтоҗлигини) яхши биламан, шунинг учун менда бошқа бир таклиф бор. Ҳозирдамени қизиктираётган ягона нарса бу шахсий вақтимни қўпайтиришидир. Мен ҳафтасига бир кун кам ишилаш эвазига ши ҳақимни 20 фоиз қисқартирилишига рози бўлардим.

Вазият тобора ёмонлаша бошлагач, баъзи ходимлар компанияни тарк этишга қарор килди. Аксарият ходимларда жамғарма килиш имконияти йўқ эди, шунинг учун маошдаги қисқаришлар ёки текинга ишлаш уларнинг хатто ижара ҳақини ҳам тўлолмай қолишларини англатарди. Шундай экан, биз янада яхшироқ ечим топиш илинжида бошимизни қотира бошладик.

«Zappos» инкубатор офисига кўчиб ўтганлиги туфайли базм кечалари уюштириладиган квартира ҳозир бўм-бўш эди. Шунинг учун мен «810»га (аввалги ВІО клуби) бешта ёток жойлаштирдим ва ўша ерда ѹшчиларнинг ижара ҳаки тўламай яшашларини таъминладим.

Шунингдек, мен бинодаги яна учта квартиранинг эгаси эдим ва инкубатор ва «Zappos»нинг баъзи ѹшчиларини у ерга жойлаштирдим (Никни ҳам), уларга ҳеч қандай ижара ҳаки тўламай яшашлари учун имконият яратдим. Қолганлар билан ҳам «ҳамма бир киши учун, бир киши ҳамма учун» шиори остида яшай бошладик ва биргаликда компаниянинг оёққа туринб олиши учун қўлимиздан келган барча ишни қилдик.

Ишда қолганларнинг ҳаммаси олдингига қараганда анча кўпроқ тер тўкиб меҳнат қилишди ва биз ѹшчилар сонини қисқартириш компаниянинг унумдорлигига

салбий таъсир кўрсатмаганидан мамнун бўлдик. Ўз вазифасини бажармаган, компания келажагига ишончсиз қараганларни бўшаттган эдик, аммо компанияда колганларнинг иштиёки ва килаётган ишимизга бўлган ишончи туфайли олдингидан-да кўпроқ меҳнат қилдик.

Бу ҳолат компанияда иштиёқни уйғотиш ва яхлит жамоа сифатида ишлаш йўлида катта сабоқ бўлди. Ҳар бир одам нимадандир воз кечарди.

Аммо рентабелликка эришиш йўлидаги харакатларимиз ҳали ҳам етарли эмасди.

Мен бир неча ой давомида шахсий пулларимнинг бир кисмини компанияга киритиб турдим, аммо бу етарли эмаслигини билардим. Компания ҳали ҳам ҳар ой жуда кўп пул йўқотаётган эди.

Ҳисоб ракамимдаги пуллар камайиб борар экан, ўзимдаги кўчмас мулкларни сотишини бошладим, шундагина сотувдан тушган пулларни «Zappos»га киритишим мумкин бўларди. Алалоқибат, ҳозир мен яшаётган уйдан ва зиёфатлар учун квартирадан ташкари ҳамма мол-мулкимни сотиб битирдим. Квартирани ҳам сотиб юбормоқчи эдим, аммо иктиносидиёт шунчалар ёмон ҳолатда эдики, харидор топилмади.

Боз устига, ота-онам юритаётган ресторон ҳам етарлича фойда келтирмади, бу ҳолат кисман иктиносидий ахволнинг ёмонлиги туфайли ҳамда ҳеч биримизда ресторон тажрибаси йўклиги туфайли бўлди.

Вазият оғир эди. Мен иштирок этган барча нарсалар: ресторон, инкубатор, «Zappos» ва шахсан ўзим ҳам тобора маблағсиз қолаётган эдик.

Шахсан ўзим учун захирадаги режам шундан иборат эдики, қачонки иктиносидий ҳолат ўзгариб қолса, квартирамни сотиб, уни нақд пулга айлантира олардим. Бу режа менинг хавфсизлик туморим эди, ваҳоланки, иктиносидиёт қачон ўнгланиши ёки бу каби квартирани сотиб юбориш канча вақт олишини билмасдим.

Ник, Фред ва мен харажатларни камайтириш мүмкін бўлган бошқа соҳаларни кўриб чиқдик. Бизнинг ўсишимизга зарар келтирса ҳам, маркетинг харажатларимизнинг катта қисмини қисқартиришга қарор қилдик, биз мижозлар маҳсулотларимизни қайтакайта ва тез-тез сотиб олишларини таъминлашга эътиборимизни қаратдик. Биз бу ҳолат саҳрода яшириб кўйилган олтин танга эканлигини билардик ва бу бизни мижозларга яхшироқ хизмат кўрсатишга кўпроқ эътибор беришга мажбур қилди. 2003 йилга келиб, мижозларга хизмат кўрсатишини компаниянинг энг асосий мақсадига айлантиришга қарор қилдик.

Шундай бўлса-да, ўша пайтда бизнинг биринчи даражали мақсадимиз мижозларга хизмат кўрсатиш эмас, шунчаки жон сақлаб қолиш эди.

Жон сақлаб қолиш ва мақсадни аниқлаб олиш зарурати кутилмаган натижаларга олиб -келди. Бу ҳолат бизни бир-биримизга яқинлаштириди, чунки барчамизнинг мақсадимиз битта – бизнесдан чиқиб кетмаслик эди. Гарчи жуда қийин кунларни бошимиздан кечирган бўлсак ҳам, биз ҳамма нарсани биргаликда босиб ўтдик ва қилаётган ишларимизга кучли иштиёқ билан ёндашдик. Барчамиз ўзимиздаги ниманидир қурбон қилдик, чунки биз компаниянинг потенциалига ва келажагига қаттиқ ишонар эдик.

Аста-секинлик билан «Zappos» менинг янги жамоамга айланди.

Ишфонч

Компаниянинг молиявий аҳволига назар ташласак, шунчаки харажатларни қисқартириш компаниянинг рентабелликка эришиши учун етарли эмаслиги кўриниб қоларди. Биз савдо ҳажмини ошириш учун қандайдир усул ўйлаб топишга мажбур эдик.

Бу жуда мураккаб вазият эди, чунки биз маркетинг бюджетимизнинг катта қисмини қисқартирган эдик.

Содик харидорларимизга кўпроқ эътибор қаратадигандик, аммо бунинг ўзи билангина киска муддатда узокрокка бора олмасдик.

Бизга мўъжизагина ёрдам бера оларди.

Ўрта мактабда юнонлар тарихи дарсида «deus ex machine» деган иборани билиб олгандим. Бу сўз лотин тилида «машина худоси» деган маънони англатарди. Википедияга асосан, бу «бажариб бўлмас, ўта мушкул ахволда қолганда ёрдам берадиган, йўқдан пайдо бўладиган персонаж ёки бирор нарса» эди.

Нима қилишни билмай, иш столимда хаёл суриб ўтирган вактимда Фредга ўгирилдим. Кейинчалик компанияни куткариб қолиш йўлини топа олсак, бу ёмон ҳикоя бўладими ёки йўқ, менга барибир эди.

– Фред, сенда deus ex machine борми? – деб сўрадим.

– Нима? – Фред ажабланди.

– Deus ex machine, – дея такрорладим. – Юнон мўъжизаси, билмайсанми?

– Йўқ, узр, – у жавоб берди. – Мен уни тасодифан уйда, кўйлагимнинг чўнтағида колдириб келибман.

– Балки, уни бир қултум ичимлик устида топа олармиз, – дедим мен. – Соат тўрт бўлибди, компанияни қандай қилиб саклаб қолиш ҳақида бош котиришимиз зарур. Ичимлик учун жуда эрта эмасми?

– Албатта, эрта эмас.

Шундай қилиб, биз ишимизни тўхтатиб, «Venture Frogs» ресторанидаги барга отландик. Мен содали виски буюртма қилдим, Фред эса пиво олди. Ичимликларни бир неча дақиқа сукут саклаганча симириб ўтирик.

Тинчликни мен буздим:

– Хўп... Савдони тезлик билан ўстириш борасида бирор ғоянг борми?

Фред ўйчан кариб кўйди.

– Ўтмишнам савдо-сотиқка бориб тақалади. Айтмоқчиманки, бизга керак бўладиган ягона нарса бу

– керакли вактда ва керакли миқдордаги маҳсулотдир, шунда савдо ўз-ўзидан юриб кетади. Муаммо шундаки, биз харидоргир брендлар билан ишламаяпмиз. Мижозларга таклиф этадиган жүяли маҳсулотимиз йўқ.

– Қаердан оламиз ўша керакли маҳсулотларни?

– Муаммо ҳам шунда, биз ҳамкорлик қилмокчи бўлган кўплаб брендлар маҳсулотларни тўғридан-тўғри харидорларга етказиб бера олмайди. Уларнинг ички тизими ва омборлари буюртмаларни тўғридан-тўғри харидорларимизга етказиб беришга мослашмаган. Ҳаттоқи бу ишни бажара оладиган брендлар ҳам, одатда, энг яхши маҳсулотларини бизга сотмайди, шунинг учун уларни мижозларимизга таклиф кила олмаймиз. Мен Фреднинг гапларини мулоҳаза қилиб, жим колдим, сўнг:

– Савдо дўйонлари энг сара брендларни мижозларга қандай таклиф килади? – деб сўрадим.

– Чунки уларнинг ўз омборлари бор, – дея тушунтирди Фред. – Савдо дўйонлари муддатидан анча олдин буюртма беради, омбор ҳакини тўлашади ва бунинг учун масъулиятни ўз зиммаларига олишади. Агар сотувчи бирор маҳсулотни сота олмаса, бу савдо брендининг ёки улгуржи савдо килувчининг эмас, балки сотувчининг муаммоси ҳисобланади. Аммо биз бундай қила олмаймиз, чунки бу бизнинг бизнес моделимиз эмас.

Ичимликларни ҳам тугатдик.

– Яна ичамизми? – сўрадим.

Фред маънодор қилиб бош иргади ва буфетчидан яна ичимлик олиб келишини илтимос қилди.

– Хўш, биз ҳам шундай қилсак, нима бўлади? – узок ўйлаб, гапирдим мен. – Биз ҳам сен айтган брендни ўз омборимизга келтирсак-чи? Шунда даромадимиз канчалик ўсади деб ўйлайсан?

– Эҳ, даромадимиз осонгина уч баробар ўсган бўларди. Ҳеч қандай истисноларсиз, – Фред иккиланишсиз гапида давом этди. – Балки, ундан ҳам кўпроқ.

– Яхши. Бунинг учун нималар килишимиз кераклигини аниклайлик. Агар бизнес моделни ўзгартириш бизни куткара олса, унда биз ҳам бу ўзгаришларни қабул килишимиз лозим.

Кейинги бир соат давомида Фред иккимиз агар биз етказиб бериш бизнесига қўшимча равишда омбор ташкил килишни ҳам йўлга қўймокчи бўлсак, ҳал қилишимиз керак бўладиган муаммолар юзасидан гаплашиб олдик. Суҳбат сўнгига бир қатор ишларни бажаришимиз кераклигини тушуниб етдик. Ишлар рўйхати жуда мураккаб эди, лекин энди биз ҳеч бўлмагандага компанияни саклаб қолиш учун нимадир қилишимиз кераклигини билиб олгандик:

1. Сотиб олинадиган маҳсулотларни аниклаш ва омбор бошқариб туриш учун харид қилиш гурӯхини ёллашимиз ва уни ривожлантиришимиз керак эди. Қисқа муддатда бу ишни Фред бажариб туриши мумкин эди, аммо барибир биз фидокор жамоага муҳтож эдик.
2. Брэнд эгаларини «Zappos» билан ҳамкорликда ишлашга кўндиришимиз керак эди. Биз хоҳлаган брэндларнинг аксарияти фақат анъанавий савдо дўконларига маҳсулот етказиб берарди.
3. Етказиб бериладиган маҳсулотлар билан бирга омборга келтириладиган маҳсулотларни сотиш учун ҳам веб-сайтимизнинг дастурий таъминотини янгилашимиз керак эди.
4. Сотиб олинадиган маҳсулотларни сақлаш учун бизга омбор керак бўларди. Пойабзалларни омбордан ташиш учун ҳам ишчилар ёллашимиз зарур эди.
5. Биз 2-ракамли вазифани бажариш учун чакана савдо дўкони очишимиз ва дўконни юргазиш учун ишчи ёллашимиз керак эди. Ҳозирги молиявий

аҳволимизни ҳисобга олган ҳолда, ижарага берувчиilar билан келишувга эришиш ҳам жуда қийин кечиши аник эди.

6. Биз хоҳлаган маҳсулотларни сотиб олиш учун нақд пул топиш лозим эди. Фред бизга яна 2 миллион доллар маблағ керак бўлишини ҳисоблаб чиқди. Муаммо шунда эдикি, бизда қўшимча шунча пул йўқ эди.

7. Юқоридагиларнинг барчасини бир неча ойда бажаришимиз шарт эди.



Рўйхатдаги ишларни Фред иккимиз бўлишиб олдик. У биринчи ва иккинчи топширикларни бажарса, мен компьютер дастурчилари билан ишлашим ва учинчи вазифани ўз зиммамга олишим керак эди. Тўртинчи вазифа учун эса оғисдаги барча ишчиларни сафарбар қилишимиз мумкин эди ва қисқа муддат учун оғиснинг ярмини омборга айлантира олардик.

– Бешинчи вазифа нима бўлади? – сўради Фред. – Савдо дўконини қандай очамиз?

– Оғисимизнинг қабулхонасини дўконга айлантирсанчи? – таклиф билдиридим. – Ўзи дўкон деганда нима тушунилади? Сотиб олиш учун маҳсулот бўлса-ю, лекин дўкондан ҳафтасига фақатгина бир жуфт оёқ кийим сотилса, қолгани интернет орқали сотилса қандай бўлади? Шу ҳам дўкон ҳисобига ўтадими?

– Менимча, бу ҳолат дўконнинг таърифиға мос тушса керак. Баъзи брендлар бунга рози бўлса ҳам керак, аммо уларнинг асосий қисми дўконнинг бу ҳолатини кўриб, фикрларидан қайтиб қолишлари ҳам эҳтимолдан холи эмас, – дея Фред гапига нукта қўйди.

– Яхши, ҳаммасини шундан бошлаймиз, – дедим мен. – Бу орада биз шаҳардан савдо айланмаси унча катта бўлмаган ҳақиқий дўкон излаб топишимиш ҳам мумкин бўлади. Дўкон бирор аҳамиятга молик жойда

жойлашмаган бўлса, биз уни арzonрокка сотиб олишимиз мумкин. Сўнг бу дўконнинг эгасига айланиб олсак, хозирда дўкон билан шартномаси бўлган барча брендлар ҳам дўкон эгаси сифатида бизнинг тасарруфимизга ўтади. Ўша вактда бу брендларни веб-сайтимиз орқали сотишимиз мумкин бўлади.

Фред шубҳаланаётгандай туйилди.

– Ўйлашимча, харакат қилиб кўриш зиён келтирмайди. Энг ёмон ҳолатда нима содир бўлиши мумкин? Улар кила оладиган ягона иш бу «йўқ» дейишдир.

– Аммо олтинчи иш нима бўлади? – Фред давом этди.

– Биз шартнома тузадиган янги бренд маҳсулотларни сотиб олиш учун пулни қаердан оламиз?

Унга карадим.

– Буёғи менинг ишим. Агар биз бирор брендни бизга маҳсулот сотишга кўндира олсак, бунинг учун пул ҳам топилади, деб фараз қиласкер.

Мен Фреднинг қиска вакт ичидаги етарлича брендларни биз билан ишлашга қандай ишонтироқчи эканини билмасдим ва Фред ҳам бунинг учун пулни қаердан топишим мумкинлиги ҳақида ҳеч нима билмасди. Шунга қарамай, биз бир-биримизга ишондик ва бир мақсад сари интилаётганимизни иккимиз ҳам ҳис қилиб турадик. Бу «компанияни тикиб юбор» режаси эди. Бизнинг янги стратегиямиз «Zappos»ни саклаб қоларди ёки тез орада унинг инкиrozга юз тутишини таъминларди. Ҳакиқатан бизда бошқа танлов йўқ эди. Етказиб бериш хизматида давом этиш ва секин-асталик билан жон таслим қилиш уччалик ҳам ёқимли эмас эди. Бу шунчаки мукаррар нарсани кечикириш бўларди, холос.

Фред сухбатимиз давомида бир нарсани, яъни 2 миллион долларни қаердан топиш режасини аллақачон тузиб қўйганимни билмас эди. Аммо Фредга бу ҳақида айтишни хохламатим, чунки у бу режага рози бўлмаслиги мумкин . . . Г режим номимдаги деярли ҳамма

нарсани сотиб, заарига бўлса ҳам пулга айлантириш эди. Фермани гаровга тикиб, барча маблағни «Zappos»га киритмоқчи эдим. Ташқаридаги одам учун бу иложисизликдан килинган, калта ўйланган режа бўлиб туйнилиши эҳтимолдан холи эмас эди.

Аммо, менимча, ундаи эмасди. «Zappos»ни шу босқичгача олиб келгандик ва энди ортга йўл йўқ эди. Бу тўғри йўл эканлигини ич-ичимдан ҳис килиб турардим.

Мен «Zappos»га ишонгандим. Мен Фредга ишонгандим.

Омборни ташкил этиш

Фредрўйхатимиздаги ишлабчиқарувчиларга қўнғироқ қила бошлади ва биз қабулхона майдонини ихчамгина пойабзал дўконига айлантиридик. Кинотеатр билан битта бинода жойлашганимиз боис кинога тушувчилар бизни аҳмок деб ўйлашлари табиий эди. Ўн тўрт экранли кинотеатр мажмуасининг фойесида жойлашган пойабзал дўкони чипта ушлаган киношинавандаларнинг кўзига жуда ғалати кўринарди. Бу хақиқатан ғайриодатий ҳолат эди.

Аммо ҳаммаси иш берди.

Дастлабки буюртмамиз етиб келиши биланоқ, веб-сайтимиздаги савдолар бошланиб кетди. Фред ваъдасига мувофик равишда тобора кўпроқ брендлар билан келишувга эришарди. Бир неча ой ичида пойабзаллар оғисимизнинг одамлар эгаллайдиган майдондан кўра кўпроқ жойни эгаллаб олди. Оғисимизга кўпи билан беш минг жуфт пойабзал сиғарди ва тез орада бизга бўш жой этишмай қолди.

Фред атрофдан суриштириб, оғисимиздан икки соатлик масофада жойлашган Уиллоуз шахарчасидан мўъжазгина оилавий пойабзал дўконини топди. Дўкон Эгаси истеъфога чиқмоқчи эди, шунинг учун биз у дўконни арzonрокка сотиб олдик. Тўсатдан биз кўпроқ маҳсулот тўплаш учун кўпроқ брендлар билан шартнома

түздик ва савдоларимиз шиддат билан ўса бошлади.

Омадни карангки, ўша дўкон жойлашган кўчанинг нариги тарафида бир пайтлар универмаг бўлган, ҳозирда эса ташландиқ бир бино бор эди. Биз уни кўздан кечириб, у жойга эллик минг оёқ кийим сифиши мумкинлигини аникладик – бу бизнинг ҳозирги жойимиздан ўн баравар кўп дегани эди – шунинг учун биз у дўконни ҳам ижарага олишга карор килдик. Биз захирадаги маҳсулотларимизни Сан-Францискодан Уиллоузга кўчиридик ва янги омборимизни юргазиб туриш учун ишчи ёллай бошладик.

Фред ҳар жабҳада ҳак эди. Даромадимиз уч баравардан ҳам кўпроқ ўси. 2000 йилда, бизнинг ялпи савдомиз 1,6 миллион долларга етди. Савдомиз ўсишидан ҳатто ўзимиз ҳайратда эдик, тўғридан-тўғри етказиб бериш хизмати ва маҳсулотларни омборларимизга жамлашимиз ҳаммани бирдек хурсанд килаётган эди.

Савдомиз ўсиб бораётган бўлса-да, биз ҳали ҳам нақд пул борасида ижобий натижага эришмаган эдик, чунки биз савдомизнинг ривожланишини таъминлаб бераётган кўшимча маҳсулот сотиб олиш учун пул тўлашга мажбур эдик. Шунга карамай, тўғри йўлдан кетаётганимизни ҳаммамиз билардик.

2002 йилнинг бошида бизга «eLogistics» номли компания мурожаат килди. Сотувчи бизга Кентуккида, «UPS Worldport» биноси яқинида ўзларининг омбори борлиги, барча ишларимизни ўзлари бажариши ва омбор ҳақида ортиқ кайғуришимиз шарт бўлмаслиги ҳақида гапирди. Аммо бундан ҳам муҳими шунда эдик, Кентуккига омборимизни кўчириш орқали биз етказиб бериш харажатларини кисқартириб, буюртмаларни мижозларимизга янада тезроқ элтиб беришимиз мумкин бўларди.

Биз Калифорниядан туриб етказиб бераётган эдик, бу эса Шарқий Соҳилга жўнатмаларнинг етти ёки саккиз кунда етиб боришини англатарди. Кентукки

каби марказий штатдан туриб етказиш орқали биз 70 фоиз мижозларимизни икки кун ичида маҳсулот билан таъминлаб бера олардик. Бу осон ғалабага эришиш сценарийсига ўхшаб туйиларди: У ҳам мижозларимизга, ҳам ишчиларимизга маъқул эди. Тезкор элтиб бериш – харидорларга яхшироқ хизмат кўрсатиш орқали мижозларимизнинг меҳрини қозонишимиз учун энг яхши йўллардан бири эди.

Биз «eLogistics» билан шартномага имзо чекдик ва биргаликда Уиллоуз омборидаги маҳсулотларни «eLogistics» омборига кўчириш юзасидан режа туга бошладик. Бу эҳтиёткорлик билан тузилиши лозим бўлган режа эди, чунки юк машиналарининг мамлакат бўйлаб саёҳати учун уч кун вакт кетарди. Бизнинг режамиз жума куни машиналарга ҳамма юкларни ортиш, аммо вебсайт фаолиятини тўхтатмаслиқдан иборат эди, шу йўл билан биз савдонинг сусайиши олдини олар эдик. Юк машиналари якшанба куни етиб бориши, душанба куни уларни бўшатиб, маҳсулотларни «eLogistics» омборига жойлашимиз ва сесанбадан дам олиш кунларида тушган буюртмаларни ўз эгаларига тарқатишни бошлаб юборишимиз керак эди.

Ҳаммаси силлиқ кетиши учун режани батафсил туздик. Жума куни Сан-Францискодаги ишчиларимизнинг асосий қисмини машиналарга юк ортишда ёрдамлашиш мақсадида Уиллоузга жўнатдик. Биз кирк минг жуфт оёқ кийимни бешта юк машинасига иложи борича тезроқ жойлашимиз керак эди. Бу оғир вазифа эди, аммо ҳамманинг бирдамлиги туфайли биз буни улдаладик. Охирги машина соат 17:00 да жўнаб кетди.

Фред иккимиз ишларимиз тўқис кетаётганидан мамнун эдик, чунки биз ҳам бошқа асосий ишчиларимиз қатори қисқа таътилга чиқишини режалагандик.

Йигирма тўрт соатдан сўнг дунёга машхур Бурбон кўчасини томоша қилганча Янги Орлеан аро ўтиб

борардик. Кўчиб ўтиш жуда оғир кечди, аммо режамиз иш берганидан мамнун эдик. Ва ниҳоят, бироз хордик чиқаришимиз мумкин эди.

Ёки шундай деб ўйладик, холос.

Кичик саёхатимизнинг иккинчи кунида «eLogistics»дан кўнғироқ килишиди.

«Тони, ёмон хабар бор. Машиналарнинг бири йўлдан чиқиб, ағдарилиб кетган. Ҳайдовчиси касалхонада, лекин у тез орада тузалиб кетса керак. Пойабзаллар катта йўлнинг хар тарафига сочилиб кетган. Уларнинг хеч бирини саклаб кололмаймиз, деб кўрқаман».

Бу жуда ёмон эди. Биз ҳозиргина маҳсулотларимизнинг 20 фоизини йўқотгандик, бу чакана савдода беш юз мини долларга тенг маблағ эди. Ва веб-сайт оркали буюртмаларни кабул килишда давом этганлигимиз туфайли биз 20 фоиз мижозимиз билан кайта боғланиб, уларнинг оёқ кийимлари маълум сабабларга кўра стказиб берилмаслигини айтиб чиқишимиз лозим эди.

Фред иккимиз кейинги бир-икки кунни муаммони ҳал этиш мақсадида «eLogistics» ва ўзимизнинг ходимлар билан кўнғироқлашишлар билан ўтказдик. Мижозларимизга қўнғироқ қилиб, вазиятни англатдик. Уларнинг баъзилари бизга ишонмади ва яхшироқ бизнес бюросига устингиздан арз киласман, дея бизни кўрқтишиди. Охир-окибат, биз ҳаммасини саранжомладик. Аммо бу ҳолат саёхатимиздаги кайфиятни хира қилди.

Мен ҳамма нарсага ижобий рухда карашга интилардим. Бир неча ойдан сўнг мен бошқа бир саёхатга чиқишим керак эди ва мен уни интизорлик билан кутаётган эдим.

*

2001 йилда дўстим Жен билан биргаликда Африкага уч хафталик саёҳат уюштиришни режалагандик. Мен Женни илк марта туғилган куним базмида учратгандим. Биз ўзимизни спортга кизиқувчи одам, деб хисобламасак ҳам, Африканинг энг баланд чўқкиси Килиманжаро

тогига чикишга карор килгандик. Сафаримиз дастлаб 2001 йилнинг октябрь ойи учун режаланган эди. Аммо 11 сентябрь хужумларидан сўнг бу сафарни келаси йилнинг июль ойига қолдиришга мажбур бўлгандик.

Қитъанинг энг баланд чўккисини забт этиш ҳаётим давомида қилишим керак бўлган ишлар рўйхатидан жой олганди. У ерда ортирадиган тажрибам ҳаётий фалсафамни бойитиши керак эди. Бу саёҳатни биринчи бўлиб Жен таклиф қилганди, чунки у яқиндагина «dot-com» консалтингдан бўшаганлиги сабабли иложи борича узокрокка кетишни хоҳлар эди.

Биз бир неча ҳафтанинг дам олиш кунларида сафарга тайёргарлик кўрдик. Юриш мосламалари, иммунитетни кўтарадиган дорилар сотиб олдик. Паспортларимиз ва саёҳат визаларимизни тахт килдик.

*

Бу орада «Zappos»да яна оғир кунлар бошланганди. «eLogistics»да ишлар яхши кетмаётганди. Сотувчилар ўз имкониятларидан ҳам кўпроғини сотиб юборганлиги туфайли қолган харидорлар буюртма килган маҳсулотини ололмасди. Компанияни сақлаб қолиш нуқтаи назаридан, бундан ҳам ёмони, биз буюртма килган янги пойабзал турлари янги омборимизда тез-тез пайдо бўлаётган эсада. «eLogistics» ишчилари уларни ўз вактида етказиб беришга улгурмаётганди. Улар олдинроқ ҳеч качон бу каби турфа хил брендлар, ўлчамлар ва кўринишлар билан ишламагани сабабли тизимимизга мослаша олмасди ёки пойабзаллар омбор жавонларида уом-уом бўлиб қолиб кетарди.

Бу холат веб-сайтимиз орқали ўша маҳсулотларнинг бирортасини ҳам таклиф кила олмаслигимизни англатарди. Биз хар куни ўн минглаб доллар пулни йўқотаётганимизни хисоблаб чиқдик. Пойабзаллар омбор жавонларида очилмаган ва тақсимланмаган ҳолатда қолиб кетарди.

Вазиятни билганимиздан сўнг тезкорлик билан нимадир қилишимиз кераклигини тушуниб турардик, шунинг учун Фред Кейтга кўнғироқ килди. Кейтни биринчи марта 1996 йилда учратгандим, ўша вактда у квартирам менежерининг уйига келган эди. У «United Airlines»да механик бўлиб ишларди.

Альфред иккимиз «Venture Frogs» инкубаторини очганимизда Кейтни обьектлар менежери сифатида ишга олгандик, аммо у ҳам «Venture Frogs» ва «Zappos»даги қолган ишчилар қатори ўз вазифалари билан бирга колган ишларни ҳам бажариб кетаверарди. У нима килиниши керак бўлса, ҳаммасини киларди. Кейтнинг «Zappos»даги фаолияти кунбўйи давом этар ва у ўз хохиши билан қутиларни қадоклашдан тортиб, телефон тизимини таъмирлаш, Уиллоуздаги омборимизни ташкил этиш ва уни юргазиш каби ишларни ҳам бажараверарди.

Фред Кейтга кўнғироқ килган вактда у ҳали ҳам ишчиларнинг бўшаб қолган Уиллоуз омборини тозалашига ёрдам берәётган эди. Фред:

– Кейт, «eLogistics» билан Кентуккида муаммо чиқди,
– деди. – У ерда ҳаммаси чалкашиб кетган, биз ҳамма захиранизни текшириш учун «Zappos»дан кимгадир мухтоҳмиз.

– Нима қилишимни хоҳлайсизлар? – деб сўради Кейт.
– Сакраменто аэропортидан қанчалик узоқдасан?
– Тахминан, бир соатда бора оламан.
– Икки соатдан сўнг самолёт учади. Биз сендан Кентуккига учадиган кейинги самолётга улгуриш учун ҳозироқ аэропортга боришингни илтимос қиласиз.

– Жиддий гапирияпсизми?
– Ҳа.
– Уйга бориб, нарсаларимни йиғишириб, эртага йўлга чиқсан-чи? – сўради Кейт.
– Биз яна бир кунни йўқотолмаймиз. Шусиз ҳам ўтаётган ҳар бир кун учун ўн минглаб йўқотяпмиз.

Кентуккига келганингда сенга нима керак бўлса ўшани сотиб олаверасан.

- Ҳмм, яхши. У ерда қанча муддат бўламан?
- Ҳаммасини ҳал қилгунимизгача, – Фред жавоб берди. – Балки, бир ҳафта, балки, икки. Гапни тугатайлик, парвозга кеч қолмагин тағин.

– Ҳўп.

Кейт гўшакни кўйди ва тўппа-тўғри аэропортга отилди. Сафари давомида у уйига кўнғироқ қилиб, йўклигида қучугига кимдир қараб туриши кераклигини уқтирди.

*

– Кейтда нима гап? – Фреддан сўрадим.

Кейтнинг ҳамма ишини тўхтатиб, Кентуккига учеб келганига ҳам бир ҳафта вақт бўлганди.

- Ҳозиргина у билан гаплашдим, – Фред жавоб берди.
- Унинг айтишича, «eLogistics»да содир бўлаётган ҳамма нарса чалкаш. Бу биз ўйлаганимиздан ҳам каттарок муаммога ўхшайди, у яна бир неча ҳафта қолишга мажбур бўларкан.

– Оҳо, жуда кўп-ку. У ўзи учун кийим-кечак сотиб олдими?

– Ҳа, у «Wal-Mart»дан ўзи учун нималардир сотиб олди, – давом этди Фред. – Кейт жуда уддабурон, у бу ёқдаги чигал вазият юзасидан нима қилиш кераклигини яхши билади. Аммо бизда яна бир бошқа муаммо бор. Бизда факатгина икки ойга етадиган маблағ қолди, холос. Омборни тўлдириш учун кейинги тўловларга пулни каердан оламиз?

– Бу масала билан шуғулланяпман. Базмлар уюштириладиган квартирамни сотувга кўйдим, аммо ҳали харидор чиқмади. Яқиндагина мол-мулк агентимга нархни 40 фоизга туширишини айтдим, балки, шунда бирор харидор чиқиб қолар, – дедим мен.

– Ростан шундай қилмоқчимисан? – Фред ютинди. –

Кўп пул ютқазасан-ку. Ўзимни ёмон ҳис қиляпман.

– Ҳа, аммо вакт ўтиб, ҳаммаси яхши бўлади, – деб аста гапирдим. – Мен квартирани беш йилдан сўнг сотиб олган нархимга сотишим мумкин бўлар, аммо уни ҳозир сотиб, «Zappos»га маблағ киритсам, беш йилда беш баравар кўпроқ даромад оламан ва ютиб чикаман. Ўзингни ёмон ҳис килма. Ҳаммасини уddaраймиз.

Мен ўзимни тинчлантириш мақсадида ҳам кўлимдан келганча ишонч билан гапиришга ҳаракат килдим. Аммо ҳақиқат шунда эдики, бу ҳаётим давомидаги энг хавотирили вазиятлардан бири эди.

Махсулотларимизни «eLogistics»га кўчириш менинг қарорим эди ва мен хато йўлни танлаганимдан хавотирда эдим. «Zappos»нинг бутунлай пулсиз қолишидан олдинрок квартирамни сота олишимга ҳеч қандай кафолат йўқ эди. Мен вакт билан пойга ўйнаётгандим.

Телефон ёки интернетга кириш имкони бўлмаган Африкадаги токка чикиш учун бундан ҳам ёмонроқ вазият бўлмайди, дея ўйлардим. Сафарни бекор килиш ҳакида ўйлай бошладим, аммо бу ерда колсам ҳам, квартиранинг сотилиши учун ҳеч қандай фойдам тегмаслигини тушундим. Отамга «Zappos»ни икки ой ичida инқироздан асраб қолишга аскатадиган ҳар қандай таклифни қабул килаверинг, дедим.

– Тоғдан тушганим заҳоти электрон почтамни текшириб кўрса бўладиган жой топишга ҳаракат киламан, – дедим Фредга. – Кейинги жумага қадар «eLogistics» билан нима килиш ҳақида мени ҳам боҳабар килиб тураласанми?

Фред бош иргади.

Бошимда агар «eLogistics» иш бермаса, нима қилиш ҳақида хаёллар изғиб юарди. Биз омбор хизматларини ташкил этувчи бошқа фирма топишимиш ёки Кентуккида ўзимиз учун омбор очишимиш керак эди. Иккинчи ҳолатда биз бошқа бино топиб, унинг ижарасини

расмийлаштиришимиз керак бўларди. Бутун бошли захирамизни яна кўчиришимизга тўғри келарди. Ва буларнинг ҳаммаси квартиранинг сотилишига боғлиқ эди, акс ҳолда, компаниянинг бизнесдан чикиб кетиши хеч гап эмасди. Бу орада Фред савдомизни янада ўстириш мақсадида бошқа брендларнинг бизга маҳсулот сотишига кўндира олишига ишонардим. Аммо бу ҳам маҳсулотлар омбор жавонларида чанг босиб колиб кетмасагина иш берарди. Мен сафарга кетишимидан бурун электрон мактубларга жавоб кайтара туриб, шу каби хавотирли ҳолатларни хаёлимдан ўтказган эдим. Ёзишни тўхтатишим кераклигини англаган вактимда бир электрон мактубнинг ярмига келгандим.

Аэропортга боришим керак эди.

Килиманжаро қорлари

Мен ва Жен Килиманжарога кўтарилиш учун йўлга чиккан кунимиз ёмғир ёғаётган эди. У аэропортдан бу аэропортгача кечган йигирма тўрт соатлик парвоздан сўнг Танзанияга етиб бордик. Бир кун дам олиб, барча керакли анжомларимиз билан чўққига кўтарилиш пунктига келдик ва токқа чиқишида бизга йўл кўрсатиб, ҳамроҳлик килувчи йўлбошли ҳамда бошқа жамоа аъзолари билан танишдик.

Дунёнинг ярмини айланиб чиккан бўлсак-да, «Zappos»ни хаёлимдан чиқара олмасдим. Буни уйдалигимдаёк билган эдим, назаримда, кузғунлар «Zappos» узра парвоз килаётгандек эди. Биз шу пайтгacha кўп нарсаларга эришдик ва яна бизнинг олдимизда жуда кўп имкониятлар бор эди. Аммо компания сарфлаётган пул инфекция каби ўз маромида тўғри ишлаб турган барча нарсаларга соясолаётганга ўхшарди. Агар олдиндан бу нарсаларни билганимизда ёки мен биринчи навбатда ўша квартирани сотиб олмаганимда, бунинг олдини олишимиз мумкин эди. Аммо энди компаниянинг тақдири ўз вактида квартира учун харидор топишга боғлиқ бўлиб колди.

Агар харидор топилмаса ёки ўйланган режалар иш бермаса, кўриладиган тадбирлар режасини аллақачон тузиб кўйган эдим. Мен ўзимга-ўзим босик бўлишим кераклигини уктирдим, чунки бу жуда мушкул ва шу билан биргаликда марокли ҳам эди. Мен ҳам ақлан, ҳам рухан жуда чарчагандим.

Сўнгги бир неча йил ичида учратган барча одамлар хакида ўйладим.

Килиманжарога чикишимизнинг биринчи куни зич чангальзор ўрмон ичида ўтди. Ҳаво тушгача илик бўлсада, кун охирида салқинлашди ва мен ёмғирда ивиб, титрай бошладим.

Мен жисмонан чарчаган бўлсам-да, ухлай олмадим, бу воқеалар тушимда содир бўлаётгандек эди. Тун ярмида телефоним жиринглаётганини эшишиб ҳайрон бўлдим. Тоғ тепасида бирор боғланиш бўлмайди деб ўйлагандим.

Бу менга хушхабарни айтиш учун кўнғироқ қилаётган кўчмас мулк бўйича агентим экан: Квартира учун сўралган нархдан кўпроқ нарх таклиф килинибди. Мен таклифни дархол қабул килдим ва гўшакни кўйдим. Енгиллик ҳис килдим. Биз қийинчиликни енга олдик. «Zappos» сақлаб қолинган эди.

Кейинги беш кун ичида токка чикишим энди унчалик кийиндеқ туйилмай қолди. Мен ўзимни чўққига пиёда чикадигандек эмас, балки қорли тоғ чўққисидан ўтиб, нариги томонга хавф-хатарсиз кўнадиган куткарув самолётига ўтирадигандай ҳис килдим.

Мен бир неча соат мирикиб ухладим.

Кейин тўсатдан уйғониб кетдим. Мен ташкаридан қандайдир бир ҳайвоннинг ғалати шовқинини эшифтгандек бўлдим, лекин бу овоз ўз хаёлим бўлиб чиқди.

Гап нимада эканлигини англаганимдан сўнг кўнглим ғашланди.

Ҳеч қандай телефон кўнғироғи, ҳеч қандай таклиф ҳам бўлмаган эди.

Ҳамма сухбатлар туш бўлган.

Чўкки

Килиманжарога чиқишдаги кейинги тўрт кун менинг жисмоний, ақлий ва ҳиссий кувватимни синади. Биз беш хил иқлим зоналари: тропик ўрмон, тоғликлар, даштлар, чўл ва кор оркали саёҳат қилиб, кунига 12 соат йўл босдик.

Шамоллаб қолиб йўтал ва тумовдан тамом бўлдим. Юкори баландликдаги куруқ ҳавода бурним конаб кетди. Юриш вактининг ярми бурнимга тикилган пахта бўллаги билан ўтди, бу эса нафас олишимни янада кийинлаштиради. Гарчи мен тоғ касаллигидан тузалган бўлсан ҳам, баландлик бошоғриғи, қусиш ва диареяга олиб келди. Мен факат кундалик буюмларимни кўтариб юрган бўлсан ҳам, елкам ва белим оғриб, тортиша бошлади. Жисмоний жиҳатдан бу мен қилган энг оғир иш эди. Ақлий ва ҳиссий жиҳатдан эса мен «Zappos»ни ўйлардим. Мен квартирани ўз вактида сота олсан нима бўлади ва агар сота олмасам нима бўлади, дея ўйга толардим. Бу ерларда душ ёки ҳаммомлар йўқ эди. Мен жуда аянчли ахволда эдим, барчасидан воз кечиб, ортга кайтиш ҳакида ўйлаган пайтларим кўп бўлди.

Чўккига етишдан олдинги тунда биз соат 17:00 да лагерь қурдик ва соат 20:00 да уйқуга ётдик, чунки ярим тунда чўккига юришни бошлишимиз керак эди. Жен ҳам, мен ҳам ухлай олмадик, чунки биз жуда баландда эдик, шунинг учун кийиниб, юришга тайёр бўлишимиз керак бўлган вакт соат 21:30 гача чўзилиб ётдик, холос.

Биз куёш чиқишини ўз вактида кўра олиш учун ярим тунда юришни бошладик. Деярли бир ҳафта давомида пиёда саёҳат қилдик, аммо ушбу якуний чўкки биз илгари қилган кундузги саёҳатларга караганда анча кийин бўлди. Тун жуда коронги ва чироқларимиз нури икки метр олдинни кўриш учунгина етарди, холос. Олдинга караб яна қанча одимлаш кераклигини ёки ортга караб қанча йўл босиб ўтганимизни билишнинг имкони йўқ эди. Охиста

қадам босганимиз сабабли йўлимиз тугайдигандек туйилмасди. Мен ўзимни камерадаги ёлғиз маҳбусдек хис килардим.

Жуда совуқ эди, ўн дақиқалик жуда нокулай танаффус килиб, саккиз қават кийимга ўралдик.

Чўққини забт этишдаги сўнгги кўтарилиш баландлик туфайли илгариларидан ҳам оғиррок бўлди. Олдинга қадам кўйганимдан кейин кейинги қадам учун уч марта нафас олиб чиқаришим керак эди. Агар бу нарса кундузи бўлганда эди, жуда аста содир бўлаётгандек туйилган бўларди. Тун бўлгани сабабли илгарига силжиш сезилмас эди. Ҳаммамиз сукут саклаб қадам босардик, чунки гапириш учун ҳам куч керак эди.

Мен ўзим билан ақлий ўйинларни ўйнай бошладим. Мен бутун кўтарилиш, тахминан, олти соат давом этишини билардим, аммо қанча вакт ўтганини билмас эдим. Сан-Францискодаги уйимдан Пало-Альто шаҳридаги дўстимнинг уйига кетаётганимни тасаввур килдим. Бу кирқ беш дақиқалик йўл эди. Йўл бўйида майсазор ва магистраль чиқиш йўлларини тасаввур килдим ва қадамларимни санай бошладим. Мен ҳар юз қадам беш дақиқа пиёда юришга teng келишини тасаввур килардим ва Пало-Альто томон ташлаган қадамларим билан бу жараённи ҳамоҳанг килдим. Охир-оқибат хаёлимда Пало-Альтога етгач, орқамга ўгирилиб Сан-Францискога қайта бошладим.

Икки марта бориб келганимдан сўнг, ақлий банд бўлишим учун менга яна бир нарса керак бўлди. Гарчи мен анча узоққа келганимни ва чўққига оз қолганини билсан ҳам, орқага қайтиш ҳақида ўйлардим. Агар ёлғиз бўлганимда эди, ишончим комилки, аник шундай қилган бўлардим.

Беш кундан бери ювинмаган, яхши овқатланмаган ва ухламаган эдим. Ҳаётда менга ҳадя этилган нарсалар тўғрисида ва бор нарсамни қадрлашим ҳақида ўйлай

бошладим. Иссик ва ёкимли душ кандай бўлиши ҳакида тасаввур қилдим. «Mel's Diner» кечки овқатида нима таом бўлиши ҳакида ўйладим. Товукли нўхат, қайлага ботирилган курса гўшти канчалик мазали бўлишини тасаввур қилдим. Мен уйга кайтганимда биринчи таомим сифатида шуни буюраман, дея ўзимга-ўзим сўз бердим.

Ўшанда ҳаётимдаги энг оғир тажрибани орттираётганим ҳакида ўйлаганим эсимда. Бутун ирода кучим учун синов эди бу.

Абадият каби туйилган юришимиздан сўнг биз қуёш чиқаётган маҳал чўккига етдик. Биз буни ҳакиқатан ҳам уddaрай олганимизга ишонолмай қолдим. Бутун Африканинг энг юқори нуқтасида остимиздаги булутларга караб турар эдик, рўпарамизда эса қуёш бизни янги кун ибтидосида кутиб турарди. Бу одамлар бошдан кечириши керак бўлган тажрибадек кўринмасди, аммо биз шу ерда эдик.

Шу лаҳзада мен ўзимга: «Ҳар кандай нарсанинг имкони бор», деб айтдим.

Кўзларимга ёш келди.

Мен лол эдим.

Женни кучоқлаб олдим.

Биз расмга тушдик ва Килиманжаро чўқисини забт этиш ҳақидаги орзумни рўйхатдан олиб ташладим.

Даврниинг тугаши

Икки ҳафта ўтгач, Сан-Францискога қайтиб келдим ва ўзимга ваъда килганимдай «Mel's Diner»да кечки овқат учун товукли нўхат ва қайлага ботирилган курса едим. У мен кутганимдан ҳам тотлироқ эди. Овқатланиш вактимда ҳар бир лукманинг мазасини ҳис қилишга ҳарақат қилдим.

Ўзимни дўзахда бўлиб қайтгандек ҳис қилдим ва замонавий Ғарб жамиятида яратилган қулийликлар ҳакида ўйладим. Душ ва ёпиқ ҳожатхоналар кўзларимга хашаматли кўринарди.

«Mel's»да курка ея туриб, «Zappos»ни нима килиш кераклиги ҳакида ўйладим. Бизда бизнесимизни тахминан, бир ой юргазишга етарли сармоя бор эди, холос. Мен Африкадалигимда квартирани сотиб олмоқчи бўлганлар чикибди, аммо кейин харидор фикридан кайтибди. Чунки фолбин унга бу ернинг «фенг-шу»си унинг учун хайрли бўлмаслигини башорат килганмиш.

Кўчмас мулк бўйича агентим бўлган воқеани айтиб берганида кулгидан ўзимни тўхтата олмадим. Бутун компаниянинг тақдирни фолбиннинг башоратига боғликлигига ишонолмасдим.

Мен агентимга нархни яна туширишни айтдим.

Бир неча хафта ўтгач, «Zappos»да атиги икки хафта учун етарли пул колганида менга квартирани сотиб олганимдан кўра 40 фоиз паст нарх таклиф килишди. Музокараларга бироз вакт сарфлаш керак эди, аммо менда вакт йўқ эди. Шундай килиб, мулкни йўқотишим ҳакида ўйламасликка тиришиб, дархол таклифни қабул килдим.

Хужжатларга имзо чекарканман, «BIO клуби»нинг шонли кунларида жуда кўп одамлар иштирок этган барча ажойиб кунлар ва кечалар ҳакида ўйламасликка ҳаракат килдим. Мен янги йил кечасида дераза ёнида ўтирган ва пастдаги ўт ўчирувчи машиналарнинг ўчиб-ёниб турган чирокларига термилиб, мен билан коинот ҳакида сухбат курган сарик сочли киз ҳакида ўйламасликка уриндим.

Базм кечалари уюштириладиган уйимни сотиш менинг «даврим» тугашини англатарди. Тушкунлик ва маҳзунликни ҳис қилмасликнинг иложи йўқ эди. Шу оддийгина уй кўплаб одамлар учун жуда кўп тажриба ва хотиралар яратганди.

Битим имзоланиши билан пулни «Zappos» ҳисоб рақамига ўтказдим ва ўзимни қушдай енгил ҳис қилдим. Биз яна олти ойга етгулик маблағга эга бўлгандик.

Ота-онам менинг барча пулларимни «Zappos»га қўйганимдан унчалик ташвишланишмади. Улар мендан

шу пуллардан воз кечмокчи эканлигингга ишончинг комилми, деб сўрашди ва мен «ха» дедим.

Альфред менга: «Дўстинг ва молиявий маслахатчинг сифатида бундай қилемасликни маслаҳат бераман. Бу узок муддатда ўзини қоплаши мумкин, аммо бутунлай синиш эҳтимоли олдида арзимас нарса», – деди.

Мен Фред ҳакида, у «Zappos»га биринчи бор қўшилганида қандай ишонч билан қадам босгани ҳакида йиладим. У ўзининг каръерасини тўхтатган ва янги уй сотиб олганди, шунингдек, унинг ёрдамига муҳтож бўлган фарзандлари бор эди. У «Zappos» орзузи учун бутун ҳаётини хавф остига кўйган эди.

Мен Альфредга Фреднинг изидан бориб, худди у қилган ишни килишимни айтдим. Биз бу нарсани жуда узок вакт давом эттириб келганимизни ва энди яна канчалик узокка бора олишимизни кўрмокчи эканлигимни унга билдиридим. Агар «Zappos» инкиrozга юз тутса ҳам, биз ўзимиз ишонган орзу учун кўлимииздан келган ҳамма нарсани қилган бўлиб чиқардик.

Энди бизда олти ойлик имконият йўлаги бор эди. Буни қандай уддалашимизни аниқ билмасам-да, лекин бир нарсага амин эдим:

«Мен ортиқ фолбинлар билан маслахатлашмайман».

Кентукки

Молиявий муаммолар ҳал қилиниб, нафас ростлашга энди фурсат пайдо бўлганда омбор ишлари муаммоси чиқди. Кейтнинг Кентуккига бир ҳафталик хизмат сафари бутун ёзга чўзилиб кетди.

«eLogistics» билан ишлар яхши кетмаётганди ва якин орада вазият яхшиланиши амримаҳол эди. Буюртмалар жойига етказилмаётганди, катта микдордаги ашёлар ҳалихануз юк ортиш-тушириш ускуналарида сканерлардан ўтказилмаган ва омборга жойланмаган ҳолда ётарди. «eLogistics» иш бошқарувчиси бизга компанияни сотган инсонлар омбор иш фаолиятини тушириб юборадиган

даражада күп нарсаларни сотиб юборишганини айтди – биз бирор нарса үйлаб топишимиз зарурлигини тушуниб турғандик.

Кейт янги омбор излаб, Кентукки бўйлаб машинада айланди, нихоят, Луисвилл аэропортидан, тахминан, ўн беш дақиқалик йўл узокликда, шоссе ёнида бизга мос келадиган омборни топди. Кейт омбор эгаси билан гаплашиб, у бизга кейинчалик кенгайтириш имконияти билан 4600 квадрат метр жойни ижарага беришга кўндириди.

Кейт ва мен маслаҳатлашиб, ўзимиз омбор очиб, уни ўзимиз бошқаришимиз керак, деган қарорга келдик. Биз «eLogistics»га ўхшаш компанияларга mijzolzarimiz билан ишлашни топшира олмасдик, шу сабабли янги омбор учун ижара шартномаси туздик.

Ижара шартнома имзоланиши билан Кейт Кентуккида анча вакт қолиб кетишини тушунди, шу сабабли Калифорнияга уйидан баъзи нарсаларини (у 2 ой олдин самолётта чиққанидан буён уйидан бўлмаганди) ваофисимиздан принтер ҳамда факс ускунасини олиб кетиш учун учиб келди. Кейт юк машинасини ҳам Кентуккига олиб кетишини хоҳлаётганди, шу боис мен Кейтга Кентуккига машинани биргаликда ҳайдаб боришимни ва янги омборни ишга туширишга ёрдамлашишимни айтдим.

Мен Кентуккида қанча вакт бўлишимни билмасдим, лекин бизнинг омборимиз бинойидек ишлашига амин бўлиш компаниянинг энг устувор мақсади эди. Биз янги омборимизга маҳсулотлар етиб келиши билан икки соат ичидек текширилиши ва буюртмалар иложи борича mijzolzarimizга тезроқ етказилиши учун иш тўғри йўлга кўйилганига амин бўлишимиз керак эди.

Бизни Кентуккида анчагина иш кутиб тургани сабабли Кейт ва мен Сан-Францискодан Кентуккига имкон қадар тезроқ йўлга чиқишимиз керак эди. Биз

машинани галма-гал түхтөвсиз ҳайдадик, йўлда ёкилғи қуиши учунгина түхтадик. Биз бир тартибга тушиб олдик ва иложи борича вактдан унумли фойдаланишга харакат килардик. Биттамиз ухлаганимизда, иккинчимиз ёкилғи тугагунича ҳайдардик. Ёкилғи қуиши вактида биз шахсий ишларимизни тезда битириб олишга уринардик ва дўкондан овқат билан энергетик ичимликлар сотиб олиб, навбат алмашардик. Ҳар биримиз навбати билан, тахминан, уч соатдан машина бошкардик.

20 соат йўл юрганимиздан сўнг чарчай бошладик, лекин тўхташни истамасдик. Шунинг учун машинани бошқараётганда ухлаб қолмаслик учун турли энергетик ичимликлар ичардик, кондиционерни ёкиб, мусика овозини баландлатиб кўйдик.

Уйгониб карасам, Кейтнинг юзи ва соchlари шалаббо эканлигини кўрдим. Дастлаб уни қаттик терлаган, деб ўйладим.

Ундан «Ҳаммаси жойидами? Нега бунақа шалабbosан?» деб сўрадим.

Кейт эса:

- Ҳаммаси яхши. Ухлаб қолмаслик учун юзимни салгина намладим, – деб жавоб берди.
- Салгинадан кўпроққа ўхшайди.
- Э-ха, намлаш унчалик иш бермади, шу сабабли сувни бошимдан қуишига қарор қилдим. Энди аник ухлаб қолмайман.

Агар жуда қаттиқ чарчамаганимда баланд овозда қулиб юборган бўлардим, лекин машинани бошқариш галим тез орада келишини ўйлаб, пинакка кетдим.

*

Машинани 36 соат тўхтөвсиз ҳайдаганимиздан сўнг биз ниҳоят Кентуккига етиб бордик. Шу кадар чарчаганимиздан 20 соат донг қотиб ухладик, Уйғонганимизда сафар давомида катта микдордаги энергетик ичимлик ичганимиз сабабли бошимиз қаттиқ

оғрирди. Биз ҳар биримиз шу 36 соатлик сафар давомида 18 тадан «Red Bull» ичганимизни ҳисобладик. Шунга қарамасдан биз ишга тайёр эдик, янги омборни ишга туширишимиз керак эди-да.

Биз янги омборимизни ва ишлаб чиқкан тизимимизни КОТ – Кентуккидаги Омборхона Тизими, деб аташга карор килдик.

Биз «eLogistics»дагиларга улар кўрсатаётган хизмат сифатидан кониқмаётганимиз сабабли ўзимизнинг омборимизни очганимизни маълум килдик. Шунингдек, уларга бизни мижоз сифатида саклаб қолиш имконияти борлигини, лекин бизнинг КОТ омборимиз уларнинг омбори билан юк етказиш ва маҳсулотлар сакланиши бўйича рақобатлашишини айтдик. Ушбу ракобат шартига кўра, КОТнинг «eLogistics»дан унумлироқ ишлаган ҳар бир хафтасида 10000 жуфт пойабзални «eLogistics» омборидан КОТ омборига ўтказишга келишдик.

Албатта, «eLogistics»дагиларни бизнинг режамиз хурсанд килмади, лекин улар биз таклиф килган шартнинг мантиғига қарши лом-мим дея олишмасди. Натижада, ҳар хафта КОТ «eLogistics»дан унумлироқ ишлади. Биз бир ой ичида «eLogistics» омборидан ўзимизнинг омборимизга бутунлай кўчиб ўтдик ва буюртмаларни КОТдан етказа бошладик. Ва ниҳоят, биз бизнесимизни ўз қўлимизга олдик. (Кейинроқ биз тўғри йўлни тутганимизга амин бўлдик – «eLogistics» бутунлигига таназзулга юз тутди.)

Бу биз учун жуда фойдали дарс бўлди. Биз ўзимизнинг асосий вазифамизни ҳеч качон бошка компанияларга топширмаслигимиз кераклигини ўргандик. Аввал-бошдан биз электрон тижорат компанияси сифатида маҳсулотларни саклаш ва етказиш ишимизнинг энг муҳим кисми эканини тушунишимиз керак эди. Ҳамкор компаниянинг мижозларимиз тўғрисида биз қайғурганчалик кайғуришига ишониш – бизнинг энг катта хатомиз бўлганди. Агарда биз ўз

вактида аралашмаганимизда бу хато «Zappos»ни касод килиши мүмкін эди.

Мен Кентуккидаги меҳмонхонанинг кичкина хонасида беш ой яшадим. Кейт омборда юк тахланиши, конвейерлар, электр токи, ишчилар ёллашга жавоб берарди, мен компьютер дастурлаш, тизимлар, жараёнлар кетма-кетлиги каби техник жиҳатларга эътибор қаратардим. Иккимизнинг ҳам омборни бошқариш бўйича тажрибамиз йўқ эди ва ишдаги муаммоларни ҳал килиш учун ҳар турли тажрибаларни қўллаб, ўрганиша давом этардик. Ижарага олинган 4600 квадрат метр майдон етмай қолди ва бино хўжайнин билан гаплашиб, жойни кенгайтирдик.

2002 йил якунига етаркан, менинг уйга қайтиш вактим келганди. Бизнинг янги омборимиз ишга туширилиб, барча ишлар силлиқ кетаётганди ва Сан-Францискодаги офисда бизнесимизнинг бошқа жиҳатларига эътибор қаратиш керак эди. Кейт иш маромида кетишини назорат қилиб туриш мақсадида Кентуккига қолди. (У Кентуккидаги меҳмонхонада яна икки йил яшаб, сўнг асосий офисимизга қайтди).

Бизнинг тўғридан-тўғри етказиш ва маҳсулотларни захирадашдан иборат стратегиямиз савдо кўрсаткичларини ўстирди. 2002 йилда биз 32 миллион долларга маҳсулот сотиб, 2001 йилдаги натижамизни деярли 4 баробарга оширдик.

Бу даражадаги ўсиш жуда ҳайратланарли эди, лекин биз бамисоли дор устида юраётганимизни билиб турадик. Савдо-сотиқнинг ўсиши маблағларимиз тугашидан олдин бизга озгина вақт берди. Шунингдек, биз ишлаб чиқарувчилар билан тўловларни сал кечикиришга келиша олдик. Маблағлар билан боғлик муаммоларимизни ечиш учун бизда атиги бир неча ой қолганлигига қарамай, биз тўғри йўлда эканимизни билардик.

Биз 2010 йилгача «Zappos»нинг ялпи савдо қийматини

бир миллиард долларга етказиши максад килдик. Максад катта эди, аммо савдонинг ўсиш суръати унга эришишимизга имкон берарди.

Энг муҳими, келаси бир неча ойда маблағимиз тугаб колмаслиги учун чора топиш эди. Барчамиз компания учун жуда муҳим палла келганлигини сезаётгандик.

Келаси йилда нима рўй беришидан катъи назар, биз «Zappos»ни ёки гуллатар, ёки кулатар эдик.

Ўсиш

«Етарлича ўсганимиздан сўнг нима қиласиз?»

Бу савол мени анчадан бери кийнаётганди. Мен Фред билан мексикача ресторанда ўтиарканман, унга ҳам шу саволни бердим.

– Биз факат пойабзаллар билан ишламоқчимизми ёки ундан-да йирикрок марраларни забт этмоқчимизми? Оёқ кийимларимиз сотуви 2010 йилда бир миллиард долларга етиши мумкиндири, ундан кейин-чи? – деб сўрадим ундан.

Фред эса:

– Сумка ва кийим-кечак соҳасига кенгайтирсак бўлади. Биз одамлар бошдан-оёқ кийина оладиган пешқадам онлайн дўкон бўлишимиз мумкин ва инсонларнинг бутун ҳаёт тарзига боғлиқ маҳсулотлар – спорт, кўча кийимлари, замонавий мода ва хоказолар сотишига эриша оламиз, – дея жавоб берди.

Мен покер ўйнашга муккамдан кетган пайтларимни ва покердаги энг муҳим карор – қайси столни танлаш эканлигини эсладим. Айни дамда биз онлайн пойабзал савдоси столида ўтиргандик. Каттароқ стол атрофидан жой олиш пайти келганди. Мен онлайн оёқ кийим, сумка ва кийим-кечакдан ҳам каттароқ нарсалар ҳакида орзу кила олишимизга қизиқдим. Мен:

– Яқинда бир мижозимиздан хат келди. У бизнинг омборимизда бор пойабзалдан бир жуфт буюртма қилган экан, биз эса унинг буюртмасини ваъда қилинган 7 кун ичida етказиш ўрнига 2 кун ичida етказиб берибмиз.

Унга бизнинг мижозларга хизмат кўрсатишимиз жуда ёккани сабабли биз ҳакимизда дўстлари ва оиласига гапириб бериши ҳакида ёзибди. Куни келиб эса «Zappos» авиакомпаниясини ҳам ташкил этишимиз кераклигини айтиби, – дедим.

– Жуда кизик, – деди Фред.

Мен ундан:

– Сен Жим Коллинзнинг «Яхшидан буюкка» номли китобини ўқиганмисан? – деб сўрадим.

– Йўқ, яхши китобми? Айтмокчиманки, зўр китобми?

– Ҳа, бу китобни ўқишинг шарт. Китобда буюк компанияларни яхши компаниялардан нима ажратиб туриши ёзилган. У тадқиқотлари натижасида буюк компаниялар пул ишлаш ёки бозорда 1-ўринни эгаллашдан бошқа ҳам катта мақсад ва кенг қамровли қарашга эга эканлигини аниклаган. Кўп компаниялар фақат пул ишлаш тузогига тушиб қолади ва ҳеч қачон буюк компания бўла олмайди, – деяжавоб бердим.

– Ажойиб! Айни дамда пул топиш биз учун яхшигина муаммо бўлган бўларди, – деди Фред.

– Биз ҳали у мақомга ҳам етамиз. Шу йилдан эсономон ўтиб олишимиз керак. Яқинда «Wells Fargo» вакили билан яхши музокара ўтказдик – улардан кредит олиш имконимиз борга ўхшаяпти.

– Бунинг эҳтимоли қанча? – сўради Фред.

– Бу ҳакида гапиришга ҳали эрта. Лекин улар ҳеч бўлмаганда, биз сухбатлашган бошқа банкирлар каби бирданига рад этишмади.

Фред ва мен гаплашиб ўтирдик. Бир тарафдан, қисқа муддатли режа бўйича биз маблағдаги такчиллик синовидан ўтиб олишимиз, бошқа тарафдан эса, узок муддатли режалар ҳакида ўйлаб, компания келажагига замин хозирлаётганимизга амин бўлишимиз керак эди. Биз иккисидан бирини танлай олмаслигимизни ва иккисини ҳам бир пайтда амалга оширишимиз

кераклигини билардик.

Биз «Zappos» бренді міжозларға энг яхши хизмат күрсатувчи компания сифатыда танилиши бош максадимиз бўлиши кераклигини тушундик. Балки, бир кун келиб, ростдан ҳам энг яхши хизмат күрсатиш сифатига эга бўлган «Zappos Airlines» компанияси ташкил этилар.

Биз «Zappos» бренді қандай қилиб «Virgin» бренді каби турли хил бизнес тармоқларига эга бўлиши ҳакида гаплашдик. «Virgin» бренді замонавий ва ўзгачалиги билан маълум бўлса, биз «Zappos» бренді міжозларға энг яхши хизмат күрсатиши билан машхур бўлишини истардик. Міжозларға хизмат күрсатиш «Zappos» учун доимо муҳим бўлиб келган, лекин буни бренднинг бош мақсади этиб танлаш жуда жасур қадам бўларди, айниқса, онлайн компания учун.

– Кел, яна бир-икки ҳафта ўтиб, бу масалада яна гаплашамиз. Ўшанда ҳам бу фикр бизга маъкул туйладими ёки йўқ, кўрамиз, – дедим мен.

Фред:

– Яхши. Биласанми, биз бунақа муносабатни нафақат міжозларимизга, балки бизга маҳсулот етказиб берувчиларга ҳам кўлласак бўлади. Бизнинг соҳада ҳали ҳеч ким бу ишни килмаган. Биз етказувчилар билан шундоқ ҳам яхши муносабатдамиз, лекин уларга ростдан ҳам ишончли бизнес ҳамкор сифатида муносабат кўрсатиб, обрўйимизни янада кўтарсак бўлади. Кўплаб етказиб берувчилар чакана сотувчиларнинг кўпи билан ишлашни ёқтиришмайди. Чунки сотувчиларнинг катта кисми, айниқса, универсал магазинлар уларнинг охирги долларигача шилиб олиш пайда юради. Биз бундай килмайдиган илк энг катта чакана сотувчи бўлишимиз мумкин, – дея фикр билдириди.

Мен имкониятлар ҳакида ўйлай туриб, босшимни силкитдим.

Фред менга каради ва:

– Айтганча, менга ўкишга тавсия этадиган бошқа китобларинг борми? – деб сўради.

– Албатта, бизнес бўйича бир нечта ажойиб китоблар бор. Мен ўзимга энг ёқадиганларини сенга бераман.

Фред эртаси куни менга электрон хат жўнатди.

► *Сана: 17 февраль, 2003 йил.*

Кимдан: Фред Мосслердан

Кимга: Тони Шейга

Мавзу: Китоблар

Мен китоблар борасидаги сухбатимиз ҳакида ўйлаётгандим. Балки, одамларни китоб ўкишга ундармиз, доска чикариб, ҳамманинг исмини пастда ва ўқилиши керак бўлган китоблар рўйхатини тепасида ёзиб кўярмиз? Ҳар ким бирор китобни ўкиб бўлгач, ўз исми ёнига белги қўяди. Балки, бир ой давомида энг кўп китоб ўқиган одам билан бирга тушлик қиласан? Ёки, айтайлик, учта китоб ўқигани учун кинога чипта ёки совға берармиз?

Ҳар бир китобдан ҳеч бўлмаса иккитадан қўйиб, «Zappos» кутубхонасини яратармиз?

Биз ўша пайтда «Zappos» кутубхонаси атиги бир неча киши фойдаланадиган мўъжаз китоблар тўпламидан анча катта нарсага айланишини тасаввур қилмагандик. Беш йил ўтгач, кутубхонамиз барча ходимлар ва меҳмонлар бепул ўқиши мумкин бўлган юзлаб китоблардан иборат эди. Кейинчалик кўп китоблар ишчиларга ўсиш ва ўрганишлари учун ўкишга мажбурий этиб белгиланди ва «Zappos» баъзи машҳур китобларни ўқиш учун дарслар ташкил этди.

*

Бир ойдан сўнг ҳам биз ҳануз фойда кўрмаётгандик. Ҳануз маблағ топа олмаётган эдик.

Лекин барибир зарур бўлган карорга келдик.

«Zappos» брендини мижозларга энг сифатли хизмат кўрсатишга боғлаш ғояси борасида қанчалик жиддиймиз? Биз компания ишчилари билан сухбатлашдик ва янги йўналиш барчани кизиктирди.

Лекин булар шунчаки баландпарвоз гаплармиди? Қароримиз қатъиймиди?

Биз ҳалигача «Zappos»да хеч нарсани ўзгартиргангандик. Биз кўп гапираётгандик, лекин хеч нарсани ўзгартирмаётгандик. Ва ишчилар ҳам буни биларди.

Ўша пайтда савдомизнинг 75 фоизи омборимизда сакланадиган маҳсулотлар сотувига тўғри келарди. Агар 2002 йилда биз ўз омборимизни очишга карор килмаганимизда компания сотувлари 32 миллион доллар эмас, 8 миллиондан иборат бўларди.

2003 йилда биз савдони икки баробарга оширишга карор килгандик, унинг 25 фоизи тўғридан-тўғри етказиб беришдан иборат эди. Шу 25 фоиз осон келадиган пуллар эди. Чунки биз захираларни омборимизда саклашга мажбур эмас эдик, шу сабабли уларнинг йўқолиб қолиши ёки маблағ етишмай қолиш хавфи йўқ эди. Лекин бизнеснинг ана шу қисмida мижозларга хизмат кўрсатиш бўйича кўп муаммолар бор эди.

Ишлаб чиқарувчилар омборимизга етказиб берадиган захиралар тўғрисидаги маълумот кўпи билан 95 фоиз аник эди. Бу эса схема бўйича 5 фоиз буюртмаларни бажара олмаслигимизни билдиради. Устига-устак, етказиб берувчилар бизнинг КОТ омборимиз каби унумли ишлай олмаётгани сабабли хизмат кўрсатиш сифатидан норози мижозлар кўп эди. Лекин улар жуда осон келаётган пуллар эди.

Биз агар ростдан ҳам хизмат кўрсатиш сифатини кўтармоқчи бўлсак, эртами-кеч тўғридан-тўғри етказиб бериш йўлидан воз кечишимиз кераклигини билардик. Шунингдек, қанча катталлашиб бораверсак, бу йўлдан воз

кечишимиз шу кадар қийинлашиб боришини тушуниб турғандик. Қискаси, бу учун ҳеч қачон қулай пайт бўлмас эди. Бу йўлни ўчириш тугмасини босишни жуда чўзиб юборсак, ишчиларимизнинг биздан кўнгиллари колиши аник эди.

Нихоят, биз бир пайтнинг ўзида энг осон ва энг кийин карорга келдик. 2003 йилнинг мартада ўчириш тугмасини босиш оркали сайти миздан тўғридан-тўғри етказиб бериш таклиф қилинган маҳсулотларни ўчирдик.

Биз чукур нафас олиб, энг яххисини умид қилдик. Шу пайтгача улар билан факатгина телефонда сухбатлашганимизга қарамасдан, «Wells Fargo»дан қарз олишимизга кичик бўлса-да имконият борлигини билиб турардик. Барчasi яхши ўтган тақдирда ҳам кредитни расмийлаштиришга ойлаб вакт кетарди. Бу компания борасида қилган қароримиз тўғрилигига бўлган ишончнинг жиддий синови бўлди.

Биринчи синовга жуда тез дуч келдик. Сотув ҳажми камайиши билан маблағ қиймати ҳам кескин камайди. Биз келаси ҳафта иш ҳақини тўлаш учун пул топишимиз керак эди.

Жонглёрлик

– Хўш, – дедим мен Фредга, – биз ё ишчиларимизга, ёки маҳсулот етказиб берувчиларга тўлашимиз мумкин. Етказиб берувчилар тўловни кечикиришимизга қандай қарап эканлар, нима деб ўйлайсан?

– Албатта, бу яхши қарор эмас, – жавоб берди у. – Лекин бизнинг бошқа иложимиз ҳам йўқ, деб ўйлайман. Биз улар билан доимий алокада бўлиб, имкон кадар тўловларни кечикиришга келишишимиз керак.

– Албатта, – дедим мен. – Бу ҳафта тўлов ўтказилиши керак бўлган ҳисоблар рўйхатини сенга жўнатаман, тўлов ўтказилиши шарт бўлганларини белгилаб берасан. Маблағларимиз етказиб берувчиларнинг 70 фоизига тўлашга етади.

Кейинги бир неча ой давомида Фред иккимиз бу ишни хар хафта қайта ва қайта бажардик. Қайси етказиб берувчига түлаш кераклигини аниклашни Фредга қўйиб бердим. Баъзида у бир хафта олдин нега тўловлар қилинмаётганлигини сўраганларни танласа, баъзида эса тўлов ўтказилмаслиги муносабатларимизга ёмон таъсир кўрсатиши мумкин бўлганларни танларди. Фред айтганидек, бу маъқул карор эмас эди, лекин бизнинг бошқа иложимиз ҳам йўқ эди.

Бунга параллель тарзда «Wells Fargo» билан музокараларимиз анча омадли ўтаётган эди. Улардан бизга олти миллион долларлик кредит линияси очишни истаётган эдик. Улар фойда кўрмаётган интернет компанияларига шу вактгача қарз беришмаганди, лекин бизнинг ишга бўлган муносабатимиз ва бизнесимизнинг ўсиш суръати уларни ҳайратда колдирганди. Кейинроқ билишимизча, «Wells Fargo» ичida ўз принципларидан воз кечиб, бизга кредит бериш каби таваккал қилиш борасида анчагина мухокамалар бўлган экан.

Ўйлашимча, бу оғир вазият барчадан ҳам кўра Фред ва мени қийнаётган эди. Ахир, хар хафта тўловлар учун қарзлар билан жонглёрлик қилиш буни бизга эслатиб туради. Энг муҳим паллада турганимизни ва компанияни янги даражага олиб чиқишига тайёр эканлигимизни сезиб тургандик. Лекин «Wells Fargo»дан кредит ололмасак, эртами-кеч қарзлар бизни чарчатиб, бизнесни тўхтатишимизга тўғри келарди. Бизнинг молия ва дастурий таъминот бўйича ишчиларимиз «Wells Fargo» ўtkазаётган юридик текширув учун керак бўлиб коладиган ҳар бир хужжатни топиб бериш учун қўлидан келган барча ишни киларди.

Бунинг барчаси чўкаётган одамнинг хасга ҳам ёпишишига ўхшарди. У қадар чўкиб, ботиб кетмагандик. Тирик қоламизми ёки йўқми билмасдик, аммо агар уддаласак, марра бизникилигига амин эдик. Биз бамисоли

ўлим ва ҳаёт орасида эдик, учинчи йўл йўқ эди.

«Wells Fargo» ўлиб колмасимиздан ёрдамга келишидан жуда умидвор эдик.

*

Кейинрок, 2003 йилиюнь ойининг қайсиidiр бир кунида Фред билан биргаликда кимларга тўлов ўтказишимиз кераклиги тўғрисида гаплашиб бўлганимиздан сўнг, бизга «Wells Fargo»дан кўнғироқ килиб қолишиди. Улар бизга кредит беришга қарор қилгани ва хужжатларни имзолашга тайёр эканлигини айтишиди.

«Zappos» куткариб қолинганди.

Биз кредит шартномасини имзоладик, ва ниҳоят, бутун жамоамиз билан нафас ростладик. Ўйлашимча, барчамиз ўзимизни бамисоли «Индиана Жонс» фильмидаги каби охирги лахзада пастга тушиб, ёпилаётган тош эшик тагидан юмалаб ўтиб, тушган шляпани ҳам олишга ултурган, ўлимдан қочиб колган одамдай ҳис этгандик.

Биз буни эпладик. Биз тирик колдик. Бунга ишониш кийин эди.

Лекин бу ҳакиқат эди.

Мен «Zappos»нинг барча ишчиларига, етказиб берувчиларига ва дўстларига хушхабарни эълон қилиш учун электрон хат ёзишга қарор қилдим.

 *Сана: 19 июнь, 2003 йил*

Кимдан: Тони Шейдан

Кимга: «Zappos» дўстларига

Биз охирги икки ой давомида омбор захираларимизни тўлдириш максадида «Wells Fargo»дан револьвер очиқ линияли кредит олиш учун музокара олиб бораётган эдик. Бугун эрталаб, ниҳоят, шартномани имзоладик, мен сизларга «Zappos» 6 миллион долларгача кредит олиш имконига эга эканлигини эълон қилаётганимдан баҳтиёрман.

Компания тарихида биринчи марта унинг омборида 200 000 жуфтдан ортиқ пойабзал сақланмоқда. 6 миллион катта маблағ бўлиб кўринишига қарамасдан, бу пуллар факат асосий ҳамкорларимиз билан тўловлар муддатини узайтиришга келишиш, етарли даражада маҳсулот захираси қилиб олишимизни таъминларди. Йил охиригача оёқ кийим захиралари сонини 600 000 жуфтга етказмоқчимиз, бу эса ўз навбатида мижозларимизга жуда кенг танлов имконини яратиб берарди.

Хабари бўлмаганларга бу ойда «Zappos» 4 ёшга тўлганини эслатиб ўтмоқчиман. Келинг, шу 4 йил ичидаги савдоларимиз натижаларига кўз юргутирамиз:

1999: деярли ҳеч қанча

2000: 1,6 миллион доллар

2001: 8,6 миллион доллар

2002: 32 миллион доллар

2003 йилда ўтган йилги сотувларни деярли икки бараварга, 60-65 миллионгача ошироқчимиз. Банкдан кредит олиш билан биз компаниямиз ҳаётининг «учиш-қўниш йўлагини қуриш» бўлимидан «учишга тайёргарлик қўриш» бўлимига ўтмоқдамиз.

Энди биз ростдан ҳам компанияни кейинги даражага олиб чиқишга тайёрмиз, фақат бунинг учун худди олдингидагидек маблағни тежаб ишлатиша давом этишимиз керак. Бунданда қўпроқ пулга эга бўлган, лекин ўтмиш ғалабаларини нишонлаб, келажакка эҳтиёткорлик билан қадам қўйишни унуглан, ўзларига жуда ишониб юборгани ёки безътибор бўлиб қолгани туфайли таназзулга юз тутган компаниялар оз эмас.

Агарда биз пулни эхтиёткорлик билан ишлатиб, мижозларга хизмат күрсатишни яхшилашда давом этсак, пойабзал савдосини бир миллиард долларга чиқара оламиз. Биламан, дастлаб бунинг иложи йўқдек туйилади, лекин уч йил олдин ҳозирги натижамиз ҳам иложи йўқдек кўринган эди. Аслини олганда, бу унақа етиб бўлмас марра эмас, балки эришса бўладиган мақсаддир: 2010 йилга бориб, АҚШда оёқ кийим сотуви ҳажми 50 миллиардга етади. Шунинг 10 фоизи, яъни 5 миллиарди онлайн харидларга тўғри келади. Агарда мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини тўхтамасдан яхшилаб бориш орқали етакчиликни олсак, мен онлайн пойабзал савдосининг 20 фоизини эгаллашимизга тўсқинлик кўрмаяпман. Аслида, биз бундан-да кўпрофига эришиш имконига этамиз.

Биз мижозларимизни мамнун киладиган бир нечта инқилобий ишлар қилдик. Биз онлайнда ҳам, оффлайнда ҳам энг яхши пойабзалларни таклиф қила оламиз. Мижозларимиз учун стандарт хизмат тури сифатида бепул етказиб берамиз ва бепул қайтариб оламиз. Шунингдек, биз мижозларга буюртмани 4-5 кунда етказиб беришни ваъда қилганмиз ва хизмат сифатини яхшилаганмиз. Биз буларни мажбурият юзасидан ёки қисқа муддатли фойда учун қилмаяпмиз. Биз буларни мижозларга енгиллик яратиш мақсадида қиляпмиз, чунки биз узқ муддатда мижозларга ёқадиган шундай кичик нарсалар бизга катта фойда олиб келишига ишонамиз.

Бу ишларнинг барчасини қилишдан мақсадимиз – вақти келиб, пешкадам электрон тижорат компаниясига айланишдир. Биз мижозлар учун борини бориб ишлайдиган онлайн

компания сифатида «Amazon»дан-да «Amazon»роқ бўламиз. Ҳозир пойабзал сотишимизга қарамасдан, мижозларни қониқтира оладиган платформа яратишда давом этаверамиз. Бу вақти келганда бизнесни бошқа маҳсулот турларига кенгайтиришга ёрдам беради. Аммо ҳозир биз онлайн пойабзал савдосида ҳам танлов тури, ҳам хизмат сифатига эътиборимизни қаратишда давом этишимиз керак.

Мен бизни шу ергача етиб келишимизга ёрдам берган ишчиларимизга, инвесторларга, етказиб берувчиларга ва бошқа ҳамкорларимизга миннадорлигимни билдираман.

Биз ўтган тўрт йил ичидаги кўп синовлардан ўтдик, лекин бизни олдинда кутиб турган саёҳат худди аввалгисидек кизиқарли бўлишига ишонаман. Ўсишимиз билан биргаликда кўп ўзгаришлар рўй беради, лекин бир нарса ўзгармаслиги зарур – мижозларга хизмат кўрсатишни яхшилашга бўлган эътиборимиз.

Тони Шей

«Zappos.com» Бош ижрочи директори

Ҳафта якунида биз барча қарзларимизни тўладик ва бу воқеани катта шодлик билан нишонладик.

Лекин рўй бераётган воқеаларга ишониш ҳамон кийин эди.

Биз тирик қолиш ҳақида бошқа ўйлашга мажбур эмас эдик. Энди биз узок муддатда бирор буюк нарса қуришга эътиборимизни қаратишими мумкин эди.

2003 йил савдоларини олти ой олдин қилган тахминларимиздан ҳам яхшироқ натижада – 70 миллион долларда якунладик. Сан-Франциско ва Кентукки оғисларида ишчиларимизни жонкуярликлари учун миннадорчилик сифатида Лас-Вегасга дам олиш учун жўнатишга қарор қилдик. Барча маза қилиб вақтичоғлик

килди. Ишчиларимиздан бири эса Бритни Спирс билан унинг никох түйида раксга тушаётгандардан бири бўлишга мусассар бўлди.

Биз Вегасга турист сифатида боргандик, чироклар эса худди тушда саёҳат килаётгандек сехрли кўринарди. Биз бир ойдан кейин Сан-Францискодаги асосийофисимизни ёпиб, Лас-Вегасга кўчишга карор килишимизни тасаввур ҳам килмаган эдик.

Компания учун кейинги бурилиш шундоккина ёнимизда эди ва ҳеч биримиз буни аввалдан билмасдик.

**ЎСИШ ЗАМИНИ: БРЕНД,
КОРПОРАТИВ МАДАНИЯТ,
ТАКЛИФ ТИЗИМИ**

Лас-Вегасга күчиш

Сан-Францискода мижозларга хизмат кўрсатиш бўлимимиз учун ходим топишда кийналаётган эдик. Яхши ходим топилганда ҳам, кўпчилиги бунга вақтингчалик иш деб каарди. Улар ўкиш пайтида кўшимча пул топишга ёки ўзининг асосий карьерасини кидираётган вақтда, ёхуд бошқа ишга ўтиш пайтида бўш қолмаслик учун вақтингча ишлаб туришга келган бўлиб чиқар эди.

Муаммо қисман бу ерда яшашининг қимматлиги бўлса, қисман маданият эди. Колл-марказда ишлаш сан-францисколиклар кўп ҳам орзу киладиган иш эмас эди.

2003 йилнинг охирларида биз колл-марказни кенгайтиришнинг турли йўлларини кўриб чиқа бошладик. Дастлаб колл-марказ фаолиятини аутсорсинг килиб Ҳиндистон ёки Филиппинга бермоқчи эдик, лекин «eLogistics» билан ишлаб, аччиқ сабоқ чиқарган эдик – муҳим вазифаларни ҳеч қачон аутсорсингга бермаслик керак. Башарти мижозларга хизмат кўрсатиш бўйича ўз брендимизни яратмоқчи эканмиз, ушбу бўлим ишини ўзимиз ташкил қилишимиз кераклигини яхши билар эдик.

Колл-марказни қаерда ташкил этишимиздан қатъи назар, унга ўзимиз эгалик қилиб, уни мустакил юритишимиз шарт эди. Бир қанча ўрганишлардан сўнг

әхтимолий жойлар рүйхатини қискартириб, Феникс, Луисвилл, Портленд, Де-Майн, Су-Сити ва Лас-Вегасни қолдиридик.

Дастлаб биз колл-марказни филиал қилиб алоҳида очишни кўзлаган эдик, бироқ ўйлаб қарасак, қилаётган ишимиз айтаётган сўзларимизга зид бўлиб қолар эди. «Zappos» компанияси мижозларга хизмат кўрсатиш бўйича энг яхши бренд бўлиши учун бу иш билан битта бўлим эмас, балки бутун бир компания шуғулланиши кераклигини тан олишимиз керак эди. Колл-марказ ташкил этиладиган жойга Сан-Францискодаги бутун бошли асосий офисимизни ҳам кўчиришимиз керак бўлди.

Тушлик устида турли таклифларни мухокама қилдик. Ахийри, Лас-Вегас компаниямизни кўчириш учун энг мақбул жой деган қарорга келдик. Бу жуда арzonга тушадиган вариант эмас эди, лекин бу танлов ходимларимизни хурсанд қилса керак, деб тахмин қилдик.

Икки қундан сўнг йиғилиш ўтказиб, компания бош офисини Лас-Вегасга кўчирмоқчи эканимизни эълон қилдик. Олдинига у ерга Мижозларга садоқат жамоасини (МСЖ, Колл-марказни шундай атаётган эдик) юборишни, колганлар эса олти ой ичida кўчиб ўтишини айтдик.

Бу эълонни эшитгач, залдаги ҳамма хайраттга тушган эди. Сўнгги қарорни қабул қилишдан аввал барчага ўйлаб олиши учун бир ҳафта вақт берилди. Ўша пайтда Сан-Францискода, тахминан, 90 ходимимиз бор эди, мен нари борса, уларнинг ярми ўз киндик қони тўкилган жойини ташлаб кетишга, компания билан бирга кўчишга рози бўлиши мумкин, деб тахмин қилган эдим.

Бир ҳафта ўтиб, Сан-Францискодаги 70 ходимимиз Вегасга кўчиб таваккал қилиб кўришга тайёр эканлигини маълум қилгач, ҳайратда қолдим. Бу чинакамига таваккал қилишдан кўрқмайдиган ва ностандарт фикрлайдиган инсоннинг қарори эди. Бунгача «Venture Frogs» бизнес

инкубатори ишчиларининг кўпчилиги «Zappos»нинг тўлақонли ходимларига айланган эди, улар ҳам компания билан биргаликда кўчадиган бўлишди.

Галеннинг ҳикоя қиласади

Сан-Францискода «Zappos»га ишга киришимдан беш кун аввал уйланган эдим. Мен учун бу ажойиб дамлар эди ва ҳаёт менга тақдим этажак саргузаштларга тайёр эдим. Ёхуд шундай деб ўйлар эдим.

Ишни бошлаган пайтим кадрлар бўйича менежер менга Тони барчага «Zappos»дан икки қават юкорида жойлашган спорт залига бепулга аъзо бўлишга таклиф килаётганини айтди. Шундай килиб, мен ҳар куни эрталаб соат олти-еттиларда оғисга етиб келиб, электрон почтамни текшириб чиққач, соат саккизга якин Фред иккимиз спорт залга чикадиган бўлдик.

Бир куни велотренажорда шугулланаётганимизда Фред менга Лас-Вегас ҳақида устма-уст савол бера бошлади. У ер қанақа? Туаржойлар нархи қандай? У қайта-қайта савол бераверди, ота-онам ўша ерда яшашларини билгани учун буларни сўраяпти деб ўйлаб, бунга унчалик аҳамият бермадим.

Икки кун ўтиб, компания бутунлай Вегасга кўчирилишини эълон қилишди. Ишга кирганимга атиги 10 кун бўлган, мен эса рафиқамга 15 кундан сўнг бошқа ерга кўчиб ўтишимиз мумкинлигини айтишимга тўғри келди.

Саргузаштларга тайёр эдим, бироқ бу шунчалик тез бошланиб кетади, деб кутмаган эдим.

Лас-Вегас ҳақида ўша пайтларда бироз янгиш тушунча шаклланиб қолган эди, лекин мен ота-онам ўша ерда яшагани учун ҳам у ер факат қиморхоналар ва стриптиз клублардан иборат

эмаслигини билар эдим. Иккиланишлардан сүнг у ерга күчишга күндим ва худога шукрки, рафиқам бунга рози бўлди.

Ақи ҳикоя қилади

Сан-Франциско менга доим ёққан ва Кўрфаз худудини жуда ҳам севар эдим. Шунинг учун ҳам олдинига Лас-Вегасга күчишимиз ҳакида эшишиб, буни оғир кабул қилдик. Менимча, ҳаммамиз дўст-ёрлар ва яқинларимизни ташлаб кетаётганимизни ўйлаб сиқилар эдик, ичимизда: «Наҳотки, ростдан ҳам кўчиб кетаётган бўлсак?» деб ўйлар эдик.

Бироқ компания тўрт-беш, ҳаттоқи ўн-йигирма кишидангина иборат эмас эди. Биз тўқсон нафар эдик ва биргаликда ишлаб (ва дам олиб), аллақачон инок бўлиб кетган эдик.

Атрофимга назар солиб, барча дўстларим ҳамкасларимдан иборат эканлигини кўрар эканман, «Zappos» компаниясида қандайдир ўзига хослик борлигини хис этиб турар эдим. Шу боис ҳам кўчишга қарор қилдим. Қолаверса, Вегасда бир нечтамизнинг қариндош-уруглари бўлишига қарамай, Сан-Францискода шаклланган бирдамлигимиз туфайли янги жойга кўчиб боришимиз биланок ўз-ўзидан жамоа ҳам оиласиз, ҳам дўстларимиз бўлар эди.

Ўтмишни эслаб, бизга чиндан ҳам қийин бўлганини эслайман. Лекин йиллар ўтиб, янги танишлар орттиридик ва ҳозир ҳаммамиз биргамиз.

Маура ҳикоя қилади

Кўчишимиз ҳакида эълон қилишганида «Zappos»да ишлаётганимга, тахминан, олти ой бўлган эди.

Бу хабарни эшиздим-у, «Жин урсин! Мен Лас-Вегасга кўчмайман!» деб юбордим.

Лекин бироз ўзимизга келиб, бир-бири миздан

фикрилизни сүрасак, аён бўлдики, кўчишга тайёрлар кўпчилик экан. Фикрим ўзгара бошлади ва ўзимга-ўзим айтдим: «Нега бўлмас экан?» Компания ва ўз ишим менга ёқади, шундай экан, нега энди таваккал қилиб кўрмаслигим керак? Жуда бўлмаса, ортга қайтиб кетишимга имкон борку.

Вегасдаги янги жойимизни кўриб, биз бу бинони тўлдира олмасак керак, деб ўйлагандим. У Сан-Францискодаги офисимизга караганда анча катта эди – катталигидан ичи бўм-бўш бинога ўхшаб кўринар эди. Ҳали қурилиш давом этаётган, телефон жихозлари ўрнатилмаган ҳам эди. Шу боис биз фақатгина электрон почта орқали мулокот қилиб турдик. Ҳали қиладиган ишларимиз анча эди.

Ҳозир – орадан салкам беш йил ўтгач, биз олдингисидан ҳам каттароқ бўлган нақ иккита бинони эгалладик. Ажойиб дамлар эди ва ҳалигача шу ерда яшаётганим ҳам бежизга эмас.

Ҳозир бу яққол кўринса-да, Вегасга кўчганимизнинг энг катта афзаллиги бу ерда ҳеч биримизнинг компаниядан ташқарида дўстимиз йўқ эди. Шу боис ҳаммамиз оғисдан ташқарида ҳам бир-биримиздан ажralmas эдик. Қандай ажойиб вакълар эди. Ҳаммамиз биргаликда хаётимизнинг янги даврини бошлаётган ва янги жамоавий тизимга асос колаётган эдик. Биргаликда ишлаб, тунбўйи бирга ўйин-кулги қилиб чикар эдик.

Сан-Францискода ишлаган пайтимида доимо компания учун корпоратив маданият муҳим эканлигини таъкидлар эдик, бунинг сабаби «LinkExchange»да мен йўл қўйган хато эди, ўшанда компаниянинг корпоратив маданияти бутунлай йўқ бўлиб кетганди.

Лас-Вегасда бир-биримиздан бошқа суюнадиган ҳеч кимимиз йўклиги боис корпоратив маданият биз учун

устувор максадга, хаттоғи мижозларга хизмат күрсатишиңдан ҳам муҳимроқ нарсага айланди. Агар корпоратив маданиятни түгри йўлга кўйсак, мижозларга хизмат күрсатиши сифатини кўтариш масаласи ўз-ўзидан ҳал бўлади, деб ишонар эдик.

Корпоратив маданиятни кучли саклаб туриш учун ходим ишга олаётганда унинг офисдан ташқарида ҳам бирдамлик кўрсата олишига ишонч ҳосил қилишни истар эдик. Энг зўр ғоялар кўпроқ барда ичиб ўтирганингда келади.

Бир куни тунда ўнта ҳамкасб ўтириб, «Zappos»га фақат корпоратив маданиятимизга мос келганларни ишга олишимиз кераклиги ҳақида сұхбатлашиб ўтирган эдик. Гурухимида янги ишга олинганлар бор эди, шунинг учун ўтирганларнинг ҳар биттасидан «Zappos»нинг корпоратив маданияти ҳақида фикрини сўрадим. Ҳар ким ўз нуқтаи назарини айтди.

Ҳаммадан сўраб бўлгач, шуни сездимки, янги ходимлар компаниямизнинг корпоратив маданияти ҳақида яхшигина тасаввурга эга эканлар.

– Ўтган 20 дақиқалик сұхбатимизни ёзиб олсак бўларкан, уни янги ишга олинганларга эшилтирас эдик,
– дедим мен.

Кимдир:

– Ростдан ҳам зўр бўлар эди-я, – деди.

– Ёки шу айтилганларни ёзиб, бўлажак ходимларга йўрикнома тарзида берсак ҳам бўлаверади, – деб сұхбатга аралашди кимдир.

– Биласизми, нима? Барча ходимлардан компаниянинг корпоратив маданияти ҳақидаги фикрини ёзиб беришини сўрашимиз керак ва уларни битта китоб қилиб чиқарамиз,
– дедим мен.

«Zappos»нинг корпоратив маданияти ҳақидаги китоб ғояси мана шу тарзда дунёга келди ва эндиликда бу китоб «Zappos»нинг ажралмас қисмига айланиб улгурди.

Ҳар йили китобнинг янги нашри чоп этилиб, уни бўлғуси ходимларимиз, таъминотчиларимиз ва ҳатточи мижозларимизга ҳам тарқатамиз.

2004 йилнинг август ойида барча ходимларга қуидаги электрон мактубни юбордим:

 *Кимдан: Тони Шей*

Кимга: «Zappos»нинг барча ходимларига

Мавзу: «Zappos»нинг корпоратив маданияти ҳақидаги китоб

Биз компаниянинг янги ишга олинажак ходимлари учун танишув пакетининг таркибий қисми сифатида «Zappos»нинг корпоратив маданияти ҳақида мўъжазгина китобча тайёрламоқдамиз. Бизнинг корпоратив маданият – барча ходимларнинг у ҳақидаги фикрлари жамланмасидан иборат бўлиб, биз уларнинг барчасини шу китобга киритмоқчимиз.

«Zappos»нинг корпоратив маданияти ҳақида фикрларингизни 100 дан 500 тагача сўз билан баён қилган ҳолда менга электрон тарзда юборишингизни илтимос қиласман. («Zappos»нинг корпоратив маданияти қандай? Унинг бошқа компаниялар корпоратив маданиятидан қандай фарқи бор? Сизга унинг қайси жиҳатлари маъқул келади?).

Китобда барчанинг фикри қамраб олинади. Агарда китобда исмингиз ёзилмаслигини хоҳласангиз, илтимос, буни ўз жавобингизда билдириб ўтинг. Биз бу китобни янги олинадиган ишчилар қатори ишлаётган ходимларимизга ҳам тақдим этмоқчимиз.

Илтимос қиласман, ўзингиз нима деб ёзмоқчилигингизни ва бошқалар нима деб ёзганини ҳеч кимга айтманг. Ҳар кимнинг фикри

бир-биридан фарқ қилади, шу боис «Zappos»нинг корпоратив маданияти ҳакида ҳар бир кишидан алохида сўраб билмоқчимиз.

Биз имкон қадар шаффоф бўлишни хоҳлар эдик, шу боис имловий хатолардан ташқари ҳеч бир фикрни таҳрирлаш ёки цензура қилишга йўл қўймасликка келишиб олдик. Китобнинг ҳар бир янги нашридан ижобий ва салбий фикр-мулоҳазалар ўрин олади, шунинг учун ўқувчи «Zappos»нинг корпоратив маданияти ҳакида объектив тасаввур ҳосил қила олади. Ҳар бир нашр корпоратив маданиятимизнинг ривожланиш босқичларини хужжатлаштириб қўйиш имконини берар эди.

Китобнинг дастлабки нашридан ижобий фикр-мулоҳазалар кўпроқ ўрин эгаллаган бўлса-да, барча ходимлар ҳам компаниянинг ривожланиш даражасидан унчалик кониқмаётганини билиб олдик. «Zappos»да анчадан бери ишлайдиган икки нафар ходим биз жорий қилган қўшимча жараён ва тадбирлар уларга ёқмаётганидан ва аввалгидек ишлай олишга имконият бўлмаётганидан нолиб ёзган эди. Баъзи нарсалар, масалан, компания харажатлари ҳакидаги маълумотларни очиқлаш компаниямиз ўсишининг зарурий оқибати эди. Бошқа муаммо, масалан, компания ичida коммуникация (маълумотларнинг ходимларга тезрок етиб бориши) масаласидаги танқидлар янада долзарброк бўлиб борар, бу бизга шу йўналишни яхшилашимиз кераклигини кўрсатар эди.

Исталған саволингизни беринг

Корпоратив маданият ҳакидаги китобимиз тўғрисида билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида ойда бир марта «Исталған саволингизни беринг» деб номланувчи бюллетенъ чиқарадиган бўлдик, бунинг мазмуни куйидагича эди:

Ходимлар ўзини қизиқтирган ҳар қандай савол

билан электрон почта орқали мурожаат қилиши мумкин. Аноним тарзда савол ва унга берилган жавоблар ҳар ойда битта қилиб йиғилиб, эмейл орқали компаниядаги барча ходимларга тарқатилади. Ҳозиргача ходимлардан ажойиб саволлар келиб туради. Куйида шундай саволлардан парча келтирилган:

- Байрам кечасини қачон ўтказамиш?
- «Zappos.com»нинг директорлар кенгаши кимлардан иборат?
- Мижозлар бизга кўнғироқ қилган пайтдаги чақи-рув гудогини ўзгартирсак бўладими?
- Эшитишмича, баъзи брендларниң савдоси тўх-таб қолибди. Булар қайси брендлар эканини биласизми?
- Уч йилдан сўнг бизни (компанияни) қаерда кўрасиз? (Қанчалик катта, нечта ишчи ва қаерда тасаввур қиласиз?)
- Нима учун эркаклар ва аёлларниң оёқ ўлчами ҳар хил бўлади?
- «Zappos.com»да нечта ходимнинг туғилган қун ёки турмуш қурган санаси бир кунга тўғри кела-ди? Бошқа жиҳатдан бир кунга тўғри келганлари ҳам борми?
- Компаниямиз шу пайтгача соттан энг қиммат нарса нима?
- Вегетарианлар ҳайвон шаклида пишириладиган печеньёларни ейдими?

Кейинги бир неча йил мобайнида биз корпоратив маданиятни кучайтириб, ходимларимизнинг шахсий ва касбий ривожланишига сармоя киритиш орқали мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга эътибор қаратдик.

Сотув ҳажми, асосан, доимий мижозлар ва оғиздан-

оғизга ўтадиган реклама туфайли ошди. Нихоят, «Sequoia» «Zappos»га инвестиция киритди, Альфред Вегасга күчіб келиб, компанияга тұлаконли молиявий менежер сиғатида қўшилди, директорлар кенгашини шакллантиридик, «Wells Fargo» ва яна бошқа иккита банк кредит линиямизни умумий хисобда 100 миллион долларгача оширди.

Бизнесимиз жарга қулашига бир баҳя қолган нұқтадан туриб, кисқа муддатда бунчалик кескин ўсишга эришганимиз одамга қандайдир бошқача ҳис бағишилар зди. Ўша вактда бу ўзимизга сезилмаган, лекин астойдил меҳнат ҳамда мижозларга хизмат кўрсатиш ва корпоратив маданиятга йўналтирган сармоямиз натижасида биз режалаган 2010 йилда эмас, балки икки йил олдин – 2008 йилдаёқ ялпи савдо ҳажмимизни миллиард долларга етказишга эришдик.

Ўтмишга караб шуни айтишимиз мумкинки, мақсадимизга эришганимизнинг бошомили – ўз вактимиз, маблағ ва ресурсларимизни учта ҳал килувчи (асосий) соҳаларга йўналтирганимиз бўлди: *Мижозлар билан ишилаш* (бу бизга брендимизни яратиш ва танилишимизга сабаб бўлди), *корпоратив маданият* (бу бизга асосий кадриятларимизни шакллантиришга ёрдам берди) ҳамда *ходимларни ўқитиши ва малакасини ошириши* (бу бизга кадрлар тармоғига асос солишимизга ёрдам).

Ҳатто бугунги кунда ҳам бизнинг ишонганимиз бу Бренд, Корпоратив маданият ва Кадрлар тармоғимиз (қисқартириб БКТ деб ҳам номлаймиз) хисобланади ва бу учаласи узок муддатда рақобатдаги устунлигимизни таъминлайди.

Шулардан бошқа колган ҳамма нарсани бошқалардан нусхалаш мумкин.

Корпоратив маданият китобини бойитиш

(Женн Лим ҳикоя қиласи)

Агар компаниянгизнинг корпоратив маданиятини 2-3 абзацдан иборат гап билан таърифлаб

беринг дейшиша, нималарни ёзib берган бўлар эдингиз? Агар буни ҳамкасларингиздан сўраганингизда, сизнингча, уларнинг жавоби қанчалик сизникудан фарқ қиласа эди?

Тони дастлаб менга корпоратив маданият ҳақидаги китоб тўғрисида гапирганида бу ғоя мени кизиктириб қўйган эди. Бу шунчалик ноёб ғоя эдик, хозиргача ҳеч кимнинг хаёлига келмаган эди. Тони ўйлаётган нарса одамга ғалати туйилар ва бироз таваккалчилик эди.

«Zappos» ташкил топганига беш йил бўлганда бренд ва корпоратив маданиятга эътибор карата бошлаган эди. Компаниянинг ўнта энг асосий қадриятлари ҳали тўла шаклланмаганди, лекин корпоратив маданият ҳақидаги китоб ғояси компаниянинг асосий қадриятларига эътиборни қаратишнинг яхши чораларидан бири эди. Чунки китобга асос бўлажак барча фикрлар – «Zappos»да ишлайдиган ходимлардан йигиб олинарди.

Дастлабки ғоямиз оддий эди. Ходимлардан: ««Zappos»нинг корпоратив маданиятини қандай тушунасиз?»» деган саволга бир неча абзацдан иборат жавобларини ёзив беришлари сўралади. Имло хатоларини тўғрилашимизни ҳисобга олмасак, қолганларини таҳрирсиз, борича китобда акс эттирас эдик.

Бутунлай таҳрирсиз-а? Бу ахир телбалик-ку!

Бир неча дақика ўтди... (Бир-икки қадаҳ ичиб олгач) Ҳа, майли, қани бошладик!

«Zappos» учун бу риск қилса арзийдиган иш эди. Агарда компания чиндан ҳам ўзининг корпоратив маданияти ва асосий қадриятларини яратмоқчи бўлса, у буни тўғри амалга ошираётганини текшириш учун бундан яхшироқ усул йўқ эди.

Беш йил олдинги хомаки ўйланган ғоя бугунги

кунда рүёбга чиқди. Бу дастлаб ходимлар ўз фикр-мулоҳазасини эркин билдира оладиган платформа ва исталган киши компаниянинг корпоратив маданияти ва қадриятлари нимада эканлигини хис кила олиши учун имконият сифатида вужудга келган эди. Орадан вакт ўтиб, сотувчилар, ҳамкорлар ва мижозлардан ҳам бунга ўз фикрларини билдиришларини сўрадик.

Бугунга келиб, бу китоб «Zappos» компанияси ҳақида оз-моз қизиққан исталган инсон учун – хоҳ у ишга киришга номзод бўлсин, хоҳ кичик бизнес эгаси, ёхуд бўлажак тадбиркор бўлсин – барча учун (ўзига хос бир) қўлланмага айланди. Энг муҳими, компаниямиз корпоратив маданиятни ўз фаолиятининг ажralmas қисми, деб хисоблагани туфайли бу китоб брендга айланди.

Ийллар мобайнида мен – шунинг гувоҳи бўлдимки, «Zappos» энг керакли жойга маблағ сарфлади (ҳаттоқи анча хавотирли вазият бўлган тақдирда ҳам). Корпоратив маданият китоби эса бунинг яққол намунасиdir. «Zappos»дек ғояси ҳали текширилмасдан ва миллиард долларлик компанияга айланмасдан бурун таваккал қилиб, бир йўналишда ҳам ўйлаб, ҳам ишлай олган компания бўлмаса керак, деб ўйлайман.

Биргина «Twitter» тармоғидан фойдаланиб, исталган бир компаниянинг муваффақияти ёки таназзулига олиб келиш мумкин бўлган шаффофлик асрида, компаниянгизнинг ДНКсини дунёга ошкор этишдан бошқа жозибалироқ иш бўлмаса керак.

Шунинг учун ҳам, одамлар корпоратив маданият ҳақида китоб яратишнинг ўз компанияси учун қандайдир аҳамияти борми ўзи, деб қизиқади. Агар сиз ҳам бу ҳақида ўйланиб қолган бўлсангиз,

куйидаги баъзи нарсаларни хисобга олиб қўйсангиз фойдадан холи бўлмайди:

1 Корпоратив маданият китоби бу шуичаки китоб эмас, маданиятдир.

Мабодо кимдир сиздан компаниянгиз қадриятлари ёки миссияси баёнини ёддан айтиб бер, деса айтиб бера олармидингиз? Одамлар «Zappos» ишчиларининг 10 та энг асосий қадриятни қандай қилиб эсда сақлаб қолишига ҳайрон бўладилар. Бу мен учун оддий нарса... Компаниянгизнинг асосий қадриятларини факат ишга эмас, балки ҳаётга ҳам татбиқ қилиш мумкин бўлса, уни эслаб қолиш осон бўлади.

Китобнинг «Асосий қадриятлар» бўлимида «Zappos» ходимлари ишдан ташқарида ҳам бир хил қадриятга қандай қилиб амал қилиши ҳақидаги ҳикояларини ўқийсиз. Иш ва ҳаёт алоҳида бўлмасдан туриб, қадриятлар қандай қилиб айнан бир хил бўла олиши мумкинлиги қизик ҳолат.

Ўз компаниянгизнинг маданияти ҳақидаги китобни ёзишдан олдин ўзингизга савол беринг: Ходимларингиз, мижозлар ва ҳамкорларингиз компаниянгизнинг корпоратив маданияти ҳакида билдирадиган фикрларини борича чоп этиш сиз учун нокулай эмасми?

Агарда нокулай деб жавоб берсангиз, бундай қилишнинг нимаси қийин?

Ҳеч қайси корпоратив маданият ҳақидаги китоб, у агар аллақачон ўрнини топган корпоратив маданият ва қадриятларга ўз таъсирини ўтказмаса, унчалик ҳам арзирли аҳамият касб этмайди.

2 Бу қисқа муддатли харажат, узоқ муддатли инвестициядир.

Корпоратив маданият вужудга келиши била-ноқ унга сармоя киритинг. Узоқ муддатни кўзлаб

иш тутиш айрим компанияларга эриш түйилиши мүмкін. Шундай технология асрида китобни қоғоз шаклида нашр эттириш ва уни тарқатишига пул сарфлаш ортиқча исроф ва күлгили ишдай түйилиши мүмкін. Ҳақиқатан ҳам, ҳар бир нашр этилган китобнинг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаб чиқиш қийин масала. Бирок сиз барқарор брендни яратишига ва мижозлар күнглидан жой топишшига интилар экансиз, баъзан пулни тежаб ўтиравериш ҳам ярамайди. Сизнинг компаниянгиз ва корпоратив маданиятингизга қаттиқ ишонадиган одамлардан ва оғиздан-оғизга ўтадиган довругингиздан келадиган фойда бошида кўзга кўринмаса-да, вакт ўтиб, худди «Zappos»дагидек бу сармоя бир неча карра кўпайиб, қайтиб келади.

3

Уни барчага улашининг.

Дастлаб китобга ҳисса қўшган барча ишчилар ва ҳамкорларга бир нусхадан берар эдик. Ҳозир эса китоб омма учун очик (янада кўпроқ маълумот учун “Илова”га қаранг). Одамлар ҳар доим кимнингдир компаниясининг Корпоратив маданият ҳақидаги китобини ўқиши сўрайвериши эс-хушимни учиради. Қачон охирги марта кимнингдир бирор компания йиллик ҳисботи ёки ходимлар учун инструкция қўлланмасини ўқиб кўриши талаб қиласётганини кўрдингиз (инвестор ёки кадрлар бўлинмасидаги бирор кишини ҳисобга олмагандан). Одамлар ҳаттоқи «Zappos» нима билан шуғулланишини ҳам билмасликлари ғалати түйилиши мүмкін, бирок шундай бўлса-да улар Корпоратив маданият китоби гояси тагида нима ётишини билишшига қизиқишиади. Келажакда қачондир, улар янги жинси шим ёки бир жуфт пойабзал керак бўлиб қолган пайт «Zappos»ни эсга олишлари мүмкін. (Айтганча, китобга сиз ўйлаганчалик кўп харажат кетмаган.)

4 Мижозларингизни мафтун килинг.
Ўтган йили биринчи марта «Zappos»нинг мижозларини китобни ёзишда иштирок этишга таклиф этдик. Улар бунга ажойиб реакция билдиришди. Дунёнинг турли бурчакларидан бизда ишлаш учун Кентукки ёки Невадада яшашни жуда хоҳлашлари ҳақида мактублар, шунингдек, электрон хатлар келарди. Бирок шу билан бирга, «Zappos»дек компания билан боғлиқ китобга кириши ҳам хоҳлашар эди.

Дастлабки йилларда таъминотчилар ва ҳамкорларимиздан ҳам қатнашишларини сўраганмиз. Бу оғзаки рекламага астойдил таянадиган компания учун яхшигина коммуникация канали вазифасини ўтар эди. Китоб фақат мижозлар ва ҳамкорларнинг фикр-мулоҳазалари ҳақида маълумот берувчи бўлибгина қолмай, уларнинг «Zappos» учун канчалик муҳим эканликларини билиб олишларига имкон берар эди.

5 Сўз – бу сўз, битта расм мингта сўздан, бренд эса миллионта сўздан кучлироқ.
Қандай килиб бренд каби номоддий нарсани корпоратив маданият ҳақидаги китоб орқали ёритиб бериш мумкин?

Жавоб киска. Агар корпоратив маданиятингиз ўз қадриятлари ёки миссиясига содик қолса, сўзлар ва картинкаларнинг ўзи билан ҳам кўп нарсани ифодалаш мумкин. Сабаби шундаки, улар реал нарсалар.

Китобдаги ҳар бир мулоҳаза алоҳида одамларнинг фикри хисобланади, бирок барчаси биргаликда «Zappos»нинг яхлит киёфасини ҳосил килади. Нима учун мана бу ходим мана бу ходимга ўхшайди. Чунки «Zappos»даги барча инсонлар 10 та энг асосий қадриятлар асосида яшайди. Муштарак

қадриятлар тизимиға амал қилиш орқали «Zappos» ходимлари бутун дунё учун яхлит брендга айланышади. (Шуни айтиб ўтишим зарурки, ««Zappos» – культ бўлса керак!» дейдиганларни кўрсам доим кулгим келади. Қайсиdir жиҳатдан бу ҳам тўғри. Лекин агар культнинг мақсади инсонларга баҳт улашиш бўлса, ундай культга қўшиламан.)

Китобдан суратлар ҳам жой олган. Ширинликлар, алкоголь ичимликлариға чегирмалар куни, бизнес саёҳатлари, ҳар иили ўтказиладиган вендорлар (сотувчилар) базм кечаси – «Zappos» оиласининг тонг саҳардан тунгача бўлган ҳәётини тўла-тўқис акс эттирадиган суратлар ҳавола қилинган бўлиб, шу орқали ўқувчиларнинг жигига тегмаган ҳолда уларга ҳақиқий бренд хиссини улашамиз. Булар реклама эмас, балки бизнинг ҳаёт тарзимиздан лавҳалардир.

6 Маданиятлар ҳар хил бўлади.

Катта эҳтимол билан, агар сизнинг компаниянингиз корпоратив маданият ҳақида китоб чиқарса, у «Zappos»никидан буткул фарқ қилади. Бунинг сабаби бир компаниянинг маданияти бошқасидан яхшироқ эканлиги учун эмас, балки шунчаки сизнинг қадрият ва миссиянгиз худди бармоқ изларидек бошқаларнидан фарқ қилади. Шундай қилингки, китоб сизнинг корпоратив маданиятингиз ҳақида дангал гапирсин ва мисоли ҳаммомда куйлагандек баралла, bemalol (корпоратив маданиятингиз ҳақида) куйласин.

7 Эволюция қилинг.

Агар ҳали ҳам корпоратив маданият ҳақида китоб чиқаришнинг компаниянгиз учун нима аҳамияти борлигига шубҳа қилаётган бўлсангиз, у ҳолда буни аниқлаштиришнинг бир йўли дастлаб, ходимлар, ҳамкорлар, мижозларга (ёки

субмижозларга) электрон хат ёки сўровнома жўнатиб, улардан компаниянгизнинг корпоратив маданияти ҳакидаги фикрларини сўранг. Ана шунда улар хар доимгидан кўра сизга ростини айтишади.

Биз бу ишга кўл урганимизда натижа қандай бўлишини олдиндан билмаган эдик. Бирок бу машкнинг сабоқ берадиган жиҳати – биз шу ишни килганимиз ва ривожлантирганимиз эди. Кўп ўтмай асосий ғормиз янада кизикроқ нарсага айланди. Корпоратив маданият аввалги йилдагидекми ёки фарқ киладими, буни ўрганиш учун танкидий фикр-мулоҳазаларни ҳам ижобий қабул килар эдик. Агар фикр компаниянинг қадрияти, мақсади ёки миссиясига якинроқ бўлмаса, шубҳасиз, буни билиб олиш мумкин.

Тасаввур қиляпман, 40 йилдан кейин оромкурсида «Zappos.com» сайтини титкилаб, ўзимни елпиб, жиянимнинг никоҳ тўйига кийишга ўзимга кийим танлаб ўтирган бўламан. Ким билсин, балки “ZapposAirlines.com”дан авиаҷипта буюртма қилаётган бўларман. Билмадим, компаниянинг маданият китоби у пайтда қай кўринишида бўлади. Лекин бир нарсани аниқ биламан, «Zappos»нинг янги очилган пайтдаги дамларини табассум билан эслаб ўтираман.

Мижозларга хизмат кўрсатиб бренд яратиш

Анча йиллар мобайнида «Zappos»нинг ўсишига асосий туртки доимий мижозлар ва оғиздан-оғизга ўтадиган реклама бўлиб келди. Бизнинг фалсафамиз – рекламага тикишимиз мумкин бўлган пулларнинг кўп қисмини мижозларга хизмат кўрсатишни яхшилашга ва уларда илиқтаассурот қолдиришга йўналтириб, маркетинг килишни мижозларнинг ўзларига қолдиришдан иборат.

Хўш, мижозга аъло даражада хизмат кўрсатиш қандай бўлади? Бу мижоз бизнинг веб-сайтга кирганида

кўзи тушадиган биринчи нарсадан бошланади. Кўшма Штатларда мижозларга маҳсулотни иложи борича осон, ҳам хавфсиз сотиб олиши учун бепул етказиб беришини таклиф қиласиз. Аксар мижозлар бешта турли хилдаги пойабзалларни буортма килишади, уларни ўзларига қулагай шаклда уйларида, турли хил кийимларига мослаб кийиб кўришади ва мос тушмаган ёки шунчаки ёқмаганларини қайтариб юборишади. Бу учун улардан ҳақ олинмайди. Тўғри, бунақа кўшимча ташиб харажатлари бизга қимматга тушади, бироқ биз буни маркетинг харажатлари, деб хисоблаймиз.

Бундан ташқари, биз харид килишга иккиланган мижозларга 365 кун ичида маҳсулотни қайтариб бериш имкониятини ҳам таклиф этамиз.

Аксар веб-сайтларда контакт маълумотларига, одатда, камида бешта линкни босиб, кейин кириш мумкин, ҳаттоқи мабодо уни топганингизда ҳам у атиги бир мартагина уланишингиз мумкин бўлган эмейл адрес ёки (тўлдириладиган) форма бўлиб чиқади. Биз эса бунинг аксини қиласиз. Веб-сайтимизнинг ҳар битта саҳифасининг юқори қисмига телефон рақамимизни (1-800-927-767) ёзиб қўямиз, чунки биз мижозларимиз билан суҳбатлашишни хоҳлаймиз. Колл-марказимиз ҳафтада 7 кун 24 соатдан ишлайди.

Маркетинг ёки бренд бўйича конференцияларда қатнашганимда, компанияларнинг ҳар қуни минглаб реклама хабарларига кўмилиб кетаётган мижозлар ҳақидаги суҳбатини эшитсам, энсам котади. Чунки компаниялар ва реклама агентликлари қандай килиб оммага кўпроқ реклама етказиш ҳақида гаплашишади.

Шу кунларда кўпчилик «ижтимоий медиа» ва «интеграциялашган маркетинг» ҳақида кўп гапиришяпти. Ғалати ва эскича туйилса-да, биз ишонамизки, телефон ҳозир ҳам брэндингизга асос солиш йўлида энг самарали воситалардан биридир. Телефонда мижознинг асосий

эътиборини 5-10 дақика мобайнида ушлаб туриш мумкин. Агар сұхбатни түғри ташкил эта олсангиз, мижоз буни узок пайтгача эслаб қолади ва бу ҳакида ўз танишларига айтиб беради.

Жуда кўп компаниялар ўзларининг колл-марказларини қисқартириш зарур деб ҳисоблайдилар. Биз эса уни нафақат маҳсулотимизни оғзаки маркетинг қилиш вазифасини бажаргани, балки харидордан келадиган даромадни ошириш воситаси эканлиги туфайли ҳам уни компания учун тайёргина «теша тегмаган» имконият деб ҳисоблаймиз.

Одатда маркетинг бўлимлари инвестицион самарадорликни ҳисоблашда харидорнинг компания учун қийматини ўзгармас деб оладилар. Агар биз ҳар бир мижозимиз билан алоқа қилиш орқали ўзимиз билан янада кўпроқ ҳиссий боғлиқлигини ҳосил қила олсак, бу мижознинг компания учун қиймати ортади.

Аксар маркетологлар тушиши мумкин бўлган яна бир тузоқ шуки, улар аслида мижозни ром қилиш ва унинг ишончини қозониш ўрнига иложи борича кўпроқ реклама билан шовқин қилишга ургу бериб юборадилар.

Сизга шуни айта оламанки, менинг онам ҳеч қандай шовқин қилмаса-да, у гапирган пайти мен уни эшитаман.

Нихоят, мижозларга хизмат ва уларда яхши таассурот қолдиришга уринишлар аслида биз савдони қилиб, харидорнинг кредит картаси рақамини олганимиздан сўнг бошланади. Мисол учун, аксарият доимий мижозларимиз учун, гарчи улар етказишнинг бепул вариантини танлаганларида уларга ҳамма учун бир хил бўлган стандарт муддатларда етказиб беришга келишган бўлсак-да, товарни эртасига ёқ етказиб бериб, уларни ҳайратда қолдиришимиз мумкин.

Бундан ташқари, биз омборимизни дам олиш кунисиз 24 соат мобайнида юритамиз, умуман олганда, бу унчалик самарали иш усули эмас. Омборхонани юритишнинг энг

самарали усули бу омборхона ишчиси саноқли буюртма учун омборхонага кириб ўтирасдан, буюртмалар сони бир нечтага етгач, кейин киришидир. Бироқ биз танлов самарадорлигини оширишга ҳаракат қилмаймиз. Биз күпроқ мижозларда ижобий таассурот қолдиришга ҳаракат қиласыз, харидорларга буюртмани имкони борича тезрок етказиб берамиз.

24/7 тартибда ишлайдиган омборхонанинг товарни бир кечада етказиб бериши күплаб мижозларнинг ярим тунда товар буюртма килиб, орадан 8 соат ўтар-ўтмас остонасида буюртма қилинган нарса пайдо бўлишидан ҳайратга тушишларига сабаб бўлади. Мижозлар шунда беихтиёр «Эх, яшавор», деб юборадилар ва буни узок вақт эслаб юриб, яқинларига ва дўстларига бу ҳакида айтиб берадилар.

Ҳар куни минглаб қўнғироқ ва электрон хатларни қабул қиласыз, бу контактларнинг ҳар бирини мижозларга сифатли хизмат кўрсатиш, уларда ижобий таассурот қолдиришга асосланган «Zappos» брендини яратиш учун имконият, деб биламиз. Мижозлар билан алоқа қилишга харажатларни камайтириш тарафидан эмас, балки брендинг қилиш нуқтаи назаридан қарасак, биз колл-марказимизни бошқа күплаб компанияларнинг колл-марказларидан буткул ўзгача тарзда юритишимизни англаш мумкин.

Аксарият колл-марказлар ходимнинг иш самарадорлигини саноат соҳасида маълум бўлган «кўнғироқни амалга оширишнинг ўртacha вақти» деб номланган кўрсаткич асосида ўлчайди. Бунда ҳар бир операторнинг бир кунда нечта қўнғироқ қабул қилгани тушунилади. Шунинг учун ҳам операторлар сухбатни қисқа қилишга уринишади. Бу эса, бизнингча, мижозга яхши хизмат кўрсатиш эмас. Аксарият колл-марказлар даромадни ошириш учун операторларга тайёр матнни бериб, мижозларни янада күпроқ маҳсулот сотиб олишга

кўндиришга мажбурлашади.

«Zappos»да биз кўнғироклар давомийлигини ўлчамаймиз (энг узок кўнғирок давомийлиги деярли олти соат бўлган!), биз ўзимизнинг маҳсулотни ўтказишга ҳам уринмаймиз. Оператор мижозга бор имкониятни яратиб берса бўлгани. Биз тайёр матнни бериб қўймаймиз, чунки биз операторларимизнинг у ёки бу мижоз билан келишишда ўз аргументларидан фойдаланишларига имкон берамиз. Биз ҳар бир оператор сухбат давомида ўзини эркин кўйиб, мижоз билан ўзаро шахсий-хиссий алоқа (биз компанияда буни қискартириб ШҲА деб атаймиз) ўрната олишини хоҳлаймиз.

Брендимизни яратиш учун восита сифатида телефондан фойдаланишимизга яна бир мисол шуки, масалан, мижоз маълум бир турдаги ва ўлчамдаги пойабзални буюртма килмоқчи бўлиб биз билан боғланганида бунака пойабзал омборимизда қолмаган бўлиши мумкин. Бундай вазиятларда операторларимизга мижоз сўраган товарни камида З та ракобатчимизнинг веб-сайтидан кидириб кўриб, агар топилса, мижозни ўша рақобатчига улаб бериш тайинланади. Бундай вазиятларда пулдан қуруқ қолишимиз аниқ. Бироқ биз фойдани оширишни кўзламаяпмиз-ку. Аксинча, биз ҳар бир мижоз билан кўнғироқ сухбати орқали узок муддатли муносабатлар куришга интиlamиз.

Савдомизнинг атиги 5 фоизи телефон орқали амалга оширила туриб, интернет-компаниянинг телефон кўнғироқларига шунчалик эътибор қаратиши ғалати, деб ўйлашлари мумкин. Ростдан ҳам, телефон кўнғироқлар бизнинг савдомизни ошириб юбормайди. Бироқ, аниқлашимизча, ҳар бир мижозимиз хаётида ҳеч бўлмаса бир марта бўлса-да биз билан кўнғироқ орқали боғланади. Биз эса бундан оқилона фойдаланиб қолишимиз керакки, токи мижоз биз ҳақимизда узок вақт эслаб қолсин.

Аксарият кўнғироқлар мижозни дарров буюртма

килишга ундаі олмайди. Баъзан мижоз бирор буюмни биринчи марта қайтариб берәётган бўлса, бироз ёрдам сўраб ҳам кўнғироқ қилиши мумкин. Баъзан эса келаётган ҳафта никоҳ тўйи бўлишини айтиб, қайси фасондаги кийим кийгани маъкул бўлиши ҳакида маслаҳат сўраб кўнғироқ қилиши мумкин. Баъзи вақтларда бизга ёлғизликдан зерикиб, шунчаки ким биландир мулоқот килгиси келиб қолганлар ҳам кўнғироқ қилишади.

Бир неча йил муқаддам Санта-Моникада (Калифорния) «Skechers» савдо-сотиқ конференциясида иштирок этган эдим. Барда бир неча қадаҳ олганимиздан сўнг бир неча кишилик гурухимиз кимнингдир меҳмонхонадаги номерида бироз емак буюртма қилиш учун бордик. «Skechers»дан бўлган танишим хона хизмати менюсидан «Пепперони» (қалампир) пиццасини буюртма қилмоқчи бўлди, бироқ биз турган меҳмонхона кеч соат 11.00 дан кейин иссик овқат етказиб бермаслигини айтиб, жаҳли чиқди. Биз бир неча соатга кеч қолган эдик.

Ҳаммамиз ширакайф эдик, унга «Zappos»га кўнғироқ қилиб, пицца буюртма қилиб кўр, деб ҳазил қилдик. У буни жиддий қабул қилиб, «Zappos» операторларига кўнғироқ қилиб, унга Санта-Моника меҳмонхонасида турганлигини, «Пепперони» пиццасини жудаям кўнгли тусаётганини, лекин меҳмонхона хизмати ярим тунда овқат етказиб бермаслигини айтиб, «Zappos» бунга қандай ёрдам бера олиши мумкинлигини сўради.

«Zappos» оператори олдинига бу илтимосдан бироз таажжубланиб турди, лекин дарров ўзини кўлга олиб, бироз кутиб туришимизни сўради. Беш дақиқадан сўнг Санта-Моникада ҳали ёпилмаган ва пицца етказиб бера олиши мумкин бўлган энг яқин 5 та жойнинг номини айтди.

Очиғини айтсам, бу воқеани китобга киритишга бироз иккиландим, чунки бу китобни ўқиётганлар бари «Zappos»га кўнғироқ қилиб пицца буюртма

қилишларини хоҳламайман. Колл-марказларда тайёр қолипга солинган матннинг бўлмаслиги ва оператор ходимларингизга, қанчалик ноодатий ёки ўзгача вазият бўлмасин, брэндингиз учун нима тўғри бўлса, шуни килиш ваколатини беришнинг қанчалик таъсири кучли эканлигини тасвирлаб бериш учун бу хикоя бироз қизик бўлар, деб ўйладим.

«Skechers»даги танишим нима килди? Ўша кўнғироқдан сўнг у бир умрлик мижозимизга айланди.

Компаниянгизда мижозга хизмат кўрсатишни ташкил этишининг энг яхши 10 усули:

1. Мижозлар билан ишлапни битта бўлимнинг эмас, балки бутун компаниянинг устувор вазифаси, деб қаранг. Мижозга хизмат кўрсатиш энг тейпадан бошланиши керак.
2. Одамларни «Яшавор» деб айттира олиш компаниянгизнинг кундалик ишига айлансин.
3. Мижозлар билан ишловчи операторларингизга эркинлик беринг ва уларга ишонч билдиринг.
4. Шуни билингки, ҳаддидан ошадиган ёки ходимларингизни ҳақорат киладиган мижозлардан воз кечиб, ҳеч нарса йўқотмайсиз.
5. Кўнғироқлар сонини ўлчаманг, операторларни кўпроқ маҳсулот сотишга мажбурламанг ва тайёр матнлардан фойдаланманг.
6. Рақамингиз ҳаммага кўринарли бўлсин (яширманг). Бу нафақат мижозларингизга, балки ходимларингизга ҳам муҳим ҳисобланади.
7. Ҳар бир кўнғироқни камайтириш зарур оворагарчилик деб эмас, балки мижозларга хизмат кўрсатиш бўйича энг зўр компания бўлишингиз учун тикилгандан инвестиция, деб ҳисобланг.
8. Аъло даражада хизмат кўрсатиш орқали ке-

ладиган муваффакиятни бутун компанияя бўлиб нишонланг. Кимнидир хизмат кўрсатиш сифати билан лол қолдирганингизни барчага жикоя қилиб беринг.

9. Мижозларга хизмат кўрсатишни севадиган ва бунга тайёр бўлган инсонларни топиб, ишга олинг.

10. Барчага аъло даражадаги хизматни тақдим этинг: Мижозларга ҳам, ходимлар ва таъминотчиларга ҳам.

Маданият

Бугунги кунда биз барча хохловчиларни Лас-Вегасдаги бош офисимизга экспкурсияга таклиф этамиз. Экспкурсияга, тахминан, бир соат вақт кетади, биз бунда ўзимизни оммага очамиз, чунки бу одамларнинг бизнинг корпоратив маданиятни англаб етишлари учун зўр имконият, деб ҳисоблаймиз. У ҳақида ўқиш умуман бошқа нарса, лекин офисимизни келиб кўрганлар корпоратив маданиятимизни ҳис қилгач, унинг нима учун бундайин муҳим эканини тушунгандарини айтадилар.

Доим ҳам бундай бўлмаган. Албатта, биз ҳеч қачон компанияяга экспкурсия ташкил этиш ҳақида режа қилмаганмиз. Бу шунчаки ўз-ўзидан, қадам-бақадам ривожланган, ходимларимиз иштиёқ билан қабул қилиб, юқори босқичларга олиб чиқсан гояларга яна бир мисолдир.

Бугунги кунда бизда мингдан ортиқ таъминотчи ишлайди. Дастрраб бизга янги сотувчи келганида савдо-сотиқ бўлимидан бир киши уни иш фаолиятимиз билан танишириб чиқар эди. Вақт ўтиб, бу оғиздан-оғизга ўтиб, сотувчиларнинг бошқа танишлари компанияяга экспкурсия қилишни истаб кела бошлади ва дўст-яқинлар, мижозлардан ҳам шундай илтимослар туша бошлади.

Ўша пайтларда экспкурсия ўн дақиқадан ошмас эди, лекин янада кўпроқ инсонлар офисимизга экспкурсия

қилишга оқиб кела бошлагач, «Zappos» ходимлари ташриф буюрувчиларда қандай қилиб турли хил ажайиб ва кутилмаган таассурот қолдириш йўллари ҳақида ўйлай бошлиши.

Ҳар сафарги экскурсия ҳар хил кечади, чунки ҳар сафар офисда кимлар бўлишини ва ходимлар меҳмонларни қойил қолдириш учун ҳафтанинг охирги кунларига нимани режа қилиб кўйгани ҳақида билолмайсиз. Агар бугун келганингизда, дахлизимизда роботга ўхшатиб кўйилган попкорн тайёрлайдиган ва кофе қайнатадиган курилма кўрар эдингиз. Турли бўлинмалардан ўта туриб, кўнғироқчаларни, дастурчиларимиз кўлда ясаган боулинг йўлакчасини, қарокчи кийимидағи ёки караoke қилаётган ходимларимизни учратишингиз, дам олиш хонасини, хонаки ҳайвонларни кўришингиз ёки «хотдогхўрлик» қилишингиз мумкин. Яна сиз парад томошасини кўришингиз мумкин эди, чунки бўлимларимиздан бири Октоберфестни нишонлаш учун бу кунни айни вақти хисоблаб, уни нишонлаш учун парад уюштириди. Бундан ташқари, бизнинг шахсий ривожланиш бўйича тренерларимиз (лайф-коуч) (Тони Роббинснинг биздаги версияси) билан салом-алик қилишингиз, тож кийиб, эсдалик учун расмга тушиб, уни Серена Уильямс ёки Глэдис Найт келиб, офисимизга саёҳат қилганда тушган расмининг ёнига жойлаштиришингиз мумкин. Ёки бўлмаса, биз бир йилда бир марта нишонлайдиган Каллар куни байрамини кўришингиз мумкин, бу кунда кўнгилли ходимларнинг сочини бошқа ходимлар олиб ташлайди.

«Каллар куни»нинг келиб чиқиши

Биз ҳар йили нишонлайдиган «Каллар куни» байрами бир куни барда ичиб ўтирганимизда гиж-гижлаш оқибатида бошланган. Ўша куннинг эртасига қуйидаги электрон мактуб жўнатилди:

 **Сана:** 2005 йил, 7 июнь

Кимдан: Рени Напути

Кимга: «Zappos»нинг Лас-Вегасдаги ходимларига

Мавзу: Каллик – гўзаллик

Ҳаммага салом!

(Исми ошкор этилмайдиган кимса томонидан) «Zappos»даги барча мардман деган эркакларни челленжга чорлаймиз ёки янайм аникроғи, таклиф этамиз. Сочингизни кирдириб ташланг ёки бир дюймгача калталатинг. Тони ҳам бошини кал қилдиришда иштирок этади. Бунда «шунчаки»га иштирок этишга тайёр бўлган камида 30 нафар эркакни кутамиз. Ҳозиргacha бундай мардлар сони 15 тага етди.

Шунингдек, бизга яна бир қанча аёл кўнгиллилар керак бўлади, улар ўзлари билан камида 5 та қайчи олиб келишади. Бошини кал қилишда иштирок этмайдиганлардан «Zappos» логотиплари туширилган футболка ва кепкаларини кийиб келиб, тадбирни кўллаб-куватлаб туришларини илтимос қиласиз.

Тадбир эртага 7 июнь куни кундуз соат 12:30 да ошхона олдидаги майдончада ўтказилади. Агарда бошингизни кал қилдиришда иштирок этмоқчи ёки кўнгилли бўлишни истасангиз, илтимос, имкон борича тезроқ менга хабар қилинг.

Рахмат!

Ходимларимиз биладики, «Zappos»нинг асосий приоритети – бу компаниямизнинг корпоратив маданияти ҳисобланади. Гарчи мен ҳозир тилга олиб ўтган ходисаларнинг бари ўз-ўзидан амалга ошган (аксариятини амалга ошгандахина билиб қоламиз) бўлса-

да, биз амалга оширадиган ишларнинг бир канчаси мақсадли ва режалидир.

Мисол учун, автомобиллар тўхташ жойига яқинроқда қулайроқ кириш-чикиш эшиклари мавжуд бўлишига қарамай, барча ходимларимизни асосий кириш жойидан бинога киргизамиз ва ўша ердан чикарамиз. Олдинги бино фойдаланувчилари бинодаги барча эшиклардан чикиш учун фойдаланган экан, бироқ биз улардан факат фавқулодда ҳолатлардагина фойдаланишга қарор килганмиз. Биз бу бинога кўчиб келганимизда ходимларнинг тасодифан бир-бири билан учрашиб қолиши, мулокотқилиши эҳтимолини ошириш, ўзарожис боғланган жамоани вужудга келтириш мақсадимизнинг бир кисми сифатида шу карорга келганмиз.

Аксарият компанияларда ходимларнинг компьютер тизимига киришлари учун логин ва пароль талаб килинади. «Zappos»да эса яна бир боскичдан ўтишингиз талаб килинади: Ихтиёрий ходимнинг сурати экранда пайдо бўлади ва сиз унинг исмини берилган вариантлардан бирини танлаб, топишингиз керак бўлади. Шундан сўнг, ўша ходимнинг профиль (резюмеси) ва таржимаи ҳоли кўрсатилади, бундан ҳар бир ходим бир-бири ҳакида янада яхшироқ билиб олиши кўзланган. Нотўғри жавоб учун жарима қўлламасак-да, ҳар бир фойдаланувчига баллар бериб борамиз. Компанияда биз буни «Юз таниш ўйини» деб атаймиз.

Шу билан бирга, биз ходимлардан куйидаги фикрларга кўшиласизми ёки йўқми деган мазмунда сўровномалар ўтказиш орқали корпоратив маданиятимизнинг даражасини аниклаб борамиз:

Мен ишонаман, компаниямиз шунчаки фойда олишдан кўра юкорироқ мақсадни кўзлайди;

Мен «Zappos»га чинакам мақсад билан келганман, бу мақсад шунчаки ишлаш эмас;

Мен ўз карьерам йўлини ўзим назорат қилмоқдаман ва

«Zappos»да касбий ҳамда шахсий ривожланишда олдинга кетмоқдаман;

Ҳамкасбларимни оиласында дүстларим сифатида күраман;

Мен ўз ишимдан баҳтиёрман.

Биз ёндашувимиз қанчалик ноодатий ёки кутилмаган бўлишидан қатъи назар, доимо корпоратив маданиятимизни такомиллаштириш учун изланамиз. Масалан, изланишлар шуни кўрсатдики, «ходимларга иш жойида сўкинишига рухсат бериш ходимнинг ўзига ҳам, иш берувчига ҳам фойдали ҳисобланар экан». Мақолада ёзилишича, «ходимлар сўкинишни кундалик ҳаётида доим ишлатади, факат салбий ва ҳакорат қилиш мақсадида ишлатмаса бўлгани. Сўкиниш ижтимоий ҳодиса сифатида ҳамжиҳатликни ва гуруҳдаги бирдамликни кучайтириш учун, психологик ҳодиса сифатида эса стрессни енгиш учун ишлатилади». Биз бу мақолани менежерларга юбордик.

Вакт ўтиб, корпоратив маданиятта янада кўп урғу бериб, охир-окибат тушуниб етдикки, корпоратив маданият ва бренд аслида бир танганинг икки тарафидир. Бренд корпоратив маданиятнинг кўрсаткичидир (маданиятда юз берадиган ўзгаришлар брендда энг охирида намоён бўлади). Бу охир-окибат қуйидаги блогпостимни ёзишимга сабаб бўлди:

Корпоратив маданиятнингиз – сизнинг бренднингиздир

Хозирги кунда бренд яратиш 50 йил олдинги бренд яратиш жараёнидан фарқ қиласи. Авваллари бир нечта одам битта хонага йиғилиб олиб, компания брендини ривожлантириш йўлини белгилаб, ўз брендини одамларга Англияниш учун рекламаларга пул сарфлайверган. Агар етарлича пул сарфлашга қодир бўлсангиз, брендни яратади олишингиз мумкин бўлган.

Хозир эса замон бутунлай ўзгарган. Барчани бир-

бирига боғлайдиган интернет воситасида компаниялар, ёқадими-йўқми, янада шаффоф бўлиб бормоқда. Норози бўлган мижоз ёки жаҳлдор ходим компания билан боғлик бўлган исталган кўнгилсиз воқеани ўз блогида жойлаштириши мумкин. Бу воқеа электрон почта ёки «Twitter» каби хизматлар орқали худди ўрмон ёнғинидек таркалиши мумкин.

Хушхабар шуки, бунинг бутунлай акси ҳам юз бериши мумкин. Компания билан боғлик яхши бир воқеа ҳакида ҳам бирзумда миллионлаб одамлар ўкиши мумкин. Асосий муаммо шундаки, компаниянгиз обрўйига таъсир этадиган ҳар бир вазиятни назорат кила ололмайсиз.

Мисол учун, агар барда юрганингизда бирор компаниянинг ходими билан танишиб колсангиз, у ҳаттоки собиқ ходим бўлса ҳам, у ходим билан сухбатдан оладиган таассуротингиз сизга компания ҳакидаги, охир-окибат эса ўша компаниянгизнинг брендни ҳакидаги тасаввурингизга таъсир ўтказади. Бу таъсир салбий ёки аксинча, ижобий бўлиши мумкин. Факат мижоз билан сухбатга масъул бўлган ходимлар эмас, балки барча ходимлар компания брендига таъсир кила олади.

«Zappos.com»да анча аввал брендимиз фақат пойабзаллар, кийимлар ёки интернет тижорат билан чекланиб колмаслиги ҳакида келишиб олганмиз. Биз брендни мижозларга энг яхши хизмат кўрсатиш ва уларда ёркин таассурот қолдириш орқали ҳосил қиласиз деган эдик. Биз мижозга хизмат кўрсатишга биргина бўлим эмас, балки бутун компания масъул деб ҳисоблаймиз.

Реклама сизнинг брендингизни фақат маълум бир нуқтагача олиб бориши мумкин. Аксарият одамлардан авиация саноатининг (маълум бири эмас, балки умуман соҳа бўйича) брендни нима деб сўрасангиз, одатда, мижозларга хизмат кўрсатиш ва таассурот қолдиришнинг паст даражада эканлигини айтишади. Ёки АҚШнинг автомобиль саноати ҳакидаги таассуротларини

сўрасангиз, катта эҳтимол билан, улар берадиган жавоб автомобиль ишлаб чиқарувчилар рекламада кўрсатадиган таассуротга мос келмайди.

Хўш, агар сиз ўзингиз эга бўлишни хоҳлаган брендни ҳам яратса олмасангиз, компаниянгиз қаерга борсин?

Узок муддатли брендни яратишнинг энг яхши усули қандай?

Жавобимиз икки сўздан иборат: Корпоратив маданият.

Ишонамизки, «Zappos»дагиларда корпоратив маданият тўғри бўлса, бошка кўп нарсалар – мижозга хизмат кўрсатиш, узок муддатли бренд яратиш ёки ходим ва мижозлар садоқати кабилар ўз-ўзидан бўлаверади.

Корпоратив маданият ва бренд бир танганинг икки томони, деб ҳисоблаймиз. Бренд дастлаб ривожланишида маданиятдан бироз ортда қолиши мумкин, лекин охир-окибат уни барибир кувиб етади.

Корпоратив маданият – бренд демакдир.

Хўш, қандай қилиб ўз корпоратив маданиятингизни хосил қилиш ва уни саклаб туришингиз мумкин?

Барчаси ходимларни ишга олишдан бошланади. Биз «Zappos»да ходимни икки босқичда сухбатдан ўтказамиз.

Ходимларни ишга қабул қилиш бўйича менежер ва унинг жамоаси ходимдан одатдагидек иш тажрибасининг мос келиши, техник қобилиятлари, жамоада ишлай олиши кабиларни текшириш учун сухбатдан ўтказади. Шундан сўнг кадрлар бўлими номзоднинг компания маданиятига тўғри келиш-келмаслигини текширади. Номзод ишга қабул қилиниши учун ана шу икки босқичдан муваффақиятли ўта олиши лозим.

Биз жуда кўплаб истеъодли номзодларни рад этдик, ваҳоланки, улар даромад ва тушумларимизни оширишга киска фурсатда таъсир қила олишлари мумкин эди. Бирок улар бизнинг компаниямиз корпоратив маданиятига мувофиқ келмагани учун узок муддатда корпоратив маданиятни (алалоқибат, брендни ҳам) саклаб қолиши

мақсадида қиска муддатли фойдадан воз кечишни лозим топдик.

Ходимни ишга олганимиздан сўнг корпоратив маданиятни яратиш учун дастлабки босқич – трейнинг (малака ошириш, иш ўргатиш). Бош офисимизга ишга қабул қилинган ҳар бир шахс, ишлайдиган бўлими ёки лавозимидан қатъи назар, колл-марказ операторлари каби трейнингдан ўтади. Ҳисобчими, юристми, дастурчими – бари айнан ана шу трейнинг дастурини ўташи шарт бўлади.

Бу дастур тўрт ҳафтаға мўлжалланган бўлиб, унда компания тарихи, мижозларга хизмат кўрсатишининг аҳамияти, компаниянинг узок муддатли режалари ва корпоратив маданият фалсафамиз ўргатилади. Шундан кейин, икки ҳафта давомида телефон ёнида ўтириб, мижозлардан қўнғироқ қабул киласиз. Бу ҳам яна бизнинг шиор (ишонч)имизга бориб тақалади – мижозларга хизмат кўрсатиш биргина бўлимнинг эмас, балки бутун компаниянинг вазифаси бўлиши керак.

Дастлабки ҳафта якунига келиб, гурухдагиларга бир нарсани таклиф қиласиз. Агар кимда-ким компанияни тарк этса, икки минг АҚШ доллари (ишлаган ҳафтасига қўшимча равишда) микдорида пул таклиф этамиш ва бу таклиф ўқишининг сўнгги ҳафтасигача ўз кучида қолишини айтамиш. Биз ходимнинг факат пул илинжида келмаётганига ишонч ҳосил қилишни истаймиз. Ходимларимиз бизнинг узок муддатли мақсадларимизга ишонч билдиришини ва компаниямиз маданиятининг бир қисми бўлишини истаймиз. Одатда, бу таклифни ўртача 1 фоиздан кам номзодлар қабул қиласи.

Корпоратив маданиятта ургу беришнинг афзалликларидан бири офисимизга мухбирлар келганида яққол намоён бўлади. Бошқа кўплаб компаниялардан фарқли ўлароқ, мухбирлар билан гаплашадиган ходимлар рўйхатини бермаймиз. Бунинг ўрнига, биз уларга бутун

офисни айланиб, истаган одами билан сұхбатлашиши мүмкінлигини айтамиз. Бу бизнинг корпоратив маданиятимизнинг бир қисми бўлган шаффоффликни таъминлаш усулимиздир.

Биз «Zappos»нинг корпоратив маданиятини 10 та ўзак қадриятларимиз орқали расман белгилаб кўйганмиз:

1. Шундай хизмат кўрсатайликки, мижоз «Ко-йил, яшавор!» деб юборсин;
2. Ўзаришларга қучоқ очиш ва қўллаб-кувватлаш;
3. Кувноқ ва бироз ғайриодатий мухитни яратиш;
4. Саргузаштларни севиш, ижодкорлик ва қолиддан ташқари фикрлаш;
5. Ўсиш ва ўрганишга чанқоқлик;
6. Коммуникация (маълумот алмапинув) орқали очиқ ва самимий муносабат ўрнатиш;
7. Кўтаринки жамоавий рух ва оиласвий мухит яратиш;
8. Кам нарса билан кўпига эришиш;
9. Иштиёқ ва қатъият кўрсатиш;
10. Камтар бўлиш.

Кўплаб компанияларда асосий калит қадриятлар мавжуд бўлса-да, бирок унга доим ҳам амал қилинавермайди. Одатда, уларнинг қадриятлар рўйхати пресс-релизни эслатади. Уларни ишнинг биринчи кунидаёқ ўрганиб олса бўлади, шундан сўнг у шунчаки дахлиз деворида осигурилган майносиз плакатга айланади.

Биз ўзингиз амал киладиган асосий калит қадриятларни аниклаб олишингиз жуда мухим, деб хисоблаймиз. Амал қилиш деганда, сиз айнан унга асосланган ҳолда ходимни ишга олишингиз ёки ишдан

олишингиз мумкин бўлиши тушунилади. Агар сиз шунга тайёр бўлсангиз, унда сиз бренд билан ҳамоханг корпоратив маданиятни яратиш йўлидан кетмоқдасиз. Шунда сиз нафакат маркетинг ёки жамоатчилик билан алоқалар бўлимингизнинг мутахассисларини, балки барча ходимларингизни брэндингиз элчисига айлантира олишингиз мумкин. Ва улар компаниянинг ичидаги ҳам, ташкарисида ҳам брэндингизни тарғиб кила олади.

Умуман олганда, эслаб қолингки, агар компаниянинг маданиятини тўғри танлай билсангиз, қолган барча нарсалар, жумладан, буюк брендни яратиш ҳам ўз-ўзидан амалга ошаверади.

Бугунги кунда асосий қадриятларимиз фаолиятимизнинг ҳар бир йўналишида дастуруламал бўлсада, компаниямиз тарихига қарасак, дастлабки 6-7 йил мобайнинда уларнинг расмий рўйхати мавжуд бўлмаган. Бу шунчаки менинг айбим, чунки буни қоғозбозлик, деб хисоблаганман. Ва бунга иложи борича қаршилик килганман.

Энди эса бир ходим мени асосий қадриятларимиз, яъни корпоратив маданиятимизнинг расмий таърифини тузиб чиқиш – ўсиш ва ривожланишимиз учун муҳимлигига ишонтирганидан мамнунман.

Афсусланган тарафим шуки, биз буни эртарок килишимиз керак эди.

Ўзак қадриятлар

Сан-Францискодалигимизда мен, Ник ва Фред учаламиз бўлғуси ходимларни «Zappos»нинг корпоратив маданиятига мос келиш-келмаслигини аниқлаш учун сұхбатдан ўтказардик. Лас-Вегасга компанияни кўчиргач, бизнесимиз гуркираб ривожланаётгани сабабли кўп янги ходимлар ишга кабул қилишга тўғри келиб қолди.

Ҳар бир ходимни ишга олишда аниқ бир ўлчов меъёrlар йўқ эди. Бирор номзодлар кўпайиб кетгач, корпоратив маданиятимизга мос келиш-келмаслик

деганда ходимнинг айнан қайси жихатини эътиборга олиш кераклигига иккиланиб қолдик.

Компания юристларидан бири бизга асосий қадриятлар рўйхатимизни тузиб олишимизни маслаҳат берди. Мен номзодда кўришни хохлаётган сифатларни ёзиб чиқдим. Компаниямиз маданиятини ўзида акс эттириш оркали бошқаларга ўрнак бўла оладиган барча ходимларни кўз олдимга келтирдим ва уларнинг айнан қандай қадриятларни ўзида гавдалантиришини аниклашга ҳаракат қилдим. Шу билан бирга, корпоратив маданиятимизга мос келмаган барча ходим ва собик ходимларни ҳам эслаб, уларда компания маданияти учун зарур айнан қайси жихатлар етишмаслиги ҳақида бош котирдим.

Рўйхат тузишни бошлагач, корпоратив маданият ҳақидаги китобни ёзишда ҳар бир ходимдан компаниямиз маданияти ҳақида сўраб чиққанимиздек, асосий қадриятларимизнинг қандай бўлиши кераклиги ҳақида ҳам барчанинг фикри муҳим деган хулосага келдим.

Дастлабки рўйхатдан жами 37 та қадриятлар жой олди.

Корпоратив маданият барча нарсани белгилаб беради;
«Яшавор» / Хизмат кўрсатиши;

Ишонч ва эътиқод;

Идеализм;

Компаниянинг ўсиши;

Узокни кўзлаш;

Шахсий ўсиш ва мукаммаллашиш;

Иложи йўқ нарсага эришиш;

Жамоа;

Оила/Муносабатлар;

Ҳиссий алоқалар;

Жасурликни ривожлантириш;

Ваколат бериш;

Шахсий эгалик;

Ташаббускорлик;
Бор имкониятни ишга сола билиш;
Хато қилишдан құрқаслиқ;
Файриодатийлик;
Пастдан тепага (тепадан пастга);
Хамкорлик;
Тинглай билиш;
Ортиғи билан коммуникация қилиш;
Маҳорат билан ишлаш;
Үзгаришларга таяниш;
Доимий, қадам-бақадам яхшиланиш;
Кам сарфлаб, күпига еришиш;
Инновация;
Тилга тушиш;
Омад;
Иштиёқлилик ва күттаринкилик;
Шахсийлик;
Очиқлиқ ва самимийлик;
Кувноқлиқ;
Илҳом олиш;
Бироз ғалатилик;
Үз устимиздан кула билиш;
Хотиржам ишонч ва хурмат.

Рўйхат жуда узайиб кетган эди, шунинг учун биз буларданайнан қайсилари энг муҳимлиги ва мақсадимизни чинакам ифодалаб бера олиши ҳақида ўйлай бошладик. Шу билан бирга, саналғанларидан қайсиларини битта қадриятга бирлаштириш мумкинлигини муҳокама қилдик.

Бир йил мобайнида барча ходимларга электрон почта орқали хабар бериб турдим, қайси қадриятлар муҳимлиги ҳақида таклиф ва мулоҳазалар қабул қилдим.

Жараён бунчалик кўп вақт олаётганидан ҳайрон колдим, бироқ рўйхатга нимани киритишимииздан қатъи назар, биз учун чинакамига муҳим бўлган

қадриятларнингина қамраб олишимиз зарур эди.

Қадриятларнинг компанияга мос келиш-келмаслиги масаласи – шуниси энг мушкули эди. Бояги «Корпоратив маданиятингиз – сизнинг брэндингиз» деб номланган блогпостимда айтганимдек, кўплаб корпорацияларнинг «ўзак қадриятлар» ёки «тамойиллар қўлланмаси» мавжуд. Лекин муаммо шундаки, улар жуда баландпарвоз эшитилади ва маркетинг бўлими чиқарадиган пресс-релизга ўхшайди. Кўпинча янги ходим у билан ишнинг биринчи кунида танишиб чиқади, шундан кейин уларофис деворларидағи маъносиз плакатга ўхшаб қолади.

Бизнинг асосий қадриятларимиз билан ҳам шундай бўлишини хоҳламас эдик. Биз учун компанияга тўла мос келадиган қадриятлар рўйхати зарур эди, токи биз унга тўла ишонган ва таянган ҳолда ходимларни ишга олишимиз ва ишдан бўшата олишимиз мумкин бўлсин. Агар бундай қиломасак, демак, бу қадриятлар аслида соxта бўлиб чиқади.

Алалоқибат, биз 10 та ўзак қадриятларнинг сўнгти рўйхатини тузишга муваффак бўлдик, биз ундан хозиргача фойдаланамиз:

1. Шундай хизмат кўрсатайликки, мижоз «Қоийил, яшавор!» деб юборсин;
2. Ўзгаришларга қучоқ очиш ва қўллаб-қувватлаш;
3. Қувноқ ва бироз ғайриодатий мухитни яратиш;
4. Саргузаштларни севиш, ижодкорлик ва қолидан ташқари фикрлаш;
5. Ўсиш ва ўрганишга чанқоқлик;
6. Коммуникация (маълумот алмашинув) орқали очик ва самимий муносабат ўрнатиш;
7. Кўтаринки жамоавий руҳ ва оилаский мухит яратиш;
8. Кам нарса билан кўпига эришиш;

9. Иштиёқ ва қатъият кўрсатиш;
10. Камтар бўлиш.



Баъзи ходимлар ҳалолликни ҳам киритишини таклиф этишди, бироқ мен буни атайлаб тушириб қолдирдим. Агарда биз ўзак қадриятларга қулай бўлган пайт мурожаат килмасдан, ҳар бир ишимизда унга риоя қилсак, шунда ҳалолликнинг ўзи ҳосил бўлади, деб ўйладим.

Бир муддат ўтиб, ходимларни ишга олиш бўйича бўлимимиз компаниямизнинг барча ўзак қадриятларини камраб олган, янги номзодларни ишга олиш учун бериладиган интервью саволларини тузди ва номзоднинг мувофиқлигини шулар асосида текширадиган бўлдик.

Ходимни ишга қабул қилишимизга энг катта таъсир кўрсатадиган қадрият – камтарлик бўлиши мумкин. Кўплаб тажрибали, ақлли ва истеъодли шахслар билан сухбатлашамиз, уларни ишга олсак, дарров компаниянинг тушуми ва даромади ўсиб кетишини тушунамиз. Бироқ уларнинг аксарияти ўта худбин бўлиб чиқади ва биз уларни ишга қабул қилмаймиз. Аксарият компанияларда ходимларни ишга қабул қилиш бўйича менежер айнан шундай номзодларни ишга олиш кераклигини ва улар компанияга жуда катта қўшимча қиймат қўшишини айтиб баҳс қилиши мумкин. Балки, шунинг учун ҳам кўплаб улкан корпорацияларнинг корпоратив маданияти зўр бўлавермайди.

«Zappos»да бизнинг фалсафамиз шундан иборатки, қисқа муддатли йўқотишларга узоқ муддатли фойда учун рози бўламиз. Компания маданиятини саклаш ва қадриятларга содик қолиш узоқ муддатли фойда келтиради.

Ўзак 10 та қадриятлар рўйхати тайёр бўлгач, уларнинг ҳар бирига батафсил таъриф бериб, электрон почта орқали барча ходимларга жўнатиб юбордим. Биз ҳалигача ўша хатга мурожаат қиласмиз. Дарҳакиқат, янги

ходим компанияга олинар экан, ўзак қадриятлар ҳақидағи хужжатни ўқиб, танишиб чикканлигини ёзма равища тасдиклайди ва қадриятларга мувофиқ иш күриш – ундан кутиладиган бирламчи талаб эканлигини англаб етади.

«Zappos»нинг ўзак қадриятлари ҳақидағи хужжат



Компания сифатида ривожланиб борганимиз сайин шакллантирадиган ўзак қадриятларни аниқ ва изчил ифодалаш янада мұхим ақамият касб этиб борди. Ривожланған сари янги-янги ходимлар келиб қүшилмокда, шу боис биз ҳар бир ходим яқділ ўйлаётганига ва «Zappos»ни қандай күришни хохласак, шунга мувофиқ ишлаётганига ишонч ҳосил қилишни истаймиз.

Кейинчалик ходимнинг самарадорлик даражасини баҳолаш мезонларини қайта ишлаб чиқиб, унинг бу күрсаткичини «Zappos»нинг ўзак қадриятларига мувофиқ карор қила олиши ва бу қадриятларни қанчалик ўзида акс эттира олиши асосида баҳолаш тизимини яратмоқчимиз.

Ҳар бири яна бир неча қадриятларга бўлинадиган 10 та энг асосийларини саралаб чиқдик:

- 1. Шундай хизмат кўрсатайликки, мижоз «Қо-йил, яшавор!» деб юборсин;
- 2. Ўзгаришларга кучоқ очиш ва қўллаб-кувватлаш;
- 3. Кувноқ ва бироз ғайриодатий мұхитни яратиш;
- 4. Саргузаштларни севиш, ижодкорлик ва қолипдан ташқари фикрлаш;

5. Ўсип ва ўрганишга чанқоқлик;
6. Коммүникация (маълумот алмашинув) орқали очиқ ва самимий муносабат ўрнатиш;
7. Кўтаринки жамоавий рух ва оилавий мухит яратиш;
8. Кам нарса билан кўпига эришиш;
9. Иштиёқ ва қатъият кўрсатиш;
10. Камтар бўлиш.

Идеал ҳолатда биз ушбу 10 та қадриятнинг барчасини фаолиятимизнинг барча жабҳасига, жумладан, ўзаро ва мижозлар билан муомаламиз, сотувчилар ва бизнес ҳамкорлар билан муносабатимизга татбиқ этишни истаймиз.

Олдинда килинадиган ишлар ҳали жуда кўп ва биз қабул қилган қадриятлар бизнинг фикрлаш, ишлаш ва коммуникация тарзимизга сингигунича ҳали анча вакт бор.

Ривожланган сари жараёнлар ва стратегия ўзгариши мумкин, бироқ истардикки, қадриятларимиз ўз ҳолича қолсин. Бизнинг ўзак қадриятларимиз барча қарорларимизни қабул қилишда дастуруламал бўлиши керак. Ўзак қадриятларимизни илк бора эълон қилаётганимиз сабабли келаси йилларда унга ўзгартириш ва кўшимчалар киритилиши эҳтимоли бор. Лекин биз охир-оқибат компанияни бошқариш ва уни ривожлантириш учун дастуруламал бўлиб хизмат қиласидиган охирги рўйхатни, албатта, яратамиз, деб ният қилганимиз.

Барчани компанияда қилинаётган ҳар бир ишни кайта сарҳисоб қилиб чиқишига ва ўзак қадриятларимизга янада мувофиқ келиши учун қандай ўзгаришлар қилиш мумкин эканлиги ҳакида фикрлаб кўришга чақираман. Масалан, бизнинг ишчилар учун қўлланмамизни

бошқа исталған компанияда учратиш мүмкін бўлган кўлланмадан фарқ қиласидиган, кўпроқ «Zappos»га мос ва хос кўринишга келтириш учун уни қайта ишлаб, янада такомиллаштириш керак. Ички фойдаланадиган хужжатларимиз, ишга кирувчи тўлдирадиган анкета, баъзи бир электрон шаблонлар, веб-сайтимизнинг айрим қисмлари ва бошқа кўп нарсаларни «Zappos»га мос бўлиши ва компания маданиятини ўзида акс эттириши учун яна ҳам такомиллаштириш мүмкин.

Шундай экан, ҳаммани ҳар ҳафта «Zappos»ни ўзак қадриятларга янада мувофиқлаштирадиган камида битта яхши ўзгариш қилишга чақираман.

Яхшиланишлар жуда тез бўлиши шарт эмас, формулярга сал қизикроқ бўлиши учун қўшимча бир ёки иккита қўшимча гап киритса ҳам бўлади. Бироқ агар ҳар бир ходим ҳар ҳафтада қадриятларимизни мукаммаллаштиришга хизмат қиласидиган атиги биттадан кичик ўзгариш қилса ҳам, шу йилнинг охирига қадар 50 мингдан ортиқ кичик ўзгаришлар бўлиб, бугунимиз билан қиёслаганда яхшироқ томонга инқилобий қадам ташлаган бўламиз.

Куйида энг асосий 10 та қадриятимизнинг ҳар бирига алоҳида тўхталамиз.

Шундай хизмат кўрсатайлики, мижоз «Қойил, яшавор!» деб юборсан

«Zappos»да ҳар қандай ишни мижозларни ҳайратда қолдириб бажарса арзиди.

«Қойил, яшавор» – қисқагина, оддий сўз бўлса-да, у кўп нарсани англатади. Инсонларни ҳайратда қолдириш учун ўзингизни ўзгача тарафдан кўрсатишингиз керак, яъни ноанъанавий ва янгича нимадир қилишингиз керак. Ҳамма кутганидан бошқачароқ ёндашув қилишингиз керак. Ҳарна мижозга ҳиссий таъсир қила билиш лозим. Биз ўртамиёна компания эмасмиз, бизнинг хизматимиз ҳам ўртамиёна эмас, бизнинг ходимлар ҳам ўртамиёна

бўлишини хоҳламаймиз. Ҳар бир ходимдан мижозни ҳайратда қолдиришини кутамиз.

Компания ичида ҳамкаслар билан бўладими, компаниянинг ташқарисида мижоз ёки ҳамкорларимиз билан бўладими, одамларни қойил қолдира билиш компаниямизнинг тилга тушишига сабаб бўлади. Бизнинг фалсафамиз шундан иборатки, «Zappos» молиявий имтиёзлар (маҳсулотга чегирмалар ёки мижоз учун бошқа бир енгилликлар) билан эмас, балки хизмат кўрсатиш ва мижоз билан мулоқот қилиш сифати билан ҳаммани лол қолдиришни кўзлайди.

Биз мижозларимизни, ҳамкасларимизни, сотувчи-ларимизни, ҳамкорларимизни ва узок муддатда инвесторларимизни лол қолдиришга интиламиз.

Ўзингизга савол беринг: Янада кўпроқ инсонларни ҳайратда қолдириш учун ўз ишимда ёки хулкимда нималарни яхшиласам бўлади? Бугун, ҳеч курса, бир инсонни ҳайратда қолдира олдимми?

Хизмат кўрсатиш Билан мижозни ҳайрат- да қолдириш

(Марта К. хикоя килади)

1984 йили Европа бўйлаб бир неча ҳафталик саёҳатга чиқдим. Саёҳатимнинг охирги манзили Лондон эди ва шундан сўнг АҚШга қайтишим керак эди, сумкамда «омадли» бир долларим ва бир сиқимгина хориж тангаларидан бўлак ҳеч вақо қолмаган эди.

Чанқаб кетиб, тамаддихонадан газли сув олдим, буфетда «Хорижий валютада ҳам савдо қиласиз» деб ёзиб қўйилган экан. Навбатим келгунича сувни ичиб деярли тугатаёзган эдим ва бирдан «Хориж тангаларини қабул қилмаймиз, фақат банкнота оламиз» дейилган ёзувга кўзим тушди. Кассачини тангаларимни қабул қилишга

күндира олмагач, ахийри «омадли» бир долларим билан видолашмокчи бўлиб турган эдим.

Тўсатдан ортимда турган киши олдинга ўтиб, сувнинг пулини ёнидан тўлаб юборди. Унга раҳмат айтиб, барча тангаларимни унга узатдим, у эса олмади. У менинг ҳам бошқаларга яхшилик улашишимни сўради. Лондон аэропортида бир нотаниш одам билан кечган бу суҳбат бутун умр ёдимда қолди.

Магнитлентасини тезлаштиргандек орадан вақт ўтди, 2008 йил, ўтган сешанба тонги, «Walgreens» супермаркетидан узун бозорлик рўйхатимдаги маҳсулотларни олиб, кассанинг ёнига яқинлашдим. Орқамда бир нечтагина нарса кўтариб, икки киши навбатда туарар эди, табиийки, уларга навбатимни бериб, олдинга ўтказдим. Навбатим келгач, кассир, тахминан, учинчи нарсамни сканердан ўтказаётган пайт кексароқ киши навбатга келиб қўшилди. Кўлида икки банка ерёнғоқ, бальзам ва лаб учун бальзам кўтариб туарар эди.

Унга қараб, юкини менга беришини сўрадим. У таажжубланиб: «Нега?» деб сўради. «Яхшилик қилмоқчиман» демоқчи бўлиб «ҳайратда қолдирмоқчиман» деб юборибман. «Zappos»да ишлаганим туфайли, «яхшилик» сўзининг ўрнига «ҳайратда қолдириш» сўзи алмашиб қолган эди. Хатойимни тўғрилашнинг ўрнига яна шу сўзни такрорладим. Кассир унинг юкларини сканердан ўтказгач, пакетга солиб, кўлига тутқазди.

У эса менга қараб: «Менга айт-чи, ҳайратда қолдириш нима дегани?» деб сўради. Унга Лондонда нотаниш одам билан юз берган воқеани айтиб бердим, у буни эшитгач, менга чуқур миннатдорлик билдириб, дўкондан чиқиб кетди. Энди эса кассир менга ҳайрон қараб туарар эди. У

ҳам «хайратда қолдириш»нинг нима эканлигини билишни хоҳларди, мен эса «Zappos»да ишлашимни ва бизнинг асосий қадриятларимиздан бири мижозларимизни хайратда қолдириш эканлигини тушунтирудим.

Дўйондан чиқар эканман, ўзимни бошқача ҳис килар эдим. Мен нафақат ҳайрат хиссини улашган эдим, балки уни иккита инсон билан баҳам кўрган эдим ва бир кун келиб улар ҳам кимгadir бу ҳисни улашишига умид килардим.

Бир неча кун ўтиб, тунги навбатчиликдан кайтаётиб тонгти соат 7:00 да яна ўша супермаркетга кирдим. Дўйонга киришим биланоқ «Салом, Марта» деди кимдир. Бу ўша кунги кассир эди. Ҳайрон қолиб сўрадим: «Наҳотки, исмимни эслаб қолган бўлсангиз?» У «Исмингизни чекдан қараб ёзиб олган эдим, чунки инсонларни ҳайратда қолдиришни ва уларга яхшилик улашишни менга ўргатган инсонни унутишни хоҳламасдим. Бу воқеани бошқаларга ҳам сўзлаб бердим», деб жавоб берди.

Мен ҳайратда эдим, чунки энди у менга ҳайрат хиссини ҳадя этаётган эди.

Ўзгаришларга кучоқ очиш ва қўллаб-қувватлаш
Ривожланаётган компания доимий ўзгаришда бўлади. Баъзилар учун, хусусан, йирикроқ компания ходимлари учун доимий ўзгаришларни бошдан кечириш дастлаб ноқулайлик туғдириши мумкин. Ўзгаришларга тайёр бўлмасангиз, демак, бизнинг компанияга мос эмассиз.

Биз нафақат ўзгаришлардан кўрқмасликни, балки унга иштиёқ билан кучоқ очишни ва, ундан ҳам муҳимроғи, ўзгаришларни қўллаб-қувватлаш, уни ривожлантиришни ўрганишимиз керак. Доимо ўзгаришларни режалаб, унга тайёр бўлиб боришимиз шарт.

Гарчи ўзгаришлар исталган йўналишда юз бериши

мумкин бўлса-да, компаниядаги ўзгаришларнинг аксарияти қуидан – мижозлар ва уларнинг муаммоларига яқинроқ турадиганлардан бошланиши керак.

Хеч қачон статус-квони сакламанг, у билан қаноатланиб колманг, муаммога учраган компанияларнинг аксарияти ўзгаришларга мослашишга ва унга дарҳол жавоб беришга қодир бўлмаган компаниялардир.

Биз доимо ўзгаришдамиз. Агар рақобатчиларимизни ортда қолдиришда давом этмоқчи бўлсак, доимий тарзда ўзгариб, уларни ўйлантириб қўйишимиз керак. Бошқалар бизнинг имижимииздан, элтиш хизматимииздан ва веб-сайтимиз кўринишидан нусха олиши мумкин, бироқ улар бизнинг одамларимиз, корпоратив маданиятимиз ва хизматимиизни ўзига нусхалаб олиши амримаҳол. Токи ўзгаришларни қўллаб-қувватлаш корпоратив маданиятимизнинг ажralмас қисми саналар экан, рақобатчиларимиз ривожланишда бизга тенглаша олмайдилар.

Ўзингизга савол беринг: Ўзгаришларни қай тарзда режалаипман ва унга тайёрланяпман? Янги қийинчиликларга оптимистик қарайпманми? Ўзгаришларни ёқлаб, унга интиламанми? Ўзгаришлар кўпроқ қуидан пайдо бўлишини қандай қўллаб-куватлайман? Қўл остимдагиларга ўзгаришларни қўллаб-куватлаш (кучайтириш) учун ваколат беряпманми?

Бир фойзнинг кудрати

(Альфред Линнинг (компаниянинг молиявий директори)
блогости, 2009 йил, январь)

Энг яхши дамлар эди ўшанда ва энг ёмон
дамлар эди ўша пайт.
«*Иккى шахар хикояси*», Чарльз Диккенс

CNBC телеканалининг Reports-2008 дастурида
Мария Бартиромо Чарльз Диккенсдан шу жумлани
иқтибос келтирас экан, Диккенс бунда Франция

революциясини назарда тутган бўлса-да, буни 2008 йил воқеаларига нисбатан ҳам бемалол ишлатса бўлаверади, дея таъкидлади.

Ҳеч шубҳасиз, 2008 йил биринчи ярми иқтисодиётнинг заифлашуви ва чакана савдода аста-секин тушиш билан бошланиб, йилнинг иккинчи ярмида эса кескин пастлаш кузатилди. Турли манбаларга кўра, онлайн-савдо хажми бу галги байрам мавсумида 3-5 фоизга тушиб кетган, яъни онлайн-савдо илк маротаба ўсишни қайд этмади. Унчалик ҳам кўтаринки бўлмаган бу хисоботлар «Zappos» қанчалик омадли бўлганини кўрсатади, чунки биз бу оғир дамдан сакраб ўта олдик ва ажойиб натижалар кўрсатдик.

Тўғри, барчаси аъло даражада бўлмади, лекин ҳар нима бўлганда ҳам, 2008 йил биз учун зўр йил бўлди. Расмий молиявий натижалар молиячиларимиз йиллик баланс маълумотларини тўлиқ ёпгунича – март ойигача эълон қилинмайди. Бироқ ўтган йил давомида ва байрам мавсумида (онлайн-савдо сустлашган пайт) ҳам савдо хажмимиз ошибб, бир миллиарддан ортди, деб айта оламиз. «Кам харажат билан ҳам, кўпроғига эришса бўлади» тамойилига амал қилиб, даромадимизни ва ижобий пул оқимиини ушлаб қолдик ҳамда мижозларимизга хизмат кўрсатишдан завқ олдик.

2008 йилни эслаб кувониб ўтирасак ўтираверамиз, аммо биз ҳозир 2009 йилнинг остонасида туриб, узоқ кутилган дам олишдан қайтдик ва ўз йўлимизни давом эттириш вақти келди. Директорлар кенгаши тасдиклаб бериши биланоқ, мақсадгага эришиш йўлимизда яна «расмий» режамизни амалга оширишда давом этамиз, лекин бу «расман» бошлангунича нима билан машғул бўлишимиз аниқ.

«Zappos»нинг ўзак қадриятлари ҳакидаги хужжатни қайта кўздан кечириб, компаниянинг янада яхширок бўлиши учун ҳар ҳафта камидан биттадан ўзгариш килишга сизни чорлаб қоламан. Аслида, буни ҳар куни килсак, нур устига аъло нур. Бу сизни бироз чўчитиши мумкин, лекин унутманг, ўзгаришлар кескин, қойилмақом бўлиши шарт эмас. Ҳар куни компанияни 1 фоиздан яхшилаб бориш ҳакида ўйланг. Натижа тезда билинади ва йил охирига бориб, 365 фоиз ёки 3,65 баробар эмас, балки 37 баробарга яхшиланамиз.

Ҳар кун уйғонгач, бугун «Zappos»ни қандай килиб 1 фоизга яхшилаш ҳакидагина эмас, балки ўзингизни ҳам шахсий ва касбий жабҳаларда қандай килиб 1 фоизга ўстириш мумкинлиги ҳакида ўйланг. Хуллас қалом, биз ходим сифатида ўзимизни кучайтирмасак, компания ҳам «Zappos» сифатида кучайиши қийин кечади.

Тасаввур килиб кўринг-а, ҳар куни ўзингизни 1 фоиздан яхшиласангиз, йил охирига бориб, карабсизки, ўзингизни ва «Zappos»ни 37 баробарга кучайтирасиз. Тасаввур килинг, агар «Zappos»нинг ҳар бир ходими худди шундай қилса нима бўлади? Тасаввур қиляпсизми, сиз, «Zappos» ва бутун дунё 1 йилдан сўнг қанчалик яхши бўлишини?

Тўғри, осон бўлмайди ва 2009 йил ҳам, ҳеч шубҳасиз, ўз қийинчилкларини тайёрлаб турибди, лекин биз, албатта, уddaраймиз. 2009 йилингиз ажойиб ва баҳтли келсин!

PPS. Математика билимдонлари учун масала. Агарда йилнинг бошида 100 доллар пулингиз бўлса ва уни ҳар куни 1 фоиздан кўпайтиришга имкон бўлса, йилнинг охирига бориб, сизнинг пулингиз 3778,34 долларга айланади. Яъни,

$$100\$ \times (1 + 1\%)^{365} = 3778,34 \$$$

Демак, йилнинг бошидаги 100 доллар пулингиз йилнинг охирида 37,78 баробарга кўпайди. Мана ҳар кунлик 1 фоизнинг кудрати қанчалик катта!

PPS. Ҳа, мен математика ишқибозиман. Ёшлигимда футбол ўйнашга унчалик ҳам хушим бўлмаган, шунинг учун математика тўгаракларига борганман. Сабрингиз учун раҳмат!

Қувноқ ва бироз ғайриодатий мұхит яратиш

«Zappos»ни бошка кўплаб компаниялардан ажратиб турадиган фарқ шундаки, ўйин-кулгини ва бироз ғайриодатийликни қадрлаймиз. Биз зерикарли ва тунд катта компаниялардан бири бўлишни хоҳламаймиз. Ўз устидан ҳам кула олишга қодир бўлишни хоҳлаймиз. Кундалик ишимизда қувноқлик ва юмор кидирамиз.

Бу шуни англатадики, биз қилаётган ишларнинг аксарияти бироз ноодатий бўлиши мумкин, акс ҳолда ғалати кўринмас эди. Лекин шундай бўлса-да, биз бутунлай бачкане ёки ахмоқона ғалатиликка интилмаймиз. Биз шунчаки ҳаётни барча учун қизиқарлироқ қилиш йўлида бироз ноодатий бўламиз. Компанияда ноёб ва эсда қоларли киёфа бўлишини истаймиз.

Корпоратив маданиятимиз бизни муваффакиятга элтадиган омилдир. Унга таянган ҳолда, турфа хилликни ва ҳар бир инсоннинг ўзига хослигини қабул қиласиз. Ходимларимиз ишда ўз шахсиятини намоён этишини хоҳлаймиз. Та什қаридан қараган одамга бундай позиция бачканаликдек туйилиши мумкин. Лекин биз ўз аслимизча кўринсаккина, яхши ишлашимиз мумкин, деб хисоблаймиз. Биз ўзаро алоқаларда ҳам, ишда ҳам ғайриодатийлик намоён этишини хоҳлаймиз.

Ностандартликка интилишнинг яна бир оқибати шундаки, у инсонларни қолипдан ташқари фикрлашга ва новатор бўлишга ружлантиради. Ҳар бир ходимнинг ўз ишидан завқ олишини улардаги ғайриодатийликка бирлаштирганингизда ҳар икки томон ютади: Ходимлар

үз ишига янада кизиқиши билан киришади ва компания янада күпроқ инновацион бўлиб боради.

Ўзингизга савол беринг: Оз-оздан ноодатийликка ўтиш ва бошқалардан фаркланиб туришимиз учун нима қилишимиз мумкин? Ҳам кизик, ҳам одатий бўлмаган нима бор? Ишимдан не қадар завқ оляпман ва буни ошириш учун нима қилса бўлади? Қандай қилиб ҳамкасларнинг ҳам ишини қизикарли қилса бўлади?

Қувноқ ва бироз ғайриодатий: Жонли чат

(«Zappos» мижози Тодднинг блогости)

«Zappos»нинг мижозлар билан онлайн-чат хизматини синааб кўрганимнинг сабаби – мен велосипедлар сотиладиган дўконда бош крузерман ва «Zappos» мен билан қандай қилиб чат қилар экан деб қизикдим. «Zappos» ўзининг хизмат кўрсатиш даражаси билан машхур ва мижозлар билан ишловчи операторларига ўзлари хоҳлаган тарзда сухбат олиб боришлинига имкон беради. Бугун кечки пайт мен шундан фойдаланиб, онлайн-чат хизматида мен билан сухбатлашган йигитни бир текшириб кўрмоқчи бўлдим. Ўзимга «Тимми» деб ном кўйиб олиб, исталган маҳсулот бўйича хаёлимга келган саволларни беравердим. Куйида шу сухбатни ҳавола этаман. «Zappos»га тан бердим! Онт ичаман, буни кутмаган эдим.

Жонатан билан кечган сухбат

Жонатан: Салом, Тимми. Сизга қандай ёрдам керак?

Тимми: Билмайсизми, «G-Shock Atomic Solar»нинг AWG101СКУ#7403774 русумидаги қўл соатининг ўлчами қандай? Яъни у қандай билак ўлчамига мос келади? Тиммининг билаклари жуда семиз. Тиммига Гранде (кўп функцияли) соат керак.

Жонатан: Тиммига мос келадиган бирортасини

қараб күраман.

Тимми: Қойил. Шундан сүнг Тимми ҳақида учинчи шахсда суҳбатни давом эттирсақ бўладими? Тимми шу йўсинда Тимми ҳақида суҳбатлашиши орқали Тиммининг ўзига бўлган ишончини оширмоқчи.

Жонатан: Жонатан уишибу суҳбат давомида олмошларни ишлатмасликдан мамнун бўлади.

Тимми: Жонатан ва Тимми яхши чиқишиб кетади.

Жонатан: Тимми Тиммининг билагини ўлчай оладими?

Тимми: Тиммининг билаги катта. Лекин бақалоқ эмас. Тиммида керакли ўлчов асбоблари йўқ. Тиммининг бўйи 1.95, оғирлиги 100 кг, агар бу Жонатанга ёрдам бера олса.

Жонатан: Тиммининг омади бор экан, бу ропта-роса Жонатаннинг акасининг ўлчами, бу, албатта, ёрдам беради. Жонатан бу қўлсоатни Тиммига мос келади, деб ҳисоблайди. Соатнинг айланаси узунлиги 23 см, шундай экан, бу Тиммининг билагига мос келиб қолса керак.

Тимми: Яхши, зўр. Соат ва бошқа товарларинингизни бепул қайтариб олиб кетиши хизмати борми? Мабодо Тимми бошқа соатни ёки бошқа товарни хоҳлаб қолса дейман-да.

Жонатан: Мабодо соат тўғри келмаса, у асл ҳолатида ва асл ўрамида бўлсагина Тимми буюртмасини 365 кун ичida қайтариб бериши мумкин. Ҳаттотки уни бизга қайтариб берганингиз учун пўл ҳам тўлаймиз. Доимгидек, Тиммига элтиб бериши хизмати бизда бепул.

Тимми: Тимми Жонатанга катта ёрдам бергани учун миннатдорлик билдиради.

Жонатан: Жонатан Тиммига «арзимайди» дейди. Бундан Жонатан багоятда хурсанд. Жонатан Тиммига яна қандай ёрдам бера олади?

Тимми: Тиммига ҳозирча шуниси етади. Тимми мамнун бўлди.

Жонатан: Яхши. Тиммининг «Zappos» сайтида профили борми? Жонатан Тиммининг аккаунтини янгилаб беради.

Тимми: Ҳа, Тимми доимий харидор. Бироқ «Тимми» менинг таҳаллусим, ҳақиқий исмим бошқача.

Жонатан: Ҳўш, Тиммининг эмейл манзили қанақа? Мен сизга буюртма қилишида ёрдам бераман.

Тимми: Тимми олдин txxxxxx@gmail.com электрон манзили орқали буюртма қилар эди.

Жонатан: Яхши, Todd. Мен сизнинг аккаунтингизни ВИП статусига ўтказмоқчиман. Бу статус орқали сиз бундан кейинги буюртмаларингизни бепул тарзда бир иш куни ичida қабул қилиб олиш имкониятига эга бўласиз. Буюртмаларингизни <http://vip.zappos.com> да қолдиришингиз мумкин.

Тимми: Тимми жудаям баҳтиёр.

Жонатан: Яхши, яхши. Жонатандан Тиммига яна қанақа ёрдам керак?

Тимми: Ок. Тимми ҳозир окей. Энди Тимми бирор нарса харид қиласди.

Жонатан: Марҳамат!

Саргузаштларни севиш, ижодкорлик ва қолипдан ташқари фикрлаш

Биз «Zappos»дагилар қатъиятли ва журъатли (лекин мулоҳазасиз эмас) бўлиши мухим, деб ҳисоблаймиз. Инсон таваккал қилиш ва хато қилишдан кўрқмаслиги керак, чунки инсон хато қилмаяптими, демак, етарлича таваккал қилмаяпти. Вақт ўтиб, ҳар бир кишининг бизнесда қарор қабул қилиш маҳоратини ривожлантиришни хоҳлаймиз. Хоҳлаймизки, барча қарор қабул қилиш қобилиятини ривожлантирсинг ва яхшиласин. Агар инсон бирор хатодан нимадир ўрганса, ўша хатони қилгани маъкул,

деб ҳисоблаймиз.

Биз ўзимизга ортиқча баҳо бериб, ишлар шу дамгача қандай қилинган бўлса, шундай қолиши керак деб ҳисобламаймиз. Доим саргузаштларга интилиш ва янги имкониятларни тадқиқ этишдан завқ олиш керак. Муаммоларни ижодий ечиш учун мустақил бўлиш орқали биз ўз муваффакиятимизни ўзимиз яратамиз. Қийин вазиятларга ўзгача, очиклик билан ёндашамиз.

Баъзан саргузаштлар ва яратувчанликка ишқибозлигимиз оқибатида муаммога ечим топишда ностандарт ёндашамиз (чунки бизда қолипдан ташқари фикрлаш эркинлиги етарли). Бироқ айнан шу нарса ракобатчилардан олдинда юришимизга ёрдам беради.

Ўзингизга савол беринг: Етарлича таваккал қиляпсизми? Хато қилишдан қўрқасизми? Комфорт ҳудудингиздан ташқари чиқишига тайёрмисиз? Қилаётган ишингиз ижодкорликни талаб қиласидими, ундан янги нимадир оляпсизми? «Zappos»га олиб киришингиз мумкин бўлган қандайдир ижодий нимангиздир борми? Вазиятга ва қийинчиликларга ностандарт ёндаша оласизми?

Саргузаштталаб бўлиш, ижодкорлик ва қолипдан ташқари фикрлаш

(Криста Фоули, ходимларни ишга ёллаш бўйича менежер)

2004 йил декабрь ойида «Zappos»га янги келганимда кадрлар бўйича икки йирик агентликда саккиз йил кадрларни ишга ёллаш бўйича ишлаган эдим. Бу соҳада ўзига юкори баҳо бериш, мавжуд ҳолатни саклаш меъёр ҳисобланади, саргузаштталаблик ва хурсандчилик қилиш-ку умуман бу соҳага яқин йўлатилмас эди. Аста-секин касбимдан кўнглим қола бошлаган эди, ўзимга ўзим бошқа номзодни сухбатдан ўтказмайман, дейишгача борган эдим. Агар менинг лавозимимга

эътибор килган бўлсангиз, ва «Ҳм... негадир ғалати» деб ўйлай бошлаган бўлсангиз, хавотир олманг, бу ҳикоянинг охири яхшилик билан тугайди.

«Zappos.com» сайтида кадрларни танлаш бўйича мутахассис лавозимига бўш иш ўрнини кўриб, рўйхатдан ўтдим. Бу ўша ҳамма гапириб юрган компания эди – яқиндагина Сан-Францискодан кўчиб келган янги, замон билан ҳамнафас, ўйин-кулгига бой, ажойиб компания. Жуда қизиқ ва ҳаяжонли муҳит бўлса-да, мен рекрутинг соҳасидан чиқиб кетишни хоҳлаганман.

Лекин юлдузим шу ерга тўғри келиб қолиб, ишга олиндим! «Zappos»даги иккинчи ҳафтамда менежерим олдимга келди-да, тажрибамни ҳисобга олган ҳолда, менинг дастлабки лойиҳам, айтсам ишонмайсиз, ха, компания персоналларини ишга ёллаш жараёнини ташкил этиш ва рекрутингни йўлга кўйишида ёрдам бериш эканини айтди.

Бошида мени бундан умуман ҳаяжонга тушмаган деб ўйлаётгандирсиз. Бироқ бу ерда мен кўп ўтмай англаб етдимки, менинг муаммойим вазифамни адo эта олишимда эмас, балки ижодкорликнинг камлиги ва саргузаштларга қизиқишим йўклиги эди. Ана шулар мени секин-аста тушкунликка туширап эди.

«Zappos»да бошқа барча асосий қадриятлар сингари саргузаштларни севиш, яратувчан бўлиш ва ўзгаришларга очиқлик шунчаки тавсия эмас, балки ҳаёт тарзимиз эди. Агар мана шу ва бошқа қадриятларни анъянавий, бюрократлашган ва зерикарли бўлимларга (кадрлар бўлими бу рўйхатнинг бошида турса ажаб эмас) татбиқ этолмайман, деб ўйласангиз, адашасиз.

Кадрларни саралаш ва скрининг жараёнини

ташкил этиш устида ишлаётганимизда номзоднинг қадриятларимизга мос келиш-кељаслигини баҳолаш мезонини ишлаб чиқиб, уларни кадр танлаш жараёнига татбиқ этишни мақсад қилган эдик. Бу ерда гап яратувчан бўлиш, таваккал қила олиш ва ўзгаришларга очиклик ҳақида эди.

Мисол учун, дарров хаёлга келадиган энг кийин вазифалардан бири – Мижозларга садоқат жамоасига операторларни қиска муддатда танлаб олиш бўлган эди. Биз – атиги уч киши бунчалик қиска муддатда номзодларни суҳбатдан ўтказишга кодир эмас эдик. Одатдагидек, Тонининг миясига ғалати гоя келиб қолди, у кўп ходимни ишга олишда анъанавий вакансиялар ярмаркаси қилиб ўтиргандан кўра бирорта экспресс-учрашув ўтказишни таклиф қилди.

Менинг биринчи реакциям шундай бўлди: «Кўйсанг-чи. Бу иш бермайди, буни режалаб, йўлга кўйгунимизгача бир ой кетади». Бироқ ностандарт фикрлаш рухи устунлик қилди, очиги, яхшироқ режа қилмасдан туриб, бунга қўл уриб кўрдик. Ишни оддий нарсадан бошладик: Газетага эълон жойладик, номзодлар келгач, «Zappos» ҳақида ва ишнинг тафсилотлари ҳақидаги тақдимотни намойиш этдик. Шундан сўнг «Zappos»нинг олти ходими билан ҳар бир номзод беш дақиқадан суҳбатдан ўтадиган бўлди. Ниятимиз компанияга тўғри келмайдиганларни чиқариб ташлаб, қолганларни анъанавий суҳбатдан ўтказиш эди.

Жуда мукаммал бўлди дейиш қийин, аммо бу ҳали бошланиши эди. Олдинда жараённи янада самаралироқ қилиш ва «Zappos»га мослаштириш йўлида машакқатли ишлар бизни кутиб турар эди. Йил давомида тақдимотга ракс, мусика, ичимликлар ва бироз тамадди қилиб олиш кўшилди.

Биз бу жараённи қисман информатив, қисман комедия номерларини аралаштириб, интерфаол ва ҳайратда қолдирадиган жараёнга айлантиридик. Номзодлар гурухга ўзларини танишириб, ўз ҳаётидаги қизиқарли воеалардан гапириб берар эди (номзодлар орасидан етакчилек қилишга мойил дангалчиларни аниклаб олиш учун яхши усул эди бу). Бундан ташқари, «Опра» шоусига ўхшаган тадбиirimiz ҳам бўлиб, унда «комадли гурух иштирокчилари»га «Zappos» рамзи туширилган совринлар топширилар эди. Интервью кечасига қадимий ошхона таймери олиб келинган бўлиб, беш дақика ўтгач, номзод кейинги сухбат олувчига ўтиши учун биз «Тууууут» деган товуш чиқариб, бир овоздан «Алмашамиз» деб бакириб, уларни огохлантирап эдик.

Кадрларни ишга ёллаш бўлимининг иш самарадорлигини ошириш, янада қизиқарли қилиш ва «Zappos» корпоратив маданиятига уйғунлаштиришдаги ютуклардан келадиган энергия ва завқ-шавқни таърифлашга тил ожиз эди. Бу фаолиятимизнинг барча жабҳаларига тезда тарқалди ва кейинчалик номзодлар сухбатдан ўтишда ўзини эркинроқ ҳис этиши, саволларга тўғри жавоб бериши, ўз шахсияти ва ижодкорлигини кўрсата олишига шароит яратилган хоналар ажратилди.

Бу ҳатто янги ишга келганлар учун танишув курсига ҳам кириб борди. Биз 4 ҳафталик рекрутинг синов курсида номзодларнинг талабга жавоб бера олишини кўрсатадиган шартлар рўйхатини ҳам ишлаб чиқдик. Бу нарса биринчи кунданоқ кайфиятни бузиб қўйиши эҳтимоли бор. Ҳа, бу муҳим маълумот ва уни улашиш керак, бироқ уни қандай қилиб «Zappos» услубида

киламиз? Гурухимдаги «Шанба оқшоми жонли эфири»нинг икки мухлиси шарофати билан шу кўрсатувдан таникли ва севимли бўлган бир неча персонажларни ўғирладик ва пародиялар ўйлаб топиб, у орқали зарурий ахборотни юмор билан етказдик.

Бошка кўплаб мисолларни ҳам келтиришим мумкин эди. Бирок бугун, орадан беш йил ўтиб, ўз жамоамга ва амалга оширган ишларимизга қараб туриб, мен фахр ва ўз ишимиздан қониқиш ҳиссини туймоқдаман. Қачондир одам ўзини «кўйган», зериккан, бироннинг эътиборидан четда қолган, ўз ишидан бўғилган хис қилса, муаммо ишнинг айнан ўзида эмас, балки у билан боғлиқ мухит ва уни бошқарадиган «ўйин коидасида»дир.

Ходимларингизнинг таваккал қилишига ва янги нарсаларни синааб кўришига кўйиб беринг. Бири ўхшамаса, бири ўхшайди ва бу нормал ҳолат. Ходимларингизга бутун борлиғи билан ишга шўнғишига кўйиб беринг. Сизнинг ажойиб дастурчингиз, айни пайтда, истеъододли рок мусиқачиси бўлиши ҳам мумкин. Демак, унга ўз иштиёқини ошкор қилиши учун имкон беришингиз керак.

Душанба оғир кунлиги ҳақида гапиришади. Бунинг сабаби улар уйда ўзларининг бир қисмини ташлаб чиқиб кетишади. Ходимларингизни бор маҳорати (истеъододи)ни ишда намоён этишга чақиринг. Ўз ишини бошқалар каби қилмасдан, қобигидан чиқиб, ўзгача йўлдан бориб, янги нарсаларни ижодкорлик билан синааб кўришига нега йўл кўймаслик керак?

Доимо хайрли якун бўлиши мумкинлигини энди тушуняпсизми? Кадрларни ишга тайинлаш билан ҳамон шуғулланяпман, ҳар куни номзодлар

билин интервью уюштираман ва мен ўз ишимни жуда севаман!

«Zappos»га ишга киришда интервью саволлари намунаси

Номзод қолтідан ташқарига чиқиб фикрлайди ва ҳаракат қиласады

Олдинги иш(лар)ингизда ностандарт ўйлаш ва ҳаракат килишга түғри келиб қолган вазиятларни айтиб берса оласизми?

Иш мобайнида йўл қўйган энг яхши хатойингиз нима бўлган? Нима учун уни энг яхиси бўлган деб ҳисоблайсиз?

Ўз хизмат вазифангиздан ташкари бирор муаммони ҳал қилишга ёки ҳолатни яхшилашга түғри келиб қолганда, уни сиздан талаб килишмаган бўлса-да, ҳеч ҳал қилганимисиз? Қандай вазият эди, буни қандай амалга оширгансиз?

Номзод оддий инсонлардан кўра ижодкорроқ

Ўзингизни оддий инсонлардан кўра ижодкорроқ деб ҳисоблайсизми ёки аксинча? Мисол келтира оласизми?

Агар «Zappos»даги биринчи иш кунингизда сизга янги ходимларни ишга олиш жараёнини янада қизиқарлироқ қилиш вазифаси топширилса, ўша 8 соат ичидан сиз нима қилган бўлар эдингиз?

Номзод муаммони ечишида таваккал қилишга тайёр

Олдинги ишингизда таваккал қилганимисиз? Мисол келтиринг. Натижа қандай бўлган?

Қачон охирги марта ишни битириш учун қоидани бузишга түғри келган?

Ўсиш ва ўрганишга чанқоқлик

Биз «Zappos» ходимлари ҳам шахс сифатида, ҳам профессионал сифатида ўсиб ривожланиши керак, деб ҳисоблаймиз. Одам ўзини-ўзи мудом ривожлантириб туриши, агар ўз ишида нимадир ўрганаётган ёки

ўсаётгандек ҳис қилмаса, бу ишга боғланиб қолмаслиги керак.

Ҳар бир ходим ўзи ўйлагандан кўра кўпроқ имкониятга эга. Бизнинг мақсадимиз ходимнинг ана шу имкониятини очишдир. Лекин бу биргалиқдаги саъй-ҳаракатларни талаб қиласди: Ўз салоҳиятингизни кашф этишингиз учун ўзингизни бироз қийнашингизга тўғри келади.

Агар бир неча ойдан буён «Zappos»да бўлсангиз, сизга бир нарса мълум: «Zappos» ўсмоқда. Янги чорловни қабул қилганимиз туфайли биз ривожланяпмиз ва айнан шунинг учун яна янги челленжларни бошдан кечирмоқдамиз. Бу тўхтовсиз жараён ва бу яхши: Факат шу йўл билан компания яшаб қолиши мумкин. Тўғри, баъзан бу стресс, хавотир ва тушунмовчиликлар билан кечиши мумкин. Баъзан бир муаммони ҳал қилсангиз, дарҳол бошқаси пайдо бўлиб қолгандек туйилади (баъзан ундан ҳам тез). Лекин бу сизнинг янада яхшироқ ва кучлироқ бўлиб бораётганингизни кўрсатади. Кимки биз билан рақобатлашмоқчи бўлса, биз каби ўрганишига тўғри келади. Шундай экан, ҳар бир муаммо қанча йўл босганимизни кўрсатувчи йўл белгиларидир. Уларнинг ҳар биридан ўтар эканмиз, аввалгидан яхшироқ бўлиб борамиз.

Аммо биз қанчалик яхшиланишимиз мухим эмас, оғир ишлар тугамайди, ҳеч қачон уларни тугал битира олмаймиз, ҳеч бир ишни мутлақ мукаммал қилиб бўлмайди. Бу ибора тушкун эшитилиши мумкин, лекин аслида ундей эмас: Бир ишни зўр ва мукаммал қилиш учун бор имкониятимизни ишга соламиз, барчаси ўзгаргач, яна худди шу ишни такрорлаймиз. Бу ўсиш цикли деб аталади, ёқадими-йўқми, бу цикл тўхтамайди.

Тўғри, қийин... Аммо қийинчиликдан қочганимизда бизнесимиз ҳам бўлмас эди. Биз рақобатда оёқ остида қолиб кетмаётганимизнинг ягона сабаби – қийин йўлдан боришимиз ва бошқалардан кўра буни яхшироқ

уддалашимиздир. Агарда ракобат осонлашиб қолса, ёпирилиб келаётган түлкінга томон юринг, ракобат түлкіни босиб ўтсин.

Баъзан қай томон кетаётганимизни (нима қилаётганимизни) билмаймиз. Ҳа, бу рост: билмаймиз. Бу бироз сизни чүчиши мумкин. Аммо биз қилаётган ишларни бошқалар билмаслигини билиб, енгил тортасиз. Мабодо кимдир билганида у энг машхур онлайн пойабзал дўконига айланиши мумкин эди. Тўғри, биз аввал қилган ишларни қисман такрорлаб кўрганлар ҳам бўлди, бирок «Zappos» компанияси йиллар мобайнида ўзлаштирган билимларини ҳамма ҳам ўзлаштира олмайди. Бизнинг бошқа компаниялардан фарқимиз ана шу нуктада намоён бўлади.

Шундай қилиб, бизнинг соҳада эксперталар йўқ. Биз бундан мустасномиз: Бу соҳада ишлаганимиз сари эксперт бўлиб бормоқдамиз. Бизнинг сафимизга келиб кўшиладиганларнинг компаниямизга қўшиши мумкин бўлган энг катта хиссаси – бу ҳам ўзининг, ҳам компаниянинг ривожланиши учун изланиши, мослашиши ва янги нарсаларни кашф этиши.

Ўзингизга савол беринг: Қай тарзда шахс сифатида ўсасиз? Қай тарзда касбий жиҳатдан ўсасиз? Кечаги кунингиздан кўра бугун яхшироқ бўлдингизми? Қандай қилиб ҳамкасларингиз ва қўл остингиздагиларни шахс жиҳатидан ва касбий жиҳатдан ўсишига хисса кўшасиз? Қандай муаммоларга дуч келасиз? Ҳар куни нимадир янги нарса ўрганяпсизми? Етиб бормоқчи бўлган манзилингизни қандай тасаввур қиласиз? Бутун бир компаниянинг ўсиши учун қандай хисса кўша оласиз? Компаниянинг ривож топишига хисса кўшиш баробарида бу ўсишнинг муҳимлигини тушуниш учун бошқаларга ёрдам беряпсизми? Компания дунёқарашини тушунасизми?

Үсиш ва ўрганишга чанқоқлик

(Маура С.)

Олти йил олдин «Zappos»га келган пайтим карьерамни бу ерда куриш ниятида эмас эдим. Сан-Францискода яшар эдим ва музей соҳасида тўлиқ ставкада иш қидираётгандим. Ишларим унчалик юришмаётган эди ва ижара пулини тўлаш учун колл-марказга ишга киришга ариза бердим.

Ўша пайтда бу оддийгина иш эди. Бугунги кунда у анчайин аҳамиятли ишга айланган.

Икки ҳолат туфайли: бирга ишлайдиган ҳамкаслар ва уларнинг мижозга хизмат кўрсатиш бобидаги ўзига хос фалсафасини ҳисобга олсан, «Zappos» ишлаш учун боп жой эканини ўша пайтдаёқ билар эдим. Лекин ўйлашимча, токи улар билан 2004 йил апрелида Лас-Вегасга бирга кўчиб ўтгунимгача бу компания бошқа компаниялардан буткул фарқ қилишини тўла тушунмаганман.

«Zappos»нинг асосий қадриятлари рўйхати бизга 2006 йилда тарқатилди. Компания ноёб корпоратив маданиятга эга эканини олдин ҳам билар эдик. Лекин энди бизда унга ҳавола бериш, унга ўз ҳиссамизни қўшиш ва биз унга қараб: «Ҳа! Биз мана шунга ишонамиз», деб айта олиш имконияти пайдо бўлган эди.

Асосий қадриятлар рўйхати факат иш жараёнига мўлжалланган эмас эди, бу ҳаёт тарзимиз эди. Ушбу қадриятларнинг барини севар ва ўзимни улар билан уйғун ҳис этар эдим. Лекин дарров 5-ракамли қадрият эътиборимни тортди: Ўсиш ва ўрганишга чанқоқлик.

Бунгача мен компанияда ишлаётганимга икки ярим йил бўлган эди. Шунчалик қисқа муддатда тажрибам бўлмаса-да ва мен бунга интилмасам-да, мени бошқарувчилик лавозимларига тайинлашган

эди. Энди англаб етдимки, улар хато қилишмаган экан.

Баъзи ўринларда ўзимга-ўзим ишонмай қолсамда, «Zappos» менга ўзимдан күпроқ ишонишини билар эдим. Шу туфайли күз очиб юмгунча қисқа вактда ҳам шахс сифатида, ҳам касбий жиҳатдан ўргандим ва ўсдим.

Асосий қадриятлар рўйхати пайдо бўлгач, атрофдаги барча ўрганиш ва ўсишга бўлган имкониятлар кетидан қува бошладим. Мени доим қўллаб-куватлашлари, янгилик қилиш мумкин бўлган муҳитда ишлаётганимдан бениҳоя бахтиёр эканимни англаб етдим.

Компанияда лидер сифатидаги ролимдан ўзимга ишончим янада ортди. Конференцияларда «Zappos» компаниясининг номидан гапира бошладим, беш йил олдин эса бу мен учун даҳшат эди. Ҳозир эса бу менга ёқади.

Мен нафақат «Zappos»да, балки шахсий ҳаётда ҳам ўрганишда ва ривожланишда эдим. Ўз олдимга мақсад кўя оладиган бўлдим, уй ҳам сотиб ололардим. Болалигимда китоб ўқишга ишқибоз эдим, лекин талабалигимда ўқишга бўлган қизикишим йўқолди. Ҳозир эса ажойиб китобларни кўриб қолсан, уларни айланиб ўтолмайман.

Бундан ташқари мен яна соғлом ҳаёт тарзига қайтдим. Ҳозиргача бешта ярим марафонда юргурганман ва ҳозирда декабрь ойида ўтказиладиган дастлабки тўлиқ марафонга тайёрланяпман (буниси «Zappos» ҳомийлигига). Осиёга саёҳат қилганман, у ерда акваланг билан шўнғиган эдим (скуба-дайвинг), Марказий Америкада эса вулқон тоғларига чиққанмиз ва биз турган жойдан қўшни вулқоннинг отилишини томоша қилганмиз. Қандай зўр-а!

Олти йил олдин, 25 ёшлигимдаги ўтмишга бокиб, қанчалик улғайганим ва ўзгарганимни тасаввур килиш қандай ажойиб. Буларнинг асосий қисми «Zappos» билан боғлиқ ва ҳар куни ишга борар эканман, яна янги нарса ўрганишга ошиқаман.

Коммуникация (маълумот алмашинув) орқали очиқ ва самимий муносабат ўрнатиш

Умуман олганда, очиклик ва самимилик яқин муносабатларни куришга ёрдам беради, чунки у ишонч яратади. Биз ҳар жабҳада мустаҳкам алоқаларни қадрлаймиз: Раҳбарлар билан, ходимлар билан, мижозлар (ҳам ички, ҳам ташки) билан, сотувчилар, бизнес ҳамкорлар, ишчи гурух аъзолари ва ҳамкаслар билан ҳам.

Мустаҳкам, кўтаринки, очиқ ва самимий муносабатлар «Zappos»ни бошқа кўплаб компаниялардан буткул фарклайди. Агар улар бўлмаганида бунчалик ютуққа эриша олмаган бўлар эдик.

Мустаҳкам муносабатларнинг калити эмоционал алоқаларни ривожлантиришdir. Мухими, ҳар доим муносабатларингизга вижданан ёндашиш, раҳмдил, дўстона, вафодор бўлиш ва тўғри йўлда эканингизга ишонч ҳосил қилишdir. Энг қийини – ишонч қозониш, агар сизга ишонсалар, янада кўпроқ нарсаларга эриша оласиз.

Ҳар қандай муносабатларда яхши нотик бўлиш билан бирга яхши тингловчи бўлиш мухим. Очиқ ва самимий коммуникация – ҳар қандай муносабат учун мустаҳкам пойдевор. Шуни унутмангки, охир-оқибат, сизнинг нима деганингиз ёки нима қилганингиз мухим эмас, инсонлар бундан нимани хис килди, шуниси мухим роль ўйнайди. Муносабат сизга шодлик баҳш этиши учун бошқалар сиз учун ҳам шахсий, ҳам касбий томондан чинакамига

қайғураётганини ҳис килишингиз керак.

Биз, «Zappos»дагилар фикрлар, қарашлар ва мuloхазалардаги хилма-хилликни кўллаб-кувватлаймиз. Муносабатларингиз қанчалик кенг кўламли ва турфа хил бўлса, компаниянгизга шунчалик ижобий таъсир кўрсата биласиз ва унга қадрлирок бўлиб борасиз. Муносабатлар куришда самарали, очик ва самимий коммуникация муҳим ҳисобланади.

Компания ўсиб боргани сайин маълумот алмашинув янада муҳим бўлиб боради. Чунки ҳар бир ходим ўз жамоаси билан қилаётган ишлари умумий манзарада қандай акс этишини яхши билиши керак.

Ҳар қандай ташкилотда коммуникация самарали ташкил этилган бўлса ҳам, нозик нуқта ҳисобланади. Биз ҳар бир ходим доимо пухта, тўлиқ ва самарали маълумот алмашинувини кўллаб-кувватлашини истаймиз.

Ўзингизга савол- беринг: Инсонлар сиз билан ишлашдан қанчалик завқ оляпти? Бу муносабатларни қандай яхшилай оласиз? Компаниядаги сиз ҳар куни сухбат курадиган ёнингиздаги ҳамкасларингиздан бошқа яна қандай янги муносабатларни қура оласиз? Ўзингиз алоқа қиласидиган инсонларни қандай ҳайратда қолдирасиз? Ўз муносабатларингизни қай тарзда янада очикроқ ва самимиyroқ қила оласиз? Қандай қилиб барча билан коммуникацияни яхшилай оласиз?



Күтариинки жамоавий рух ва филавий мухит яратиш

«Zappos» компаниясида биз кўпроқ ургуни корпоратив маданиятилизга қаратамиз, чунки биз ҳам бир жамоа, ҳам бир оиласиз. Ахил, илик ва ажойиб мухит яратишни хоҳлаймиз. Фоявий хилма-хиллик, карашлар ва нуктаи назарлардаги хилма-хиллик тарафдоримиз.

Энг яхши етакчилар бу жамоага ўзи намуна бўлиб уни бошқарадиган ва бир вақтнинг ўзида жамоа учун ҳам етакчи, ҳам эргашувчи инсондир. Кўпинча энг яхши ғоялар ва қарорлар қуии погонада пайдо бўлади, яъни мижозга ёки муаммонинг манбаига энг яқин турганларда пайдо бўлади. Менежернинг вазифаси тўсикларни олиб ташлаш ва ўз кўл остидагилар билан бевосита алокани таъминлашдир. Бу шуни англатадики, энг яхши етакчи – хизмат килувчи етакчидир. Кимга етакчилик қилса, ўшаларга хизмат қилади.

Жамоанинг энг яхши аъзолари муаммони пайқагач, ўз жамоаси ва компанияси муваффакияти учун ташаббусни ўз қўлига олувчилардир. Энг яхши аъзолар муаммоларни ўз елкаларига оладилар ва ҳар қачон қийинчиликка дуч келсалар, бошқа аъзолар билан ҳамкорлик қиладилар.

Энг яхши жамоа аъзолари бир-бирларига ва ўзлари дуч келадиган ҳар бир инсонга ижобий таъсир ўтказадилар. Улар ҳар қандай лоқайдлик ва салбий муносабатларни бартараф этиш учун курашадилар. Энг яхши жамоа аъзолари ўзи дуч келадиган ҳар қандай инсон билан гармония ҳосил қилишга интиладилар.

Энг яхши жамоа аъзолари нафақат бир-бири билан ишлайди, балки офис ташқарисида ҳам бир-бири билан алоқа қилади. Компанияда тутғилган аксарият ғоялар офис ташқарисидаги норасмий муносабатларнинг бевосита маҳсулидир.

Мисол учун, корпоратив маданият ҳақидаги китоб ғояси ҳам оғисдан ташқарида одатий дўстона

чакчақлашувлардан бирида туғилган эди.

Биз жамоадан ҳам яқинмиз, биз бир оиласиз. Биз бир-бirimizдан күз-кулок бўлиб турамиз, бир-бirimiz учун қайғурамиз, бир-бirimiz учун ҳар қандай ишга тайёрмиз, чунки бир-birimizga ишонамиз ва содикмиз. Биз биргаликда ишлаймиз, лекин биргаликда дам ҳам оласиз. Бизнинг ришталаримиз бошка аксар компаниялардан топиш мумкин бўлган оддий «ҳамкасблиқ» алоқаларидан қалинрок.

Ўзингизга савол беринг: Қандай килиб жамоавийликни янада мустаҳкамлай оласиз? Ходимларингизга муаммони ҳал қилишда мустакил бўлишини қандай қўллаб-қувватлайсиз? Сизлар ҳам жамоа, ҳам оила, деб хис қилишингиз учун ўз жамоангиз аъзолари билан биргаликда нима қила оласиз? Ҳам ишда, ҳам ишдан ташқарида қандай килиб жамоа аъзоларингиз билан кучлироқ алоқа ўрната оласиз? Факат ўз иш бўлимингизда эмас, балки бутун компанияяда жамоавийлик ва оиласиз яқинлик хиссини уйфота оласизми? Кўтаринки жамоавий рухни ўзингизда акс эттира оласизми?

Кўтаринки жамоавий рух ва филавий муҳит яратиш

(Робин П.)

Эрим 2007 йил декабрда фожиали ҳалокат туфайли ҳётдан кўз юмди. Бунинг болаларим, оиласиз ва мен учун оқибатларини ўйлашга ҳам юрагим дов бермасди.

Бахтсиз тасодиф ҳакида эшитгач, караҳт бўлиб колган эдим, лекин кўнғироқ қилишим керак эди. Фалати жойи шундаки, мен бирор оила аъзомга эмас, «Zappos.com»даги иш берувчимга кўнғироқ қилаётган эдим. Ана шу биргина ҳаракатим менга ўз ҳамкасбларимга ва «Zappos»нинг корпоратив маданиятига мустаҳкам боғлиқ эканимни

англашимга ёрдам берди. Компания менинг иккинчи уйимдек эди.

Менежерим вахимали күнғирогимни қабул қылгач, чукур таъзия билдири ва мени тинчлантириш учун ўз тажрибасидан маслаҳатлар берди. У мени ҳеч нимадан хавотир олмаслика, факат ўзим ва оиласа ҳакида қайғуришга күндириди ва унга истаган пайт зарур бўлиб қолса, телефон қилишим кераклигини айтди. У менга телефон рақамини дона-дона килиб айтгач, унинг самимийлигини тушундим.

«Zappos» аввал мен учун канчалик қадрли бўлган бўлса, эримнинг вафотидан кейин ҳам шунчалик қадрдонлигича қолди. Ишга чиқишга шошилмаслигимни айтишди, тинчлантиришди. Эримнинг дағн маросимида ҳам қатнашишди. Келган кариндошларим иш жойидан ходимга бу қадар муносабат килишганини ҳали ҳеч кўрмаган эдилар. Мен шунчаки қулдим-да, дедим: «Ажойиб. «Zappos» мана шунақа компания».

Ишга қайтгач, ҳамкасларим менга қандай муносабатда бўларкан, деб сиқилар эдим. Аммо ташвишим узокқа бормади. Ҳар доим мени эшитадиган, ҳамдардлик билдирадиган, кўз ёш килсам, ёнимда турадиган ва шунчаки мени қучиб кўядиган кимдир топилар эди. Ҳамкасларим ҳам, менежерлар ҳам менинг оёққа туришимга вақт беришди. Бу билан жамоанинг фойдали ва ишга лаёқатли аъзоси бўлиб қолишим учун зарур кучни беришди.

«Zappos»дек улкан оиласа қилган энг муҳим яхши иш – қўллаб-куватлаш ва дўстлик эди. «Zappos» мен учун хавфсиз ва қайта оёққа турадиган жой эди, яшашим учун менга керак бўлган ҳамма нарсани берадиган жой эди.

Кәм нарса билан күпига эришиш

«Zappos» ҳамиша кам күч сарфлаб, күпига эришишга интилган. Гарчи ўзаро алоқаларда норасмий бўлишимиз мумкин эса-да, бизнесга келганда эътиборни жамлаб, жиддийлашамиз. Ишни битириш учун қаттиқ меҳнат ва қўшимча саъй-харакат қилиш керак, деб хисоблаймиз.

Меҳнат самарадорлигига ишонамиз ва доимо фаолиятимизнинг ҳар жабҳасида ниманидир яхшилаш имкони борлигини ҳис киламиз. Бу шуни англатадики, биз ҳеч қачон ишлашдан тўхтамаймиз. Рақобатчилардан (ёки бўлғуси рақобатчилардан) олдинда юриш учун биз доим янгилик қилишимиз, шу билан бирга, доим янада самарали ишлашга интилиб, яхшироқ натижаларга эришиш йўлларини топиб, иш фаолиятимизга ижобий ўзгаришларни олиб кирйшимиз зарур бўлади. Биз ҳар бир хатойимизга ўрганиш учун имконият деб қараймиз.

Такомиллашувни ҳеч қачон ортга суриб бўлмаслигини доим ёдда тутиш даркор. Биз ҳеч қачон «етарлича яхши» деган босқичда қолиб кетмаслигимиз керак. Чунки «яхши» «буюк»нинг душмани, бизнинг мақсадимиз эса шунчаки буюк компания бўлиш эмас, дунёдаги энг буюк сервис компанияси бўлишдир. Биз рақобатчиларимиз ва ўзимиз учун ҳам мэррани мудом баланд кўйиб, ўз юқори стандартларимизни ўрнатамиш ва уни ошириб борамиз.

Ўзингизга савол беринг: Ўз ишингизни қандай қилиб янада самаралироқ бажаришингиз мумкин? Ўз иш бўлимингиз қандай қилиб янада самаралироқ бўла олади? Бутун компания қандай қилиб янада самарали ишлай олади? Шахсан сиз компанияни янада самаралироқ бўлиши учун қандай ёрдам бера оласиз?

Кам нарса билан күпига эришиш

(Vanessa L.)

2007 йил «Zappos»га келиб қўшилганимда ҳаётимда қийин паллаларни бошдан кечираётган

эдим. Иш излаб меҳнат агентлигига борганимда менга мос келиши мумкин бўлган бир компания борлигини айтишди. Мен компаниянинг эшигидан кирган онимдаёк хаётим ўзгариб кетди.

Компаниянинг қадриятлари жуда оддий, осон, эргашса бўладиган ва таъсир даражаси юкори экан, деб ўйлаганим эсимда. Шу ўнтаси ичидан мен ўз хаёт йўлимга энг кўп татбиқ қилганим «кам нарса сарфлаб, кўп нарсага эришиш» ғояси эди.

«Zappos»даги биринчи Мавлуд арафасида менинг на оилас, на машинам, на пулим ва на байрамга бориш учун бирор жойим бор эди. Гарчи бутунлай ёлғиз бўлсан-да, Мавлуд байрамини нишонлашга аҳд қилиб кўйган эдим. Байрамгача ҳар куни дўконга бориб, байрамга нимадир сотиб оламан, кейин эса ўзим учун нимадир пишираман, деб режаладим.

Охири чегирмали сотувдан донасини 39 центдан 2 дона батат сотиб олдим. Шу билан менинг харидим тамом бўлди. Мавлуд ҳам кирди, менда эса фақатгина батат бор эди. На зиравор, на уни қовуриш учун товам бор эди. Фақатгина алюмин фольга топилди.

Жавонимни очиб, бир пакет какао ва зефир топдим. Какаони элакдан ўтказиб, зефирнинг майдаларигача битта қолдирмасдан сув билан ювиб чикдим ва ширин таъм бериш учун бататга кўшиб юбордим.

Унчалик мазали чиқмаган бўлса-да, ҳаммасини едим. Лекин қизиги шундаки, ўшанда жуда хурсанд эдим. Ўша кеча қанчалик мамнун бўлганимни ҳеч қачон унутмайман. Тунд бўлиб, йиғлай-йиғлай ухлаб қолишим ҳам мумкин эди. Чунки олдинлари байрамларда оиласвий, тўқис дастурхон атрофида байрамни ўтказар, энди эса сўппайиб бир ўзим

үтирар эдим.

Ушбу кадрият мени ҳаётнинг оғир лаҳзаларидан ўтиб олишимга ва ҳам шахсий, ҳам касбий ҳаётимда қолипдан ташкари фикрлаш тарзига ўтишимга турткى бўлди. Нимадир қилмоқчи бўлсангиз, унинг битта эмас, кўплаб йўллари мавжуд. Уларни излаб топиш, кашф этиш ва амалга ошириш учун кенг тафаккур ва яратувчан ақл керак бўлади. «Zappos»да мен янада ижодкор, жўшқин ва янада топқир инсонга айландим.

Бизда тўсиклар боши берк кўча деб эмас, хуш келган қийинчилик, деб қаралади.

Мен ўшанда кам нарсадан фойдаланиб, кўп нарсага эришган эдим – батат тайёрлаган эдим. Энди эса биламанки, ҳаётда қандай қийинчиликка дуч келсангиз ҳам, уларни хуш кайфият билан қабул қилишингиз керак, ахир, улар сизни ўқишиш-урганиш ва ўсишга ўргатади. Шундан сўнг моддий нарсаларга эришдим. Энди менда телефон, машина, уй ва доимий озик-овқат захиралар (жумладан, батат ҳам!) бор.

Биламан, менинг баҳтим моддий бойликларимда эмас, лекин бир нарсани тан олишим керак... Менга ҳалигача куритилган зефирили батат ёқади.

Иштиёқ ва қатъият кўрсатиш

Иштиёқ ҳам ўзимизни, ҳам компанияни олға силжитадиган ёқилғидир. Биз иштиёқ, қатъият, матонат ва зарурийлик ҳиссини қадрлаймиз.

Биз зўр илҳом билан ишлаймиз. Чунки биз қилаётган ишимиз ва кетаётган манзилимизни биламиз. Биз «йўқ», «бу иш бермайди» деган жавобларни қабул қилмаймиз. Агар қабул қилганимизда, «Zappos» компаниясига асос солинмаган бўларди.

Иштиёқ ва қатъиятлилик юқумлидир. Биз ўз ишимизга нисбатан кўтаринки ва оптимистик (лекин реалистик)

ёндашувнинг тўғрилигига ишонамиз, чунки булар барчани ўз ишига нисбатан худди шундай ёндашишга илҳомлантиради.

Сен билан бирга ишлаётганларнинг бари муштарак орзунинг амалга ошиши ва умумий дунёқарашнинг ўсишига катта ҳисса қўшаётганини ҳис кила туриб, қалбинг шодликка тўлади ва сен буни ҳар куни ҳис килишинг мумкин.

Ўзингизга савол беринг: Ишлаётган компаниянгиз ўзингизга ёқадими? Ўз ишингиз ва ҳамкасларингиз сизга ёқадими? Сиз бу ерда баҳтиёрмисиз? Ўз ишингиздан илҳом оласизми? Қилаётган ишингиз ва бораётган манзилингиздан кўнглингиз тўкми? Сизнинг жойингиз шу ерлигига аминмисиз?

Иштиёқ ва қатъият кўрсатиш

(Доктор Вик)

Икки йил олдин Мижозга садоқат хизмати операторларимиздан бири билан танишиб қолдим. У 21 ёшлар чамасидаги ёшгина аёл бўлиб, ижарама-ижара пулини сарфлайверишдан чарчаган эди. Шунинг учун уй харид қилиш ҳакида ўйлаб юрган экан.

Турмуш ўртоғи билан икковининг қарз тўловлари ва кредит картасидан қарзлари жуда кўп эди. Шунинг учун уларда тўпланган пул деярли йўқ эди. Келгусида уй сотиб олиш учун уларнинг ойига атиги 25 доллардан жамғаришга курби етар эди, холос. Бу жуда кичик миқдор бўлса-да, энг муҳими, уни узлуксиз равишда жамғариб бориш керак эди. Шунинг учун улар бошланишига жуда катта миқдордан бошлаб, охирига етказа олмай қолгандан кўра имконият етадиган суммани жамғаришдан бошлишди.

30 кун ўтиб, энди ойига 25 доллардан тежаб

колиш осонлашганини ва бу суммани яна ошироқчи эканлигини айтди. Бу хам анча осонлашгач, улар энди бошқа қарзларини, жумладан, талабалик қарзларини түлай бошлашди. Бир кечада үзгариш сезилмаса-да, түғри йұналишдаги саъй-харакатлар бошланған әди ва прогресс үзини күп куттирмади.

У менга ишлари қандай кетаётгани ҳақида бот-бот гапириб турар әди ва икки йил үтгач, бир куни улар барча қарзларидан күтулганини ва яқиндагина янги үй сотиб олишганини айтиб берди. Бироз вакт үтиб, улар ҳатто шахсий яхтага эга бўлишди.

Улар муваффакиятга зумда эришиб қолгани йўқ, аммо унинг ўз режасини амалга оширишга иштиёқи ва қатъияти жуда яхши таъсир кўрсатди. Мана шу воқеадан сўнг у шуни англаб етдики, келажак ва ҳаётнинг қандай бўлиши инсоннинг ўзига боғлик, керакли қарорни қабул қилиб, уни амалга оширишни бошлаш керак, холос.

Қамтар Бўлиш

Ривожимиз суръати үтган даврларга нисбатан тезлашган бўлса-да, олдимизда доим ечимини кутаётган муаммолар бўлиши сир эмас. Ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳамиша барчага ҳурматда бўлиш лозимлигига ишончимиз комил.

Шахсий ва жамоавий ютукларимизни нишонлар эканмиз, такаббурлик қиласдан, бошқалар бизга қандай муносабатда бўлишини хоҳласак, уларга ҳам шундай муносабат кўрсатамиз. Шу сабабли үзимизни хотиржам тутамиз, чунки ишончимиз комил, охир-оқибат кимлигимиз феъл-атворимиздан кўриниб туради.

Ўзингизга савол беринг: Ўз ютукларингиз ҳақида гапираётганингизда камтарлик қиласизми? Компаниянгиз муваффакиятлари ҳақида гапираётганда-чи? Катта ёки кичик савдо хизматчилари сизга қандай муомала қилса,

сиз ҳам уларга худди шундай хурмат билан жавоб қайтарасизми?

«Узундан-узун мураккаб сўзлар эмас, балки қисқа ва осон сўзларни ишлатадиган инсонлар билан гаплашиш мароқлироқ масалан, «Тушликка нима дейсан?»

- Винни-Пух

Ўнта ўзак қадриятларимизни ишлаб чиқишдан кўзланган мақсадларимиздан бири ҳам «Zappos»га хос бўлган ва бошқа бирор компанияга ўхшамайдиган рўйхатни тузиш эди. Маданияти айнан бир хил икки компания йўқ, албаттга, аммо кўп корпорацияларнинг туб қадриятлари жуда ўхшаш. Кўпинча, биргина ушбу қадриятлар рўйхатига қараб, компанияларни фарқлаш кийин.

Компаниянгизнинг туб қадриятлари ноёб бўладими ёки йўқ, уларнинг ҳар бирига нисбатан «Google» қидирувни қўллаш яхши синов бўлиб хизмат қилиши мумкин. Агар «Google»дан бизнинг исталган бирорта хусусиятимизга қидирув берсангиз, «Zappos», албаттга, чиқиб келади ва кўпинча биз қидирув натижаларининг бошида турамиз.

Аммо бу ерда «Google» қидирув натижалари муҳим эмас. Аҳамиятлиси шундаки, компаниянинг ўзак қадриятлари ходимларнинг кундалик тили ва фикрлаш тарзининг узвий қисмига айланиб кетади. Компания фаолиятига сингиб кетган ишончли ўзак қадриятлар бутун ташкилотни бирлаштира олади ҳамда ходимларнинг ўзлари қарор қабул қилишлари учун йўлбошли бўлиб хизмат қиласди.

Мен бошқа компаниялар бизнинг «Zappos»даги ўзак қадриятларимизга мослашиши керак, демаяпман. Бундай таклиф катта хато бўларди. Бизнинг туб қадриятларимиз ўзимиз тушунадиган оддий қадриятлар, холос.

«Яхшидан буюкка» ва «Қабилавий етакчилик»

китобларида муаллифлар буюк компанияларни яхши компаниялардан ажратиб турувчи хусусиятларига назар солади. Улар аниқлаган мухим таркибий кисмлардан бири бу компаниянинг кучли маданиятидир. Ўзак қадриятлар аслида компания маданиятининг расмийлаштирилган таърифиdir.

Кўриниб турибдики, компаниянгизнинг ўзак қадриятлари нима эканлиги мухим эмас. Мухими, улар бор ва сиз уларни амалга оширасиз. Энг асосийси, улар бутун ташкилотнинг фикрлаш тарзига айланганда, сиз уларга мослашишингиздир.

Сизнинг ўзак қадриятларингиз ким эканлигинизни кўрсатганидек, компаниянинг ўзак қадриятлари унинг хусусиятлари ва брендини англашиб туради.

Якка шахснинг тақдирини характери белгилайди.

Жамоанинг тақдирини эса маданияти белгилайди.

Ташкилотингиз учун ишончли бош қадриятларни қандай яратиш ҳакида кенгрок ўрганишни хохласангиз, ушбу китобнинг иловасида берилган линкларни кўриб чиқинг.

Таъминотчилар билан муносабатлар

(Фред)

«Zappos»нинг муваффакияти учун асос бўлган унсурлардан бири таъминотчилар билан муносабатлар, деб ҳисоблайман. Уларсиз биз бугунги даражага етолмаган бўлардик. Баъзи нуқтаи назарга кўра, бошидан бошлаш фойдали бўлиши мумкин, бу эса ҳаммаси қандай бошлангани, илдизини очиб беради.

Менинг чакана савдодаги фаолиятим Беллевуздаги (Вашингтон) «Nordstrom»нинг эркаклар пойабзали қаватида бошланган. Компаниянинг Сан-Францискодаги энг катта

супермаркетларидан бирида харидорлик мақомига эришгунча, савдо расталарида саккиз йил ишладим. Ўша вакт давомида кўплаб харидорлар билан ишладим ва анча-мунча таъминотчилар билан алоқада бўлдим. Баъзан хунук ва жанжалли муносабатларга гувоҳ бўлдим, баъзи ҳолларда эса ижобий ва ҳамкорлик алоқаларига дуч келдим. Кенг тарқалган ишончга зид равишда шуни айтишим мумкинки, яхши инсонлар доим энг юқори марраларга эришган.

1999 йил Никнинг қўнғироғига жавоб берган ўша муҳим кунда мен ҳамон «Nordstrom»да эдим. «Mel's Diner»да Ник, Тони ва Альфред билан тушлик килдик. Учрашувнинг мақсади интернет орқали пойабзal сотиш учун пойабзal таъминотчилари билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатишни муҳокама қилиш эди. Ўша вактда бу янги тушунча бўлиб, бироз таваккалчилик эди. «Nordstrom» баркарор компания эди ва у ерда мен яхши ишлаётгандим. Бироқ ўша вактдаги қиморбоз ҳолатида қолиб кетишдан кўра бирор нарсани нолдан бошлаб яратишга ҳисса қўшишга қарор қилдим. Мен таваккал килдим.

Муваффақиятга эришиш учун таъминотчиларимиз билан мустаҳкам ва ижобий ҳамкорлик ўрнатишимиш зарурлигини бошиданоқ билар эдим. «Nordstrom»да мен харидорларнинг ўз таъминотчиларини ҳақорат қилиб, ўз мавқеларидан қисқа муддатли устунлик учун фойдаланишларининг гувоҳи бўлгандим: Охир-оқибат бундай харидорлар муваффақиятсизликка учради. Шунингдек, у ерда савдо хизматчилари билан ҳамкорлик қиласиган, уларга хурмат кўрсатиб, узоқ муддатли қулайликлар яратиб берадиган харидорлар ҳам бор эди. Бундай

харидорларнинг эса доим иши юришарди. Фаолиятимнинг бошиданок вакт синовига дош бера оладиган муносабат ва имкониятлар яратишни мақсад қилгандим ҳамда аллақачон курган алоқаларимга суянишим мумкинлигидан баҳтиёр эдим.

Одатий саноат ёндашуви таъминотчиларга душмандек қарашни билдиради. Ҳурматсизлик кил, күнғирокларига жавоб қайтарма, белгиланган учрашувларда уларни кутишга ва хисобни тўлашга мажбур кил. Уларга бақир, айбла, ҳақорат қил... Умуман сўнгти тийинигача шилиб олиш учун кўлингдан келганини кил. Ваҳоланки, шундай вактларни биламан – таъминотчиси рақобатчига мол сотганида харидор ғазабланганидан шимини ечиб, таъминотчидан орқасини ўпишини талаб килган.

Ажабланарлиси, одамлар бундай бизнес қилиш нотўғри эканини тушунишмайди. Аслида, ҳар иккала томон ҳам бир нарсани ёқлайди: Мижозларни ўйлаш, бизнесни ривожлантириш ва даромад кўриш. Ахир, иккала томондан фақат биттасигина ғалаба қозониши шарт дейилмаган. Агар таъминотчилар фойда кўрмаса, уларда ўрганиш ва ривожланишга инвестиция киритиш учун пул бўлмайди. Бу эса улар бозорга келтирган маҳсулот мижоз жалб қиласлигини англаради. Бу ўз навбатида, чакана савдо қилувчиларга зарар беради, чунки харидорлар уларнинг маҳсулотларини сотиб олишга кизикмайди. Одамлар харажатларни камайтиришини ва агрессив музокаралар қилишни хоҳлайди, чунки олинажак фойда микдори чекланган. Бундай «халокат спирали»га тушиб, кўплаб дўкон эгалари омадсизликка учрайди.

Биз қийинчилик ва ютуқларни биргаликда бўлишадиган ҳамкорлик муносабатларини яратиш орқали «Zappos»ни бошқалардан ажralиб туришини хоҳладик. Ҳамкорларимизга бир хил нуқтаи назар ва жавобгарликни тенг кабул килиш билан ҳаммамиз ўз кўзлаган мақсадимизга етишимизни билдириб, иттифок тузиш анча осон кечди. Бундай ёндашув нафақат икки томонни бир йўлга солади, балки одамларни ҳар куни уйкудан туришга ундейдиган, ўз ишларига иштиёқ берадиган мухит ва маданият ҳосил қиласди. Бу эса бизнесни кучайтириш ва назорат килиш имконини, шунингдек, ифтихор ва эгалик ҳиссини яратади. Одамлар кўпроқ меҳнат қилишни хоҳлайди, чунки улар ўз меҳнатлари мухим аҳамият касб этишини билади.

Биз ушбу ҳамкорлик менталитетини «Zappos»да кўп йўллар амалга оширамиз, аммо энг асосийси, Олтин қоидадан бошланади: Сенга қандай муомала қилишларини хоҳласанг, сен ҳам уларга шундай муносабат қил. Таъминотчилар бизнинг Лас-Вегасдаги офисимизга келганда, уларни «Zappos» транспортлари кутиб олади. Офисимизга етиб келишгач, уларга харидорлари пешвоз чиқади. Бу пайтда биз уларнинг намуна сифатида келтирган юкларини қўлларидан олиб, учрашув ўtkазиладиган хонага элтиб кўямиз. Агар офисимизга биринчи марта ташриф буюришган бўлса, биз уларни офис бўйлаб сайр қилдирлимиз. Ичимлик ва тамадди таклиф қиласми. Умуман, улар ўзларини эркин ҳис қилишлари учун қўлимидан келган ҳаммасини қиласми. Буларнинг бари саноат стандартларидан узоқ бўлса-да, ишончим комилки, уларнинг ўрнида бўлганимизда бундай муносабатга эътироz билдиrmас эдик.

Худди шу менталитет таъминотчиларимиз билан алоқада ҳам қўлланади. Улар кўнғироқ қилса, биз ҳам ўша куни қайта боғланишга ҳаракат қиласиз, электрон мактуб жўнатса, бир неча соат ичида жавоб қайтаришга ҳаракат қиласиз. Мулокотнинг муҳим эканлиги ҳамда агар ҳамкорларимиз бизга боғланишга ҳаракат қилса, уларга жавоб қайтариш зарурлигини яхши биламиз. Мижозларимиз ҳам, савдо ҳамкорларимиз ҳам биздан ана шундай ҳозиржавобликни кутади.

«Zappos» фаолиятининг дастлабки даврларида ишларнинг ҳажми сабабли бизга уни бошқариш учун ёрдам керак бўлишини тушуниб етдик. Биз танлаган кўплаб услугуб ва ўлчамларни барча харидорлар талабига мос бошқариш учун қурбимиз етмасди. Эсимда, ўша куни Тонидан таъминотчиларимизга ҳам харидорлар билан бир хил маълумот бериш ҳақида фикрини сўрагандим. Чакана савдо анъанасига кўра, яширилган маълумотлар кўпроқ фойда олиш учун таъминотчиларга қарши ишлатилади. Чакана савдо қилувчилар таъминотчидан кўпроқ ундириш учун ўз айёргини яширади. Бироқ ўз бизнесимизда очик, самимий бўлсак, улар бизга ёрдам беради, фойда ҳам келтиради.

Тонига бу ғояни таклиф қилганимда, у орқасига ўгирилиб, «Шунга ўхшаш нарса ҳақида ўйлаяпсанми?» деди. У биз ҳозирда «экстранет» деб атайдиган тизимни яратди. Бу айнан биз муҳокама қилганимиз каби амалга оширилади. У таъминотчиларга бизнинг бизнесимизни тўлик кўриш имконини беради. Улар омбордаги молларимиз ҳолати, сотувлар ва фойданни кузата оладилар. Улар ҳолатни ўрганиб, мижозларимизга яна нималар кераклигини ўзлари таклиф қила

оладилар. Улар бизнинг ижодий жамоамиз билан боғланишлари ва сайтдаги бренд бутикларига ўзгартириш киритишлари мумкин. Шу билан уларга дўконлар калитлари амалда бериб кўйилади.

Нима учун бундай қиласиз? «Zappos»даги ўртча харидор эллик бренддан иборат портфелига эга бўлса-да, шаффофлик муносабати билан яна эллик жуфт кўз ўзбизнесларини юритиш учун ёрдам кутиб туради. Шу билан бирга, таъминотчилар ўз ишларининг устаси хисобланади. Ҳеч бир харидор бренд ҳакида ўша бренднинг вакилидан яхширок билмайди. Шундай экан, нима учун уларнинг билимларидан фойдаланмаслигимиз керак? Биз таъминлаб берадиган воситалар ва улардан фойдаланиш имконияти натижасида таъминотчилар ўз бизнесларини бошқариш ваколатига эгаликни хис қилишади. Оқибатда улар бизга ёрдам бериш учун одатдагидан кўпроқ вақт сарфлайди. Жамоамиз муваффакиятини мижозларимиз ва таъминотчиларимизнинг ўзаро ҳамкорлигида кўришимиз мумкин.

Шунингдек, «Zappos»даги музокаралар ҳам бироз бошқача. Таъминотчиларимизни камситиш ўрнига биз ҳамкорлик қиласиз. Агар узоқ муддатли тўлов шартларини кўзлаётган бўлсак, тўлов кунларига қараб турли хил савдо режаларини тақдим этамиз. Бизнес учун энг маъкули нима эканлигини, қандай таваккалларга қўл уришни ва бизнесимиз қандай тезликда ривожланишини биргаликда ҳал қиласиз. Маркетингга ҳам айни шундай нуқтаи назар билан ёндашамиз. Ҳар иккаласиз ҳам брендларимиз эришишга ҳаракат қилаётган муваффакият учун ҳамкорлик қиласиз. Биз музокаралар куч синаш мусобақасидек бўлиши керак, деб хисобламаймиз. Агар иккала томон ҳам

бизнинг позициямиз ва мақсадларимизга вижданан ёндашса, кўзланган мэррага олиб борувчи холис йўлни топишга муваффак бўламиз.

Таъминотчиларимизнинг садоқати ва иштиёқисиз компания сифатида ўз ютукларимизга эриша олмаслигимиз аник. Шунинг учун ҳар йили кичик бир миннатдорлик кўрсатиб туришни лозим кўрамиз. «Hard Rock Hotel» бассейни ёки «Rain Nightclub at the Palms» каби жойларни банд қиласиз ва барча (мингдан кўп) таъминотчиларимизни ҳар йилги «Таъминотчиларни тақдирлаш кечаси»га таклиф қиласиз. Улар ва «Zappos» жамоамиз умумий ҳисобда уч мингдан ортамиз. Ушбу оқшомни Жаҳон пойабзал ассоциацияси учрашуви ўтказилаётган вақтта ташкил қиласиз. Биз озик-овқат ва ичимликлар билан бирга ғоят . қизиқарли ўйин-кулгилар (эҳтимол, сиз уларни эчкилар, ракқослар, митти одамлар, оловютарлар тўдаси деб атарсиз) уюштирамиз. Буларнинг ҳаммаси меҳмонлар компаниямиз учун қанчалик аҳамиятга эга эканлигини билдириш учун ташкил этилади. Биринчи тадбирни ўтказган йилимиз таъминотчилар шунақсанги таъсирландики, улар бу ҳакида ойлаб гапириб юришди. Бундай иш тутишимиз натижасида биз билан ишламайдиган таъминотчилар ёки бошқа чакана савдо билан шуғулланувчилар ҳам орага суқилиб кириб, фурсатдан фойдаланишга, завқ олишга ҳаракат қилмоқда.

Нафақат базм оқшомида, балки йилнинг бошқа вақтларида ҳам эҳтиром кўрсатишни лозим кўрамиз. Бирор бренд маълум бир даражада сотилгандан сўнг: «МЕНИНГ БРЕНДИМ «ZAP-POS.COM»ДА МИЛЛИОН ДОЛЛАРЛИК САВДО ҚИЛДИ» деган ёзув туширилган футболкалар

тайёрлаймиз. Савдогарлар билан тамадди килганимизда доим ўзимиз тूлашга харакат қиласыз. Чакана савдо оламида бу камдан-кам юз беради, бу ҳам мижозларимизни ҳайрон қолдириш услубларимиздан бири. Күпинча тушлик учун чекни тूлаш таъминотчилар билан чинакам ракобатта айланади. Якинда Роб Смерц ва Стив Мэдден билан тушлик қилдик. Улар охирги марта ўз хисобимиздан кечки овкат уюштирганимизга жуда ажабланган эди. Шунинг учун бизга қайта-қайта қўнғироқ қилиб, хисобни ўзлари тूлашга кўндиридилар. Ҳатто биз бирор айёрик килмаслигимиз учун ресторанни ҳам огохлантириб қўйишди. Бунақаси камдан-кам бўлса-да, улар бизни таслим қилишди!

Бундан ташқари «Zappos» ҳар ойнинг охирги жумасида гольф мусобақаси уюштиради ҳамда унга таъминотчилар ҳам таклиф қилинади. Баъзилар айтганидек, ишхонага қараганда гольф майдонида кўпроқ ишни ҳал қилиш мумкин. Бугун биз энг йирик интернет тармоқлари қаторида турибмиз. Агар савдодаги шерикларимиз билан юқоридаги каби алоқаларни йўлга қўймаганимизда, балки ҳозирги даражага етолмасмидик.

Алоқалар факат чакана савдо билан чекланмаган. UPS билан кўп йиллик муносабатларимиз мижозларимизни ҳайратда қолдиришнинг янги ва ноёб усулларини топишда ҳамкорликка бошлади. Улар ривожланишимизда аввал-бошдан муҳим роль ўйнадилар. Дастлаб уларнинг бизнесида катта ўрин тутмаган бўлсак-да, бизга ҳар доим ҳурмат билан муомала қилишган. Кўп йиллик вакилимиз Алекс хизмат қўрсатишнинг янги ва замонавий усулларини топиш учун тинимсиз тер тўкиб келади. Бизнинг маданиятимизга киришиб

кетиш учун у ва UPS ўз вактларини аяшмади. Шу сабабли Алекс вакилимизгина эмас, дўстимиз ҳам хисобланади.

Номма-ном санасак, улар жуда кўп, айниқса, «Wells Fargo» билан ҳамкорлигимиз бизнинг ютуғимиз бўлди. Бошқалар шубҳа билан қараганда ҳам, «Wells Fargo» бизни оёққа туришимизга зарур бўлган маблағ билан таъминлаб турди. Улар бизнесимизни барпо этиш йўлида бизга доимий елкадош бўлиш билан бирга, шахсий муносабатлар учун ҳам вақтларини аяшмайди. Ишларимизни тушуниш учун етарлича вакт сарфлаб, бизнесимизга қизиқиши билдиришди.

Таъминотчилар билан ўрнатилган муносабатлардан олаётган фойдамиз чексиз. Бизнесимизни тўғри режалаш ҳамда кулай вақтда етарлича маҳсулотга эга бўлиш учун уларнинг ёрдами бекиёс. Омборимизда этишмовчилик бўлганда улар бозорбоп молларни етказиб беришади. Баъзан фактат «Zappos»да топиш мумкин бўлган ноёб маҳсулотлар билан ҳам таъминлаб туришади. Улар маркетинг жамоамиз билан яқиндан ҳамкорлик қилиб, фаолиятни тўғри режалаш ва амалга оширишга кўмаклашади. Биз уларнинг йўналишлари бўйича қарорлар қабул қилишда қатнашамиз. Мисол учун, «Clark» вакили Том Остиннинг таклифи туфайли «экстронет»имизнинг энг катта янгиликларидан бири вужудга келди. Томнинг таъкидлашича, агар молларнинг фотосуратлари мавжуд бўлса, «экстронет»имизни топиш анча осон бўлади. Бугун «экстронет»имизнинг бу хусусияти фактат сотувчиларимиз учун эмас, харидор жамоамиз учун ҳам жуда кўл келяпти.

Кўрсатадиган муносабатларимиз туфайли

таъминотчилар нафакат биз билан ишлайди, балки ҳамкорликни саклашдан кучли манфаатдор. Сайтимизда мижозларимиз бошқа ҳеч бир тармоқдан тополмайдиган брендлар жуда кўп. Бунинг ҳаммаси биз сўнгги ўн йил ичидаги саноатда барпо килган ишонч мевасидир. Бренд эгалари товарлар кимматини саклашда энг юқори стандартларга амал қилишимизни билишади ва тан беришади. Шу боис кўпчиликка биз билан бизнес қилиш қулай.

Асосийси, мен таъминотчиларимизни дўст сифатида кўраман. Биз ҳамкорлигимиздан завкланамиз. Ишдан ташкари ҳам баъзида бирга вакт ўtkазамиз ҳамда бир-биrimizga ғамхўрлик қиласиз. Муносабатларимизни қадрлаб, ҳурмат қиласиз ва ҳар доим бир-биrimizga яхшиликни раво кўрамиз.

«Zappos»ни ишга тушириш ва брендларни кидиришга ёрдам бериш учун «Nordstrom»ни ташлаб кетишим хатарли таваккал эди. Биз натижа беришига умид қилиб, бирор танимаган компания билан ҳеч ким ўйламаган ишга кўл ургандик. Аммо йиллар давомида мустаҳкамланган муносабатларимиз сабабли улар бизни қўллаб-куvvatлашди ва бажонидил ишонч билдиришди. Бу қадар дўстлик ва ишонч бўлмаганида, эҳтимол, бугун «Zappos» бўлмасди. Ушбу алоқалар бизнесимизнинг асоси ҳисобланган ва шундай давом этади.

Иш ўринларини қисқартириш

2008 йил жуда беҳаловат ўтди. Бир йилнинг ўзида ҳам ташки, ҳам ички тарафдан «Zappos»нинг юксалиши ва пасайишини бошдан ўтказдик.

Йилни 2007 йилнинг молиявий натижаларини нишонлаш билан бошлаган эдик. 2007 йил учун кўзланган

операцион даромадларни ортиғи билан олгандик. Шунинг учун ҳамма ходимларимизни йиллик иш ҳақининг 10 фоизи билан тақдирлаб, хурсанд қилишга қарор қилдик. Бу рағбат мақсадларимизга ақло даражада етишга ёрдам бергани учун уларга миннатдорлик эди.

Йилнинг охирроғида UPS Альфред ва мени олимпиада ўйинлари томошасига таклиф қилди. Бу ажойиб тажриба эди.

Кейин эса фонд бозори ва кўчмас мулк бозори инқирозга учради. 2008 йил охирига келиб глобал иқтисодий инқироз туфайли компаниямизнинг ўсиш суръати ҳам секинлашди. Ривожланётган бўлсак-да, харажатларимиз даромадимизга нисбатан жуда катта бўлганини англаған эдик. Тезроқ ривожланишни кўзлаган эдик, йўқотишлар ортиб борди. Ҳаммаси бунчалик тез ўзгариб кетганидан лол қолдим.

Ҳаммага кутилмаган бонуслар тарқаттанимиздан саккиз ой ўтиб, афсус билан иш ўрнини 8 фоизга қисқартиришга қарор қилдик. Компанияни сақлаб қолиш учун кўрган энг қийин чоралардан бири шу бўлди.

Бошқа корпорациялар каби «стратегик қайта куриш» деган чўпчакларга ишониб қолишдан кўра, ўз кадриятларимизга содик қолдик, нафакат ходимларимиз билан, балки матбуот билан ҳам очиқ ва самимий бўлдик.

Куйидаги электрон мактубни ҳамма ходимларга жўнаташ билан бирга блогимизда омма учун эълон қилдик:

 *Сана: 6 ноябрь, 2008 йил*

Кимдан: Тони Шей

Кимга: «Zappos»нинг барча ходимлари

Мавзу: Янгилаш

«Zappos»нинг барча ходимларига:

Бугун «Zappos»даги барча учун қийин ва

ҳаяжонли кун бўлди. Биз қийинчилик билан 8 фоиз ходимларимизни ишдан бўшатиш ҳақидаги тўхтамга келдик. Қисқартириш «Zappos»нинг деярли ҳар бир бўлимини камраб олади. Бундан ташқари, Невада ва Кентуккидаги бир қанча оғлайн дўконларимизни ҳам ёпишни ўйлаб турибмиз.

Бу ўтган 9 ярим йил давомида қабул қилган энг оғир қарорларимиздан бири бўлди. Аммо ишонамизки, компаниянинг бундан кейинги узоқ йиллик мустаҳкам фаолияти йўлида тўғри қарор қилдик. Хабарнинг қолган қисмида бунинг сабабларини тушунтириб берамиз...

Оғирлашаётган иқтисодий аҳволимизга қарамасдан, бизга инвесторлик қилаётган «Sequoia Capital»ни катта ютуғимиз деб биламиз. 7 октябрь куни «Sequoia Capital» ўз улушкига эга барча компаниялар (шунингдек, «Zappos» ҳам) билан учрашув ўtkазди ҳамда қатъий қарорини билдириди: Харажатларни иложи борича қисқартиринг ҳамда даромад ва пул оқимини максимал тарзда тезроқ ижобий томонга ўзгартиринг.

Шунингдек, Жейсон Калаканисда «ҳалокат спирали»дан халос бўлиш ҳақида жуда яхши электрон хат бор. Уни ўқиб чиқишингизни тавсия қиласман. «Zappos»нинг баҳтига ҳолатимиз бошқа компанияларга қараганда анча яхши. Кўплаб компаниялардан фарқли ўлароқ биз ҳамон ривожланяпмиз ва аллақачон даромадимиз ижобий кўрсаткичда.

Бундан ташқари, «Wells Fargo», «US Bank» ва «Keybank»да ўрнатилган айланма кредит линияларимиз борлиги ҳам бизнинг омадимиз. Бу кредит оқими бизга катта молиявий имкониятлар

бериб келмоқда. Бироқ ҳозирги иқтисодий мавхумликни ҳисобга олсак, қарз ҳисобига молиялашга ишониб қолмаслик мақсадда мувофик, деб ўйлайман.

Компаниямиз учун энг түғри йўл – реактив эмас, балки проактив (олдиндан чора кўриш) бўлиш деган хulosага келдик. Харажатларимизни кескин қисқартиришга мажбур бўладиган кун келишини кутиб ўтирамай, ҳозирнинг ўзида уларни камайтирмоқчимиз. Токи ўша вақтда ходимларимизга кўпроқ ғамхўрлик қилиш имкони бўлсин.

Ўсиб фойда олаётганимиз сабабли биз билан тенг бошқа компаниялар каби кескин қадам ташлашимиз шарт эмас. Ўтган йили ялпи савдомиз 840 миллиоñ доллар бўлди. Бу йилда эса ялпи савдо 1 миллиард бўлиши кутилмоқда. Аммо 2007 йилнинг охирида 2008 йил учун тузилган режага кўра ялпи савдо қиймати 1 миллиард доллардан ошиши керак эди.

Буларнинг ҳаммаси сабабли иш ўрнини 8 фоизга қисқартироқчимиз. Лекин бу масалада кейин қийналиб қолмаслик учун олдиндан чора кўраётганлигимиз сабабли, ходимларимизга кўлдан келганча ёрдам берамиз. Уларга аксарият компаниялар тақдим этаётган стандарт икки ҳафталик тўловдан кўра кўпроқ тўлов таклиф этамиз.

Ишдан бўшатилган ҳар бир ходимга йил якунига қадар (тахминан, 2 ой), биз билан уч йил ва ундан ортиқроқ ишлаган ходимлар учун эса яна кўшимча ҳақ тўлаб берамиз.

Бундан ташқари, доимий тиббий кўриклар (шунингдек, стамотологик ва окулистик) учун кетадиган харажатлар компаниямиз томонидан

ходимлар учун тўлиқ, уларнинг оила-аъзолари учун 50 фоиз қоплаб келинарди. Шунинг учун бўшатилган ишчиларга СОВРАнинг кейинги 6 ойлик тўловларини ҳам тўлаб бермокчимиз.

Буларнинг барчасини ишдан бўшатилган ходимларга ғамхўрлик қилиш учун амалга оширар эканмиз, бу билан 2008 йилдаги харажатларимиз камаймасдан, аксинча, ошиши кутилса-да, ходимларимиз учун қилинадиган тўғри иш шу, деб ҳисоблаймиз. Бу бизни 2009 йил иқисодиётида юз бериши мумкин бўлган ўзгаришларга бардошли молиявий мослашувчан қиласди. Бир йил аввалгига солиштирганда электрон тижоратнинг ўсиши секинлашди. Лекин кувонарлиси шундаки, оғир иқтисодий шароитга қарамасдан, бу соҳа барибир ривожланяпти.

Биз пойабзал савдосида онлайн бозор пешқадами ҳисобланамиз. Оғир дамларда савдо-сотикнинг умумий ўсиши паст бўлса-да, бозордаги энг кучли иштирокчиларнинг каттагина улушни кўлга киритиш имкони катта. Тарихан биз умумий электрон тижорат бозорига қараганда тезрок юксалдик ҳамда бу 2009 йилда ҳам давом этишини башорат қиляпмиз.

2008-2009-йиллардаги ҳолатимиздан келиб чиқиб, буёғига ҳам йилдан-йилга ривожланишимизни башорат қилса бўлади. Ҳозирги прогнозларимиз кўрсатишича, бизнес ва молиявий маблағларимизни бошқаришда реактивлик ўрнига проактивлик йўлидан борар эканмиз, бизга келадиган даромад ва пул оқими ўсишда давом этади.

Биламан, бугун ишдан бўшатилганларга ҳам, компанияда қолганларга ҳам оғир. Бизни бир оиласдек бирлаштирган маданиятимизни

инобатга олсак, ходимлардан воз кечиш бошқа компанияларга қараганда бизда оғирроқ кечади.

Баъзи ишчилар мендан юз берәётган воқеаларнинг «Twitter»га зарари бор-йўклигини сўрашди. Бизнинг «Twitter»даги дастуримиз ўз ҳолича сакланиб қолади: Щунчаки ҳаққоний ва мулоҳазали бўл.

Ҳозир ҳаммага қийин. Ишончим комил, бу мактуб билан танишгач, жуда кўпчилик саволлар билан мурожаат қиласди. Агар сизда мутахассислигингиз ёки бўлимингизга оид саволлар бўлса, илтимос, бу борада ўз бўлимингиз менежери билан гаплашинг. Бошқа ҳар қандай саволлар, фикр ва мулоҳазаларингиз бўлса, бемалол менга электрон хат жўнатишингиз мумкин.

Тони Шей,
Бош ижрочи директор

Янги ҳафта бошланиши билан компанияда қолган ишчиларга қуидаги хатни жўнатдим ва унинг нусхасини ҳам блогимизда оммага эълон қилдик.

 *Сана: 11 ноябрь, 2008 йил*

Кимдан: Тони Шей

Кимга: «Zappos»нинг барча ходимларига

Мавзу: Олдинга ҳаракат

Ўтган ҳафта ҳамма учун оғир кечди. «Zappos» оиласи ходимларининг 8 фоизини ишдан бўшатишга мажбур бўлдик. Пайшанба куни ходимлар ишдан озод қилинди. Аммо бундай кўнгилсизликка қарамасдан, нафақат ўша оқшом, балки якшанбада ҳам «Zappos» ходимлари ва собиқ ходимлар бир дастурхон атрофида йиғилганликларини эшитиш мен учун жуда

ёкимли бўлди.

Айни пайтда хукм суроётган иқтисодий мухитга умримиз давомида ҳеч гувоҳ бўлмаганмиз. Бу фавқулодда бир ҳолат ва Америка ундан чиқиб улгургани йўқ. Кўпчилик ҳозирги иқтисодий инқироз ниҳоясига етгунча 2-3 миллион америкалик ишидан айрилишади, деб хулоса қилмоқда.

Эҳтимол, вазият шунчалик мураккабдир, тажрибаларимдан маълумки, аслида ҳеч нарса кўринганичалик ёмон ёки яхши бўлмайди. Кўпинча бундай нуқтаи назар бирор «ёмон» ёки «яхши» ҳодиса содир бўлгандан анча кейин пайдо бўлади.

Аслида, иккинчи марта «Zappos» таркибидаги иш ўринларини қисқартиришга мажбур бўлдик. 9 ярим йилдан бери фаолият юритиб келаётган бўлсак, компания иш бошлаган илк йилларда биринчи марта шундай бўлган эди. Иқтисодиётимиздаги танглик ҳамда маблағ тўплашга қодир эмаслигимиз сабабли ходимларнинг қарийб ярмини ишдан бўшатган эдик. Ўша пайтларда биз ҳали даромад кўрмасдик.

Бироқ дастлабки қисқартиришлар жамоамизни кучлироқ бўлишга мажбур қилди. Ўша пайтда маблағимиз камлиги боис эътиборимизни янги мижозларни жалб қилишга эмас, балки мавжуд мижозларимизга хизмат кўрсатишга қаратдик. Бунинг оқибатида «Zappos» оддий пойабзал сотувчидан мижозларга аъло хизмат кўрсатувчи, ўз маданиятига эга компанияга айланди. Бугунги мавқейимизга чикишда асосий туртки шундан бошланган эди.

Олдинда биз учун яна шундай имконият турибди. Компаниямиз маданиятини ҳар

қачонгидан ҳам күчлироқ қилиш имконига зәгиз. Бу эса ҳар кимнинг иштироки ва харакатини талаб килади, аммо ўз тарихимизга асосланиб айтишим мумкинки, биз буни уддалай оламиз.

Шунингдек, бизда компаниямиз кувватини аввалгидан кўра ошириш имконияти бор. Кўпроқ даромад олиш ва пул оқимларини шакллантиришнинг инновацион ва ижодий усулларини ишлаб чиқиш орқали компаниямиз учун ниҳоятда фойдали бўлган устуворликка асос соламиз.

Янги йилдан кейин ҳам иш ўринларини қисқартиришда давом этамизми-йўқми, деган савол туғилади. Хозирча режамизда бу йўқ. Ўтган ҳафтада 8 фоиз ходимимизни ишдан бўшатганимизда, атайнин шу рақамни танлаган эдик. Чунки ҳозирги молиявий прогнозларимизга кўра, ушбу 8 фоиз билан бутун 2009 йил давомидаги харажатларимиз етарлича камаяди. Аввалги хатимда таъкидлаганимдек, 2009 йилда даромад олиш ҳамда пул оқимларининг ижобий бўлишини таъминлаш учун ишдан бўшатишни олдиндан амалга оширдик.

2009 йил харажатларини қисқартиришнинг бир қисми сифатида, колаверса, барчамизни янада яқинроқ қилиш мақсадида одамларимизни Лас-Вегасга кўчирияпмиз. У ердаги офисларимиз (2280-бинодаги ёки 2290-бинодаги) ёнмаён жойлашган бўлиб, бу ҳаммани бир жойда бўлишини таъминлайди. Кўчиб ўтиш ишлари кейинги икки ҳафтада якунланиши лозим.

Келаётган таътил давомида ҳам иш билан банд бўламиз. Ҳамма ўз иши устида қаттиқ меҳнат қилиш билан бирга бир-бири учун

хар доимгидан күпрөк ёрдам бериш хақида жиддий үйлаб күрамиз. Нафакат ўз бўлимингиз ичидаги, балки бўлимлараро ва бутун компанияда бирдамликни оширамиз.

Ёдингизда бўлсин, бу компания менга ёки бизга инвесторлик қилаётганларга тегишли эмас. Бу компания барчамизники ва унинг келажаги учун барчамиз дахлдормиз. Компания тарихида кучли жамоага айланиш ҳамда олдинга ҳаракат қилиш учун ҳар биримизда етарлича куч мавжуд.

Келинглар, «Zappos»нинг нималарга қодир эканлигини бутун дунёга кўрсатиб кўямиз.

Тони Шей,
Бош ижрочи директор

Биз оммавий ахборот воситаларининг эътиборини тортдик. Чунки қисқартиришлар хақида оммага сукут саклаш ўрнига ошкор қилган эдик. Бундай синовли даврни халқнинг кўз ўнгига бошдан кечириш компаниямиз маданияти учун ҳақиқий синов бўлди. Лекин ходимларимиз барча қийинчиликлардан қандай ўтиш ва ҳаракатда давом этиш йўлларини топишиди.

Ҳозир ортга назар ташласам, ниҳоятда миннатдорлик ва шукроналикни ҳис қиласман. Сабаби, барчамиз бир оиласдек бирлашиб, жамоада бирдамликни йўқотмадик. Бу эса менда ходимларимиз билан фахрланиш ҳиссини үйғотади.

Умид қиласманки, бундан кейин асло бу каби кўнгилсизликларга дуч келмаймиз.

Кадрлар бўйича стратегия

Аксарият корпорациялар энг муҳим активлари сифатида одамларни кўрсатишади. Бундай ёндашувга боғлиқ бир қанча муаммолар бор. Биринчидан, кимдир ишдан кетиши биланоқ, сиз активингизни йўқотасиз. Иккинчидан, агар компания ўсадиган бўлса, ходимнинг ривожланиши учун анча вақт кетади. Чунки у ҳали ҳам

аввалги билимлариға таяниб ишлаёттган бўлади. Борди-ю, шундай ҳолат юз берса, кўп компаниялар четдан малакалироқ ходимлар олиб келиш билан муаммога ечим топади. Бу эса учинчи муаммони келтириб чиқаради: Янги ходимлар кўпинча компания маданиятига мослаша олмайди.

Бизнинг «Zappos»даги фалсафамиз эса бошқача. Алоҳида шахсларга актив сифатида қарагандан кўра, уларнинг бир тўплам сифатида шаклланишига эътибор қаратдик. Ҳар бир бўлимнинг янги қабул қилинган ходимидан тортиб, бош менежер ва етакчилариғача ўз малака ва қобилиятлари билан бир-биридан фарқ қиласди. Бизнингча, барча ходимлар ишга кириш учун маълум даражада малакага эга бўлиши, шу билан бирга, компания уларнинг етакчилар сафидан жой олишига имкон берадиган даражада ўқитиши, малакасини ошириши керак. Биз учун бу ҳали давом этаёттган жараён, аммо унинг келажагидан кўнглимиз тўқ.

Шахсий ҳамда касбий жиҳатдан ўсиб, узлуксиз ўрганмасдан туриб, бирор ходимнинг ўн йилдан кейин компанияда қолиши даргумон. «Zappos»даги бош мақсадимиз ходимлар ўз ишларига бир юмуш ёки карьера, деб эмас, балки бурч сифатида қарашига эришишдир.

Кадрлар стратегиямиз 2004 йил Вегасга биринчи марта кўчиб келган вактимизда йўлга кўйилган. Вегас колл-марказимизга ходимлар қабул қилиш учун жуда яхши жой бўлишига қарамасдан, олдимизда яна бир муаммо бор эди. Саноатда йиллаб тажриба орттирган савдогар ва харидорлар Лас-Вегасга Лос-Анжелес ва Нью-Йорк каби шаҳарлардан кўчиб келган бўлиб, улар компаниямизга ҳали ишонмас эди. Шунинг учун ўз сотувчиларимизни ўзимиз тайёрлаб, ривожлантиришга қарор қилдик.

Ҳозирда савдо-сотик бўлимидағи ишчиларнинг деярли ҳаммаси савдо асистенти даражасига эга. Бизнинг уч йиллик савдогарликни ривожлантириш дастуримиз

савдо ассистентлари тайёрлаб, уларни сертификатлайди. Шунингдек, сертификат сохибларига масъулиятли вазифа, бошқарув ва етакчилик ҳам юклатилади.

Ишга қабул қилиш жараёнида биз, асосан, эътибор берадиган жиҳат – ўзи шуғулланадиган ишга қанчалик кизикиши борлигидир. Дизайнлар билан шуғулланадиган жамоа учун мода журналларини севувчиларни, югуриш жамоамиз учун эса марафончиларни ёллаймиз. Очик ҳавода ишлайдиган жамоамизга дам олиш кунларини сайр қилиш билан ва лагерларда ўтказадиганлар қабул қилинади. Уч йил давомида савдо ассистентлари дастлаб харидорлар ассистенти, ундан кейин эса харидорлар мавкеига эришади. (Уч йилдан кейин улар катта харидорлар, директорлар ҳамда вакти келиб ВПларга айланишади.)

Тўплам фалсафамиз савдо бўлимида муваффакиятли бўлиб келаётганлиги сабабли ўтган йили уни бошқа бўлимларга ҳам татбиқ қила бошладик.

Ҳар бир бўлимнинг ўзига хос маҳсус тайёрлов дастурлари бор. Бундан ташқари, биз ҳамма бўлимлар учун умумий курсларни таклиф қиласдиган Тўплам жамоа ҳам ташкил этганмиз. Бу курсларнинг кўпи, қайси бўлимда ишлашидан қатъи назар, ходимнинг маълум бир лавозимга кўтарилиши учун зарур бўлади.

Тўплам жамоаси тақдим этадиган курслар

Тўрт ҳафталик янги қабул қилинганларни тайёрлаш (қўнғирокларга жавоб бериш);

- «Zappos» тарихи
- «Zappos» маданияти
- Алоқа 1
- Алоқа 2
- Алоқа 3
- Мураббийликка кириш
- «Zappos» кутубхонаси: *Фред Фактор ва Фии*
- Молияга кириш

- Бахтнинг 101 илми
- Гурух етакчилиги
- Бир ҳафталик Кентукки ўкув лагери
- Янги менежерлик йўналиши
- Фаолиятни кучайтириш
- HR 101
- HR 102
- Етакчилик асослари
- «Zappos» кутубхонаси: *Made to Stick*
- Молия 2: Режалаш жараёни
- Оммавий нутқ
- Бахт улашиш
- «Microsoft Office» билан ишлаш
- Грамматика ва ёзув 1
- Грамматика ва ёзув 2
- Стрессни бошқариш
- Вактни бошқариш
- Саёҳатдан илҳомланиш
- Колл-марказ кўникмаларини такомиллаштириш
- Ривожланиш режаси бўйича семинар

Ҳар бир бўлим ушбу кадр билан бир марта тўлдирилгач, бирор ким компанияни тарк этганда ҳам ундан олдинги ёки кейинда турувчи бошқа бирор собиқ ходимнинг ишини ўз бўйнига олиб бўшлиқни тўлдиради. Шу тарзда алоҳида шахс эмас, балки ходимлар тўплами компаниянинг ҳакиқий мулкига айланди.

«Zappos»да ишлашни хоҳловчилар учун ишга тўлиқ қабул килинишдан аввал тўрт йил мобайнида тўплам таркибида бўлишни жорий этмоқчи бўлиб турибмиз. Агар бизнинг кадр овловчи жамоамиз биринчи босқич коллеж ўкувчилари билан муносабат ўрната олса, уларга ўкиш давомида ёзги амалиётни «Zappos»да ўташни таклиф килишади. Шундан кейин коллеж битирувчисига «Zappos»да ишлаш мос келадими ёки йўқлиги иккала томонга ҳам маълум бўлади.

Бизнинг ўн бир йиллик кадрлар тўпламимиз қурилса (иш бошлашдан аввалги тўрт йил ва «Zappos»га кабул қилингандан кейинги етти йиллик тажриба), исталган рақобатчимиз устидан узок муддатли устунликка эга бўламиз. Бренд ва корпоратив маданиятишимизни узлуксиз ривожлантириш билан қўшиб айтсак, ишончимиз комилки, бизнинг БМТ (Бренд, Маданият, Тўплам) стратегиямиз «Zappos»нинг узок муддат баркарор ривожланиши учун замин хозирлайди.

Амал қилиш учун қайдлар

«Хар кимнинг забт этмоқчи бўлган ўз
Эверест чўққиси бор».

Лью Маклод

«Агар муҳим ишларингиз сони учдан ор-
тиқ бўлса, билингки, бирорта ҳам муҳим
ишингиз йўқ»

Жим Коллинз

«Суҳбатдошинг сени тингламаётган бўлса,
сабрли бўл. Балки, унинг қулоғида нуқсо-
ни

бордир».

Винни-Пух

«Билим эгаллашда ҳар куни нимадир
кўшиб борилади. Маърифат эгаллашда эса
нимадир тушиб қолади».

Лао-Чзи

«Кечаси кимдир машинам эшигини бузиб-
ди. Олиб кетишга арзигулик нарсанинг
ўзи йўқ эди, қайтага машинам ҳозир анча
саришта. Бу ишни ҳар ойда уюштиришим
керак».

Интернетдан

03

ДАРОМАД,
ИШТИЁК
ВА МАҚСАД

КОМПАНИЯНИ КЕЙИНГИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚИШ

PR ва оммавий нутқ

«Amazon»нинг «Zappos»ни кўшиб олгани ҳақидаги эълон чиккунгача бўлган икки йил давомида компаниямиз ҳақида оммавий ахборот воситаларида кўп гапирилаётган эди. Кўпчилик буни бизнинг PR ҳаракатларимиз, деб тахмин килди, аммо аслида умуман бундай эмас эди. Биз доимгилик ишлаётгандик: Мижозлар билан ишлашни яхшилаётган, корпоратив маданиятимизни мустаҳкамлаб бораётгандик.

Кулгили томони шунда эдики, кўплаб газеталарда бизнинг бир неча йил олдинги қилган ишларимиз, мисол учун, янги ходимларни ўқитиш давомида уларга ҳак тўлаш ёки мижозларимизга вақти-вақти билан гуллар жўнатиб туриш ҳақида ёзилар эди. Бизнинг фаолиятимиз бирорта янгилик ёки блогларда ёритилишини кўзламаганмиз. Лекин ҳар сафар бирор журналист ёки таникли блогер фаолиятимиздан бирор нарсани қаламга олар ва ҳикоя яшин тезлигига тарқалиб кетарди. Бундай ошкораликдан бошқалар катори биз хам ажабланардик. Чунки биз буни ҳеч қачон режаламаганмиз.

Олган сабоқларимиздан бири шуки: Агар эътиборингизни маҳсулот ёки хизмат орқали одамларни доимий равишда хурсанд килишга қаратсангиз, матбуотнинг ўзи

бу ҳақда хабар топади. Агар компаниянгиз аъло даражада маҳсулот етказиб бериш ёки малака оширишга кўшимча ва табиий равишда қизиқарли воқеалар яратса, матбуотдан жой олиш учун уринишингизга ҳожат қолмайди.

*

ОАВнинг биз ҳақимиздаги хабарлари кўпайгани сари турли-туман конференциялар ва саноатчилар йигинларида сўзга чиқиши учун илтимосномалар ола бошладим. Биринчи марта 2005 йили «Footwear News» хафтаномаси ўтказадиган пойабзал саноати вакиллари саммитида нутқ сўзлаганман. Аввал омма олдида кўп нутқ сўзламаганим учун ўша куни жуда асабийлашганим ҳамон ёдимда. Шундай бўлишига қарамасдан мен бунга рози бўлдим. Чунки кўплаб пойабзал таъминотчиларига «Zappos» ҳақида гапириб бериш учун яхши имконият эди. Биз улар билан анчадан буён муносабат ўрнатишга уриниб келаётгандик.

Нутқимнинг кириш кисмини аввалдан ёзиб олгандим, уни ёдлаб, машқ қилишим учун бир ой сарфлаганман. Сўзга чиқишдан олдин туни билан ухлай олмаганман. Ҳаммаси яхши ўтгачгина, анча енгил тортиб, кўзимга уйку келган эди. Гарчи мен бутун жараёндан завқланмаган бўлсам ҳам, ўша кунги нутқим бизнесимизга жуда яхши таъсир қўрсатди. Буни уddaлаганимдан шод эдим.

Кейинги йил давомида илтимосномалар бир неча баробарга ошиб кетди. Уларнинг ҳаммасига қўркув билан розилик берардим. Шундай қилиш бизнес ва брендимизни ривожлантиришда ёрдам беришини билиб турардим. Шунингдек, булар қанчалик нокулай бўлиши билан бирга, мен учун ҳам шахс, ҳам профессионал сифатида ўсишимга имконият эканлигига ишончим комил эди. Бошқа қобилиятлар каби омма олдида гапира олиш ҳам шунчаки доимий шуғулланишни талаб қиласар экан. Ҳар бир сўзга чиқишим бир машқ бўларди. Сўзга чиқишини бошлаган биринчи йилимда ҳар бир нутқимни олдиндан

ёзиб, ёдлаб олиш учун жон күйдиардим. Бунинг учун кўп вақтим кетарди. Камига чиқишлиаримдан бир кун олдин яхши ухламас эдим. Баъзан нутқ сўзлаётганимда бирор жумла ёки бутун параграфни унутиб қўярдим. Шундай пайтларда кечаси билан ёдлаб чиккан каторларни эслаш учун миямни титкилашга тушиб, сахнада бироз каловланиб қолардим.

Нутқ сўзлашим вакт ўтиб яхшиланаётганини сезсам-да, ҳалигача гапларим ўзимга ёқмасди. Менинг чиқишлиарим «Zappos» брендининг шаклланишига ёрдам бераётган бўлса-да, балки оммавий маърузачи бўлиш ниятим йўклиги сабабли ўзимни ноқулай хис этаётгандирман деб ўйлардим. Нутқ сўзлаётганимга бир йил ўтдики, ҳамон ноқулайликдан халос бўлолмаётгандим.

Кунларнинг бирида ўзим учун бир кашфиёт қилдим.

Олдиндан ёзиб қўйган гапларимдан ҳеч кимнинг хабари йўклиги хаёлимга келиб қолди. Демак, бирор жумла ёки абзацни, ҳатто асосий қисмларни қолдириб кетсан ҳам ҳеч ким билмайди.

Яна бир эътиборимни тортган жиҳати, нуткларим мазмунини маъқуллаганлар чиқишлиаримдан сўнг, асосан, икки нарса ҳакида гапиришарди. Улар ўзим ҳакимдаги ҳикоялардан ниҳоятда завкланишганини, «Zappos» ҳакида газеталарда кўп ўқиган бўлишса ҳам, компания вакилидан у ҳақда эшитиш бошқачалигини айтишарди. Менинг компаниядаги маданиятга, мижозларга хизмат кўрсатишга ва, умуман, «Zappos»га бўлган муҳаббатим яққол сезилиб тураркан.

Шундай қилиб, кейинги нутқим учун бутунлай бошқа ёндашувни синаб кўрдим.

Бирор нарсани ёдламасликка ёки қайта-қайта машқ қилмасликка қарор қилдим. Шунчаки ўзимда борини гапираман ва нима бўлишини кўраман. Менда айтишга арзигулик воқеалар кўп эди. Айниқса, мижозларга хизмат кўрсатиш ва корпоратив маданият борасидаги

ўз иштиёқим ва билимимни инобатга олиб, асосан, шу мавзуларда гапирсам бўларди. Ўзимдаги маълумотлар билан берилган вақтни мазмунли ўтказишим мумкин, деб ўйладим.

Нихоят, минбарга чиққанимда томошабинлар ва хонага мослашгунча бир-икки дақиқа ҳаяжонландим. Шундан кейингина вақт учиб ўтгандек бўлди. Тингловчилар олдинги сұхбатларимдагига қараганда кўпроқ қизиқиш билдира бошлади. Аввалдан ёзилган гапларни ифодали ўқиши ўрнига шунчаки хаёлимга келган воқеаларни сўзлаб бераётганимда ҳатто одамларни кулдиришни ҳам уddyаладим.

Кейин маълум бўлишича, мен ҳолатга киришни уddyалаган эканман. Тадқиқотчи Михай Чиксентмихайининг шу мавзудаги китобида ёзилишича, ҳолатга кириш шундай баҳтки, унда инсон вақтни ва ўзини хис қилмай қўяди. Мен билан айнан шу нарса юз берди.

Ўша пайтдан бошлаб барча нутқларим учун бир хил формуладан фойдалана бошладим. Натижада доимий ташвишланиб юрадиганим нарсалар ўз-ўзидан йўқолди. Сұхбатларга бор-йўғи учта асосий қоида билан борардим:

1. Иштиёқ кўрсатиш.
2. Ўзим билан юз берган воқеалардан айтиб бериш.
3. Ростгўй бўлиш.

Бир сафар ўзим қизиқмайдиган мавзу ҳақида бир конференцияда сўзга чиқишига розилик бериб хато қилганман. Мавзу моҳиятидан ҳар томонлама хабардор бўлсан ҳам, иштиёқ билан гапира олмагандим. Шунинг учун чиқишим шунчаки яхши бўлди. Аммо бу менга сабоқ бўлди.

Хозир бирор жойга сұхбатга таклиф қилишса, факат маълум бир мавзулардагина сўзга чиқишим мумкинлигини, улар конференциянинг умумий мавзусига

мос келиши ҳам, келмаслиги ҳам мумкин эканлигини билдираман. Кейин эса конференция ташкилотчилари бу шартни қабул қилиш ёки килмасликни ўзлари билади. Одатда, уларга маъкул келади, баъзи ҳолларда эса қабул килишмайди.

Бундай ҳолларда конференциянинг «Zappos»га қанча пул таклиф қилишию, чикишларим «Zappos»ни аудиторияга қанчалик таништириши аҳамияти бўлмайди. Ҳар доимги одатимга кўра, хушмуомалалик билан рад этаман.

«Zappos Insights»

«Zappos»га келиб тушаётган илтимосномалар кўпайиб кетганилиги сабабли, нутқ сўзлаш учун бошка ходимларимиздан ҳам юбора бошладик. Корпоратив маданият китобимизда келтирилганидек, турли ходимлар ўз шахсий ҳикояларини айтиб, компанияни танитади. Бизда ҳамма учун бир хил стандартдаги «PowerPoint» тақдимоти йўқ.

Омма олдидағи чикишларимиз жуда кўп қутилмаган натижалар олиб келди. Блоглар ва ОАВларда тинимсиз ёритилишдан ташқари, ўзимиз ҳам кўпчиликни таниб олдик. Масалан, Тони Роббинс тадбирлари, TEDIndia (Technology, Entertainment, Design), Далай-Лама ҳам нутқ сўзлаган SXSW (South by Southwest Airlines), Inc 500 каби конференциялар ташкилотчилари шулар жумласидан. Бизни хурмат қиласиган ва «Zappos» кутубхонасига ҳам келтириб кўйилган кўплаб китобларнинг муаллифлари, жумладан, Жим Коллинз, Сет Годин ва Чип Конли билан учрашдим. Омма олдидағи чикишларимиз оқибатида, турли-туман компанияларнинг турли макомдаги ходимлари бош оғисимизга ташриф буюрди. Натижада, кўплаб ажойиб алоқалар ҳамда бизнес имкониятларни кўлга кирийтдик.

Қаерда ва қачон нутқ сўзлашимиздан қатъи назар, уларда ўзак қадриятларимизга мурожаат қиласиз. Сўзга

чикишимкониятидан фойдаланиб, «Zappos»ни кенгтарғиб килиш ўрнига, тингловчиларнинг ўсиш ва ўрганишлариға ёрдам бериш учун ўз тажрибаларимизни бўлишишга ҳаракат қиласиз. Шунингдек, очик ва самимий муносабат ўрнатишга ҳаракат қиласиз, ракамлар ва бошқа батафсил маълумотларни баҳам кўришдан мамнун бўламиш.

Шулар сабабли оммавий нутқларимиздан кутилмаган натижалар чиқди: Биз аслида бошқа компаниялар ва одамларнинг ҳаётини ўзгартираётганимизни англаған эдик. Секин-асталик билан «Zappos»дан йирикrok ниманингdir бўлагига айланаб бораётгандик. Англашимизча, «Zappos»нинг ўзгалардан ажралиб туриши билан эмас, балки бошқа компаниялар фаолиятини ҳам ўзгартириш орқали дунёни ўзгартиришимиз мумкин эди.

Ўзга одамлар ва компаниялардан ўз ҳаётларини қандай ўзгартиргани, ўзак қадриятлар амал қилиб, мижозларга кўрсатадиган хизматлари, корпоратив маданияти ва ходимлар шодлигига дикқат қаратиб, ўз компанияларини бошқариш усувлари ҳамда молиявий ҳолатини қанчалик яхшилаб олганлиги тўғрисида эшитиш жуда ёқимли эди.

Ҳар куни одамлардан «Zappos» уларнинг бизнес бошқарувларини ислоҳ қилишга илҳомлантираётгани ҳакида эшитиб келамиш. Улар шунчаки «Zappos»га тақлид учун эмас, аксинча, ҳақиқатан ҳам барчанинг баҳтига эътибор қаратадиган қадриятлар асосида компанияни бошқариш мумкинлигига гувоҳ бўлишди. Даромад, иштиёқ ва мақсадни бирлаштириш қуруқ назария эмаслиги, уни амалга ошириш мумкинлигига гувоҳ бўлишди.

Олинган фикр-мулоҳазалар бизни онлайн видео хизмати – «Zappos Insights» ва икки кунлик семинар – «Zappos Insights Live» дастурини яратишга ундади. Иккала дастур ҳам тадбиркорлар ва мавжуд корхоналарга ривожланиши учун кўмак бериш мақсадида ишлаб

чиқилган. Аксарият фойдаланувчилар кучли маданият ва ўзларининг ўзак қадриятларини қандай яратишни ўрганишга алоҳида кизикиш билдиради.

Бундай кўшимча хизматлар тақдим этиш орқали биз аста-секин катта ҳаракатнинг бир қисмига айланиб бораётганимизни тушундик. Эндиликда биз факат «Zappos»ни эмас, балки бутун дунёning ўзгаришига хисса кўшаётган эдик.

Келишув

Юксак маррани кўзлаш жуда муҳим эканини биз кашф қилмаганмиз. Кучли маданият ва ўзак қадриятларнинг зарур эканлиги ҳақидаги ғояни ҳам биз биринчи айтмаганмиз. Ҳар иккала ғояга «Яхшидан буюкка» ва «Қабила етакчилиги» китобларида алоҳида ургу берилган, бу китоблар яратилишидан анча олдин ҳам улар мавжуд эди.

Лекин саёҳатлар, корпоратив маданият китоби, оммавий нутқлар, «Zappos Insights», «Zappos Insights Live», «Twitter» ҳамда блогимиз ёрдамида ўзгача бир мавке қозондик: Ўн йилга бормай ялпи савдомизни бир миллиард долларгача чиқардик. Ўзак қадриятлар ҳамда очиклик ва самимилик маданиятининг омихталиги, ўсиб-ўрганишга чанқоқлик бизни йиллар давомида тўплаган корпоратив билим ва тажрибамизни сир тутишга эмас, аксинча, бошқалар билан бўлишишга ўргатди.

Килаётган ишларимиз «Zappos» брендини шакллантириш билан бирга дунёни ҳам яхши тарафга ўзгартириш учун ёрдам беришига Директорлар кенгашини (шунингдек, инвесторларни ҳам) ишонтириш осон кечмади. Кенгашимиздаги директорлар, асосан, технология ва ишлаб чиқариш соҳаларидан келиб чиқсан бўлиб, чакана савдо ёки брендлашдан бехабар эди. Уларнинг баъзилари биз нима учун «Zappos Insights» ишлаб чиққанимиз, нима учун «Twitter»ни қабул килганимизни (иловадаги ««Twitter» сизни қандай қилиб

яхширок ва баҳтлирок қилади» номли блогпостимга қаранг) тушунмас эди. Шу боис улар биз қураётган Брэнд/Маданият/Тўплам платформаларининг қимматли эканига чиндан ишонишмади. Ҳаракатларимизнинг кўпи директорлар кенгашининг баъзи аъзолари томонидан «Тонининг ижтимоий экспериментлари» деб бекор килинди.

Аксарият холларда директорлар кенгаши аъзолари биздан электрон тижорат ишларимизнинг молиявий натижаларига кўпроқ эътибор қаратишни сўрарди. Шунда тузук маъно бор, деб хисоблашарди.

2005 йил «Sequoia» илк марта сармоя киритганда улар биз билан хизматга йўналтирилган электрон тижорат компаниясини куришда кўмаклашиш учун шартнома имзолаган эди. Эҳтимол, улар ўзлари сармоя киритган бошқа кўплаб компаниялар каби биздан ҳам беш йил ичida қайсиdir йўллар билан (масалан, IPO ўtkазиш орқали) ўз улушларини қайтариб олишни кутгандир. Улар бизнинг узок муддатли стратегияларимиз ва электрон тижоратта бевосита боғлик бўлмаган кўшимча режаларимизни инкор килишди. Албатта, улар биз билан бошқаларга корпоратив маданият яратиши, узок муддатли режалар тузишига ёрдам беришимиз учун шартнома тузмаган.

Лекин мен килаётган ишларимизнинг таъсири «Zappos» билангина чекланиб қолмаганини кўриб турадим. Ишончим комилки, бу ишлардан воз кечмаслигим. Директорлар кенгаши мени лавозимимдан четлатишига сабаб бўлиши мумкин. Сармоя киритилганига ҳам беш йил ўтиб, муддат келиб қолган эди. Альфред, Фред ва мен компанияни сотишни хоҳламасдик. Компания ликвидацияси жараёнидаги преференциялар билан боғлик мураккабликлар туфайли иқтисодий кескинлик шароитида компанияни оммага очишга уриниш ҳам тўғри ечим эмасди.

2009 йилнинг бошида «Fortune» журналининг «Ишлаш

учун энг яхши компаниялар юзталиги» рўйхатига кирдик. Бу рўйхатдаги дебютимиз энг юкори ўринлардан бирини эгаллаш билан бўлди. Буни эшитганимизда бенихоя ҳаяжонга тушдик, чунки компания фаолиятининг дастлабки кунларида олдимизга қўйган ички мақсадимиз айнан шу эди. Бу воеа ялпи савдо ҳажмини режадагидан олдинроқ бир миллиард долларга етказганимиздан борйўғи бир ой ўтиб бўлди.

Аммо Кенгашнинг назарида биз мушкул ахволда элик. Кенгаш молиялашни тўхтатишни хоҳларди, лекин «Зарпрос» ичидан туриб биз буни хоҳламасдик. Бунёдкорликни давом эттириш ва узок вақт шу жараёнда бўлишни хоҳладик. Хайриятки, мен овоз беришда каттагина хукукка эга эдим – Кенгаш компанияни сотишга бизни мажбур кила олмасди. Лекин мени ишдан бўшатиб, ўрнимга корпоратив маданият билан иши йўқ, аксинча, фақат электрон тижоратдан олинадиган даромадни максималлаштиришга эътибор берадиган янги бош ижрочи директор тайинлаш учун Кенгашда етарлича ваколат бор эди.

Корпоратив маданиятимиз таназзулга учраётган пайтда мен «LinkExchange»дан олган сабогимни қайта ўрганаётганимни англаб етдим: Келишувнинг муҳимлиги. Кучли корпоратив маданият ва ўзак қадриятларга содиклик жуда муҳим, чунки улар ходимлар орасида бирдамлик яратади. Энди эса мен акциядорлар ҳамда Директорлар кенгаши билан келишиш ҳам худди шундай зарур эканлигини ўрганаётгандим.

**Сармоядор ва Кенгаш аъзоларини излашда
зарур бўлган 10 та энг муҳим савол**
Альфред ва Фред билан биргаликда Директорлар



1. Ҳақиқатан ҳам сармоядорга муҳтоjmисиз? Се-
кироқ ривожланиш билан бўлса ҳам, ташқаридан

- молиялаштиришни четлаб ўта оласизми?
2. Сармоядорлар компаниянгиз ишига қанчалик фаол аралашади? Уларнинг фаоллиги қанчалик бўлишини истайсиз?
 3. Улар пулдан ташқари яна қандай қиймат олиб келиши мумкин (алоқалар, маслаҳат, тажриба)?
 4. Сармоядорлар қанча вақтда тиккан пулинни фойдаси билан қайтариб олишни истайди?
 5. Сармоядорларингизнинг компаниянгиз ишига аралашишдан мақсади фақат молиявий фойдами ёки яна бошқа нимадир ундиromoқчими? Улар нишани устун кўради?
 6. Сармоядорлар ва Директорлар кенгаши компаниянгиз мақсадлари ва қарашларини қабул қиладими?
 7. Агар тез муддатда сармоя қопланса, улар камрок фойда олишга рози бўладими?
 8. Сармоядорлар ва Кенгаш аъзоларининг фикри, талаби қатъий, ўзгармасми ёки мослашиши мумкиними?
 9. Сармоядорларни ким назорат килади? Директорлар кенгашини-чи?
 10. Сармоядорлар ва Кенгаш аъзоларининг асосий қадриятлари компания ўзак қадриятларига қанчалик мос келади?

кенгashi билан юзага келадиган муаммоларни қандай ҳал қилиш йўлларини кўриб чиқдик. Албатта, биз компанияни сотиш ва бошқа соҳага кўл уришни хоҳламас эдик. Биз учун «Zappos» факат иш ёки карьера қилиш эмасди. У бизнинг тақдиримиз эди. Компанияга шу кадар ҳиссий боғланган эдикки, ундан осонгина воз кеча олмасдик. Бундан илгари ҳам «Zappos»да жуда кўп кийинчиликларни бошдан кечирдик. Бу ҳам ечиминни топиш керак бўлган бир муаммо эди. Шунинг учун режа

ишлаб чиқдик.

Компанияни назорат килишга етадиган ҳиссаларни сотиб оламиз.

«Amazon»

Ҳисоб-китобимизга кўра, Кенгашдан улушларни сотиб олиш учун, тахминан, 200 миллион доллар керак эди. Шунинг учун бошка эҳтимолий сармоядорларни излай бошладик. 2009 йил бошида турли хусусий компаниялар, венчур-инвесторлар, бадавлат оиласвий компаниялар ҳамда бадавлат шахслар билан сухбатлаша бошладик. Максадимиз уларни компаниямизга пул тикишга кўндириш эди. Шу йўл билан биз «Sequoia» ва бошқа бир қанча акциядорлар ҳамда Кенгаш аъзоларининг улушларини сотиб олсак бўларди.

Ушбу эҳтимолий инвесторлар билан сухбатлашиш асносида, биз билан «Amazon» боғланди. Охирги бир неча йил у билан алокамиз бор эди.

«Amazon» асосчиси ва бош ижрочи директори Жефф Безос илк марта 2005 йилда мен билан боғланган ва Лас-Вегасдаги офисимизга келган эди. Ўша пайтда учеб келишидан аввалроқ унга компанияни сотмоқчи эмаслигимизни маълум қилган эдик.

2009 йилнинг бошида «Amazon» билан музокара

 *Сана: 16 август, 2005 йил*

Кимдан: Тони Шей

Кимга: Жефф Безос

Мавзу: Сешанба қунидаги «Amazon»/ «Zappos» учрашуви

Салом, Жефф!

Сешанба қуни сиз билан шахсан кўришишни интизорлик билан кутяпман.

Мен учрашувдан кўзда тутилган муҳим мақсадларни олдиндан айтиб қўйишни ҳамда хозирги пайтда «Zappos»ни мустақил компания

сифатида камол топтиришга интилаётганимизни яна бир бор таъкидлашни хоҳладим. Аммо биз ҳамкорлик имкониятларини кўриб чикишга доим тайёрмиз. Сешанба куни сизнинг бу борадаги фикрларингизни кутаман...

бошлаганимизда иккала томоннинг ҳам қарашлари бир неча йил аввалгиға нисбатан ўзгаргани кўриниб турарди. «Amazon» «Zappos» ўз корпоратив маданияти ва бизнесини ўзи хоҳлагандек мустакил ривожлантиришига ҳайриҳоҳ эди. Улар йиллар давомида бизнинг тараққиётимизни кузатиб келган ҳамда бизнесга бўлган ёндашувимиз бизга қанчалик қўл келаётганининг гувоҳи бўлишган эди. «Zappos» эса ўз ходимлари ва мижозлари билан аввалгидек ишлаш, шунингдек, «Amazon»нинг ресурсларидан фойдаланишини истайди.

Биз хаёлан, компанияни сотишдан кўра худди уни никоҳлаётгандек эдик. Иккала компания ҳам мижозларга жиддий эътибор қаратарди. Аммо бунга турлича ёндашарди. «Zappos»ни юқори алоқа, «Amazon»ни эса юқори технология сифатида билардик.

Асл максадимиз Директорлар кенгаши аъзоларининг улушини сотиб олиш бўлса ҳам, бу ҳақида қанчалик кўп ўйлаганимиз сари кучларни бирлаштириш шунчалик мантиқли туйилар эди. Шундай қилиш орқали барча томонларни 100 фоиз бирлаштирса бўлар эди. Бу эса айни пайтда Директорлар кенгаши билан юзага келган муаммоларни бартараф этиш йўли эди.

Аввалига «Amazon» таркибиға кўшиб олинниш фикрига қарши эдик. Лескин Михаил Мориц бу билан акциядорлар ва ходимлар учун ўзаро фойдали ва энг яхши натижага эришиш мумкин эканлигига бизни ишонтириди (У ҳак бўлиб чиқди).

Дастлаб «Amazon» «Zappos»ни тўлик сотиб олинини хоҳлади, чунки аввал ҳам шу орқали кўп компанияларни кўлга киритган. Бу Альфред, Фред ҳамда менинг ўзимга

ёкмаётганди. Худди биз компанияни сотиб юбораётгандек туйиларди. Мақсадимиз компанияни сотиш эмас, «Zappos» бренді, бизнеси ва маданияттін саклаб колиш. Шу билан бирга компания әгаси бўлиб қолишни хоҳлардик.

Шунинг учун барча акцияларни кўтарасига транзакция қилишга ҳаракат килдик. Бу бор-йўғи «Zappos» акциядорлари ўз акциясини «Amazon» акциясига алмаштиришини англатади. Худди биз юкорида тасаввур килганимиздек никоҳдан кейин эр-хотиннинг банкдаги умумий хисоб ракамдан фойдаланиши каби.

Кейинги ойлар давомида иккала томон бир-бирини яхширок билиб бориши билан, ўзаро ишонч ҳамда бир-биримизга ва бир-биримизнинг бизнесимизга бўлган ҳурмат ошли. Нихоят, ҳужжатларни имзолаш вакти келганда ўзимизни жуда омадли эканлигимизни хис қилдик. «Amazon» уч тарафга ҳам ғолиблик олиб келиб, барчани баҳтиёр килганди. Яъни энди «Amazon» ҳам, Директорлар кенгашимиз ҳам, «Zappos» ходимлари ҳам ютган эди. Биз аввалдан шакллантириб келаётган қарашларимиз асосида ишлашимиз ҳамда корпоратив маданият ва бизнесимизни ўзимиз хоҳлаган тарзда шакллантиришимиз мумкин эди. Агар «Amazon» бўлмаганда, ишончим комилки, биз Кенгаш билан ўртадаги муаммоларни ҳал кила олмасдик. Оғир ахволда қолиб кетардик. Аммо ҳаммаси ўзгариши билан, Кенгаш билан бўлган келишмовчиликлар аслида биз учун яхши бўлди. Бу шунчаки сиз ёмон деб ишонган нарсалар охир-оқибат аслида яхши бўлиб чиқишини аввалдан билолмаслигингизни кўрсатади.

Ушбу жараёндаги энг кийин иш ҳужжатлар имзолангунча ходимлардан ҳаммасини сир тутиш бўлди. Бунинг учун эса бир неча ой кетарди. Аслида, буни хоҳламагандик, лекин «Amazon» хусусий компания бўлгани сабабли Қимматбаҳо коғозлар ва биржалар бўйича АҚШ комиссияси шундай қилишни талаб килар

эди.

Юридик хужжатлар имзоланишидан сал олдинрок Жефф Безос Лас-Вегасга, Альфред, Фред ва шахсан ўзим билан учрашиш максадида уйимга келди. Унинг учун боғдаги кўрада бургер тайёрладим ва ҳаммамиз бир неча соат сухбатлашдик. Ўша куни окшом Фред билан овоз ёзиш студиясида «Snoop Dogg»ни тинглаб, икки соатча гаплашиб ўтирдик. Окшом тугар экан, бир-бири мизга караб кулгидан тўхтаёлмасдик. Бутун кун жуда ғалати ўтди.

2009 йил 22 июль – шартнома имзоланадиган ҳамда «Amazon» таркибига қўшилаётганимизни ходимларимиз ва оммага эълон қиласидиган кун эди. Эълон килишни фонд бозори ёпиладиган вактга мўлжалладик. Оммавий эълон килиш олдидан асабларимиз таранг эди. Вактдан унумли фойдаланиш учун «Amazon» билан мувофик иш кўришга тўғри келди. «Zappos» ходимлари ва таъминотчилари, «Amazon» ходимлари ва таъминотчилари, «Amazon»га мурожаат қилаётган матбуот, «Zappos»га мурожаат қилаётган матбуот, мижозларимиз, Кимматбаҳо қофозлар ва биржалар комиссияси, Директорлар кенгаши, инвесторларга қилинадиган мурожаатлар мукаммал мувофикаштирилиши лозим эди. Бамисоли ойга ракета учириншга шайлангандек эдик.

Нихоят, белгиланган вактда мен куйидаги электрон мактубни ходимларимизга юбордим:

Савол - жавоблар

 *Сана: 22 июль, 2009 йил*

Кимдан: Тони Шей

Кимга: Барча «Zappos» ходимлари

Мавзу: «Zappos» ва «Amazon»

Бу хатни эътибор билан ўқиб чиқишга 20 дақиқа вактингизни аямасликни илтимос қиласдим. (Ора-орада расмий тилдан

фойдаланганим учун узр сўрайман, чунки бундай кисмлар қонуний сабабларга кўра ёзилган.)

Бугун «Zappos» тарихида муҳим кун.

Бугун эрталаб Кенгаш розилиги асосида «энг маъкул келишув» деб топилган ҳужжатларни имзоладик. Унга кўра, «Zappos»нинг амалдаги барча (100 дан ортик) акциядорлари ва инвесторлари «Zappos» акцияларини «Amazon» акциялари билан айирбошлайдилар. Айирбошлаш якунлангач, «Amazon» «Zappos»нинг ягона акциядорига айланади.

Кейинги бир неча кун ичида ««Amazon» «Zappos»га эгалик қиласди» ёки ««Zappos» «Amazon»га сотилади» қабилидаги матбуот сарлавҳаларини ўқиб қолишингиз мумкин. Бундай сарлавҳалар техник томондан тўғри ёзилган бўлса ҳам, улар келишув моҳиятини тўғри акс эттирмайди. (Шахсан мен ««Amazon» ва «Zappos» бирга ишлайди» деган сарлавҳани маъкуллардим.)

«Zappos»ни доимги услубда бошкармоқчимиз – брендимиз, корпоратив маданиятимиз ва бизнесимиз учун ўзимизга маъкул ишларни қилишда давом этамиш. Амалий нуқтаи назардан қараганда, ҳозирги акциядорларимиз ва Директорлар кенгаши аъзолари ўз ўрнини янгиларига бўшатиб берган бўлади. Техник хукуқий тузилма бошқача бўлишининг аҳамияти йўқ.

Бизнингча, ҳозир «Amazon» билан бирлашишнинг айни фурсати. Чунки бу бир-биримизнинг кучларимиздан фойдаланиб, узок муддатли мақсадлар томон тезроқ одимлашга имкон беради. «Zappos» учун бизнинг мақсадимиз ўзгаришсиз қолади: Мижозлар, ходимлар ва

таъминотчиларга баҳт улашиш. Биз бунга тезрок эришишни истаймиз, холос.

Биз бундан куйидаги уч муҳим сабаб туфайли баҳтиёrmиз:

1. Бизнингча, «Zappos» таракқиётини тезлаштириш учун улкан имконият бор ҳамда «Amazon» бунга ёрдам берадиган энг яхши шерик эканлигига ишончимиз комил.

2. «Amazon» бизни «Zappos» брендига ўзимизга хос маданиятимиз билан ўз тасаввуримиздаги мустакил компания сифатида таракқий этишимизни қўллаб-қувватлади.

3. Ҳакиқатда узокмуддатли деб ҳисоблайдиган акциядорларимиз ва ҳамкорларимиз билан баҳамжиҳатликни (худди «Zappos»даги каби), шунингдек, мавжуд акциядорлар ва инвесторларимиз манфаатларига мос келадиган ишларни килишни хоҳлаймиз.

Юкоридаги ҳар бир бандга алоҳида деталлар билан кўриб баён қиласман. Лекин аввал жуда кўпчиликда пайдо бўлиши тахмин қилинаётган уч асосий саволга тўхталиб ўтсам.

Уч долзарб савол

1. Ишинмда қоламанми?

Юкорида айтганимдек, «Zappos»ни мустакил компания сифатида бошқаришда давом этмоқчимиз. Юридик терминологияда «Zappos» «Amazon»нинг «эгалигидаги филиали» деб юритилади. Ишингиз бир ой аввалгидек қолади.

2. «Zappos»нинг корпоратив маданияти ўзгарадими?

«Zappos»даги корпоратив маданият ноёб ва доим ривожланиб, ўзгариб боради. Чунки ўзак қадриятларимиздан бири ҳам ўзгаришларга кучок очиш ва қўллаб-қувватлаш. Маданиятимизга

нима бўлса ҳам, ҳаммаси ўзимизга боғлик. Ҳудди аввалгидек биз ўз тақдиримизни ва маданиятимиз кандай ривожланишини назорат киламиш.

«Amazon»нинг бизга қизиқиш билдиришига асосий сабаб, улар бизнинг маданиятимиз, одамларимиз ва брендимизнинг қийматини тан олди. Улар биздан маданиятимиз ривожи ва тараккиётини давом эттиришимизни истайди (эҳтимол, маданиятимизнинг озгина қисми уларга ўтиб қолиши мумкин).

Биз ўзимиз сўрамасак, улар ўзлари келиб «Zappos»ни бошқаришга умид қилишаётгани йўқ. Улар кўп соҳаларда катта тажрибага эга. Шу сабабли уларнинг билим, тажриба ва ресурсларидан (айникса, технология соҳасидаги) самарали фойдаланиш имкониятидан ниҳоятда хурсандмиз. Бу «Zappos» бренди, маданияти ва бизнесини бугунгидан-да кучлироқ қилади.

3. Тони, Альфред ва Фред «Zappos»дан кетяптими?

Йўқ, биз кетмоқчи эмасмиз. Ишончимиз комилки, «Zappos» учун қилиш мумкин бўлган ишларнинг энг бошида турибмиз. Келажакда янги ҳамкоримиз «Amazon» билан бирга «Zappos» учун амалга ошириш мумкин бўлган ишлар борасида баҳтиёрмиз. Бугунги ишларимиз сабаби ҳам қисқа вактда кўпроқ нарсага эришишдир.

Хат сўнгига «Савол-жавоблар» деб номланган қўшимча бўлим киритилган. Шундай бўлса ҳам, юқоридаги ҳаммани қизиқтирган З та саволга биринчилардан бўлиб ойдинлик киритишни хоҳладим. Бу саволларга жавоб бергач, энди ушбу қароримизга сабаб бўлган воқеалар ҳакидаги фикримизни айтмоқчиман.

Аввало, кутилмаган эълон учун сиздан узр

сўрайман. Биласиз, ўзак қадриятларимиздан бири мулокотни очик ва самимий бунёд қилишdir ва агар мен шу йўлдан борганимда, «Amazon» билан кечеётган музокаралар ҳакида аввалроқ маълум қилган бўлардим, қарорларни қабул қилишда барча ходимлар қатнашиши мумкин бўларди. «Amazon»нинг хусусий компания эканлиги сабабидан, афсуски, кўпчилик ходимларимизга токи бугунга қадар бу ҳакида маълум қилишга йўл кўймайдиган кимматли қоғозлар бўйича конунлар мавжуд.

Кўп йиллардан бери «Amazon» билан дўстона муносабатда бўлиб келамиз. Бунга сабаб «Amazon»нинг «Zappos»га бўлган қизикиши ҳамда брендимизга нисбатан катта хурматидир.

Бир неча ой олдин улар бизга мурожаат қилиб, бизнесимиз, бренд ва маданиятимиз ривожини жадаллаштириш учун биз билан бирлашмокчи эканлигини маълум қилишди. Биздан «Zappos» брендини яратишни давом этишишимизни («Amazon»га қўшилиб кетишдан фаркли ўлароқ) хоҳлашларини айтганда, ҳамкорлик қандай бўлишини ўйлаб кўриш керак деган қарорга келдик.

Маълум бўлишича, улар ҳақиқатан ҳам «Zappos» бренди ва маданиятини куришда ўзимиз танлаган ноёб йўлда давом этишишимизни истар эди. Менимча, «ноёб» уларнинг тилида «қизикарли ва бироз ғалати» деб тушуниларди.

Ўтган ойлар давомида бир-биримизни яхшироқ билиб олдик. Иккала томон ҳам бир-бирининг кўмагидан фойдаланиш имкониятидан тобора кўпроқ мамнун бўлиб келди. Иккаламиз ҳам мижозларга ғоят эътиборли компаниялармиз. Мижозларни хурсанд

килишнинг турли усулларига йўналганмиз, холос. «Amazon» нархларни арzonлаштириш, танловни кенгайтириш ва куляйликлар ёрдамида мижозларини хурсанд килишга эътибор қаратади. «Zappos» эса бу ишни муносабатларни мустаҳкамлаш, якка ва норасмий алоқаларни йўлга кўйиш ҳамда мижозларга юқори даражада (ҳайратга соладиган) хизмат кўрсатиш орқали бажаради.

Бизнингча, «Zappos» бренди ва маданиятини аввалгидан тезроқ тараққий этишида «Amazon»нинг ресурслари, технология ва иш тажрибаси қўл келиши тайин эди. Бошқа томондан, музокаралар жараёнида «Amazon» ҳам бизнинг маданиятимиз «Zappos» хизматларини мижозларга етказадиган ажойиб платформа эканлигини англаб етди. Жефф Безос («Amazon» Бosh ижрочи директори) биздаги корпоратив маданиятга катта ҳурмат билан қарашини ҳамда «Amazon» уни ҳимоя килиш истагида эканлигини таъкидлади.

Кенгаш аъзоларидан бу имконият ҳакида қандай фикрда эканлигини сўрадик. «Sequoia Capital» вакили Михаил Мориц (инвестор ва Кенгаш аъзоларидан бири) жавобида куйидагини ёзди: «Энди сиз «Zappos» прогрессини жадаллаштириш ҳамда унинг номи, бренди ва у билан боғлиқ барча нарсаларни инсонлар ҳаётининг ажралмас бўлагига айлантириш имконига эга бўлдингиз... Энди ўз тасаввурларингизни кенгайтириб, бугунги оғирлашиб бораётган шароитда биз амалга оширолмаган вазифалар ва ташабbusлар борасида ўйлаб кўришингиз мумкин».

«Amazon»нинг энг ажойиб хусусиятларидан

бири шуки, у худди биз каби анча узокни күзлайди. Ҳамкорлар ёки инвесторларнинг бирдек узокни күзлаб ишлаши ноёб ҳодиса. Бу борада омадимиз чопди. «Amazon» ҳам, «Zappos» ҳам бир хил фалсафани илгари суришидан хурсанд бўлдик.

Айтганимдек, бу осон қарор эмас эди. Сўнгги бир неча ой ичида унинг барча ижобий ва салбий томонларини, шунингдек, кутилаётган фойда ва хатарларини ҳам ҳисобга олишга тўғри келди. Белгиланган куннинг охирига келиб, ушбу қарор акциядорларимиз манфаатларига ҳам мос келишини аниқладик. Ўзимизга иккита асосий саволни бериш билан ҳаммаси осенлашди:

1. Бу қарор сабабли «Zappos» брендни таракқиёти жадаллашишига ҳамда бош вазифамиз – баҳт улашиш қулайлашишига ишончимиз комилми?

2. Ноёб маданиятимизни ривожлантиришда мустақилликни сақлаб қола оламиزمи?

«Amazon» билан танишиб, ниятларини яхшироқ тушуниш учун жуда кўп вакт сарфлаганимиздан кейин ҳар икки саволнинг ҳам жавоби «ҲА» бўлиб чиқди.

«Zappos» брендни «Amazon»дан алоҳида бўлиб қолаверади. «Amazon»нинг кўплаб ресурсларига кириш имконига эга бўлсак-да, ҳар доимгидек ўз брендимиз ва маданиятимизни куришда давом этишимиз лозим. Бош вазифамиз аввалгидек қолади: Барча манфаатдор томонлар, шу жумладан, ходимлар, мижозлар ва таъминотчиларимизга баҳт улашиш (эслатиб ўтаман: Ҳар иккала компания ҳам ўз таъминотчилари билан муносабатларни ўзи ҳал қиласди).

Бу хақида батафсилроқ гаплашиш учун

яқында ҳамма билан учрашув ўтказамиз. Ушбу учрашувда ёки кейинги жүнатадиган хатимда имкон қадар күпрөк маълумот беришим учун барча саволларингизни электрон почтамга юборишингизни сўрайман.

Бугун асосий келишувга имзо чекдик. Аммо ҳали хукумат розилигини олиш ҳаракатидамиз. Шунинг учун бу битим амалда камида бир неча ой давомида ёпилмаслиги мумкин. Кимматли қофозлар ва биржалар комиссияси конуний равишда «сукут саклаш даври»да бўлишимизни талаб қиласди. Шу боис мижозлар, таъминотчилар ёки ОАВ вакиллари сизга битим билан боғлик савол берса, илтимос, «сукут саклаш даври»да лигимизни айтинг ва жавоб берманг. Уларга маҳсус очилган tree@zappos.com манзилини беринг. Уни Альфред иккимиз кузатиб турамиз.

Альфред иккимиз молия ва юридик бўлимимизга, шунингдек, «Morgan Stanley», «Fenwick & West» ва «PriceWaterhouseCoopers»даги маслаҳатчиларимизга миннатдорлик билдиримокчимиз. Улар музокаралар жараёнида бир неча ой тун-кун тинимсиз ишлади.

«Савол ва жавоб» қисмига ўтишдан олдин ушбу узундан-узоқ хатни ўкиш учун вақтини аямаган, шунингдек, бизни буғунги даражамизга етишда ёрдам бериб келган барчага раҳмат айтмоқчиман.

Бугун мен учун, шубҳасиз, ҳаяжонли кун. Мен бошдан кечираётган туйғулар, коллежда битирув кунимдаги ҳислар билан бир хил: Ўтмиш хотиралари билан аралашган келажак ҳақидаги ҳаяжон. Охирги 10 йил ақл бовар килмайдиган саёҳат бўлди. Кейинги 10 йил ичida

«Zappos» тараккиёти учун биргаликда амалга оширишимиз мүмкін бўлган ишлар борасида ниҳоятда хурсандман!

Тони Шей,

«Zappos.com» Бош ижрочи директори

С: Вегас ташқарисидаги бош офисимизни кенгайтиришда давом этамизми?

Ж: Ҳа! Илгаригидек, ҳар қайси бўлим учун муносиб истеъдодларни жалб қилишни давом эттириш баробарида Лас-Вегасдаги ишларимизни кенгайтиришни тўхтатмаймиз. Бирор бўлимни бошка жойга кўчириш режамиз йўқ. Буни «Amazon» ҳам хоҳламайди. Чунки улар айнан корпоратив маданияти билан «Zappos» брендни ажralиб туришини билишади.

С: Кентуккидаги омборимизга нима бўлади?

Ж: Кўпчиликнинг хабари бор, омборхонамиз учун Луисвиллдаги UPS марказига яқин жойни стратегик жиҳатдан танлаганмиз. «Amazon»нинг марказга якинроқ жойлашган бирорта омборхонаси йўқ. Улар баъзи асбоб-ускуналарини бизнинг омборга жойлашни хоҳлашлари мумкин ёки аксинча. Айни пайтда «Amazon» ҳам, «Zappos» ҳам мижозлар борасидаги энг яхши тажрибаларига таяниб, Кентукки штатидаги омборхонамиз ҳозирги ўрнида қолгани маъқул, деб ҳисоблайди.

С: Операцион самараадорликни ошириш учун ходимлар сонини қисқартирамизми?

Ж: Ҳозирча бундай режамиз йўқ. «Zappos» ҳам, «Amazon» ҳам дикқатини ривожланишга қаратган. Бу бизни ўсишга ёрдам бериш учун кўпроқ одамларни ишга ёллашимиз зарурлигини англаатади.

С: «Amazon»да чегирма оламизми?

Ж: Йўқ, чунки «Zappos»ни ўз маданиятимиз ва ўзак қадриятларимизга асосланган ҳолда алоҳида компания сифатида бошқаришда давом этмоқчимиз. Шунингдек, агар ўzlари хоҳлаб, шахсан мурожаат қилишмаса, «Ama-

zon» ходимларига ҳам ҳеч қандай «Zappos» чегирмаларини бермоқчи эмасмиз.

С: Даромадимиз ўзгарадими?

Ж: Йўқ, даромад пакетларимизга ўзгариш киритишни режаламаяпмиз (одатдаги иш тартибидан ташқари).

С: Ўзак қадриятларимизни сақлаб қоламизми?

Ж: Албатта! «Amazon» ҳам, биз ҳам ўз қадриятларимизда давом этамиз.

С: Ўкув/тўплам дастурлари ёки ривожланиш режалари ўзгарадими? Ривожланиш имкониятлари ҳали ҳам кўпми?

Ж: Ривожланиш ва тўплам дастурларини режаланганидек шакллантиришда давом этамиз. Бу комбинациянинг бутун мақсади тараққиётимизни тезлатишидир. Шунинг учун исталган бирида барча учун кўпроқ ривожланиш имкониятини кўриш мумкин.

С: Мижозлар учун алоҳида нарсалар қилишда давом этамизми? Ёки мижозларга хизмат кўрсатиш дастурларимиз ўзгарадими?

Ж: Буни ҳал қилиш илгаригидек бутунлай ўзимизга боғлиқ.

С: Жефф Безос («Amazon» бош ижроchi директори) ҳақида кўпроқ гапириб бероласизми? У қанақа инсон?

Ж: Жефф Безоснинг шахсияти ва фикраш тарзи ҳақида баъзи маълумотларни берувчи 8 дақиқалик видеони эътиборингизга ҳавола этмоқчимиз. Видеода у тадбиркор сифатида ўрганган билимлари ҳамда қилган хатолари ҳақида ўртоқлашади.

http://www.youtube.com/watch?v=-hxX_Q5CnaA

С: Мен бизнес/молия масалалари бўйича муҳбирман. Бизнес нашримизда чоп этишимиз учун банк ходимлари фойдаланадиган тилда гаплаша оласизми?

Ж: «Zappos» – онлайн пойабзал савдоси етакчиси. «Amazon» «Zappos»ни ноёб маданияти ҳамда ўз

тасдиғини топған рекордлари сабабли уни енгил саноат компаниялари етакчисига айланған жамоа деб хисоблайды. «Zappos»нинг мижозларга бўлган кучли эътибори «Amazon»нинг мижозларга энг яхши хизмат кўрсатувчи компания бўлиш истагини дастаклайди. Ажойиб бренд, кучли таъминотчилар, кенг танлов, йирик актив ва содик мижозлар базаси, «Amazon» «Zappos»ни ривожланаётган, даромадли ҳамда ижобий пул оқимига эга улкан бизнес деб билади. Пойабзал, кийим-кечак ва аксессуарлар соҳасидаги қўшма корхоналарнинг миқёси ҳамда траекториясини жадаллаштиради, технология, маркетинг ва халқаро миқёсга чиқиш мумкин бўлган муҳим синергик имкониятлар.

С: Сотиб олиш нархи қанча?

Ж: Бу пул билан ўлчанадиган битим эмас, акциялар алмашинувидир. Бизнинг акциядорларимиз ва шартнома эгалари 10 миллион атрофидаги «Amazon» акциялари билан тўлиқ конверсия асосида таъминланади. Битим шартлари тафсилотлари ҳамда акцияларнинг қандай тақсимланиши S-4 шаклида Қимматли қоғозлар ва биржалар комиссиясига топширилади. Сўнг оммага маълум қилинади.

С: Энди хукуқшуносга ўхшаб гаплаша оласизми?

Ж: Бу хат 2009 йил 22 июлда жўнатилди. Таклиф қилинган бирлашиш муносабати билан «Amazon.com» талаб/проспектлардан иборат S-4 шаклидаги рўйхатдан ўтиш тўғрисидаги аризани Қимматли қоғозлар ва биржа комиссиясига беради. «Zappos» акциядорлари ҳамда инвесторлар Қимматли қоғозлар ва биржа комиссиясига тақдим этилаётган келишув талаблари ва бирлашишга оид бошқа хужжатларни диққат билан ўқиб чиқишлиари керак. Чунки уларда «Amazon.com» ва «Zappos»нинг бирлашишига оид муҳим маълумотлар берилган. Келишув талаблари www.sec.gov ёки www.Zappos.com/ir’га жойлаштирилгандан кейин акциядорлар ва инвесторлар

уларни кўлга киритишлари мумкин бўлади.

Ушбу хатда келтирилган баъзи баёнотлар тарихий фактлар эмас ва уларда 1995 йилдаги Хусусий Қимматли Қоғозлар бўйича суд жараёнини ислоҳ қилиш тўғрисидаги қонун талаблари ҳисобга олинган. Маълум ва номаълум хавфлар, турли омилларга боғлиқ мавҳум келажакка оид баёнотлар бугунги тахминларни акс эттиради. Келажакдаги натижаларнинг кўзланган натижалардан сезиларли фарқланишига олиб келувчи омиллар «Amazon.com»нинг 8-К шаклидаги 2009 йил 22 июлдаги ҳисботида келтирилган.

Чамаси 20 дакиқа ўттач, барча ходимларга икки кундан кейин умумий йигилиш ўтказмоқчилигимиз ҳақида хабар берувчи навбатдаги хатни жўнатдим. Офисимиз якинидаги конференциялар марказида жойлашган бал залларидан бирини ижарага олдик. Кейин қизиқ бир ҳодиса юз берди. Эрта тонгда барча бўлимлар менежерларини чақирдик. Электрон хатимга оид исталган саволларга жавоб бериш учун ҳар бирининг жамоаси билан учрашмоқчи эдик. Ходимларимиз янгиликлардан хабар топгач, куннинг қолган қисмида ҳеч қандай самарадорлик бўлмаса керак, деб ўйлагандик.

Тахмин қилинганидек, дастлаб ходимлар янгиликдан ҳайратланишиди.

Кутилганидек уларда саволлар бор эди.

Лекин эълондан бир соат ўтмай, ходимларимиз яна ишга киришиб кетди, аввалгидек ўз ишларини давом эттирди. Савдо бўлимимиз таъминотчиларга қўнғироқ қилиш билан банд бўлса, бир қисмимиз матбуот сўровлари билан шуғулланардик. Бундан ташқари, кўпчилик одатдаги бизнесга қайтган эди. Мен мутлақо ҳайратда қолдим.

«Zappos»нинг «Amazon» таркибига қўшилиши ҳақидаги электрон хатимда берилган тафсилотлар ходимларни тушкунликка солишидан хавотирда эдим.

Бунинг ўрнига йўлакларда ходимларнинг «Amazon» ресурслари га киришимиз билан оқчиладиган имкониятлар ҳакида қанчалик ҳаяжон ва иштиёқ билан гаплашётганлари эшитилиб турарди.

Бунга гувоҳ бўлиш жуда ёқимли эди. Ходимларимиз ўзгаришларни қабул қилиш ва йўлда давом этиш борасида намуна кўрсатди, десам ҳам бўлади.

Ялпти учрашув

Хона лиқ тўла эди. Минбарда «Zappos»нинг етти юз ходимидан иборат оломонга қараб турардим. Мен билан саҳнада Альфред ва Фред, «Amazon»дан икки киши ҳам бор эди.

Ходимлар бўш ўриндикларни топиб жойлашар экан, хона оқшом мусиқаси билан тўлған эди. Ҳавода сузаётган шовқин ва ҳаяжонни ҳис қиласдим. Баъзи ходимлар пляж коптоқларини олиб келиб, уларни оломон ичига улоқтира бошлади. Худдики биз рок концертида рақс тушар эдик.

Йигилиш бошланишини эълон қилганимиздан сўнг, ҳамма хурсандчилик билан қарсак чала бошлади. Хонадаги кайфият кўтаринки эди.

Икки кун олдин мен юборган электрон хатдаги маълумотларнинг тафсилотларини сўзлашга бир соатча вакт сарфладик ҳамда ходимларимизнинг қўшимча саволларига жавоб бердик. Шунингдек, «Amazon» вакиллари ҳам баъзи саволларга жавоб берди.

«Кўпчилик мендан «Zappos»ни яна қайта куришга тўғри келганда, нимани бошқача қилган бўлардингиз, деб сўрайди, – дедим йигилганларга. – Ўзgartириш керак бўлган кўп нарса йўқ. «Zappos»ни куриш йўлида кўп хатолар қиласдик. Лекин бу хатолардан олган сабоқларимиз бизни кучлироқ қиласди. Мен фақат барча ишларни тезроқ амалга оширишни хохлардим.

Кейин бир жумла билан ҳаммасига хulosса ясадим: ««Amazon» билан бирлашиш оламга баҳт улашиш истагимизнинг тезроқ амалга ошишига имкон беради».

Альфред иккимиз ўз хисобимиздан «Amazon»нинг «Kindle» электрон китоб ўкиш қурилмасини сотиб олиб, ҳар бир ходимга совға килишимизни айтдик. Шундан кейин мавжуд ходимларнинг барчасига меҳнатсеварлиги учун миннатдорлик сифатида «Amazon» кўшимча бонус тўламоқчилигини эълон килдик.

Ҳеч кандай ундашларсиз, барча ходимлар беихтиёр йўниларидан сакраб турганча, кийкириклар билан қарсак чалиб юборди. Ҳатто кўпчилигининг юзидан баҳтиёрик кўз ёшлари оқаётганди. Бизга садоқатли кўплаб мижозларга буюртмаларини бир кечада етказиб, кутилмаган янгиликлар билан хурсанд қилганимиз каби ҳозиргина кутилмаган бонус билан ходимларимизни янада баҳтиёрик қилган эдик.

Мен учун ушбу бир лаҳза ўн йил олдин тасаввур қилганимдан ҳам кўпроқ муваффакиятни англатарди. Фақатгина «Kindle» ёки бонус борасида эмас. Улар шунчаки... бонуслар, холос.

Хонада жамланган энергия ва ҳиссиётлар тўлкини фақатгина менинг хурсандчилигим ёки «Zappos» ходимларининг баҳтиёрилиги сабабидан эмасди. Биз фойда ва завқдан ҳам кўпрогини ҳис қилаётгандик. Ана шу лаҳзада дунёни ўзгартиришга ёрдам берадиган биргалиқдаги сафаримизнинг навбатдаги босқичи бошланаётганини билар эдик.

Хоҳиш ва омад ёрдамида биз даромад, иштиёқ ва мақсадга олиб борувчи йўлни топган эдик.

Бахт улашиш йўлини топган эдик.

Хэллоуин қадаҳи

Битим расман тасдиқланишини бир неча ой кутдик. 31 октябрь, Тинч океани вақти билан 23:59 да «Amazon» билан шартнома тузиш расман якунланди. «Amazon»нинг бир кун олдинги акция нархларига асослансан, «Zappos» акциядорлари учун битимнинг умумий киймати \$1,2 миллиардни ташкил қилди.

Бу вактда мен Ҳиндистонда, Нью-Дехлида здим. Альфред, Фред ва мен ушбу воқеани нишонлаш учун конференц-қўнғироқ уюштиришни режаладик. «Zappos» анъанасига кўра, телефон орқали «Grey Goose» ароғидан бир қадаҳ кўтармокчи эдик.

«Нима учун қадаҳ кўтарамиз?» сўради Альфред.

Негадир хаёлимга «Ўйинчок киссаси» фильмидаги Бузз Лайтер келди.

«Чексизлик ва ундан нари учун», деб жавоб бердим.

Ҳаммамиз қадаҳ кўтардик. «Zappos» ва «Amazon» расман бир оила бўлган эди. Ниҳоят, санъат ва фан, юкори алоқа ва технология қувватларимизни бирлаштириш учун биргаликда ишлашни бошлаган эдик.

Бўлғуси имкониятлардан, биргаликда эришмоқчи бўлган ютукларимиздан ҳаяжонда эдик.

Бизни келажак кутаётганди.

«Ўтмишингиз қандай бўлишидан қатъи назар, сизда беғубор келажак бор».

- Жомаълум мұаллиф

2010 йил, январь ойида «Fortune» журналининг «Ишлаш учун энг яхши компаниялар» йиллик рейтингидан «Zappos» 8 поғонага кўтарилиб, 15-уринни эгаллади.

СҮНГГИ ЎЙИН

Бахт улашиш

Ҳозирча ушбу китоб мен, «Zappos» ва ўрганган сабокларимизнинг баъзилари ҳакида бўлди.

Шунча вақт давомида сиз китобнинг пассив ўкувчиси бўлиб келдингиз.

Сўнгги саҳифаларга якинлашар эканмиз, сиздан ушбу саволга жавобингиз ҳакида ўйлаб кўришингизни истардим:

«Ҳаётдаги мақсадингиз нима?»

Бу саволга турли одамлардан турлича жавоб оламан. Баъзилар компания очиш истагини айтади. Бошқалар эса ўз жуфтини топишни. Баъзи инсонлар соғлик хоҳлайман, деб жавоб беради.

Жавобингиз қандайлигидан катъи назар, навбатдаги саволга ҳам жавоб ўйлашингизни истардим:

«Нима учун?»

Аввалги жавобларига қараб одамлар эртароқ нафакага чикишни, севимли инсонларини топиш ёки тезроқ югуришни хоҳлаймиз, дейиши мумкин.

Аввалги саволга қандай жавоб берсангиз ҳам, ўзингиздан «Нима учун?» деб яна бир бор сўрашингизни хоҳлардим.

Одамларнинг навбатдаги жавоблари оиласи билан

күпроқ вакт ўтказиш учун, турмуш куриш учун ёки марафон ўтказиш учун кабилида бўлиши мумкин.

Кизикарли томони, агар ўзингизга «Нима учун?» деган саволни етарлича берсангиз, кўпчилик килаётган ишларининг сабабини излаганда оладиган жавоблари билан бир хил жавоб топасиз: Одамлар интилган нарсаларига эришиш уларни янада баҳтлироқ килишига ишонадилар.

Охир-оқибат ҳаммамиз бир хил максад учун ҳар хил йўллардан кетаётганимиз маълум бўлади: Баҳт.

ҲАЁТДАГИ МАҚСАДИНГИЗ НИМА?



Компания юргизиш

Нима учун?

Нафакага вактли
чикиш

Нима учун?
Оила билан
вакт ўтказиш

Яхши иш топиш

Нима учун?

Пул топиш

Нима учун?
Уй сотиб олиш

Жуфт топиш

Нима учун?

Севимли инсонга
эга бўлиш

Нима учун?
Турмуш куриш

Софлом бўлиш

Нима учун?

Тезрок югуриш
Марафон
ўтказиш

Нима учун баҳт?

2007 йилда баҳт ҳақидаги илмларни ўрганишга кўпроқ қизика бошладим. Бу кўтаринкилик психологияси деб номланувчи нисбатан янги тадқиқот соҳаси эканлигини билиб олдим. 1998 йилгача психологлар рухиятида муаммоси бор одамларни нормал ҳолатга қайтаришга уриниб келишарди. Аммо кўпчилик психолог ҳамда тадқиқотчилар оддий одамларни нима баҳтлироқ килиши ҳақида ўйлаб кўришмаган.

Мен баҳтга оид илмлар ҳақида ёзилган китоблар ва мақолаларни, жумладан, «*Баҳт гипотезаси*» ва

«Бахтироқ» кабиларни ўкий бошладим. Дастреб бу «Zappos»га хеч қандай алокаси бўлмаган шунчаки шахсий қизикиш, эрмагим эди.

Бир куни тўсатдан унинг «Zappos»га бутунлай алокадор эканлигини тушуниб етдим (афтидан, ҳаммаси равшан эди, аммо буни тушунишим учун менга бир йилдан кўпроқ вакт керак бўлди).

«Zappos» маҳсулотларини очаётганда мижозларимиз уларни «Кутидаги баҳт» деб ўйлашларини доим айтишган. Мижозларнинг бекам-кўст пойабзал, кийим-кечакларни қабул қилгандаги хурсандлиги ёки бизнинг ҳайрон қолдирадиган янгиликларимиздан тортиб, буюртмаларни бир кечада етказиб беришимиздан мамнунлик, колл-марказимиздан ким биландир сұхбатлашганда, ўз қадриятларига мос келадиган маданиятнинг бир кисми бўлишдан баҳтиёrlиги – буларнинг барчасини боғлайдиган восита баҳт.

2009 йилда ўз максад ва қарашларимизни яна бир оддий баёнот билан кенгайтиридик:

«Zappos» дунёга баҳт улашиши керак.

«Zappos» бренді эволюциясига назар ташлаш йиллар давомида қизиқ бўлиб келган:

1999 йил – пойабзалларнинг энг катта ассортименти.

2003 йил – мижозларга хизмат кўрсатиш.

2005 йил – корпоратив маданият ҳамда ўзак қадриятлар платформа сифатида.

2007 йил – мижоз билан яқин алоқа.

2009 йил – баҳт улашиш.

Фикримча, баҳт хақидаги билимларни кўпроқ ўрганиш бежиз кетмайди. Чунки бу билимлар бизнесимизни бошқаришда қўл келиши мумкин. Мижозлар ва ходимларни баҳтиёр килиш ортидаги асл сабабларни билиб олишимиз мумкин. Бугун, ҳаттоқи, ходимларимизга «Баҳт илми» машғулотини таклиф

килишимиз мүмкін.

Бу соҳани қанчалик күп ўрганғаним сари, маълум бўлдики, тадқиқотларнинг изчил натижаларига кўра, одамлар ҳақиқатан баҳт келтирадиган нарсалар ҳақида олдиндан башорат қилишда кўп янглишади. Кўпчилик ҳаёти давомида шундай ўйлади: ...га эга бўлсан, баҳтли бўламан ёки ...га эришисан, баҳтли бўламан.

Тадқиқотлар кўрсатишича, аслида улар ўйлаган баҳт кўлга киргач, жуда тез ўз рангини йўқотади. Масалан, лотерея ғолибларининг ютуқдан бироз аввалги ҳамда бир йил кейинги баҳтиёрлик даражалари бир неча марта ўрганилган. Барча ўрганишлар бир нарсани кўрсатди: Инсоннинг баҳтиёрлик даражаси аввал қандай бўлса, яна ўшангага қайтиб қолади.

Мен учун бу ходисани ўрганиш ниҳоятда қизик. Кўпчилик учун ҳаётдаги мақсадлари нима бўлишидан қатъи назар, пул топишми, оила қуришми, ҳеч бири ҳақиқий баҳтни келтирмайди. Шунга қарамай, кўп одамлар бутун ҳаётини уларни баҳтли қилиши мүмкін, деб ўйлаган нарсалар ортидан кувиб, ўтказиб юборади.

Ўзингизга беришингиз керак бўлган савол шуки, сиз баҳт келтиради, деб ўйладиган нарсалар ҳақиқатдан сизни баҳтли киладими?

Агар асосий мақсад баҳт бўлса, унда баҳт ҳақида ўрганиб, кўпроқ билим олиш фойдали эмасми? Ахир, тадқиқотлар хulosаларини ўз ҳаётингизда кўллашингиз мүмкін-ку.

Илмий изланишларга асосланган билимларни бироз эгаллаш билан қанчалик баҳтиёр бўлишингиз мүмкін?

Бу билимларни компаниянгизда кўлласангиз, мижозларингиз ва ходимларингиз қанчалик хурсанд бўлади? Бунинг натижасида бизнесингиз қай даражада мустаҳкам бўлар эди?

2006 йил илк марта марафонда юргурганман. Ўша вақтгача умримда бир милдан ортиқ югурмагандим.

Килиманджарога күтарилиганим каби буни ҳам қилишим керак эди. Марафонга қандай тайёргарлик кўриш ҳакида хеч нарса билмас эдим. Шунинг учун бу хақдаги мақола ва китобларни ўқий бошладим.

Маълум бўлдики, югуриш ва марафонга тайёргарлик борасида кўплаб тадқикотлар ўтказилган экан. Аввалига марафонда энг яхши натижага эришиш учун бир неча ой давомида ҳар куни югуриш керак, деб ўйлаб юрардим, аммо бундай бўлиб чикмади.

Аслида, машқ қилишнинг энг яхши усули – ҳақиқий марафондагига қараганда секинроқ тезликда югуриш экан. Бош қоида – бемалол узок сухбат қилса бўладиган нафас билан секин югуришдир. Биринчи марта синаб кўрганимда бу анча ноқулай туйилган эди. Ҳозир ушбу машқ стратегияси марафон югурувчилар орасида кенг қабул қилинади, аммо бу бизга ғалати кўриниши мумкин.

Худди қандай югуришни инстинктив тарзда билганимиз каби бизни баҳтли қиласидиган нарсаларни ҳам ўзимиз биламиз, деб ўйлаймиз. Лекин тадқикотлар кўрсатишича, agar ички инстинктга қаршидек туйиладиган усулларда машқ қилсангиз, марафонда жуда яхши натижага кўрсатишингиз мумкин. Худди шу каби баҳт борасида олиб борилган изланишлар холосасига кўра, сизни ҳақиқатан баҳтли қиласидиган нарсалар дастлаб баҳт келтирмайдигандек туйилади. Ёки бунинг тескариси ҳам бўлиши мумкин. Сиз баҳтли қиласиди, деб ҳисоблайдиган нарсаларнинг умри жуда кисқа бўлади.

Баҳт соҳасида мутахассислик қилишга даъво килмайман. Ҳақиқатан қизиқарли мавзу бўлгани учун бу борадаги китоблар ва мақолаларни ўқиб-ўрганяпман, холос. Шу сабабли ўз фикрларимни шакллантиришда ниҳоятда фойдали бўлган айrim мулоҳазалар ҳакида кисқача гапириб бермоқчиман. Ўз баҳтиёрлик даражангизни ошириш учун ушбу формулаларни ўзингиз ўқиб чиқишингиз мақсадга мувофиқ бўлар эди.

БАХТ ФОРМУЛАСИ-1

Бахт аслида тўрт нарсага боғлик:

Англантган назорат, англантган ривожланиш, алоқалар (муносабатларингизнинг сони ва чукурлиги) ва мақсад/маъно (ўзингиздан каттароқ нарсанинг бир қисми бўлиш).

Бу формуланинг қизиқарли жиҳати шундаки, ушбу концепцияларни ўз бизнесингизда ҳам қўллашингиз мумкин.

Англантган назорат

Колл-марказимиз ишчиларининг маошини йилда бир марта ошириб берардик, аммо улар буни ўзлари ҳал қила олмасди. Кейинчалик бунинг ўрнига «маҳорат тўпламлари» тизимини жорий қилишга қарор қилдик. Бизда ҳар бири муносиб маош билан тақдирланадиган йигирмага яқин турли хил маҳорат тўпламлари мавжуд. Ҳар бир маҳорат тўплами бўйича ўқиш ходимларнинг ўзларига ҳавола. Агар кимdir бирорта тўпламни танламаса, унинг маоши ўзгармай қолаверади. Агар бирор ким йигирма маҳорат тўпламининг барчасини эгаллашни хоҳласа, унга ўқиш суръатини ўзи белгилашига имкон берамиз. Шундай қилиб, колл-марказимиз вакиллари ўз маошлари қандай бўлиши ва нималарни ўрганиши ўзига боғлик бўлишига эришдик.

Англантган ривожланиш

«Zappos»даги савдо бўлимимизда ўн саккиз ой ишлагач, ходимларни савдо асистенти лавозимидан асистент харидор даражасигача кўтариб келганмиз (юқорилаш учун талабларга жавоб беришади, деб тахмин қилганмиз). Кейинчалик савдо ходимларини ҳар олти ойда кичикроқ лавозимларга кўтариб боришга қарор қилдик. Биргаликда улар аввалги бир марталик лавозим кўтарилишига тенг бўлади. Ўн саккиз ой (учта олти ойлик кичик лавозимлар)дан кейин, якуний натижага қўра, лавозимни ошириш тартиби, машғулотларда қатнашиш, сертификат олиш ва ҳақ тўланиш шакли худди аввалгидек

колган эди. Шу билан улар ўзларини давомий күтарилиб, ўсиб бораётгандек ҳис килар, бу эса уларга баҳтиёрлик хиссини берарди.

Алоқа

Тадқиқотлар кўрсатишича, иш билан машғул ходимларнинг самарадорлиги юкорироқ бўлади. Бирор ходимнинг ишда орттирадиган яхши дўстларининг сони унинг қанчалик иш билан банд бўлишига боғлик экан. «Бахт гипотезаси» китобида муаллиф баҳт аввало ичда эмас, балки ўргада туғилади, деб хулоса қиласи. «Заррос»нинг корпоратив маданиятига жуда катта эътибор беришимизнинг сабаби ҳам мана шу.

Мақсад/Маъно

Ҳар иккала «Яхшидан буюкка» ва «Қабила етакчилиги» китобларида факат пул, фойда ёки бозорда биринчи ракамли бўлиш эмас, балки компаниянинг ўз олдига олийроқ мақсад кўйиши яхши компанияни буюк компаниядан ажратиб турувчи асосий белги экани таъкидланади.

БАХТ ФОРМУЛАСИ-2

Чип Конлининг «Чўққи» китобида Маслоу иерархиясини қандай қилиб бизнес мақсадлар учун учта даражага ажратиш ва уларни мижозлар, ходимлар ва инвесторларга татбиқ қилиш яхши кўрсатиб берилган. Инсон эҳтиёжларининг Маслоу иерархияси асосидаги гоя шуки, инсоннинг ҳаёт кечириш учун зарур эҳтиёжлари (озик-овқат, хавфсизлик, бошпана, сув ва ҳоказо) қондирилгач, уни ижтимоий мавқе, муваффақият ва ижод каби бошқа номоддий эҳтиёжлар қизиқтира бошлайди.

Харидорлар: Эҳтиёжини қондириш – Хохишини қондириш – Англанмаган эҳтиёжларни қондириш.

Ходимлар: Пул – Тан олиниш – Маъно.

Инвесторлар: Савдо келишуви – Муносабат келишуви – Мерос.

Кўп компания ва менежерлар ходимларга кўпроқ пул бериш уларни баҳтиёр қиласи, деб ишонишади. Бирок аксарият сўровномалар шуни кўрсатадики, одамларнинг асосий эҳтиёжлари кондирилгач, баъзи номоддий нарсалар, жумладан, бошлиқ билан муносабатларнинг даражаси ҳамда касбий ўсиш имкониятлари каби заруратлар рўйхатида пул анча куйи ўринни эгаллайди.

«Zappos»да мижозлар иерархиясига бир мисол қилиб кўйидагини келтириш мумкин:

Буюртма қилинган маҳсулотни қабул қилиш (жорий эҳтиёжнинг қониши).

Бепул етказиб бериш (истакнинг қониши).

Бир кечада етказиб бериш билан кутилмаган сюрприз (англанмаган эҳтиёжнинг қониши).

МАСЛОУ ИЕРАРХИЯСИ

• ЎЗ-ЎЗИНИ РҮЁБГА ЧИҚАРИШ: *Хоҳишиларни рўёбга чиқариш, ўз-ўзини таъминлаш, ижодкорлик, ахлоқ, аслият, фактларни қабул қилиш.*

• ЎЗ-ЎЗИНИ ҚАДРЛАШ: *Ютуқ, мақом, масъулият.*

• СЕВГИ/БОҒЛИҚЛИК: *Оила, муносабатлар, оила/дўстлар.*

• ХАВФСИЗЛИК: *Бошпана, хавфсизлик, ҳимоя, касбий хавфсизлик, бандлик, барқарорлик.*

• ФИЗИОЛОГИК: *Озиқ-овқат, ҳаво, ҳордиқ, сув, уйқу, жинсий алоқа.*

**БАХТНИНГ З ТУРИ:
РОҲАТЛАНИШ, ИШТИЁҚ
ВА ОЛИЙ МАҚСАД
МАМНУНИЯТ**

Роҳатланиш

Бахтнинг роҳатланиш тури ҳамиша юқорига интилиш билан боғлиқ. Мен бу турни бахтнинг «Рок юлдуз» деб аташни яхши кўраман. Чунки доимий равишда илҳомланиб туриш жуда ажойиб-ку! Лекин сиз рок юлдузининг ҳаёт тарзида яшамас экансиз, уни саклаб туриш жуда қийин. Бахтнинг уч туридан энг умри кискаси мана шу эканлиги тадқиқотларда аникланган. Илҳом манбаи тугаши билан инсонларнинг баҳтиёрлик даражаси ҳам тезда тушиб кетади.

Иштиёқ

Бахтнинг ушбу тури оқим деб ҳам аталади. Бунда сифатли ишлаш ишга муқкасидан кетиш билан қўшилиб кетади, вакт ўтгани сезилмай қолади. Тадқиқотлар бахтнинг З та туридан иккинчи узоқ давом этадигани деб ушбу турни кўрсатади. Профессионал атлетлар баъзида бу ҳолатни «зонада бўлиш» деб атайди.

Олий мақсад

Бахтнинг олий мақсад тури – бу ўзингиз учун маъноли бўлган катта бир нарсанинг бир бўлагига айланишини билдиради. Тадқиқотлар кўрсатишича, бахтнинг

учта туридан энг узок давом этадигани олий мақсад хисобланади. Менга қизиқ жиҳат шуки, кўп одамлар хаёти давомида бахтнинг роҳатланиш тури ортидан қувиб, унга эриша оламан, деб ўйлайди, кейин эса иштиёқнинг ташвишини қиласилар. Агар унга ҳам эришсалар, шундан кейингина ўзларининг олий мақсадларини қидириб колишади.

БАХТНИНГ УЧ ТУРИ



Олий мақсад

Ўзингиздан каттарок бирор
ниманинг бўлаги бўлиш

Иштиёқ

Оқим ва машғулот
Вакт ўтгани сезилмайди

Роҳат

Рок юлдузи
Юқорироққа интилиш



Аммо тадқиқот натижаларига асослансанак, аввало олий мақсадни аниклаб олиш ва унга эришиш тўғри стратегия хисобланади (чунки ана шу энг узок муддатлидир). Кейинги поғонага иштиёқни, ундан кейин эса бахтнинг роҳатланиш турини қўйиш лозим.

Бахт геометрик фрактал сифатида

“Miriam-Webster”га кўра фрактал бу ҳар қандай нотўғри эгри чизик ёки шакллардир, улар учун ихтиёрий ҳар қандай қисм катталаштирилган ёки бир хил ҳажмга туширилганда берилган катта ёки кичик қисм билан айни бир шаклда бўлади. Мана бу ана шундай фракталларга бир мисолдир:



Фракталларнинг хусусиятларидан бири шуки, агар сиз катталаштирсангиз ёки кичиклаштирсангиз ҳам, расм бир хил ёки жуда ўхшаш кўринаверади. Википедияга кўра, кўпгина табиий объектлар фрактал хусусиятга эга. Буларга мисол қилиб, булутлар, тоғ тизмалари, чақмоқлар, қирғоқ бўйлари, кор парчалари, турли сабзавотлар (гулкарам ва брокколи) ҳамда ҳайвонларнинг тусланиш шаклларини кўрсатиш мумкин.

Ўйлашимча, одамларни нима баҳтли қилиши (роҳат, иштиёқ, мақсад) борасидаги тадқиқот натижалари ҳамда нима компанияни яшовчан буюк компанияга айлантириши (фойда, иштиёқ, мақсад) борасидаги тадқиқот натижалари ўргасидаги ўхшашлик мен кўрган фракталлар ичida энг ажойибидир.

ULKAN BIZNES VA UULKAN BAXTNI TAQQOSLASH



Бир қарашда, геометрик фракталлар вужудга келтирган шакллар чексиз мураккабдек кўринади, аммо улар жуда оддий математик формулалар асосида юзага келади.

Шунга ўхшаб, яшовчан буюк компанияни ташкил этиш ҳам дастлаб жуда оғир вазифа бўлиб туйилиши мумкин. Лекин баҳтдан асос принцип сифатида фойдаланиш тўғри йўлга тушишингизга ёрдам беради.

*

Китоб ёзиш менинг қилмоқчи бўлган ишларим рўйхатидан ўрин олган бўлса ҳам, бу китоб факат шу рўйхатга галочка қўйиш учун ёзилмаган.

Шунингдек, бу китоб «Zappos» ходимларига кўлланма бўлиб хизмат қилса ҳам (эҳтимол, харидорларимиз сонини оширас), у факат «Zappos» фойдасини кўзлаб ёзилмаган.

Китобни бошка бир сабабга кўра ёзишни хоҳладим: Баҳтга ургу бериб, дунёни янада яхшироқ қилишга ҳисса кўшиш.

Умид қиласанки, ушбу китоб орқали мен шахсан ўрганган ҳамда «Zappos»да жамоавий олган сабокларимиздан бошқа бизнес компаниялар нимадир олиб, доимий қилаётган ишларига татбиқ этишади, тадбиркорлар ўз бизнес моделларининг асоси қилиб баҳтни танлайди ва янги компаниялар ташкил этишга илҳомланади. Умид қиласанки, янада кўпроқ компаниялар ўз бизнесларини яхшироқ қилиш, мижозлар ва ходимларни хушбаҳт қилиш учун баҳт борасидаги илмий изланишлардан фойдалана бошлайди.

Бу китоб сизга, сиз орқали кўплаб инсонларга баҳт олиб келишига умид қиласан.

Ҳар бир инсоннинг бош мақсади баҳт экан, агар дунёни ўзгартира олсак, ҳар ким ва ҳар бир бизнес шундай мақсад ва тарзда фикрлашига эриша олсак, шу эмасми олий мақсад?

Мен ҳамма саволларга жавоб берса олмайман. Лекин, умид қиласанки, сизни ўзингизга тўғри саволлар беришга ундаи олдим.

Ўз баҳтингизни мукаммаллаштириш учун ҳар куни ишляпсизми?

Дунёдаги умумий баҳтга сизнинг бу дунёда мавжудлигинги қанчалик хисса қўшади?

Қадриятларингиз қандай?

Иштиёқингиз нималарга қаратилган?

Сизни нима илҳомлантиради?

Ҳаётдаги мақсадингиз нима?

Компаниянгизнинг қадриятлари нималардан иборат?

Олий мақсадингиз нима?

Мақсадинг билан юрсанг,
тақдиринг билан тўқнашасан.

- *Дертоис Йерри*

*

Умид қиласанки, бу китобни ўқиш сизни, мижозларингизни баҳтли қилишга (яхшироқ хизмат кўрсатиш орқали), ёки ходимларингизни баҳтли қилишга (корпоратив маданиятга эътибор бериш билан) ёки ўзингизни баҳтли қилишга (баҳт ҳақидаги билимларни кўпроқ ўрганиш билан) илҳомлантиради.

Агар ушбу китоб юқорида айтилганларидан бирортасини бажаришга ундаған бўлса, «Zappos»нинг ва ўзимнинг олий мақсадимга эришиш учун муҳим қадам кўйган бўламан: *Дунёга баҳт улашиш.*

ХОТИМА

Сиз ҳам қўшилинг

Бирор ишга қўл уришдан аввал ўзимдан қуидагиларни сўрашга ҳаракат қиласман: *Агар дунёдаги ҳамма бир хил ишиласа нима бўлар эди? Дунё қанақа бўлар эди? Дунёдаги умумий баҳтга қанчалик таъсир қилар эди?*

Бундай фикрий тажриба «Zappos»даги ишларимизни бошқалар билан баҳам кўриш керак ёки керакмаслиги, буюртмамни тасодифан нотўғри олган официантдан хафа бўлиш керак ёки керакмаслиги, анча олисроқда келаётган бегона одамга эшикни очиб туриш керак ёки керакмаслиги ҳақида ўйлагандা доим қўл келган. Айни шу саволлар ҳеч нарса қилмаслик оддий танлов бўлган шароитда ҳам, нимани аслида қилмаслик кераклигини аниқлашда ҳам жуда муҳим. Ушбу китобдаги ғоялар шу ерда тугаши мумкин. Китобни ёпиб, ҳаётингизни аввалгидек давом эттиришингиз ҳам мумкин. Ёки дунёни янада яхшироқ ва баҳтлироқ қилишга ёрдам берадиган ҳаракатнинг бир қисми бўлишингиз мумкин. Танлов ўз қўлингизда.

Онлайн саҳифамизга ташриф буюринг: www.deliveringhappinessbook.com/jointhemovement Ҳаракатнинг бир бўлагига айланиш учун янада нималар қилиш мумкинлигини билиб олинг.

Биргаликда дунёни ўзгартира оламиз.

*

Биргина шам билан яна минглаб шамларни ёкиш мүмкін, бу билан шамнинг умри қисқармайды.

Бахт ҳам улашган билан камайиб қолмайды.

- *Будда*

Амал қилиш учун қайдлар

«Ҳаёт ўзингни топиш эмас, ўзингни яратишдан иборат».

Жорж Бернард Шоу

«Кимнингдир мақтовига эътибор бермасдан бирор ишни якунлай олиш – жуда ажойиб».

Гарри Трумэн

«Ўзимизни хоҳ ғамгин, хоҳ кучли қилайлик – ишимиз микдори бир хил».

Карлос Кастанеда

«Биздан олдинда ёки кейинда нимаики мавжуд бўлмасин, улар бизнинг ичимиздаги нарсалар олдида жуда майда».

Ральф Вальдо Эмерсон

ИЛОВА

ОНЛАЙН РЕСУРСЛАР

- Ушбу китоб учун веб-сайт:

<http://www.deliveringhappinessbook.com>

- Китобга киритилмаган кўшимча ҳикоялар:

<http://www.deliveringhappinessbook.com/stories>

- Китоблар тавсияси:

<http://www.deliveringhappinessbook.com/books>

- «Zappos»нинг ўзак қадриятлари:

<http://www.deliveringhappinessbook.com/zappos-core-values>

- Ташкилотингиз учун ўзак қадриятлар яратиш ҳақида:

<http://www.deliveringhappinessbook.com/core-values>

- «Twitter» сизни қандай қилиб яхшироқ ва баҳтлироқ қилиши мумкин»

<http://www.deliveringhappinessbook.com/twitter-better>

- Мени «Twitter»да кузатиб боринг (@zappos):

<http://twitter.com/zappos>

- «Zappos»нинг оммавий эслатмалари ҳамда ходимларимизнинг қайдлари:

<http://twitter.zappos.com>

- «Zappos» маданияти ҳақида фотосурат ва видеолари:

<http://blogs.zappos.com>

- «Zappos» ҳақида кўпроқ маълумот:

<http://about.zappos.com>

- Бизнес ва тадбиркорлик учун «Zappos Insights» видео обуна хизматлари:

<http://www.zapposinsights.com>

- «Zappos»да ишлаш имкониятлари:

<http://jobs.zappos.com>

- Маданият китоби (илтимос, ишлаб турган почта манзилингизни киритинг):

ceo@zappos.com

- Лас-Вегасдаги «Zappos» бош биносига саёҳат:

<http://tours.zappos.com>

МУНДАРИЖА

1

Фойда излаб	12
Баъзан ютасиз, базан ютқазасиз	42
Диверсификация	70

2

Үрнингизга дикқат қилинг	112
Ўсиш замини: бренд, корпоратив, маданият, таклиф тизими	156

3

Компанияни кейинги босқичга олиб чиқиш	252
Сўнгги ўйин	280
Бахтнинг 3 тури	288

БАХТ ЕТКАЗИШ

Тони Шей

Таржимонлар:

Ҳикматжон Толибжонов, Сурайё Мажидова, Шухрат
Алиқўзиев, Жасурбек Тўлкинов

Муҳаррир: Ҳ. Йўлдошев

Мусаҳҳиҳ: Г. Қодирова

Рассом ва

саҳифаловчи: А. Умарова

Ушбу китобнинг муаллифлик хуқуки “Asaxiy Books” лойиҳасига тегишли бўлиб, “Asaxiy Books” руҳсатисиз китобни электрон, аудио, видео ёки бошқа ҳар қандай шаклда тарқатиш Ўзбекистон Республикаси қонунларига биноан тақиқланади.

Нашириёт лицензияси AI №, санаси: .

Босишга да руҳсат этилди. Бичими 84x108/32. Офсет қозоги.
Офсет босма. Times New Roman гарнитураси. Шартли босма
табори 10.08. Босма табори 6. Адади 1000 нусха.

“Offset print” МЧЖ босмахонасида босилди.

Босмахона ва нашириёт манзили:

Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Ўнқўрғон кўчаси, 4-уй.

ҚАЙДЛАР УЧУН